



Қ. ЙЎЛДОШЕВ, В. ҚОДИРОВ,
Б. ЁРҚИНОВА,
Ж. ЙЎЛДОШБЕКОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



6

Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Герби



Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Желеги



Кыргыз Республикасынын Мамлекеттик Гимни

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кудуевдики.

Обону: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Алатоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма:

Алгалай бер кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер.
Өз тагдырың колуңда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап, урпактарга берели.

Кайырма.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ, В. ҚОДИРОВ, Б. ЁРҚИНОВА,
Ж. ЙЎЛДОШБЕКОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

6-СИНФ УЧУН

ДАРСЛИК-МАЖМУА

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

БИШКЕК 2008

УДК 373.167.1
ББК 83.3Уз. я 721
У 34

Мазкур дарслик Қирғиз-Ўзбек университети тасарруфидаги "Дарсликлар яратиш маркази" томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри
Г.Айтиева, 27.

Масъул муҳаррир С. Холтўраев

У 34 Ўзбек адабиёти. 6-синф учун./ Қ. Йўлдошев, В. Қодиров, Б. Ёркинова, Ж. Йўлдошбеков. -Б.: «Учкун», 2008 - 332-б.

ISBN 978-9967-428-63-8

У 4306020400-08

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз. я 721

ISBN 978-9967-428-63-8

© Қ. Йўлдошев, В. Қодиров,
Б. Ёркинова, Ж. Йўлдошбеков, 2008
© ҚР Билим берүү жана илим министрлиги, 2008

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

Азиз, ўқувчи! Сиз ҳозирча катта одам бўлганингиз йўқ, лекин ёш бола ҳам эмассиз. Сиз олам ва одамлар тўғрисида фикрлашга ўрганиб бораётирсиз, шу боис ҳаёт муаммоларини ҳал этиш, келажагини ўтмиши қадар юксак қилмоқчи бўлаётган халқимиз тақдири ҳақида тобора кўпроқ ўйлаётирсиз. Чунки ҳазрати Алишер Навоий сизнинг укаларингиздай вақтида мазмуни чуқурлигидан катталарни ҳам ўйлантириб қўядиган «Мантиқ ут-тайр» китобини тўлиқ ёдлаб олиб мағзини чаққан, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиздан ёшроқлигида тарқоқ Туркистонни бирлаштириш, уни инсоф ва адолат билан идора қилиш, элу юртнинг ҳаётини яхшилаш учун курашга тутинган эди. Улардан анча асрлар олдин яшаган Фарғоний, Бухорий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино сингари кўплаб заковатли олимлар оламшумул кашфиётлари билан туркий халқлар шуҳратини дунёга ёйганлар. Улар буюклик сари дастлабки қадамларини айна сиздай пайтида қўйган эдилар. Чунки эртанинг пойдевори бугун қўйилади. Ёшлигида тиришқоқ, интилувчан бўлмаган киши умрининг кейинги босқичларида ҳам яхши натижаларга эриша олмайди.

Агар буюк боболаримизнинг ҳаёт йўлирига синчиклаб назар солинса, ана шу улўф зотларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган битта ажойиб хислатни пайқаш мумкин. Бу буюк хислат китоб билан сирдошлик, у билан тиллаша олиш бахтидир. Китобга меҳр қўйган, у билан сирлаша оладиган одамгина дунёнинг кўздан яширин жиҳатларидан, оламнинг мураккаблигидан хабардор бўлади, ҳаётнинг беқиёс гўзаллигидан баҳраманд бўла олади. Китобларга ошно бўлиб, бадий адабиётга меҳр қўйган бундай одамни дунёда яшаган ва яшаётган бошқа кишиларнинг ҳаётига ҳам бефарқ қарамайдиган комил шахс дейиш мумкин. Чунки бадий адабиётга чинакам меҳр қўйган, китоб ўқишни ҳаётининг эҳтиёжига

айлантирган киши ўзидан бошқа одамларнинг туйғуларини ҳис этадиган, ўйларини тушунадиган бўлади. Шахсни ана шундай одамий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ҳар бирингизда бадий адабиётга ошно бўлиш имконияти бор.

Адабиёт арабча сўз бўлиб, одоблар йиғиндиси, бошқача айтганда, одоблар хазинаси деган маънони билдиради. Одоб эса маънавият аталмиш тушунчанинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун бадий адабиётни **маънавият хазинаси** дейиш ҳам мумкин. Агар бугунги кунда халқимиз орасидан жаҳонга машҳур алломалар, доврўғи оламни тутган ижодкорлар чиқмаётган бўлса, бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида ёшларнинг кам китоб ўқиётганлигини, маънавият хазинасининг бойликларидан етарлича баҳраманд бўлмаётганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки оламдаги барча буюк ишлар биринчи галда маънавиятдан бошланади. Маънавиятнинг асл ўзагини эса, айтилганидек, одоб ташкил этади. Дунёдаги барча ёмонликлар, аввало, одобсизлик туфайли содир бўлади.

Етук маънавият, яхши одоб инсонни ҳам гўзал ҳаёт, ҳам тўкин дастурхон, ҳам мусаффо табиат билан таъминлаши мумкин. Эҳтимол, сиз одоб-ахлоқнинг фаровон ҳаётга алоқаси йўқ-ку деб ўйларсиз. Чунки ҳаётда баъзан ахлоқ-одобли одамлар камтарона кун кечирганлари ҳолда, баъзи ахлоқсиз юлғичларнинг тўкис яшаётганлигини кўрасиз. Ҳамма гап шундаки, одобга эга бўлмаган киши, нари борса, **ўзини** бадавлат қилиши мумкин. Одобли кишилар эса, нафақат ўзини, балки **халқини, миллатини** бадавлат, тўкис қилиш қувватига эга бўладилар.

Маънавият хазинасидан, яъни бадий адабиётдан баҳраманд бўлган киши ҳар қандай одобсизликни - руҳий дунё қашшоқлигини тез пайқаб олади ва унга қарши курашади. Масалан, Боболардан минглаб йиллик мерос бўлиб қолган серсув, улкан дарёлар ва ёлғизгина денгизни асрай олмаслик, бу табиий бойликни кейинги авлодларга қолдирмаслик одобсизлик - маънавий камбағалликдир. Бу ҳолатнинг замирида аждодлар руҳи ва авлодлар тақдирига ҳурматсизлик, лоқайдлик ётади.

Бошқа миллатнинг маданиятини кўр-кўрона ўзлаштириб олиб, аждодлари кўп асрлар давомида яратган ва фойдаланиб келган қадимий маданиятдан воз кечиш, уни ўрганишга уринмаслик одобсизлик - маънавиятсизликдир. Чунки миллий маданиятидан ажралган одам ота-

боболаридан қолган маънавий қадриятларни, меросни ўзлаштира олмайди, ўз миллати тарихидан узоқлашади ва бошқа халқларга кўр-кўрона эргашиб, ўзгаларга сажда қиладиган даражага тушиб қолади.

Кўпроқ ҳосил олиш учун она ерга керагидан ортиқ заҳар сепиш - маънавиятсизлик. Буни одамларга заҳар бериш деса ҳам бўлаверади. Негаки, ерга сепилган заҳар мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва чорва моллари орқали инсон танасига ўтади. Ашаддий одобсиз кимсагина ортиқча фойда кўриш учун юртдошларини заҳарлаши мумкин.

Бунга ўхшаш ҳолатларни яна анча санаш мумкин. Эҳтимол, сиз бу гаплардан аллақачоноқ хабардордирсиз. Ҳаётда ечими мушкул бўлган бундай муаммолар борлигини яхши биларсиз. Кошки эди шундай бўлса...

Ачинарлиси шундаки, анчагина вақтлар мобайнида, юқорида кўрсатиб ўтилгани сингари маънавиятсизликларга йўл қўйиб келинди. Ҳатто, Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир каби миллатимиз дарди билан ёнган кишиларнинг қатл этилишлари ва кейинги авлодларга халқ душманлари сифатида кўрсатилишларига ҳам имкон берилди. Бу - маънавий кўрликдан бошқа нарса эмас эди.

Узоқ вақт мобайнида Жалолоiddин Мангуберди, Амир Темур, Намоз, Дукчи эшон, Мадамнибек сингари буюк боболаримизнинг шонли ҳаёт йўлларини, хавфу-хатарга тўла жанглари тарихини яхши билмаган-лигимиз, улар билан фахрланмаганимиз ва ҳайкаллар ўрнатмаганигимиз ҳам маънавиятсизликдир. Миллатимиз ва ватанимиз эрки, озодлиги, мустақиллиги, имон, эътиқод ҳамда хусусий мулкнинг дахлсизлиги учун курашганларнинг босмачилар, қулоқлар, халқ душманлари сифатида жисман йўқ қилинишига имкон берилганлиги ҳам айни шу сабабдир. Маънавияти бой ва журъатли одамлар кўпчилигини ташкил қилганда эди, бундай ноҳақликка йўл қўйишмаган бўлар эди.

Халқимизнинг илм-фан, маданият ва маънавият соҳасидаги қадимий шухратини тиклашнинг, юқорида айтилгани сингари одобсизликларга бундан буён йўл қўймасликнинг энг тўғри йўли бадий адабиётни севиб, ардоқлаб, тушуниб ўқиш, ўқиганларни таҳлил қилишга ўрганиш, синфдош ва таниш тенгдошларни китобхонликка чорлаш ҳамда ўқилган асарлар юзасидан улар билан мунтазам фикрлашишдир.

Сизга ўзингиздан олдинги авлоддан мустамлака йилларида таланган, ҳориган бўлса-да, мустақилликка эришгач тараққиётнинг йўлига тушган

Ватан мерос бўлиб қолмоқда. Айни вақтда, қуриёзган биргина денгиз, заҳарланган замин, босқинчилар томонидан топталган ва эндиликда тикланаётган аянчли инсоний тақдирлар ҳам сизга аждодларингиздан мерос. Шу билан бирга, сизда олдинги авлодда бўлмаган буюк бир имконият - тўла мустақиллик бор. Бу имконият Сизга ҳақиқатни айта олиш, уни тиклаш учун кураша билиш, маънавиятли бўлиш, шунинг ёрдамида, улкан эзгу режаларни амалга оширишга йўл очади.

Ҳақиқатни айтиш, уни тиклаш, ҳақиқатга таяниб улкан ишлар қилиш учун, аввало, уни билиш зарур. Билиш учун эса, ҳар бир одамга Қуръони Каримда айтилганидек, «**ўқиш, ўқиш, ўқиш**» лозим бўлади.

Ҳозирги кунда ўзининг барча соҳалардаги ютуқлари билан дунёдаги бошқа халқларни қойил қолдираётган миллатлардан бири японлардир. Япония бир замонлар қадим ота-боболаримизнинг бепоён мамлакати - Туронга қўшни бўлган юртдир. Японияга олиб борадиган Буюк ипак йўлларида қадим аждодларимизнинг излари қолган. Боболаримиз ўз мамлакатларининг сувга сероб бу қисмини Сувли ер деб атаганлар. Кейинчалик бу атама «Сув ер», «Сивир», «Сифир», ниҳоят руслар забт этгандан кейин «Сибир» кўринишини олган. «Сув ер» ўлкасидаги гўзал «Бойкўл» кўли келгиндилар томонидан «Байкал» дейилган, бу маскандаги серсув дарёлардан бири «Энасой»(русчаси - Енисей), бошқаси «Ёйиқ» (русчаси - Урал) тарзида номланади. Шунингдек, Сувер -Сибирда Олтой деган юрт, олтойликларнинг ўзимизникига ўхшаб яратилганига минг йиллардан кўп бўлган «Алпомиш» номли достони борлиги ҳам жуда диққатга сазовордир. Хуллас, аждодларимизнинг маскани бўлмиш ана шу «Сув ер» маданиятининг таъсири туфайли қадимий қўшнимиз бўлган японларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, ахлоқий қарашлари кўп томондан бизникига ўхшаб шаклланган. Кўп замонлар мобайнида Японияда тараққиёт бизнинг ўлкамиздагидан кўйроқ босқичда бўлиб келди. Аммо XX асрнинг эллагинчи йилларига келиб, неча асрлик қолақликдан безор бўлган япон халқи таълим-тарбияга, маорифни ривожлантиришга, ёшларни ўқитишга жуда катта эътибор бера бошлади. Ёшлар ўқишга ёппа меҳр қўйиб, китоб билан ошнолик ҳар бир япон боласининг асосий хусусиятига айланганидан сўнг бу юртда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ютуқларга эришилди, оламшумул кашфиётлар қилинди.

Кўриниб турибдики, халқимизнинг бугунги ҳаётигина эмас, балки

қелажакдаги тақдири ҳам бугун сизнинг ўқув фанларини қай даражада ўзлаштира олишингизга боғлиқ экан.

Адабиётга қизиқиш кишини китобхонликка одатлантиради, китобхонлик билимлар сари йўл очади, билимдонлик эса юксак парвозлар учун инсонга қанот беради.

Узоқ муддат қафасда сақланган қуш тутқунликдан озод этилса, бирданига учиб кетолмай тараддуланиб қолади. Юксак парвоз учун қафасдан қутулиш ва қанотга эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Баланд парвозга эркин руҳият ва жасур юрак ҳам зарур. Халқимиз узоқ вақт ўқилиши керак бўлган асл китоблардан узоқ тутиб келинди. Ўқилиши мумкин деб ҳисобланган китоблар эса, миллий руҳимизга, эътиқодимизга бегона, миллатимизнинг ўзлигини танишига ҳалақит берадиган битиклар бўларди. Шу боис мустамлакачилик замони ўзбек халқида китобга интилиш, ўқишга ташналик, билишга интилиш руҳини сусайтирди. Эндиликда узоқ вақт мобайнида қафасда яшашга кўниккан қуш парвозга шопилмагани сингари ўқиш зарур бўлган китоблар бирин-кетин чоп этилаётган, ўқиш имконияти тобора ортиб бораётган ҳозирги кунда ҳам ўқишга интилиш кўнгилдагидек бўлмаяпти. Ўзбек ўқувчиларининг китобхонлик даражаси қўшни мамлакатлардаги тенгдошлариникидан кескин орқада қолмоқда.

Ўқувчиларимиз китоб ўқишга қанчалик кўпроқ меҳр қўйсалар, мамлакатнинг тараққиёти шуичалик тезлашади, халқнинг ҳаёти ўшанчалик фаровон бўлади. Билмасдан юксалиб бўлмайди. Билимлар калити, маънавият хазинасининг очқичи китобдадир.

Азиз ўқувчи!

Эндиликда халқимизнинг бутун умиди сиздан. Чунки халқимизнинг келажаги сизнинг кўлингизда. Буюк аждодларимизнинг безовта руҳлари сиздан умидвор. Мустақил юртимизнинг шон-шавкати, куч-қудрати, ёрқин келажаги сизнинг ғайрат ва тиришқоқлигингизга боғлиқ.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт сўзининг маъносини изоҳланг.
2. Ўзингизга баҳо беришга уриниб кўринг: Сиз ўзингизни ёш бола деб ҳисоблайсизми?
3. Ўзингиз ва тенгдошларингиз ҳаётини машҳур боболаримиз ҳаёти билан солиштириб кўринг. Ўхшаш томонларин баён этинг.

4. Кейинги даврларда халқимиз орасидан буюк алломалар етишиб чиқмаётганлиги сабабини изоҳлашга уриниб кўринг.

5. Ахлоқ-одобнинг фаровон ҳаётга қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?

6. Маънавият ва одобсизлик ҳақида матида айтилган фикрларга муносабатингизни билдиринг.

7. Сизнинг китобхонлигингиз, билимдонлигингиз билан мамлакатимиз ободлиги, миллат келажагининг фаровонлиги ўртасида қандай алоқа бор деб ўйлайсиз?

8. Тест саволларини ечинг.

1. Бадиий асарларни кўп ўқиш инсонда қандай фазилатни шакллантиради?

А. Илмий мушоҳада Б. Жисмоний бақувватлик С. Вазминлик,
Д. Ўзгаларни ҳис этиш, тушуниш Э. Хушчақчақлик

2. Бугунги кунда китоб ўқиш даражасининг юқори эмаслигига сабаб нимада?

А. Узоқ вақт миллий руҳиятга, эътиқодга зид асарлар ўқилганида
Б. Китоб ўқишга вақт етишмаслигида С. Ўқишга тавсия этилган китобларнинг мураккаблигида Д. Халқнинг мустамлака даврида ҳақиқий санъат асари бўлган китоблардан йироқлаштирилганида Е. А ва Д жавоблар.

ХАЁЛЛАРИМ ЧЕГАРА БИЛМАС

ХУДОЙБЕРДИ ТҲХТАБОВ

(1933 йилда туғилган)



«Ота-онадан етим қолганман. Асосан деҳқон бобомнинг, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган момомнинг кўлларида улғайганман. Оят, эртақ, ривоят, дostonларни момомдан тинглаганман. Бобом раҳматлик ниҳоятда қаттиққўл одам бўлганлар. Ўзлари дам олиш нималигини билмаганлар, шунданми, чарчадим деган сўзни эшитишга тоқатлари йўқ эди. Бир сафар тешани қайтиб жойига қўймаганим учун жазолаганлар.

На оиламизда, на қишлоқда мендаги сўзга мойиллик туйғусининг кўкаришига шароит бўлган. Эсимда, қишлоғимизда Ҳодихон эпон, қирғиз домла, Шодивой қори, Райим қори деган китобхон мўйсафидлар бўлишган. «Матмуса бобоникига обборинг» деб йиғлаганларим эсимда... Китоб кўрган одамларнинг суҳбатига муштоқ бўлиб кечалари фонус кўтариб эшикма-эшик юардик...

Қора жомадон кўтариб, кўзим ёниб, зўр иштиёқ билан Тошкентга келганман, САГУ¹ нинг логика-психология бўлимига ўқишга кирганман.»

Адибнинг бу сўзлари фаройиб болалик даврининг ёрқин бир манзарасини намоян этади.

¹ САГУ - русча қисқартма ном - Ўрта Осиё давлат университети, ҳозирги Тошкент давлат университети.

Худойберди Тўхтабоев олий ўқув юртини тугатгач, «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» рўзномаларида, «Гулистон», «Гулхан», «Шарқ юлдузи», «Ёш куч» ойбитикларида, «Камалак» нашриётида ишлади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. Кейинги йилларда «Олтин мерос» республика жамғармасига раҳбарлик қилди.

Ижодининг дастлабки даврида ноқ ҳажвга, кулгига мойил ёзувчи қатор ҳикоя тўпламлари, қисса ва романлар яратди. Бу асарлар ўқувчилар орасида тез тарқалди ва уларнинг меҳрига сазовор бўлди. Айниқса, адибнинг «Сеҳрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Сеҳргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатада» сингари асарлари ёзувчининг номини машҳур қилди. Х. Тўхтабоев Ўзбекистон халқ ёзувчиси дир.

Мамлакатимизда адибнинг «Сариқ девни миниб» асарини ўқимаган мактаб ўқувчиси кам топилади. Бу асар ўнлаб тилларга таржима қилинган. Кўпчилик ўқувчиларни «Сариқ девни миниб» романининг қандай дунёга келганлиги қизиқтиради. Худойберди Тўхтабоев ўн йилча фельетончилик билан шуғулланган. Ўз даврида унинг кўплаб ўткир фельетонлари¹ халқнинг оғзига тушган. Жуда кўп адолатсизликларнинг бартараф этилишига, ҳақиқатнинг қарор топишига журналист шу тариқа ҳисса қўшган. Аммо ёзувчида турли сабаблар билан ёзилмай қолган ёки ёзилса-да, ўша вақтларда босилиши мумкин бўлмаган ёхуд моҳиятига кўра фельетонга сиғмайдиган танқидий йўналишдаги жуда кўп материаллар бўлган. Улар адибнинг дилини оғритган, руҳиятига безовталик солган. Ёзувчини безовта қилган, унинг нафратини уйғотган, жуда кўп ёмонликларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган инсоний камчиликлар «Сариқ девни миниб» асарида фоят жонли тимсолларнинг ҳаёти мисолида, ўта қизиқарли ва серҳаяжон воқеалар асосида тасвирланган. Романдан берилган нарчани ўқиш жараёнида сиз бунга янада яхшироқ билиб olasiz.

¹ Фельетон - аниқ далиллар асосида ёзилган танқидий мақола.

САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ

(Романдан боблар)

І Б О Б

КЎЧАГА ҚУВИЛДИМ

Танишиб кўяйлик: отим Ҳошим, эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз, Ҳошимжон деб атайсиз. Фамилиям Рўзиев, Рўзивой тракторчининг ўғлиман. Рухсат берсангиз, оиламиз ҳақида икки-уч оғиз сўзлаб ўтсам: дадам икки-уч йилдан бери чўлда булдозер ҳайдаб, ер текислайди, ойимнинг айтишига қараганда, ўша томонларга ҳам пахта экилармиш. Бир ойда, баъзан икки ойда бир келиб кетади. Келганида ҳар биримизга алоҳида-алоҳида совға олиб келади. Совғанинг энг яхшиси, албатта, менга тегади. Ойим бўлса, уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади. Бир ўзига 24 говмиш қарайди. Ўтган йили сутни кўп соққани учун медал ҳам олган. Ўша медални ойимдан яшириб мен ҳам икки марта тақдим. Бир марта тақиб бозорга бориб сабзи-пиёз олиб келдим, иккинчи марта тақиб мактабга борувдим, директоримиз чақириб олиб, роса уришди. Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида. Ойим уни: «Оппоққинам, жонимнинг ҳузури», деб эркалатгани эркалатган. Ойим уни бағрига босиб суйган куни мен ҳам биқинидап секин чимдиб:

– Пучуққинам, - деб кўяман.

Кичик синглимнинг оти Донохон. Ҳозир биринчи синфда ўқияпти. Ойимнинг айтишига қараганда, у катта бўлса, албатта, доктор бўлармиш. Менимча, ундан доктор чиқмаса керак. Нега дейсизми, кўча-кўйда ҳамшираларга кўзи тушиб қолса, укол қилади деб, тоғдан-тоққа қочади. Тунов куни мактаб ҳовлисида оқ халат кийган буфетчини кўриб, доктор келди деб деразадан ташлаб қочибди.

Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасман. Ақл-хушим жойида, одобим ҳам чакки эмас, олтинчи синфнинг интизомли ўқувчилариданман. Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кун бўйи кўча чаңгитиб юрмайман. Яшириб нима қиламан: кўча чаңгитиб юргандан кўра, командага бўлиниб олиб, тўп тепаман, ёки холироқ жойга, масалап, ой-

инг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб, чиллак ўйнаган минг марта яхши.

– Ҳошим, - деб чақиради ойим баъзан.

– Лаббай, ойижон! ·

– Томдан ўтин ташлаб бергин.

– Хўп бўлади, ойижон, - дейман-у, секин у ёқ-бу ёққа қарайман-да:

– Ойша! - деб қичқираман.

– Лаббай, акажон!

– Томдан ўтин ташлаб бергин.

– Хўп бўлади, акажон, - дейди Ойша.

Шундай демаса ишлар чатоқ. Оч биқинига мушт келиб тушади. Ишқилиб ойимнинг гапини ҳеч ерда қолдирмайман. Айтганини ўзим бажармасам, биров орқали бажараман. Аслини олганда, ўзинг бажаришинг шарт эмас. Фермамизнинг мудир Сирожиддин ака нуқул шунақа қилади. Раисдан бирон топшириқ олиб келса, аъзоларига топширади. Сиз қанақалигингизни билмайман-у, лекин мен ҳам мудирликка ўхшаш ишларни яхши кўраман. Шу ўйнайверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегишли ишларни бировлар бажараверса-бажараверса...

– Ориф! - деб қичқираман баъзан. Айтгандек, эсимдан чиқиб қолаёзибди, Ориф билан бирга ўқиймиз, бир партада ўтирамиз. Ўзи паканагина бола-ю, лекин боши тўла ақл. Ҳар қандай масалани ҳам кўз юмиб-очгунча ишлаб ташлайди, мен ҳам кўз очиб-юмгунча кўчириб оламан. Гоҳо бирон жойини жўрттага хато қилиб кўчираман, шундай қилмасам бўлмайди-да, муаллимимиз кўчирганимни билиб қолади. Шундай қилиб:

– Ориф! - деб қичқираман.

– Нима дейсан? - дейди Ориф уйларида туриб.

– Чиқ, дарс тайёрлаймиз.

– Ўзинг чиқақол.

Ориф мени чақираётганини ойим эшитсин деб, жўрттага қайта сўрайман:

– Нима дединг?

– Ўзинг чиқа қол деяпман, нима, қулоғинг карми?

Папқани кўтариб, секин «қуёи» бўлиб қоламан. Чиқиб тайёр

вазифаларни апил-тапил кўчираман-да, ҳали айтганимдек, кўча чангитиб юрмайман-у, тўппа-тўғри нариги маҳаллага футбол ўйнагани жўнаб қоламан.

Мана бугун ҳам шунга ўхшаш режалар тузиб, Орифни чақираман деб эндигина кекирдагимни чўзаётган эдим, ойим:

- Ҳошим, - деб чақириб қолди.

- Лаббай, ойижон!

- Нега товуқларга дон бермадинг?

Рост, ойим эрталаб товуқларга дон бериб қўйгин, деб тайинлаб кетган эди. Бутунлай унутган эканман. Энди нима қилдим-а...

- Нима дедингиз, ойижон?

- Нега товуқларга дон бермадинг деяпман, нима, қулоғинг деворнинг остида қолганми?

- Овқатини ўзи топиб есин-да. Токайгача текинхўрлик қилишади, - деб гапни чалнитмоқчи бўлдим.

- Вой, ўлмасам, сув ҳам бермаганга ўхшайсан.

- Ойи, товуқлар сув ичмайдиган бўлиб кетишган...

- Шунақами?

- Ҳа, шунақа...

Ножўя гап айтиб қўйган бўлсам керак, ойим катта калтакни олиб қувлашга тушди. Уч марта ҳовлини айландим-да, кўча эшиги олдига бориб эгилиб салом бердим ва бир ҳатлаб ўзимни кўчага олдим. Ўша ердан туриб:

- Бир ҳафтадан бери сув берганим йўқ. Тухумини бир йўла порошок қилиб туғаверсин! - деб бақирдим.

- Теришга сомон тикмасамми! - деди ойим таёқни ўқталиб. «Тамом», деб ўйладим ичимда. Нега десангиз, кеча ҳам шунга ўхшашроқ бир воқеа бўлиб ўтган эди. Ҳар кун дарсдан қайтганимда ойим:

- Ҳошимжон, бугун қанақа баҳо олдинг, ўғлим? - деб сўрайди.

- Беш-да, ойижон, бизники доим беш, - дейман.

- Баракалла, - деди ойим. Кейин ўзим яхши кўрган шоколаддан икки-учта узатиб: - Бор, энди, бир пас ўйнаб келгин, - дейди. Кун ботгунча маза қилиб ўйнаб юраман.

Кеча ойим негадир баҳони сўрамади-ю, қапи, кундалигингни бир кўрсат-чи, деб қолди. Ранг-қутим ўчиб кетди, нега десангиз ишнинг бу ёғи сал ишқалроқ эди-да.

– Кундалигим ўқитувчимизда қолган, - деб қутулмоқчи бўлдим.

– Папкангни оч деяпман!

Бошқа иложим бўлмаганидан папкани очиб, секин кундаликни чиқариб бердим.

– Бу нима? - деб сўради ойим.

– Икки.

– Буниси-чи?

– Уч.

– Нега ёлгон гапирдинг?

– Ким ёлгон гапирибди, - дедим бўш келмай, - икковини қўшса беш бўлади, ойижон!

– Шунақами?

– Шунақа...

Ойим қошларини чимириб, қўллари қалтираб, кундаликни варақлашда давом этди.

– Бу нима?

– Икки, ойижон.

– Буниси-чи?

– Буниси физикадан олинган баҳо.

– Хўп, мана бунисига нима дейсан?

– Ҳеч нарса демайман, лекин ойижон, учовини қўшса, беш бўлади.

– Шунақами?

– Шунақа...

– Ҳу ўша...

Физкультурадан қилган машқларим мана шу пайтда қўл келиб қолди. Бир сакраган эдим, ўзимни ҳовлининг ўртасида кўрдим...

– Сен ҳали шошмай тургин! - деди ойим, дағдаға қилиб. Шундай қилиб десангиз, кеча мана шунақанги дилисиёҳлик бўлиб ўтган. Ҳозир кўчага чиқиб, шуларни ўйлаб юрагим сиқилиб кетди...

Энди нима қилдим? Жуда бошим қотиб қолди-ку. Бир йўла уч фандан вазифа берилган эди, биттасини ҳам бажарганим йўқ... Анча вақтдан буён директоримиз номига тўрт-бештамиз бирлашиб талабнома ёзмақчи бўлиб юрвдик. Мактабга бориб ўшани ёзишга киришдим.

**«Пушкин номли мактаб директори ўртоқ
О. Азизовга ўқувчилар номидан
АРИЗА**

Биз, ўқувчилар сўнгги пайтда жуда қийналиб кетдик, уй вазибалари кўпайди, ишлашга вақт йўқ. Шунинг учун қуйидаги файлларни дарс жадвалидан вақтинча бўлса ҳам олиб ташлашингизни сўраймиз: алгебра, геометрия, она тили. Умуман олганда, бу файлларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бошни қотиради холос. Уларнинг ўрни бўш қолмасин десангиз, футбол ҳақида фан бўлса, ўшани киритса ҳам бўлади. Ўқитувчиликка агар хўп деса, ўртоқ Гениадий Красницкийни¹ олиб келиш керак. Талабимизни амалга оширсангиз, ҳамма файллардан беш олиб ўқишга сўз берамиз, шўхлик қилмаймиз. Ўқувчилар номидан:

Ҳошимжон Рўзиев

Талабномани ёзишга ёзиб қўйдим-ку, лекин директорнинг олдига киришга ботинолмай қолдим. Ўрнимдан турайдесам денг, тиззам дағ-дағ қалтирайди. Кўзимни чирт юмиб, шартга турдим-да, шу ҳолда, кўзимни юмганча, секретарь қизнинг ҳой-ҳойлашига ҳам қарамай, тўппа-тўғри Отажон Азизовнинг кабинетига кириб бордим.

- Хизмат? - сўради директор.
- Салом, домла! - дедим кўзимни очиб.
- Салом.

Индамасдан талабномани узатдим. Йўқ, ишим яна ўнгидан келмади. Отажон Азизов нақ бир соатча насиҳат қилди. Мен рўйхатдан ўчириб ташламоқчи бўлган фанлар жуда фойдали эмиш, уларни пухта эгалламасдан туриб, киши агроном ҳам, инженер ҳам, зоотехник ҳам бўла олмас эмиш. У десам бу деди, бу десам у деди, хуллас, охирига бориб ҳеч гап тополмай қолдим.

Ўзи ишинг бир кетга кетса, ҳеч ўнгариб бўлмас экан. Бу кўнгли-сизликлар озлик қилгандек, ўша куни кетма-кет ёмон баҳолар олдим.

Биринчи дарс «жон-дилимдан яхши кўрганам» алгебра эди, албатта. Қўнғироқ чалиниши билан юрагим шигиллаб кетди. Қўнғироқ худди қорнининг ичига чалингандек кўнглимни оздириб юборди. Ўқитувчи кўриб

¹ Г. Красницкий - XX асрнинг олтинчи йилларидаги машҳур футболчи.

қолмасин, деб оёқларимни олдинги партанинг остига узатиб, фақат бошимнигина чиқариб ўтирардим.

– Рўзиев, тўғри ўтириб ол, - деди Қобилов.

Тўғри ўтириб олдим.

– Рўзиев, қани айт-чи, ўтган дарсда нима ўтувдик?

Секин ўрнимдан туриб ёнгинамда ўтирган Орифни туртдим. У бўлса, тескари қараб, гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек жим ўтираверди.

– Тезроқ гапир! - қистади муаллим.

Бу гал мен ҳам Орифни қаттикроқ туртган эдим, кўзлари ола-кула бўлиб кетди-ю, қўрқанидан пичирлай бошлади. У нима деса мен ҳам оқизмай-томизмай такрорлаб турдим.

Енг кучли энгламалар... - деб гап бошладим.

Синфда гуриллаб кулги кўтарилди. Ўзим ҳам маза қилиб кулгига қўшилдим. Кейин билсам «тенг» сўзи ўрнига «енг» деб юборган эканман. «Қани, таърифини айт-чи?» - деди муаллим кулгини босиб.

– Тилимнинг учида турибди-ю, айтолмаяпман, - дедим гўё айтишга қийналаётгандек. Шундай дейману уйнинг шифтига, деразага, доскага қарайман. Орадан уч-тўрт минут ўтгач, «Айтасанми, йўқми» деб сўради яна ўқитувчи.

– Айтаман, домлажон, албатта, айтаман.

– Айт, ахир бўлмасам.

– Мана ҳозир, тилимнинг учида турибди.

– Тилимнинг учи курсин сени, ўтир, - деб юборди ўқитувчимиз.

Ўша кунни эсласам, ҳозир ҳам юрагим орқамга тортиб кетади. Рос-тини айтсам, туғилганимга минг бор пушаймон бўлдим. Лекин дарсдан қайтаётганда мен ҳам бўш келмадим, Орифдан бошлаб ўчимни олдим.

– Менга қара, - дедим чинорнинг тагига етганда биқинига туртиб. - Нега менинг кучугимни урдинг?

– Қачон урибман?

– Ўтган йили урдинг-ку!

– Ҳечам урганам йўқ.

Ургансан, мана бундай қилиб ургансан, - дедим-да, бошига бир мушт туширдим. Кейин... у ёғини ўзингиз ҳам билиб турган бўлсангиз керак. Болаларнинг ярми Ориф тараф бўлишди, ярми мен тараф. Кийим-бошларимиз дабдала бўлди, юзларимиз қонга бўялди...

Лекин мен хурсанд эдим, ўч олганимдан хурсанд эдим, юз-кўзи демай савалаганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Тўғри-да, ҳадеб бешларни у қаторлаштириб олаверади-ю, мен иккидан чиқмас эканман-да. Менга ҳам унча-мунча ёрдамлашиб турса, бир жойи камайиб қоладими?

Хуллас, кайфим чоғ эди. Хурсанд ҳолда ашулани ванг қўйиб уйга қайтардим...

Кўча эшигимиз ичкаридан занжир экан. Тақиллатдим. Тирқишидан қараб турибман. Бир маҳал таёқ кўтариб аста-секин чиқиб келаётган ойимга кўзим тушиб қолса бўладими?

– Ким билан муштлашдинг?! - Эшикни очгач, ойижонимнинг бири-чи саволи шу бўлди.

– Ҳеч ким билан, - дедим орқамга тисарилиб.

– Орифни урибсан-ку?

– Ёлғон! Унинг ўзи мени урди.

– Дарс тайёрламасанг, уй ишларига қарашмасанг, сингилларингга кун бермасанг, кун бўйи муштлашсанг - сени ўлдириб қўя қолмасамми, - деб ойим кўлидаги таёқни менга қараб отди. Чап бериб қолдим. - Йўқол, кўзимга кўринма!

Кўча эшиги олдида узоқ туриб қолдим. Йўқ, ойим шаштидан қайтадиганга ўхшамайди. Энди нима қилдим, қаёққа борай, кимдан бошпана сўрайман? Қорин-чи, овқатни қаёқдан топдим энди...

Бир жиҳатдан олиб қараганда, ойим уйга киритмай тўғри иш қилган экан. Нега десангиз ўша пайтларда мен сеҳрли қалпоқ ахтариб эгаси кўчиб кетган ҳовлиларни, гўнг тепаларни, эски-туски кийим-бошлар ташланадиган бурчак-сурчакларни тинтув қилиб юрган эдим. Бир ой аввал қашқар қишлоқда турадиган бувим бизникига меҳмонга келиб, сеҳрли қалпоқ ҳақида эртак айтиб берувди. Қалпоқни кийиб олган азамат йигит бирам ишлар қиладики, бирам қаҳрамонликлар кўрсатадики, агар эшитсангиз оғзингиз очилиб қолади. У ҳаммани кўриб туради. Уни эса ҳеч ким кўрмайди.

– Буви, бувижон, ўша қалпоқнинг ранги қанақа? - деб сўрадим ҳовлиқиб,

– Оқ жундан тўқилган.

– Уни қаердан топса бўлади?

– Ўша қаҳрамон қариб-чириб ўлаётганда қалпоқни шу атрофдаги ҳовлилардан бирига яшириб кетган, болам.

– Топса бўлармикин?

– Нега бўлмас экан? Изласанг, албатта, топасан, ўғлим.

Хуллас, ўша кечадан буён оромимни йўқотганман. Кечаси-ю кундузи тиним билмай ўша қалпоқни ахтараман. Ишонсангиз, изламаган жойим қолмади. Фақат эски қишлоқнинг чеккасидаги ташландиқ бир уй қолган, холос.

Бу ҳовли кимники эканлигини ҳеч ким билмайди. Ҳатто оғим ҳам аниқ бир нарса айтолмади.

Кечқурун уйга киришдан маҳрум бўлгач, оғим айтяпти деб, қўшимиздан иккита нонни қарзга олдим-да, қоронғи тушиши билан ўша ҳовли томон йўл олдим. Ташландиқ уйдан хунуги бўлмас экан. Қайси бурчакка қараманг, ажинами, алвастими кўзини лўқ қилиб менга бақрайиб турганга ўхшайди. Ҳатто, назаримда, икки марта бўри ҳам кўрингандек бўлди. Кейин бундоқ синчиклаб қарасам, иккови ҳам мушук экан. Мен титкиламаган бурчак қолмади. Тешиги бор, ҳаммасига қўл суқиб кўрдим.

Бир маҳал чарчаб, сувсаб, ҳолдан тойиб ўтириб қолибман. Мудрай бошладим. Йўқ, мен ухлამаслигим керак, дедим ўзимга ўзим. Кейин шартта ўрнимдан туриб, сал ичкарироқ кирдим. Молхона бўлса керак, охурда бир тўп латта ётибди. Орасини титкилаган эдим... топдим. Ишонасизми, топдим, худди ўшанинг ўзи! Оқ майин жундан, чеккасига ипакдан чиройли ҳошия тикилган.

– Салом, қалпоқчам! - қичқариб юбордим.

– Салом, Ҳошимжон! - деган овоз эшитилди.

– Мен сени ахтариб юрувдим.

– Мен сени кутиб ётувдим...

Бошимга илдим уй томон қўш бўлиб учдим. Ахир мен унинг чинкакам сеҳрли қалпоқ эканлигини синаб кўришим керак эди-да... Синаб кўрдим ҳам. Кўча эшикнинг устидан ошиб, тўппа-тўғри уйга кириб бордим. Оғим эски машинада Донога кўйлак тикиб ўтирган экан. Ёнгинасига бориб:

– Ойи, - дедим ингичка овозда. Оғим бошини кўтариб у ёқ-бу ёққа қаради-ю, «тавба» деб кўкрагига туфлаб қўйди. Секин бориб лағандани совуқ ошни сая бошладим.

- Ойша, акангдан дарак бўлмади-ку? - деб сўради ойим.
- Билмасам, - деб қўйди бир чеккада дарс тайёрлаб ўтирган синглим.
- Бечора, қаерларда қолиб кетди экан?
- Ўзингиз-да, бўлар-бўлмасга уришаверасиз.

Шу пайт совуқ ош томоғимга тиқилиб, ҳиқичоқ тутиб қолса бўладими, бунақасига илгари ҳеч учрамаган эдим. Ўзиям нақ ўн беш минут нағма қилдим-да.

- Тавба! - деди ойим у ёқ-бу ёққа қараб.
- Тавба! - деди синглим ҳам ёқасини ушлаб.

Демак, қалпоқчам чиндан ҳам соҳрли экан, деб ўйладим-да, термосдан чой қуйиб ичган эдим, ҳиқичоқ босилди. Ўшангача ҳам ҳеч бирлари мени кўришмади. Секин совуткичнинг ёнига бордим-у, эшигини очиб бошимдан қалпоқчани олдим. Ойим билан синглим бирваракайига ўринларидан туриб кетишди.

- Қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг? - икковларининг ҳам саволи шу бўлди.
- Совуткичнинг ичида ётувдим, - деб юборибман билмасдан.

Ойим бечора қўрққанидан андак бўлмаса, йиғлаб юбораёзди. Дарров мени иссиқ бағрига олиб юзу кўзларимдан ўпа кетди.

- Болагинам, музлаб қолай дебсан-ку! - дерди у тинмай. Иссиқ кўрпага ўраб, қайноқ-қайноқ чой ичиришди. Ҳар чой хўплаганимда жўрттага бир инқиллаб қўяман. Ичимга иссиқ кириши билан ҳузур қилиб ухлаб қолибман.

Ишларим юришгадан юришиб кетди. Ўзим хурсанд, кайфим чоғ, ашула айтганим-айтган. Баҳоларим ҳам жойида - нуқул беш! Илгаригидек уй вазифангни бажарган бўлсанг менга бериб тур, деб бировларга ёлвориб ҳам ўтирмайман. Ўқитувчиларимизнинг уйига шартта кираман-да, консект дафтарини олиб ўша ерда кўчираман-қўяман.

Обрўйим ҳам шунақанги ошиб кетдики, ўқитувчилар менга кулиб боқадиган бўлиб қолишди. Фақат оғзаки сўраладиган фанлардан ҳамон мазам йўқроқ. Лекин унга ҳам бир ваз топиб қўйганман.

- Менинг оғзаки нутқим ривожланмаган, ёзма равишда талаб қилаверинглар, - дейман-да, ўқитувчиларимнинг ўзларидан кўчириб олган консектларни сал бошқачароқ қилиб ўқийвераман.

Хуллас, ишларим ҳар жиҳатдан юришиб кетган эди. Синфкомимизни амалдан тушириб ўрнига мени сайламоқчи бўлиб туришган эди-ю, бир хатога йўл кўйиб, бутун мактабда шармандаи шармисор бўлдим, ростини айтсам, бир пулча обрўйим қолмади.

Дарсдан қайтаётганда ҳеч ким сезмаса керак деб ўзимга ва энг яқин дўстим бўлмиш Қосимжонга етгита фандан аъло баҳолар кўйиб, чорак тугамаган бўлса ҳам, чўзиб ўтираманми деб, чорак баҳоларни ҳам чиқариб қўя қолган эдим. Бу ишни, аввал, она тили ўқитувчимиз пайқаб қолибди. Ўша соатдаёқ ҳаммага ошкор бўлибди. Эргасига мактабга боришим билан директорнинг кабинетига чақиришди. Кирсам, етгита ўқитувчи қатор ўтирибди. Қосимни ҳам чақиртириб келишди.

– Ҳошим, берироқ кел-чи, - деди Отажон Азизов бармоғи билан журналдаги баҳоларни кўрсатиб, - бу баҳоларни ким кўйди?

– Билмасам, - дедим елкамни қисиб.

– Сен қўйдингми? - сўради Қосимдан директор.

– Нимани? - мендан баттарроқ ҳайрон бўлиб деди Қосим.

– Икковинг маслаҳатлашиб қилгансан бу ишни. Очиқчасига иқроор бўлинглар, - деди ўқитувчилардан бири.

– Йўқ, бу иш Қосимдан чиққан, деди бошқаси, - нега десанглар Ҳошим сўнгги пайтда анча тузалиб қолган. Баҳолари ҳам нуқул беш...

Ўтирганларнинг ҳаммасига бу фикр маъқул тушди, шекилли, ҳар томондан Бечора Қосимга савол ёғдира бошлашди. Қарасам, дўстимнинг ахволи чатоқ, - кўзида милтиллаб ёш томчилари пайдо бўляпти. Йўқ, қиле-依ликни мен қилиб, жабрини биров тортмаслиги керак! Шартга ўртага чиқдим:

– Кечирасизлар, бу ишни мен қилганман.

– Нимага? - саккиз киши бирданига шу саволни берди.

– Ҳа, мен қилганман. Қосимнинг бу ишдан мутлақо хабари йўқ. Ундан кейин, хуллас, бу ишни мен қилганман...

Тамом, ҳали айтганимдек, обрў икки пул бўлди. Айтилмаган гапу қилинмаган насиҳат қолмади. Мендан шу кетишда кетаверсам тузукроқ одам чиқмас эмиш, агроном ҳам, инженер ҳам, зоотехник ҳам бўла олмас эмишман.

- Йўқ, - дедим қайсарлигим тутиб, - мендан агроном чиқади, албатта.
- Чиқмайди! - саккизовлари бир овоздан такрорлашди.
- Бўлмаса зоотехник бўламан.
- Илмсиз бўлсанг, зоотехник тугул молбоқар ҳам бўлолмайсан!
- Бўла оламан.
- Гапни кўпайтирма, бўлолмайсан! - аччиғи чиқиб директор.

- Бўламан, бўламан, бўламан! - дедим-да, эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим. Мен ўқимай туриб ҳам, бошимда шу кадрдон қалпоқчам бор экан, албатта, агроном ҳам, инженер ҳам, шоиру артист ҳам бўла оламан деб қаттиқ ишонардим. «Ҳа, албатта, бўламан, - деб такрорладим ўзимга-ўзим,буларга, менга ишончсизлик билан қараётган мана шу кадрдон ўқитувчиларимга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман...»

Ўша куни кечасиёқ қаҳрамонликлар кўрсатиб, шону шуҳрат таратиб, ўқитувчиларимни, Отажон Азизовни ҳайратда қолдириш ниятида сафарга отландим.

Хайр, жонажон қишлоғим, ҳайқириб, тошдан-тошга урилиб оқаётган анҳор, поёнсиз мевазор боғлар, ҳаммангизга хайр. Йўл ёқасидаги азим ёнғоқлар, сизлар ҳам яхши қолинг. Энди сизларга ҳеч ким тош отиб шонингизни синдирмайди, танангизга мих қоқиб озор бермайди!

Меҳрибон ойижоним, шўхликлар қилиб кўнглингизни оғритган бўлсам, қайсарлигим туфайли ўкситган бўлсам, кечиринг мени! Қўнғир сочли сингилларим, сизлар ҳам яхши қолинг. Ҳар хил қизиқчиликлар қилиб сизларни қиқирлатиб кулдирадиган, мактабдан қайтаётганингизда шўх болалар урганда тарафингизни оладиган акангиз ёнингизда йўқ энди. Соғинганда, кўнглингиз ўксиганда расмга боқинг. Лекин йиғламанг. У албатта келади, қаҳрамонликлар кўрсатиб қайтади. Ўз ўқитувчиларига ўқимасдан туриб ҳам агроном бўла олиш мумкинлигини, артист бўлиб ҳаммани ўзига маҳлиё қила олиши мумкинлигини кўрсатиб қўяди. Ҳа, албатта кўрсатади. Кўкси тўла орден билан қайтади.

Хайр!

Эй, чала қолган уй вазифалари, сизларга ҳам хайр!

Ярим тунда қишлоқдан чиқиб борар эканман, кўзим жиққа ёш, аммо қалбим шодликларга тўла эди.

БАХТИМ КУЛИБ БОҚҚАН ЭДИ

Қаёққа боришни, нима қилишни билмас эдим. Бошим қотган, ўйлаб ўйимга столмайман. Аммо бир жиҳатдан кўнглим шод - овқат текин, поездду автобуслар текин, қадрдон қалпоқчам бошимда. Зериксам, у билан суҳбат қураман.

– Қалпоқчам, қаерларга келиб қолдик? - деб сўрайман.

– Ўзим ҳам билмайман, Ҳошимжон, - дейди қалпоқчам.

– Ростини айт, мендан агроном чиқармикин-а?

– Чиқади. Албатта чиқади.

– Ахир менинг дипломим йўқ-ку? - дейман кўнглим ўқсиб.

– Ўқинма, - дейди қалпоқчам, - қўлингни чўнтагинга сол, - диплом тайёр.

Кўлимни чўнтагимга солган эдим, чиндан ҳам кўк жилдли, ичкарасига ҳар хил ёзувлар ёзилиб, думалоқ муҳр босилган диплом ниқиб қолди.

– Қалпоқчам, ахир менинг бўйим жуда паст-ку, дейман яна иккиланиб, - ҳеч ким мени катта одам деб ўйламайди-ку?

– Хафа бўлма, керак бўлганда бўй ҳам қўшиб бераман.

Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим, бир маҳал мундоқ қарасам, сахрою биебонга келиб қолибман. Бир томони поёни йўқ чўл. Қарасанг, кўзинг жимирлаб кетади. Янгоғу шўралардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Аҳён-аҳёнда менга ўхшаб қаёққа боришини билмай гаранг бўлиб учиб юрган қушлар тўдасигами, думи узун юмронқозиқ ёки кўзини дўқ қилиб турган калтакесакками дуч келиб қоласан.

Икки марта - лонлар галасига ҳам учраб қолдим. Егани овқат тополмай бир-бирининг думини сўриб ётган экан, мени кўриши билан севинишиб шунақанги қувлашга тушиб кетишдики, агар бошимга қалпоғимни кийиб олмаганимда, ким билади, ҳолим не кечар эди... Бир оз юргач, боғ-роғлар яшнаб ётган ерга келиб қолибман. Таваккал қилиб дарахтзорлар орасидан юриб боравердим. Гоҳ олмазор, гоҳ шафтолизор, гоҳ тоқзор орасидан ўтиб борардим. Бир томонда ғўзалар ҳам яшнаб ётибди. Дадамга ўхшаган одамлар тепасига брезентдан соябон ўрнатилган универсалларга миғиб олишиб ишлов беришмоқда. Катта цемент ариқдан шундоққина ўтишим билан галати бир манзарага кўзим тушиб, ростини

айтсам, ҳангу манг бўлиб қолдим. Юз гектарча келадиган катта майдон майда-майда бўлақларга бўлиб ташланган, ҳар бир бўлақчада учтадан-тўрттадан бўлиб, ўзим тенги, ўзимдан сал каттароқ болалар Ойшахон синглимга ўхшаш қўнғир сочли қизчалар терлаб пишиб ишлашиб ётибди.

– Ҳой бола, ҳорма! - дедим ғўзанинг ичида ўт юлиб юрган бир боланинг олдига бориб.

– Ишингни қил, - деди у бошини кўтармай.

– Ҳорма, деяпман.

– Ишингни қил, деяпман, - шундай деб нотаниш бола бошини кўтарди. Кўтарди-ю, уялганидан бўлса керак, шолғомдай қизариб кетди.

– Кечирасиз, деди пешонасидаги терини артиб, - мен сизни ўзимизнинг Шавкат деб ўйлабман.

– Кечирасиз, - дедим мен ҳам ҳурматини жойига қўйиб, - бу қайси мамлакат?

– Нима?

– Қайси мамлакат деяпман?

– Мамлакат эмас, Мирзачўл.

– Э, анави газетадаги Мирзачўл шу ерларми?

– Газетадаги эмас, Мирзачўлдаги Мирзачўл, - тушунтирди нотаниш бола.

– Бу ерда нима қиляпсизлар?

– Ўт юляпмиз.

– Бу ғўзалар кимники ўзи?

– Бизники.

– Нега энди сизники бўларкан?

– Ана шу, кўриб турганингиз ўн гектар ердаги ғўзани олтовимиз экканмиз, ўзимиз парваришляпмиз, ҳосилини ҳам машинада ўзимиз йиғиштириб олмоқчимиз.

– Сизларга агроном керак эмасми?

– Йўқ, деди бола бош чайқаб, - биз ўзи бўлажак агрономлармиз... Гапни чўзиб ўтирмасдан нариги карталарга ўтиб кетдим. Мендан кўра сал новчароқ бўлган иккита бола қовун чониқ қилиш билан овора.

– Сизларга агроном керак эмасми? – деб сўрадим.

– Йўқ, керак эмас.

– Нега керак бўлмас экан? Эҳтимол, керакдир?

– Бизнинг ўзимиз агрономмиз.

Шундан кейин кун ботгунча ишлаётганларни гапга солиб, суҳбатлашиб, майда карталарни айланиб, томоша қилиб юравердим. Ўзиям томоша қилсанг арзигулик жойлар экан, чўлни яшнатиб юборишибди. Бир картада ҳали айтганимдек пахта, бошқасида қовун-тарвуз, нарироқда пиёз, берироқда карам! Айниқса, бу атрофдаги меваларни айтмайсизми? Луччак шафтодиларга маза кирай деб қолибди, олма дарахтлари ҳосилини кўп қилганидан, бирон айб иш қилиб қўйгандек бошларини эгиб турибди. Узумнинг ўзидан хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, рошпа-роса йигирма икки хилини санасам-а?

Товуқларга дон бериб юрган, ҳадеб тухум еяверганидан бўлса керак, ошқовокдек семириб кетган сариқ сочли бир қиздан:

– Бу товуқлар кимники? - деб сўрадим.

– Бизники, - деди қиз ҳозиргина арчилган катта тухумни оғзига солиб.

– Тухумни кимга берасан?

– Ўқувчиларга.

– Уй вазифаларини бажармаганларга ҳам бериладими?

– Унақалар бизда йўқ.

– Борди-ю, битта-яримта топилиб қолса-чи?

– Бор, ишингни қил, - деди сариқ сочли қиз яна битта тухумни оғзига солиб, - товуқларимни ҳуркитиб юборяпсан.

– Менга қара, - дедим бир оз юмшаб, - сизларга зоотехник керак эмасми?

– Зоотехникни нима қиламиз?

– Иш ўргатади-да.

– Унақасидан ўзимизда ҳам тўлиб ётибди...

Сал нари борган эдим, атрофи ёғоч тахта билан ўралган катта қўрғонга кўзим тушиб қолди. Дарвоза тепасига «Мактаб-интернат фермаси» деб ёзиб қўйишибди. Ҳа-ҳа, бу мактабнинг ҳали фермаси ҳам бор экан-да, деб ўйладиму, секин ичкари кириб бордим. Ростини айтсам, ферма унча катта ҳам, кичик ҳам эмас экан: саккизта сигир, учта қўтир эчки - бор-йўғи шу.

– Қўйларинг ҳам борми? - сўрадим молларнинг тагини тозалаб юрган наст бўйли, пешонаси дўнг бир боладан.

– Қўйлар чўлда... - деди бола менга қараб анграйиб.

- Қуёнлар-чи?
- Қуён фермамиз катта боғнинг ичида туради.
- Эчкиларинг бор-йўғи учтами?
- Мунча эзма экансан, айтдим-ку, эчкилар ҳам қўйларнинг ёнида деб.
- Шунақа демайсанми, - дедим сал паст келиб. - Мен бошқалари касал тегиб ўлиб кетганми, деб ўйлабман. Бузоқларинг кўринмайдими?..
- Менга қара, тагин сен меҳмон бўлмагин? - қизиқиб қолди у.
- Меҳмонман-да.
- Ие, шундай демайсанми? Қани, танишиб қўяйлик: менинг отим Ҳайитвой, еттинчи синфда ўқийман.
- Менинг отим Ҳошимбой, - деб қўлимни чўздим, - олтинчи синфнинг аълочи ўқувчиларидан бўламан. Сизлар ўзи кимсизлар, ўқувчими, колхоз-чими, ҳеч тушунолмайд қолдим-ку?
- Бизми, биз ҳу анави икки қаватли бино бор-ку, ўша ерда ўқиймиз, дарсдан бўш вақтимизда кўриб турганингдек ишлаймиз, касб ўрғанамиз. Биз-чи, Ҳошимбой, ўзимизни ўзимиз боқамиз, ўзимизни ўзимиз кийинтирамиз...

- Ростдан-а?!- дедим ҳеч ишонгим келмай.

- Рост, - Ҳайитвой ишончсизлик билдирганим учун бир оз хафа бўлиб, - ҳали сен кўрганинг йўқ, ўттиз гектар ерда мевазор боғимиз бор, шифил ҳосилга кирган. Ярмини сймиз, ярмини бозорга чиқариб сотамиз. Гўшт ҳам, сут ҳам ўзимизда етарли.

- Сигирларни ким соғиб беради?
- Ким соғарди, ўнинчи синфнинг қизлари-да.
- Мева-чеваларни ҳам ўшалар сотиб берадими?
- Бўлмасам-чи? - деди Ҳайитвой мақтаниб, - директоримиз Хурсанали Шарафиддинович бу қизлардан ажойиб сотувчилар егишиб чиқади, дейди... Ўтган йили мактабимизни эллик киши битирувди, битириш кечаси Хурсанали Шарафиддинович ҳар бирига минг сўмдан пул улашди, биз роса қарсақ чалдик... Сизларнинг мактабларингиз ҳам шунақами?

Ростини айтсам, нима дейишимни билмай, жўртгага нарироқдаги сигирларни томоша қилаётгандек анграйиб туравердим. Бизнинг мактабимизда, яшириб нима қиламан, бу ерда кўрганларимнинг мингдан бири ҳам йўқ. Рост, тирик бурчакда иккита қуён бор эди, лекин унинг ҳам биттаси очидан ўлиб қолган. Ундан кейин мактабимизнинг орқасида

каттагина мевазор боғ ҳам бор, лекин бу дарахтлар мева қиладими-йўқми, ҳозир ўйлай-ўйлай ҳеч хотирлай олмадим. Шундай бўлса ҳам мактабимизнинг шаънини ҳечам ерга ургим келмади.

– Нима дединг? - дедим мақтанишга шайланиб.

– Сизларда ҳам шунақалар борми деяпман?

– Сизларникидан юз марта яхшиси бор.

– Қуён фермаларингиз ҳам борми?

– Бор. Ҳатто бизда шер, арслонларгача бор...

– Ўҳ-ҳў, - деди Ҳайитвой қўрққанидан кўзлари ола-куда бўлиб, - еб қўймайдими?

– Биз уларни темир қафасларга солиб, устидан катталиги сенинг каллангдек қулфлар солиб қўйганмиз...

– Сизларда ҳалиги эшик, ром ясайдиган устахоналар ҳам борми?

– Оҳ-ҳо, бизнинг устахонани бир кўрсанг,- деб қўйдим. Шундай дейману, лекин мактабимизнинг устахонаси қаерда эканлигини ўзим ҳам билмайман.

– Ҳалиги, кийим-бош тикадиган артел-чи? - деб сўрашда давом этди Ҳайитвой.

– Бор. Ҳаммаси бор. Мана шу устимдаги кўйлак ҳам ўша ерда тикилган. Оёғимдаги туфлини Шоқир деган битта оғайним тикиб берган.

– Бизда ҳам устахонанинг ҳар хилидан бор, - деди Ҳайитвой бир оз шаштидан тушиб, - ҳозир олиб бориб кўрсатардим, лекин ишларим қолиб кетади-да.

Мен унинг ишларига кўмаклашадиган бўлдим. Кўз очиб-юмгунча... молхонани... ёғ томса ялагудек тозалаб ташладик. Гўнг билан чиқиндиларни мен катта челака солиб турдим. Ҳайитвой ташқарига бўзчининг мокисидек қатнаб турди. Бир нафасда ҳамма ёқ, ҳали айтганимдек, ёғ томса ялагудек бўлди-қолди.

– Дўстим Ҳайитвой, - дедим ишлар тугагач, сизларга мол доктори керак эмасми?

– Дўстим Ҳошимбой, - жавоб қайтарди шеригим, - мана шу фермадаги саккиз бола ҳаммамиз мол доктори бўламиз. Ҳайитвой билан ўртоқ бўлиб қолдик. Ўзим кўнгли очиқ, хушчақчақ, менга ўхшаб қизиқчироқ бола экан. Аввалига роса мақтанчоқ бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, унчалик мақтанчоқ эмас экан. Айтганидек, мактабнинг устахонаси кўрсанг кўргу-

дек, томоша қилсанг томоша қилгудек жой экан. Қизлар менинг ойимни-кидек тепки машинада чок тикишаётган хонага кириб ўн минут чамаси анграйиб турдим. Қасам ич десангиз, қасам ичиб айтаманки, бунақанги устахона ҳеч бир мактабда бўлмаса керак. Куёнларнинг терисидан жажжи қизлар учун попукли қалпоқчалар, оқ батистдан ўқувчи қизлар киядиган фартук дейсизми, пахта териладиган этак дейсизми, хуллас, дунёдаги йўқ кийимлар мана шу ерда тикилар экан. Бирам бежирим, бирам чиройли тикишяптики!

– Менга қара, ана у қалпоқчалардан эдалик учун менга иккита беролмайсанми?

– Нима қиласан буларни?

– Иккита синглим бор, ўшаларга совға қилиб олиб бормоқчиман.

– Йўқ, беролмайман.

– Берасан, кейин кўлимга пул тушганда келиб тўлаб кетаман.

– Беролмайман, - деди Ҳайитвой бир оз жаҳли чиқиб.

– Берасан, - шундай дедим-да, стол устида турган чиройли қалпоқчалардан иккитасини олиб кўлтиққа урдим. Ҳайитвой кўлимга ёпишган эди, билмасдан қаттиқроқ итариб юборган эканман, бечора икки-уч думалаб кетса бўладими. Чок тикаётган қизлар бизни кузатиб туришган экан, уларни сут-қатиқ билан таъминлаб, нонушталарига қаймоқ етказиб бераётган укажонларини ранжитганим учун мендан ўч олмоқчи бўлиб 28 қиз бараварига ўрнидан турди: бирининг кўлида пичоқ, бирининг кўлида қайчи, бириси қизиб турган дазмолни ушлаб олган, ҳаммалари менга гапланиб қолишди. Қарасам, ишнинг кети хунук бўладиган. Қочмаган номард дедим-да, ўзимни эшикка урдим... Йўқ, Мулла Ҳошимбой, кечиккан эканлар, эшикни аллақачон беркитишга улгуришибди, қалпоқчамини бошимга кийишга аранг улгуриб қолдим. Кўздан йўқ бўлишим билан:

– Столнинг тагини қараишлар, стол тагида! - деб қичқирди бири.

– Шкафнинг ичига киргандек бўлди! - деди бошқаси шовқин солиб. Ўзимни секингина деразадан ҳовлига отдим. Қизлар «ўғри қочди, ушланглар!» - деб орқамдан югуриб чиқишди. Бутун интернатда тревога кўтарилди. Директор Хурсанали Шарафиддинович радиоузел орқали эълон қилиб мени қидиришга 550 ўқувчининг ҳаммасини сафарбар қилди.

– Афти-ангори эсингда қолганми? - сўради у Ҳайитвойдан.

– Бўлмасам-чи?...

– Унда мана бу радиоузел орқали ҳаммасини гапириб бер, тезроқ бўл!

– Диққат, диққат! - ҳовлиқиб, хириллаб гапира бошлади Ҳайитвой, - ўғрини қидираётганлар диққатига. Ҳозиргина қочган бола 12-13 ёшларда эди. Ўзи қорачадан келган, ориқ, бўйи мендан кўра новчароқ. Кўзлари йирик-йирик, доим чақнаб туради. Бурни ангишвонага ўхшайди. Гапирганда тутилиб-тутилиб қолади. Афти-бошига бир ҳафтадан бери сув тегмаган бўлса керак, ҳамма ёғи кир...

Ҳайитвой радиодан эълон бераётган маҳалда мен директорнинг кабинетига худди ўша директорнинг ўзи билан ёнма-ён ўтириб чойхўрлик қилмоқда эдим.

Секин ўрнимдан турдим-да, Хурсанали Шарафиддиновичнинг совиб қолган чойидан оч қоринга хўриллатиб бир хўлладим, радиоузел ўрнатилган хонага кирдим. Ҳайитвой ўша ерда ҳамон кекирдагини чўзиб гапирарди.

– Ма, қалпоғингни ол, бунақаси бизнинг мактабда ҳам тўлиб ётибди! - дедим-да, оёғининг тагига тап этиб ташладим.

Арзимаган бир нарса учун юзим шувут бўлиб қолди, бу ерда қолишим мумкин эмас эди.

IV БОБ

ҲАШОРАТНИ КАЛТАКЛАШГА БУЮРДИМ

Кетяпман-кетяпман, на йўлнинг охири кўринади, на атрофда бирон қўққайган кулба. Ўнгга қарасанг ҳам ғўза, чапга қарасанг ҳам ғўза. Бир маҳал бурилиб орқамга боққан эдим, назаримда ҳозиргина мен босиб ўтган йўлларда ҳам ғўзалар ўсаётганга ўхшаб кўринди. Сиз қанақалигингизни билмайман-ку, лекин мен шунақанги поёнсиз далаларга чиққанимда яйраб, жоним танимга сиғмай кетади. Ундан кейин қорним тўйди дегунча, ашула айтиб юборадиган одатим ҳам бор. Шу пайтда қорин масаласида шикоятим йўқ ҳисоби. Ундан кейин атрофда: «Ҳой, мулла Ҳошим, қулоқ ўзимизга ҳам керак», - деб танбеҳ берадиган бирон кимса ҳам кўринмайди. Шартта ашулани бошлаб юбордим:

Хоҳ ғўзам, хоҳ-хоҳ ғўзам,

Ҳосили оппоқ ғўзам,- дейман-у, буралиб-буралиб ўйинга тушиб юбораман. Кейин икки қўлимни биқинимга қўйиб, эгилиб ғўзаларга салом бераман-да:

Хоҳ ғўзам, хоҳ-хоҳ ғўзам.

Ҳосили оппоқ ғўзам,- деб куйлаб йўлда давом этаман. Қоронғи тушиб, осмонда чарақлаб юлдузлар ҳам кўриниб қолди. Аммо ҳали айтганимдек, йўлнинг охиридан дарак йўқ.

Бир маҳал кўчанинг чап томонидан миттиллаб чироқ ёруғи кўриниб қолди. Бориб қарасам, етмиш ёшларга кирган, оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир отахон ёнбошлаб олиб хўриллатиб кўк чой ичяпти. Оёқ томонда - тошфонус, ўшанинг ёруғини кўрган эканман.

– Ассалому алайкум, отахон! - дедим чўзиб,- сув қўяяпсизми?

– Ваалайкум, - отахон чордана қуриб ўтириб олди, - кел, ўғлим, кел. Қани, берироқ кел-чи, танимайроқ турибман. Кимнинг ўғлисан ўзи?

– Дадамнинг ўғлиман, - деб юборибман шошиб.

Ҳаш-паш дегунча икковимиз ота-боладек бўлдик-қолдик. Отахоннинг исмлари Полвонтоға экан. Ишимнинг ўнгидан келганини қарангки, Полвонтоға ёлғиз ўзи зерикиб ўтирган экан. Менга ўхшаш эсли-хушли, гапга тушунадиган бир йигитга жуда-жуда ҳам зориқиб ўтирган экан. Хурсанд бўлиб кетганидан отахон мени обдон меҳмон қилди, кейин термосдан чой қуйиб бераётди:

– Оббо ўғлим-эй, оббо гойлоғим-эй, - деб қўйди.

– Отахон, бу ғўзалар қайси колхозники¹ ? - секин мақсадга ўтдим.

– Колхозники эмас, совхозники². Олтинчи совхозники. Ўғлим, қани қандан ол, чой расми қанд билан ичилади.

– Отахон, совхозингизга агроном керак эмасми?

– Совхозга керак-керамаслигини билмайман-ку, аммо-лекин бизнинг бўлимга агроном керак. Ўзимизнинг агроном областга кўтарилиб кетди. Умрингдан барака топгур, кўп азамат йигит эди. Нима, далаг агрономми дейман?

– Дадам эмас, менинг ўзим агрономман.

– Нима?! Муштумдек бола-я! - Шундай деб отахон менга бошдан оёқ разм солиб чиқди. Мен қўлтиғимда турган қалпоқчамга «қалпоқчам, сеҳрингни кўрсат», деб аста шивирладим-да, овозимни чиқариб:

– Отахон, мени чоғимда ёш бола деб ўйлаяпсиз шекилли? - деб шартга ўрнимдан турган эдим, Полвон тоғам мирзатеракдек бўйимни кўриб:

¹ Колхоз (русча) - жамоа хўжалиги.

² Совхоз (русча) - совет хўжалиги. Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг мустақилликдан аввалги даврларга хос тузилмаси.

– Ёпирим-эй, ёпирим-эй! - деб соқолини чангаллаб, ҳангу манг бўлганча менга тикилиб қолди. - Ҳозиргина ёш бола эдинг-ку, ё туш кўраётиб-манмикин-а! Астағфурулло...

– Отахон, мен ўзи шунақаман, - дедим шошиб-пишиб, - бир қарасангиз ёш боладек, яна бир қарасангиз катта одамдек бўлиб кўринаман.

– Ёпир-ей, ёпир-ей! - дерди отахон тинмасдан. У бир нафасдан сўнг ўзига келиб, «шундай қилиб, агрономман денг, ўғлим» деб сўради.

– Ҳа, отахон, агрономман.

– Бизнинг совхозга ишга кирмоқчи бўлиб яхши қилибсиз, ўғлим. Совхозимиз кенг, ҳаммага ҳам иш етиб, ортади. Фарғона томондан бўламан дедингизми?

– Ҳа, Фарғона томондан бўламан.

– Ота-оналар ҳаётми?

– Ҳаёт, отахон, ҳаёт.

– Баракалла, уларнинг даврида у ёқ-бу ёқни кўриб олганингиз маҳкул. Мусофир бўлмасанг, мусулмон бўлмайсан, дейдилар кексалар. Эрталаб совхоз директорининг олдига ўзим бошлаб бораман. Фарғонадан мени қора тортиб кепти, ҳамшаҳарим бўлади, ишга олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан, деб туриб оламан.

Ўша кечаси Полвон тоға билан даланинг ўзида ётиб қолдик. Ўзиям анчадан буён бунақанги хузури жон бўлмаган эди. Цемент ариқлардан ҳайкириб оқаётган сувлардан эгатларга тараб қўйдик-да, ернинг ўртасига қилинган баланд супада чўзилиб ётдик. Олис-олисларда чироқлар милтиллаб ёнади, кўклагги юлдузларни айтмайсизми, чарақлаб кўзни олай дейди. Ой бўлса тепамизга келиб аллақандай сарғиш, аллақандай кўким-тир нурлар сочади. Қалбимизда ҳеч тушуниб бўлмайдиган, шодликка ҳам, ғуссага ҳам ўхшайдиган ғалати - ғалати ҳислар уйғонгандек бўлади. Сув ўз тилида бир нималар деб чулдирайди, чигирткаларнинг басма-басга куйлаши курбақаларнинг пашша тута олмаганидан кимгадир шикоят қилаётгандек, чўзиб-чўзиб қуриллаши - мана шуларнинг ҳаммаси менга, негадир, қишлоғимизни эслатиб юборди. Чалқанча тушиб, икки қўлимни бошимнинг остига қўйганча юлдузлар чаманига маҳдиё бўлиб ётарканман, шу пайтда ойижоним, жондан яхши кўрган сингилларимни эслаб кетдим. Эҳтимол, бечора ойижоним сочларини юлиб фарёд кўтараётгандир, далама-дала, қишлоқма-қишлоқ мени ахтариб юргандир. Ойижон, ойижон-

ним, мени ахтарманг, мени деб кўз ёшларингизни оқизманг. Ҳошимбойнинг ишлари беш, катта совхозга катта агроном бўлай деб турибди...

Ўйлай-ўйлай ухлаб қолибман.

Совхоз директори баланд бўйли, елкалари кенг, полвоннамо бир киши экан. Гапирганда овози худди хумнинг ичидан чиққандек гулдираб, жаранглаб эшитилади. Кулганда томни кўтариб юборгудек қаттиқ кулади, юрганда уйнинг поллари лапанглаб кетади. Полвонтоға мени таништирган:

– Ҳошимбой ҳали ёш, уни ўзинг тарбиянгга оласан, - деб тайинлади совхоз директорига.

– Отахон, сизнинг гапингизни ҳеч қайтаролмайман, - деди директор менга зимдан разм солиб, кейин менинг ўзимдан ҳам сўраб қўйди:

– Қайси институтни битиргансиз?

– Агрономлик институтини.

– Қайси факультетини?

– Агрономлик факультетини.

– Яхши, илгари ишлаганмисиз?

– Йўқ.

Акбар ака Носиров унақанги эзма директорлардан эмас экан, гапни чўзиб мени ҳам, ўзини ҳам қийнаб ўтирмади-ю, шартта агроном қилиб тайинлади-қўйди.

Ўша куни икковимиз унинг «Виллис»ига ўтириб, дала айландик. Тўртинчи бўлимга тайинланган эканман, ихтиёримда 1200 гектар пахта майдони-ю, 12 бригада. Акбар ака мени жамики бригада бошлиқлари, мен раҳбарлик қилишим керак бўлган одамлар билан бирма-бир таништириб чиқди. Миқиб юринг деб, «ИЖ» маркали мотоцикл бериб, 120 сўм ойлик ҳам тайинлади.

– Энг муҳими, ўртоқ Рўзиев, - деди у таъкидлаб, - одамлар билан ишлаш. Агар кишилар билан яхши муомала қилсангиз, уларнинг қалбига йўл топа олсангиз иш ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Тушунарлими?

– Тушунарли, ўртоқ Носиров! - дедим.

Мотоцикли олишга олиб қўйдим-ку, лекин яшириб нима қиламан, ҳайдашни билмас эдим. Тўғри, дадамнинг мотоциклига уч-тўрт бор минганим бор. Ўт олдириш, газ беришни, теълигини ошириб, пасайтиришни ўшанда увча-мунча ўрганган эдим.

Уч кун мотоцикл минишни машқ қилиб, тўртинчи кундан бошлаб дала айлашига тушдим. Бу ернинг одамлари ажойиб кишилар экан. Қаерга бормай, ҳурматимни жойига қўйиб кутиб олишади. Чой, баъзан қозон осиб овқат ҳам тайёрлашади. Икки марта товуқ шўрва ҳам қилиб беришди. «Ароқ-пароқ ҳам ичасизми?» деб сўрашган эди, «Тагин маст бўлиб қолиб алжиб ўтирмай» деб, «йўқ, мен ичкиликни ёмон кўраман» деб қўя қолдим. Гоҳида:

– Ўртоқ агроном, сизнингча, маҳаллий ўғитга суперфосфатни аралаштириб солган яхшими ёки суперфосфатни селитра билан ташлайверайликми? - деб сўраб қолишади.

Суперфосфат нимаси-ю, селитра нимаси, ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман. Илгари бунақанги гапларни ҳеч эшитмаган эканман.

Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бермайман: - Шуни ҳам сўраб ўтирасизларми, - деб жўртгага балаңд келаман, - ким айтади сизларни Мирзачўлнинг машҳур пахтакорлари деб, уят эмасми!

Айланиб юриб, тўртинчи бригада даласида жанжал устидан чиқиб қолибман. Бўлим бошлиғи Ўрмон ака билан бригадир Раҳимжон ака нима тўғрисидадир қўлларини пахса қилишиб баҳслашмоқда эди. Мени кўриши билан бўлим бошлиғи:

– Ўртоқ агроном, сиздан бир илтимосим бор, - деб қолди.

– Агар малол келмаса, мана бу Раҳимжонга, унинг аъзоларига компост тўғрисида гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунмас экан.

– Марҳамат, - дедим-да, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим, - ўртоқлар, компот жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанчалик кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компотни ўрик, шафтоли қоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компот ичмабсиз, дунёга келмабсиз...

Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб кулиб юборишди. Қизикроқ гап айтган бўлсам керак деб, менинг ўзим ҳам кулавердим, роса кулишдик. Кейин билсам, ўша куни роса шарманда бўлган эканман. Гўнгни ачитиб тайёрланадиган компостнинг фарқига бормасдан, роса алжибман, ўша кундан бошлаб тўртинчи бригадага қадам босмайдиган бўлиб кетдим.

Қисқаси, мана шунга ўхшаш икки-чикирларни ҳисобга олмаганда ишларим кўнглидагидек, кайфим чоғ эди. Қани энди директоримиз Отажон Азизовми ёки менга икки баҳолар қўйишдан чарчамайдиган Қобиловми мана шу юришларимни бир кўришса-ю, ўқимасдан катта одам бўлиб олганимни, масъул ишда ишлаётганимни кўриб, ўз айтганларига пушаймон бўлишса, деб ўйлайман.

Қунларнинг бирида меҳрибон ойижонимга, директоримизга алоҳида-алоҳида хат ёздим. Ойижонимга нима деб ёзганимни ўзингиз ҳам сезиб турган бўлсангиз керак... Отажон Азизовга тахминан мана бундай деб ёзган эдим:

«Қадрли Отажон Азизов!

Мирзачўлнинг азамат пахтакорларидан Сизга оташин салом. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Сиз ёлғончи бўлиб чиқдингиз, киши ўқимаса, ёшликда илм олмаса, алгебра, геометрия, она тилини пухта эгалламаса агроном ҳам, инженер ҳам бўла олмайди девдингиз, ёлғон экан. Мана, мен агрономман, ишонмасангиз шу хат билан юборган расмимга қаранг. Энди орденли бўлганимда учрашамиз. Хайр. Салом билан агроном Ҳошимжон Рўзиев».

Хатни юборган куним эртасига иккинчи бригада ерларини айланиб, нима қилишни, кимга қанақа буйруқ беришни билмай, хунобим ошиб юрган эдим. Раҳбар бўлсангу, ҳеч кимга ҳеч қандай буйруқ бера олмасанг, бундан ҳам хунуги бўлмас экан. Демак, дейман ўзимга-ўзим, қишлоғимиздаги саводсиз агроном Анорбой тоға шунинг учун ҳам бўлар-бўлмасга бақираверар экан-да. Кўп бақирсанг, ёмон ишлаётганинг ҳам билинмас экан. Бақироқларнинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаб билимсиз, сеҳргарлик билан раҳбар бўлган экан-да, деб ўйлайману, ишлаб турган кишиларнинг ёнига бориб бўлар-бўлмасга бақираман, шовқин соламан. Лекин бугун кимга, нима деб бақирини билмай гаранг эдим. Бир маҳал бригада бошлиғи Муродхон ака ҳаллослаганча келиб қолди:

– Ўртоқ агроном, ўртоқ агроном! - деди ўпкаси оғзига тиқилиб.

– Хўш,- дедим қовоғимни солиб, қошларимни паст-баланд қилиб.

– Мен сизни эрталабдан бери ахтариб юрувдим.

– Хўш? - деб пишқирдим яна.

– Гап бундай, ўртоқ агроном, гўзаларимизга ёшпасига шира тушиб кетибди.

- Шира? Қанақа шира? - деб бақирдим, - ёпишоғидан тушибдими? Шундай дейман-у, лекин ўзим шира қанақа бўлишини ҳеч кўз олдимга келтиролмаман. Тўғри, илгари шира-пира деб эшитганим бор, лекин ҳеч кўрган эмасман.

- Маслаҳат берсангиз, қандай тугатсак экан? - деб сўради Муродхон ака.

- Қани, менга кўрсатинг-чи, - дедим ўзимни босиб. Бригадир келган томонга қараб кетдик. Боряпман-у, йўл-йўлакай қўлтиғимга қисиб олганим, сеҳрли қалпоқчамга «қалпоқчам, ёрдам бергин, ақл ўргатгин!» деб шивирлайман.

«Ақл сеҳрга бўйсунмайди, ақлингга ақл қўшиб беролмайман, ўзимда ҳам шу қурғурдан сал камроқ,» - дейди қалпоқчам.

- Бўлмаган гап, қўшасан!

- «Кўшолмайман. Илм, ақл деган нарсалар қалин жилдли китобларда бўлади, доно кишиларнинг калласида бўлади. Умрим бино бўлиб битта ҳам китоб ўқиган эмасман. Хат-саводим йўқ».

- Мана кўринг, мана шу ғўзаларга шира тушган, - деб қолди Муродхон ака катта пайкални кўрсатиб. Имиллашнинг пайти эмас эди. Бирон донороқ маслаҳат бермасам, бу ерда ҳам тўртинчи бригададагига ўхшаб обрўйим бир пул бўлиб қолиши мумкин. Лекин нима десам экан?

- Баргига тушибдими? - деб сўрадим гап орасида.

- Баргига тушмай поясига тушармиди? - кесатиб қўйди бригадир.

- Менга қаранг, ғўзаларнинг тубидан ушлаб қаттиқроқ силкитсак шираси тўкилиб кетмасмикин-а?

- Ҳазилингизни қўйсангизчи, ўртоқ агроном.

- Ғўзанинг устидан челақлаб сув қуйсак, ширасини ювиб кетади-ку. Ҳа, албатта шундай қиламиз. Шундай! - дедим ҳовлиқиб.

Муродхон ака далани бошига кўтариб хоҳолаб кулиб юборди. Демак, у мени ҳазил қиляпти деб ўйламоқда. Ҳазил бўлса бўлақолсин, дедим-да, ўзим ҳам қиқирлаб кулавердим. Кейин ўзимни босиб жиддий бир оҳангда:

- Неча ишчингиз бор? - деб сўрадим.

- Эллик бешта, ўртоқ агроном.

- Ҳар биттасига йигирма дондан тол новдаси кестиринг ва бир соат ичида жамики ишчингизни мана шу ерга тўпланг! - деб буюрдим. Айтганимдек, бир соат ўтар-ўтмас 55 киши қўлтиғида бир дастадан

новдаси билан ҳузуримда «қани, ишингиз бўлса буюринг», деб етиб келишди. Эгат оралаб пайкалга тушинглар, дедим.

- Энди ҳурматли ўртоқлар, шира тушган баргларни калтаклайсизлар, - деб қўйдим гапимнинг охирида.

- Нима? - кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб сўради бригадир. - Гапни кўпайтирманг, буйруқни бажаринг! - Ҳушингиз жойидами ўзи, ўртоқ агроном? Ахир бунда ғўзалар нобуд бўлади-ку!

- Ғўза нобуд бўлса, мен жавоб бераман, агроном жавоб беради, - деб бақириб юбордим тўсатдан. - Ширага қарши курашишнинг янги методи бўлади бу. Тушундингми? Замондан орқада қопсан, каллаварам... Хуллас, буйруғимни ўтказмагунча қўймадим. Тўғри-да, гапимни гап қилолмасам, бу ерда нима деб юрибман. Одамлар аввалига елка қиснишиб бир-бирларига қараб, ҳайрон бўлиб туришди-да, янги метод деганимни эшитиб, «чиндан ҳам бирон ҳикмати бўлса керак», деб ўйлашди шекилли, кўзларини чирт юмиб, ғўзаларни савалашга тушиб кетишди.

Бир маҳал бундай қарасам, бир хил ғўзаларда битта ҳам барг қолмаган, тандир косовдек сўшпайиб турибди, бир хилларининг боши синган.

- Эсизгина меҳнат, Эшвой! - деди ишчилардан бири бош чайқаб.

- Нимасини айтасиз, Қобилвой, - деди бошқаси уҳ тортиб, - янги метод шунақа бўлса... тавба.

- Аслида агрономнинг ўзини тутволиб калтаклаш керак эди! - деди учинчиси.

Шу пайт орқа томондан машинанинг кетма-кет чалинган сигнали эшитилиб қолди. Қарасам совхозимизнинг директори Носир ака тушиб келяпти.

- Ҳорманг, агроном, - деб қўл узатди у.

- Саломат бўлинг, - дедим янги метод ўйлаб чиқарганим учун гердайиб. Эҳтимол, мукофотга ҳам тақдим қилиб юборар, деб ич-ичимдан севишиб ҳам турибман.

- Нималар қилдиряпсиз?

- Ширага қарши курашяпмиз.

Директор одамлар ишлаётган жойга бориб, аввалига нималар бўлаётганига тушунмади шекилли, бирпас анграйиб турди. Кейин тўсатдан ҳар бир кўзи косадай бўлиб:

- Булар тентак бўлганми ўзи! - деб бақирди.

– Ўртоқ агроном буюрдилар, - тушунтирди бригадир.
– Агроном? Нима?! - Носиров шунақанги қаттиқ бақирдики, назаримда олис-олислардаги тоғлар ҳам ларзага келиб силкингандек бўлди.
– Ақлингиз жойидами ўзи, ўртоқ Рўзиев, - ўша важоҳат билан сўради директор.

– Жойида, ўртоқ Носиров.

– Агрономимиз жинни бўлиб қолганга ўхшайди, - деди кимдир.

– Рост, ана, қаранглар, кўзи ҳам бежо, - деди бошқаси.

– Ушланглар уни! - деб юборса бўладими Носиров.

Эзлик беш киши тенгдан газабга келиб турган экан, ҳаммалари мижиб ташлагудек бўлиб менга ташланиб қолишди. Қани, ҳурматли дўстим, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, шундан кейин мен нима қилишим керак эди? Албатта, бошимга қалпоқчамни кийиб хайр-маъзурни насия қилиб бўлса ҳам жуфтакни ростлаб қолишдан бошқа чора қолмаганди.

У Б О Б

ҚОФИЯ БОЗОРИ ҚАЙДАЛИР

Санқиб юриб бир маҳал катта йиғин устидан чиқиб қолибман: тўй десам, тўйга ўхшамайди. Колхознинг катта боғида одам демаган ҳеч ерга сиғмай кетган. Гулзор ўртасига ўрнатилган супаларда кишилар тўп-тўп бўлиб гурунглашмоқда. Кимдир елпиб-елпиб кабоб пиширмоқда. Новча бўйли бир одам ёнига бешта шогирдини олиб палов дамлаш билан овора. Нарироқда учта хотин куйиб-пишиб, пуфлаб-пуфлаб тўрт қулоқли сомса ёпмоқда, менга ўхшаш болалар физиллатиб чой ташиб турибди. Ҳаммаси ясанган-тусанган, лабларида кулги десам кулгига, табассум десам табассумга ўхшамайдиган ғалати ифода. Кимнидир кутишаётганга ўхшайди. Барчаси бетоқат, кўзи атрофда.

Аввало, бошимдан қалпоқчамни олмасдан туриб, иссиқ-иссиқ сомсалардан тўйиб-тўйиб еб олдим. Кейин, қалпоқчамни олгач, олма дарахтининг шохига чиқиб олган олакўз боладан сўрадим:

– Бу ерда нима бўляпти ўзи?

– Хабаринг йўқми? - деди олакўз.

– Йўқ.

– Қани, оғайни, бу ёққа чиқавер. Кейин ҳаммасини айтиб бераман.

Дарахтга чиқиб жойлашиброқ ўтириб олдим. Олакўз оёғини силкита-силкита тушунтира кетди:

– Бу ерда, оғайни, шеър базми бўлади, билдингми? Шоирлар келишади. Улар чўлқуварлар билан каттакон учрашув ўтказади...

Шу пайт боғнинг дарвозасидан бир йўла саккизта шоир бирин-кетин кириб кела бошладилар. Олдинда паст бўйли, дум-думалоқ кўзойнак таққан эллик ёшлардаги бир шоир, унинг орқасидан қотмадан келган, сочларига оқ оралаб қолган, чўзиқ юзли яна бир шоир. Ҳаммасининг бошида мовут шляпа, ҳаммасининг эғнида кетворган костюмлар, учи ингичка туфлиларни айтмайсизми?

Дарвоза олдида кўринишлари билан колхозчилар ўринларидан туриб қарсақ чалиб юборишди. Мен ҳам дарахт устида ўтирганим эсимда йўқ, қарсақ чалмоқчи бўлган эдим, ушлаб ўтирган шохим қўлимдан чиқиб, гурсиллаб йиқилдим. Хайриятки, мени ҳеч ким кўрмай қолди, бўлмаса роса кулги бўлармиди. Шеърхонлик бошланиб кетди.

Биринчи бўлиб ҳалиги катта шоир, оти Мамарасул Болта экан, ўша ўқиди. У пайтларда хотирам жуда ёмон эди, шеърни қаторма-қатор эслаб қололмадим, аммо мазмунини ҳалигача унутган эмасман.

Далалар, гўзал далалар, боқиб тўйиб бўлмас ҳуснингиз, ранг-баранг атласингиз, гулдек яшнаган шу жамолдингиз қалбимга ўт солар. Далалар, кадрдон далалар, баҳор таърифингиз бошласа булбул, мадҳингиз тугамас кузда ҳам буткул. Қуту баракангиз тўкин шу қадар. Фаровон ҳаётда қайнаб тўлибсиз, ҳазина бўлибсиз, гўзал бўлибсиз...

Одамлар шеърнинг сеҳрига маҳлиё бўлиб, ишонсангиз, ҳайкалдек қотиб қолишди. Шунинг учун ҳам шеърнинг тугаганини ҳеч ким сезмади. Фақат шоир ўрнига қайтиб ўтираётгандагина кишилар ўзига келиб қарсақни янградиб юборишди.

– Баракалло!

– Минг офарин!

– Шеър дегани ана шундай бўлиши керак! - деган овозлар янгради атрофда. Шу пайт колхозчилардан бири отилиб ўридан турди-да, шоирга яқинлашиб елкасига банорас тўп ёнди, бошига ҳуст пусха дўппи кийгизди, белига жимжимадор гуллар тикилган қизил атлас белбоғ боғлади.

– Рухсат берсалар, - деди у тўлқинланиб, - колхозчилар номидан бир табриклаб ҳам қўйсам. Шундай деди-ю, шоирнинг терлаб турган

пешонасидан чўпиллатиб ўпиб олди. Яна гуриллаб қарсақ чалинди. Бу гап мен ҳам ёнгинамда оёғини осилтириб ўтирган олакўз ҳам ўзимизни ушлаб туролмай, йиқилсақ йиқилармиз-да деб, қарсақ чалиб юбордик...

Шеърхонлик қоронғи тушгунча давом этди. Мен эса биринчи шеърни эшитганимдаёқ, шоирга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромни кўриб адоий тамом бўлган эдим.

«Ана ҳурмату, ана эъзоз, - дейман ўзимга ўзим, мен бўлсам жонимни қийнаб агроном бўламан деб юрибман-а. Мана, шоир бўлсанг, бошқа гап. Тўйиб-тўйиб тухум ютасан, китобларинг чиқади, суратинг газетада босилади. Битта-яримта шеър ўқиб қўйсанг, елкангга банорас тўн ёпишади. Қарсақлар, офаринлар! Йўқ, йўқ! Мен ҳам шоир бўламан. Бўламан, албатта бўламан».

Йиғин тугаши билан секин пастга тушдим, қалпоқчамни бошимга илиб секин шоирларга қўшилиб олдим. Ахир шоир бўлиш учун, унча-мунча уларнинг сир-асрорларидан хабардор бўлишим, лоақал битта-яримтаси билан дурустроқ ошно бўлиб олишим керак эди-да. Шоирлар тунаб қолишга кўнмай, ишлари қистов экан, колхозчилар ҳарчанд қисташса ҳам, «Волга»ларга ўтириб секин жилиб қолишди. Мен ҳам Мамарасул Болта ўтирган «Волга»га тушдим. Қарасам, бўш жой йўқ, шоирнинг тиззасига ўтириб қўя қолдим.

- Сайдулло, мен негадир оғирлашиб кетяпман, - деди Мамарасул ака бетоқат бўлиб. Қарасам гап кўпаядиган, шунинг учун учовларининг тиззасига узала тушиб ётиб олдим. Машина текис йўлдан қушдек учиб боради. Мен шоирликка оид бирор гап эшитиб қолармиканман, деб уларнинг оғзини пойлайман. Гапга кулоқ солиб ётиб, бир маҳал кўзим илинай деб қопти. «Шаҳар, шаҳар» деган сўзлар қулоғимга чалиниши билан сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Минглаб чироқлар порлайди, кетмакет липиллаб ўтаётган кўп қаватли уйлар, симда юрадиган автобуслар, бирининг кетига иккинчиси тумшунини тираб бораётган ҳисобсиз енгил машиналар... Йўлакларга одам сизмайди, кўчаларнинг кенг ва яхлитлиги, шишадек ярақлаб турган асфалтлар - мана шуларнинг ҳаммаси завқимни ошириб, менинг ҳам қалбимга илҳом солгандек бўлди. Беихтиёр шеър ўқий бошладим.

Кўчалар,
Оҳ, бегона кўчалар,
Мунча силлиқсиз,
Мунча тиниқсиз.
Қалбимга яқин кўчалар,
Уйқум йўқдир кечалар...

Мен ўша куни Сайдулло аканикида ётиб қолдим. Лекин менинг юмшоқ диванда ҳузур қилиб, мириқиб ухлаганимни на унинг ўзи, на болачақаси билди. Эртасига эса шоирлик ҳаётим ўз-ўзидан бошланиб кетди.

Бунақанги катта шаҳарда биринчи бор бўлишим... Бир кун кечгача томоша қилиб маза қилдим. Музейларни, кинотеатрларни, қўғирчоқ театри, цирк - ҳамма-ҳаммасини кўрдим, деворларини қўлларим билан силадим. Кечқурун шинам меҳмонхоналардан бирига кириб:

- Жой борми, опажон, - деб сўрадим.

- Каттага йўқ-ку, сенга йўл бўлсин, - деди қоши мушукнинг думига ўхшайдиган новча бир хотин. Бўлмаса бўлмасин, дедиму, қалпоқчамни кийиб ичкари кирдим. Бўш жойлар кўп экан. Биттасига ечиниб ётиб, тонг отгунча шеър машқ қилдим. Эрталабга яқин ижод маҳсулим ҳам тайёр бўлди. Ўпкамни қўлтиқлаб таҳририятлардан бирига югурдим. Эшигининг устига «Адабиёт, санъат бўлими» деб ёзиб қўйилган хонага «ассалому алайкум» деб кириб бордим. Хонанинг эгаси бошқа бир шоирнинг шеърини кўриб, сўзлашиб, чақчақлашиб ўтирган экан, менинг шеъримни қўлига олиб ичида, овоз чиқармасдан маза қилиб ўқиди. Аввал оёғимга, ундан кейин қорнимга, энг охирида бошимга назар ташлаб:

- Бўлмайди, ука, - деб қўйди.

- Нега энди бўлмас экан, бўлади, - дедим шўшиб-пишиб.

- Бу шеър эмас, оддий гап-ку.

- Нега энди шеър бўлмас экан, ажойиб шеър бу!

- Шеърда қофия, вазн, туроқ деган нарсалар бўлиши керак. Маъно, мантиқ деган нарсалар бўлиши керак. Шеърларингизда мен ўшаларни кўрмайман.

- Бор, синчиклаб қараб кўринг! - деб туриб олдим.

- Менга қаранг, ука, отингиз нима эди?

- Шоир Ҳошимжон Рўзи.

- Шоир Ҳошимжон Рӯзи, сизга маслаҳатим шуки, машқ қилинг, шеър машқ билан камолотга етади.

- Хўп бўлади,- дедим гапни чўзиб ўтирмасдан.

Шеър ўтмади, баҳоси икки пул бўлди. Лекин мен умидсизликка тушганим йўқ. Йўқ, асло бундай деб ўйламанг. Умидсизлик менга бегона. Ойим, сен тирмизак тегирмонга тушсанг ҳам тирик чиқасан, дер эди. Ҳақиқатдан ҳам тўғри айтган экан. Нега десангиз мен ҳар қандай қийинчиликдан ғам-ташвишсиз, бир хил ўзим тенги болаларга ўхшаб йиғлаб-сиқтаб ўтирмасдан осонликча чиқиб кетавераман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шеърим касодга учрагач, лаб-лунжимни осилтириб ўтирмасдан, қофия, вазн, туроқ сўроқлаб магазинларни кезишга тушдим.

- Опажон, сизда қофиядан борми? - деб сўрадим китоб сотиб ўтирган аёлдан.

- Нима? - юзимга қарамасдан сўради аёл.

- Қофия, шеърга ишлатиладиган қофия, - тушунтирдим, - жон опа, бўлса юз грамм топиб беринг. Жуда зарур бўлиб қолди.

- Унақа нарса йўқ бизда.

- Бўлмаса, беш-ўнта вазн топиб беринг.

- Вазн ҳам йўқ.

- Туроқ-чи? Туроқ ҳам бўлмаса керак? - дедим кесатиб.

- Йўқ дедим-ку. Қанақа эзма боласан ўзинг. Сен сўраган нарсалар култмагда бўлади.

Култмагга борган эдим, хозмагдан сўраб кўринг, дейишди.

Ўша кунни мен бормаган магазин қолмади. Ҳатто бир оз қиммат бўлса ҳам ола қолай деб чайқов бозорига ҳам бирров тушиб чиқдим. Йўқ, анқонинг уруғи бўлиб кетган экан бу нарсалар, топилмади. Аламимдан кечаси қофия, вазн, туроқ бўлмаса ҳам шеърни шунақанги кўп ёздимки, кўрсангиз юрагингизни ваҳм олади.

- Хўш, машқ қилдингизми?

- Бўлмаса-чи, тунни билан ухламадим.

- Қани, шеърни олинг-чи.

- Марҳамат.

Жўра Жуман шеъримни маза қилиб ўқиғач, мийиғида билина-б-билинимас кулиб қўйди, кейин худди кечагига ўхшатиб, аввал оёғимга, кей-

ин шу пайтда жуда очкаб чулдираб нағма қилаётган қорнимга, энг охирида, терлаб турган пешонамга назар ташлаб:

– Нечанчи синфда ўқийсиз, шоир? - деб сўради.

– Ўқишни тугатганман, - дедим шошиб-пишиб. Нега десангиз фалон синфда ўқийман десам, бор, аввал ўқишингни тугатиб кел, деб юборишидан кўрққан эдим-да.

– Қайси шоирни кўпроқ ўқийсиз?

– Ҳаммасини ҳам.

– Ҳамид Олимжонни ўқиганмисиз?

Қарасам, савол кетидан савол ёғилаверадиғанга ўхшайди. Ёлғон гапиравериб қийналгандан кўра, рост айтиб савол-жавобни қисқартириб кўя қолмоқчи бўлдим:

– Йўқ, ўқиган эмасман.

– Фафур Фуломни-чи?

– Унақанги шоирнинг шеърини кўрганим йўқ.

– Уйғунни-чи?

– Йўқ, дедим-ку. Бизнинг қишлоқда унақанги шоир яшамайди. Афтидан Жўра Жуман бугун савол бериш учун атайлаб тайёргарлик кўриб келганга ўхшайди. Етти ухлаб тушимга кирмаган шоирларнинг шеърларини, китобларини сўрайди. Бирига йўқ дейман, иккинчисига елкамни қисаман. Бир маҳал бундай қарасам, иккаламиз ҳам терлаб кетибмиз. Ўшанда ҳам тўхтамаймиз. Йўқ деб елкамни қисаверганимдан бўйниларим оғриб, оёқда зўрға турибман. Чиқиб кетмоқчи бўлиб юра бошлаган эдим:

– Тўхтаг! - деб қолди Жўра Жуман. - Рус адабиётидан кўпроқ кимларнинг шеърини ўқийсиз?

...Йўқ дейман деб оғзимни очмоқчи бўлган эдим, ишонсангиз тинкам қуриганидан лабларимни қимирлата олмадим. Оғзимга толқон солгандек жимгина бурилиб эшик томон юрдим. «Тўхтаг», деган овоз эшитилди орқамдан. Тўхтадим.

– Кўнгилда шоир бўлишлик орзу бўлса, ҳозир номларини тилга олганимиз шоирларнинг шеърларини кўпроқ ўқинг, ёд олинг. Хўпми?

– Хўп бўлади.

– Демак, келишдик. Шундайми? Хайр.

– Саломат бўлинг, — дедим-да, шоирона юриш қилиб чиқиб кетдим. Соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Маст одамга ўхшаб чалама-чатти

қадам ташлаб юриб боряпман. Қаёққа кетяпман, нима учун кетяпман, рости айтсам ўзим ҳам билмайман. «Гапни қаранг-а? Ўқинг эмиш, - дейман ўзимга-ўзим, нега ўқир эканман? Ўқийдиган бўлсам, ўзимизнинг мактабда ҳам китоб тўлиб ётган эди-ку, ўша ерда ўқийверардим-да. Йўқ, мен ўқимасдан шоир бўламан, шошмай турсангиз ҳали, ҳурматли Жўра Жуман, мен сизга шоир бўлганимни кўрсатиб қўяман. Сехрли қалпоқчам омон экан, менга ёрдам беради, албатта ёрдам беради. Шундайми, қалпоқчам?»

- Шундай, - деган овоз эшитилди қўлтиғимдан.

- Ёрдам берасанми?

- Берганда қандоқ.

- Айт-чи, ишни нимадан бошлашим керак?

- Аввал меҳмонхонанинг ошхонасига кириб қорнингни тўйғазиб ол, - деб маслаҳат берди қалпоқчам.

Оҳ, қадрдон қалпоқчам, жонимнинг ҳузури, маслаҳатгўйим! Сен борсан, ғам-ташвишим йўқ, қорним тўқ, устим бут. Балли сенга, омон бўлгур қалпоқчам. Ана шундай ўй-хаёллар билан ошхонага кириб борганимни ўзим ҳам сезмай қолибман...

...Уч-тўрт кунгача қилар ишимни билмай юрдим. Мен унақанги қимматли вақтини бекор ўтказадиган болалардан эмасман. Бекор қолган кунларимдан фойдаланиб, Мирзачўлда танишган шоирларнинг адресларини аниқлаб, уйларига йўл олдим. Мақсад - улардан яхши шеър ёзиш йўлларини ўрганиш.

Сайдулла ака ўз шеърларини кўпроқ кечаси, шаҳар халқи оромли уйқуга кетган маҳалда, ҳаммадан япириб ёзар экан. Шунақанги кўп ёздики, баъзан тикилиб ўтиравериш зерикиб кетаман. Эркин Ҳамид бўлса саҳар чоғи ёзаркан. Жўра Жуман ҳам шоир экан. Уч кунгача пойлаб бораману, қай вақтда шеър ёзишини ҳеч аниқлай олмайман. Кейин билсам, ишдан қайтгач, тўйиб ухларкан, сўнг ўрнидан туриб шеър ёзишга киришаркан.

Шундай қилиб десангиз, шоирларнинг ҳаётига аралашиб кетган эдим. Аммо, ҳарчанд қидирсам-да, уларнинг уйида на қофия, на вазн, на туроқ топдим. Ғаладонни титкилаб кўрдим, шкафларни бирма-бир очдим, китобларнинг орасини варақладим - йўқ, ҳеч жойда йўқ. Кунларнинг бирида Сайдулла аканинг диванида ёнбошлаб, унинг ёзган шеърини томоша қилиб ўтирган эдим. Бошимга ажойиб бир фикр келиб қолди. Сайдулла ака

шеърини ёзади, ёзади-да, қоғоз тўлганда, уни гижимлаб деразадан ташқарига ирғитади. Ўша шеърлардан бирини олиб кўрсам, назаримда қофия, вазн, туроғи бор шеърларга ўхшаб кетади. Нега у шеърни ташлаб юборади, ахир унга керак бўлмаса, менга керак-ку, қофия тополмай гаранг бўлиб юрибман-ку, дедим-да, шеърни олиб ўз кулбамга - меҳмонхонага қайтдим. Кечаси билан ухламай оққа кўчирдим, эрталаб оёқни қўлга олиб редакцияга югурдим. Жўра Жуман шеъримни ўқиб, ўз одатига кўра, аввал оёғимга, кейин қорнимга, энг охири пешонамга боқиб:

– Қани, қўлни беринг, бир табриклар кўяй! - деди завқи ошиб. – Меҳнат қилганингиз шундоққина кўриниб турибди.

– Ҳа, шеър ёзиш қийин экан, - дедим талтайиб.

– Охирги тўртлик бир оз сустроқ, лекин тузатса бўлади, ўзим тузатарман, сиз бораверинг.

– Демак, шеърим газетада чиқадими?

– Чиқади.

– Расмим-чи, расмимни ҳам босасизми?

– Нега энди расмингизни босар эканмиз?

– Ахир ойим, йўқ... директоримиз Отажон Азизович кўрсинлар дедим-да... Ҳа, майли. Демак, шеърим босилади, шундайми?

– Навбатдаги сонларнинг бирида беришга ҳаракат қиламан.

О, ўша кун менинг қувонганимни айтсангиз. Кўчада кетяпману, сакраб-сакраб ўйинга тушаман, ашуда айтаман, дўппимни осмонга отаман, югураман-сламан.

– Ҳой, бола, жинни-пинни бўлиб қолдингми? - деди бир одам билагимдан ушлаб.

– Шеърим чиқяпти, амакижон, шеърим!

– Шеъринг чиқса, сал у ёқ-бу ёққа қараб юр-да.

– Иложи йўқ, амакижон, иложи йўқ. - Шундай дейману сакраб-ирғишлаб йўлимда давом этаман.

Ўша кундан бошлаб ишларим юришгандан-юришиб кетди.

Биринчи шеърим босилиб чиқиши билан мазахўрак бўлиб олдим-да, бошқа шоирларнинг гижимлаб ташлаган шеърларини ҳам редакцияга кетма-кет келтириб беравердим. Шунини ҳам айтиб кўяйки, газеталарда шеър учун катта пул тўлашар экан. Пулим ҳам анча кўпайиб (ресторанларда яширинчасига овқат ейиш жонимга тегиб юрган эди) очикчасига, одамлардек пул тўлаб керилиб ўтириб овқатланадиган бўлдим.

Ўша куни редакцияга сўнгги шеъримни олиб бордим. Хонага шундоқ қадам босишим билан Жўра Жуман: «Жуда вақтида келдингиз-да», - деб қарши олди.

- Тинчликми ўзи? - негадир хавфсираб қолдим мен ҳам.

- Тинчлик. Сиз ўтириб туринг. - Шундай деб Жўра Жуман ташқарига чиқди-ю, зум ўтмай ўзи билан Сайдулла ака, Эркин Ҳамид, Тошқин Обид, Зоҳир Тўхта деган шоирларни эргаштириб кирди. Уларнинг ҳаммасини танийман. Бир ёқлама бўлса ҳам, дўстона алоқа боғлаганмиз, орамиздан қил ўтмайди, борди-келдимиз бор. Қофия, вазн, туроқларини мендан беркитиб ишлатадиган шоирлар мана шулар бўлади.

- Бизнинг газетада босилган «Она ўлка» номли шеърни ўзингиз ёздингизми? - сўради Жўра Жуман менга қараб.

- Ўзим ёзганман.

- Ёлғон, - деди Сайдулла ака ўрнидан туриб, - бу шеър меники бўлади, мана оригинали.

- «Пахтакор, сени куйлайман» сарлавҳали шеърни ҳам ўзингиз ёзганмисиз? - яна сўради Жўра Жуман.

- Бўлмасам-чи?!- дедим овозимни бир парда юқорилатиб.

- Бўлмаган гап, - шундай деб Эркин Ҳамид менга қараб бостириб кела бошлади, - бу шеърни мен ёзганман. Ҳа, мен ёзганман.

Қарасам ишнинг кети хунук бўладиган. Ўзлари фикимлаб ташлаган, ҳечам кераги бўлмаган шеърларидан унча-мунча фойдаланганим учун мени ўртага олишмоқчига ўхшайди. Бошимга қалпоқчамни кийиб секин жўнаб қолдим. Орқамдан:

- Сеҳргар!

- Плагиатор.

- Шеър ўғриси.

- Уятсиз...

- Техникўр.

- Ишёқмас.

- Дангаса, - деган кишини унча хурсанд қилмайдиган, йўғон-ингичка овозлар анча вақtgача эшитилиб турди. Кўчага чиқиб беҳавотир жойга бориб олгач, кўлимни оғзимга карнай қилиб, адабиёт бўлимининг деразасига қараб кичқирдим:

- Ўзларинг-чи, ўзларинг. Магазинга келган қофия, вазн, туроқларни бизга ўхшаганларга бир грамм ҳам бермасдан олиб кўясизлар-ку! Уят эмасми!

IX БОБ ҚАЕРДАСАН МАКТАБИМ

Сафарга чиққанимдан буён кўп ажойиботларни кўрдим, кўп фаройиботларнинг гувоҳи бўлдим. Хурсанд бўлган кунларим бўлди, хафа бўлган кунларим бўлди. Аммо ҳеч қачон бугунгидек кўнглим ўксимаган, бугунгидек хўрлигим келмаган. Тўғри, ойижонимни соғинганман, сингилларим кўз ўнгимдан нари кетмай қолишди, бирга ўқиган ўртоқларим: малла сочли Ортиқвой, дарсада ухлаб ўтирадиган Шокиржон - ҳамма-ҳаммаларини соғиндим, кўргим келади. Аммо начора. Мен ўқимасдан агроном бўлмоқчи эдим, шунинг учун ҳам барча азобларга, барча машаққатларга тишимни тишимга қўйиб чидаган эдим, мақсадимга эриша олмадим, шарманда бўлдим! Нега? Хўнграб йиғлаб юбордим...

– Қалпоқчам, эй сафарларда ҳамиша йўлдошим, маслаҳаттўйим, қани, ўзинг айт-чи, нега мен мақсадга эриша олмадим?

– Чунки илминг йўқ эди, - дейди қалпоқчам.

– Илм олиш учун нима қилиш керак эди?

– Ўқишинг керак эди.

– Нима?!

– Ҳа, ҳа, ўқитувчинг Қобилов, сеvimли директоринг Отажон Азизовичларнинг гапига қулоқ солишинг керак эди.

– Демак, сен мени чалғитган экансан-да, алдабсан-да!

– Йўқ, алдамадим, чалғитмадим. Фикрларинг хато эканлигини тушуниб олгин, деб қўлимдан келганча кўмаклашдим, ёрдамимни аямадим. Оч қолсанг, овқат бердим, устинг йиртилса, кийим-бош бердим. Фақат сен ўз хатойинингни тушуниб олгин дедим, - деб сўзлайди қалпоқчам.

Яна ўйланиб кетаман, йиғлайман. Хато қилган бўлсам бордир, буни шу пайтда ўзим ҳам тушуниб турибман. Аммо ўз хатосини бўйнига олишдан оғир нарса бўлмас экан. Майли, йиғирма градусли совуқда яланғоч сувга тушай, майли, жазирама иссиқда бир ҳафта сувсиз юрай, истасангиз, бундан ҳам оғирроқ ишларни буюринг, ҳаммасини бажони дил бажараман. Аммо ўзим йўл қўйган хатони бўйнимга олгим келмай турибди. Тўғри, киши ўқимаса агроном ҳам, шоир ҳам, артист ҳам, инженер ҳам бўла олмас экан, ҳа, бўла олмас экан.

Ишонмасангиз, мана қалпоқчам бугундан эътиборан бўшади, уни кийиб чарчагунингизча дунёни айланишингиз мумкин...

Секин ўрнимдан туриб юз-қўлимни ювдим. Тўйиб овқатландим. Қорнинг тўқ бўлса миянг яхши ишлайди, деганлари рост экан. Қорним тўйгач миям ёланган мотордек ишга тушиб кетди. Дарҳол совға-саломлар олиш учун магазинларга югурдим. Қишлоғимизда юрганимда вазифаларни бировдан кўчириб олишни кашф қилганимдан кейин, дарсликларимни ўртоқларимга эсдаликка деб улашиб берган эдим. Шунинг учун тўпланган пулимнинг бешдан бир қисмига жомадонни тўлдириб дарсликлар, 54 та умумий дафтар олдим. Синглим Доноҳоннинг қўнғир сочига деб, оқ лента, Ойшахонга олти хонали чарм папка, ойимга кўк шоҳи дурраю, дадамга атаб жун қўлқоп харид қилдим.

Ҳурматли ўқитувчим Қобилов билан Отажон Азизовни ҳам қуруқ қўймадим, албатта. Бирига авторучка-ю, иккинчисига гул солинадиган ваза олдим.

Қандай қилиб поездга чиқиб олганимни ўзим ҳам билмайман. Хайр, эй қадрдон шаҳар! Шляпа кийган шоирлар, гапта уста артистлар, сизларга ҳам хайр, яхши қолинг!.. Ўқийман, қунт билан, ҳавас билан ўқийман. Аввал аъло баҳолар билан ўнинчи синфни, сўнгра институтни ҳам битираман. Ана шундан сўнг ёнингизга қайтаман. Ҳозирча хайр, яхши қолинг!

Кетиб боряпман, жонажон қишлоғимга, она мактабим кучоғига қайтяпман.

Поезддан тушиб жомадонларимни кўтардим-да, ҳовлиқиб қишлоғимиз томон йўл олдим. Ҳамма нарса ҳал бўлди ҳисоб, аммо ишонсангиз, ҳалигача бир муаммони ечолганим йўқ. Қадрдон қалпоқчамни нима қилишим кераклигини шу соатгача ўйлаб кўрмабман.

Олиб кетаверай десам, яна сеҳргар бўлиб кетишдан қўрқаман. Кўчада ёлғиз қолдириб кетгани, гапнинг очиги, кўзим қиймайди. Яхшиси қаердан топиб олган бўлсам, ўша ерга олиб бориб ташлайман, дедим-да, секин ўзидан сўрадим:

– Хўш, бунга нима дейсан?

Жуда яхши фикр. Ўз жойимга, латтага ўраб охурга ташлаб кет... Сендан бошқаларга ҳам керак бўлиб қоламан.

Ниҳоят иккимиз ажралишадиган дақиқалар ҳам келди. Қаердан олган бўлсам, ўша ерга олиб бордим-да, ўшиб, бағримга босиб хайрлашдим. У ҳам менинг пешонамдан чўпиллатиб ўшиб олди, оз-оздан кўз ёши ҳам тўкдик.

– Хайр, кадрдон қалпоқчам!

– Хайр, қувноқ дўстим Ҳошимжон!

Савол ва топшириқлар:

1. Асар матнига таянган ҳолда Ҳошимжоннинг табиатига хос сифатларни сананг.

2. Ҳошимжон табиатидаги қусурларнинг асосий сабаби нимада эканлигини матнга асосланиб кўрсатиб беринг.

3. Айрим дарсларни жадвалдан чиқариб ташлаш бўйича асар қаҳрамони киритган таклифлар тасвири сизни ишонтирдими?

4. Ҳошимжон ва сингиллари, Ҳошимжон ва ўқитувчилари, Ҳошимжон ва ўртоқлари, Ҳошимжон ва онаси ўртасидаги зиддиятнинг туб сабаби қаерда?

5. Бувисининг Ҳошимжонга: «Изласанг, албатта, топасан.» -деган фикри фақат қалпоқчага нисбатан қаратилган деб ўйлайсизми?

5. Олдиндан чиқариб қўйилган чорақлик баҳо воқеаси муносабати билан Ҳошимжон табиатидаги қандай қирраларни кашф этдингиз?

6. Сеҳрли қалпоқчани излаётган қаҳрамонимизга мушуқининг бўри бўлиб кўриниши сабабларини тушунтиринг.

7. Асар қаҳрамонининг шуҳрат ва омад излаб уйдан чиқиб кетиши ҳаётий ва бадий жиҳатдан асосланганми?

8. Сафарга отланган Ҳошимжоннинг хайрлашуви тасвирига эътибор қилинг. Хайрлашув лавҳасининг қаҳрамон табиатига қанчалик тўғри келиш-келмаслигини айтинг.

9. Асар қаҳрамонининг катта кишилар билан осон тил топишуви сабабини тушунтиринг.

10. Мирзачўдлик бола билан Ҳошимжоннинг савол-жавобини қайта ўқинг. Матнга таянган ҳолда уларнинг табиатига хос жиҳатларни аниқланг.

11. Ҳайитвой билан қалпоқ талашини воқеаси тасвирини қайта ўқинг. Бу жанжалнинг келиб чиқиши ва қаҳрамонлар табиатига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритинг.

12. IV бобнинг бошланишидаги тасвири ўқинг. Чексиз-чегарасиз пахтазор тасвири муносабати билан адиб нима демоқчи эканини тушунтиринг.

13. Чўл табиати тасвирланган ўринларни топинг. Табиатга муносабатда Ҳошимжонга ҳос хусусиятларнинг қай даражада намоён бўлганлигини аниқлашга урининг.

14. Қаҳрамонимизнинг ғўзаларга шира тушганлигини эшитгандаги ҳолатини асар мағнидан топинг. Ҳошимжоннинг бу ўриндаги ҳатти-ҳаракатлари сабабини тушунтиринг.

15. Асар қаҳрамонининг катта ёшли бригадир Муродхон акани сенсираши сабабини изоҳлашга урининг.

16. Сохта агроном - Ҳошимжоннинг телба-тескари буйруқларини бажарган кишиларга сиз қандай муносабатдасиз? Ёзувчининг муносабати қандай деб ўйлайсиз?

17. Таҳририят ходими нима учун Ҳошимжоннинг «аввал оёғига, кейин қорнига, энг охирида бошига» назар ташлади деб ўйлайсиз?

18. Роман қаҳрамони нутқига ҳос хусусиятларни аниқланг: у қандай гаширади, қайси сўзларни кўпроқ ишлатади?

19. Ҳошимжоннинг сўзга чечанлиги боиси нимада деб ўйлайсиз?

20. Шоирликни орзу қилган ўсмирнинг дўкон сотувчиларидан қофия, вазн, туроқ суриштириб юриши лавҳасида ким кўпроқ кулгига сазовор деб ўйлайсиз: Ҳошимжонми ёки сотувчилар?

21. Ҳошимжоннинг ўқиш зарур эканини тушуниши асарда ишонарли акс эттирилганми?

22. Ҳошимжон яқинларига совға олиш учун пулни қасрдан топди деб ўйлайсиз? Яна нотўғри йўлга кирдимиз ёки...

23. Асарнинг тилига эътибор қилинг. Романдаги айрим образларга нутқий характеристика беринг.

24. Тест саволларига жавоб топинг.

1. «Ҳатто назаримда икки марта бўри кўрингандай бўлди». Ушбу парчада Ҳошимжонга бўри бўлиб кўринган нарса нима эди?

А. Кучук Б. Эчкича С. Мушук Д. Катта тош Е. Ташландиқ нарсалар

2. Ҳошимжон директорга ёзган аризасида қайси фанларни дарс жадвалидан олиб ташлашни сўраган эди?

А. География, она тили, жисмоний тарбия Б. Ботаника, математика, чет тили С. Геометрия, физика, меҳнат Д. Алгебра, геометрия, она тили Е. Барча фанларнинг ярмисини

3. Ҳошимжон ёмон ўқиса-да, унинг виждонли бола эканлиги қайси ўринда намоён бўлади?

А. Ойиси буюрган ишни сингилларига қилдирганида Б. Сеҳрли қалпоқчани излаганида С. Журналга қўйилган сохта баҳолар Қосимдан кўрилганида Д. Агрономлик қилиб юрган кезларида Е. Шоирлик даъвоси билан юрганида

4. Сеҳрли қалпоқча билан дўстлашиш Ҳошимжонга нима берди?

А. Олий маълумотли, билимли агроном бўлди. Б. Қалпоқча ёрдамида «аълочи»лар қаторидан жой олди. С. Уйдан чиқиб кетиб, кўп сарсон бўлди. Д. Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри Е. Ҳаётда тўғри йўлни топа олди.

САРГУЗАШТ АСАР

Бадий адабиётда қаҳрамонларнинг *кечинма* ва *уйларини* тасвирлашга бағишланган асарлар бўлгани сингари, уларнинг иштирокида рўй берган қизиқарли воқеаларни кўрсатишга, қаҳрамонларнинг табиатларини ана шундай қутилмаган, ғалати *воқеалар* асносида тасвир этишга қаратилган асарлар ҳам мавжуд. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романи қизиқарли воқеаларни акс эттириш йўли билан яратилган. Бу хилдаги асарлар кўпчилик китобхонлар учун сеvimли саналади. Чунки китобхонлар бу асарларни ўқиш жараёнида қутилмаган, тасодифий ва сирли воқеалар асносида қаҳрамонлар табиатига хос янги-янги жиҳатларни билиб олишлари мумкин. Шунингдек, сирли воқеаларнинг қутилмаган счимини бидиш ҳамма учун ҳам қизиқарли. Бири-биридан қизиқ воқеаларнинг якуини сабрсизлик билан кузатиб борган китобхон асарни қандай қилиб ўқиб чиққанини ҳам билмай қолади.

Қаҳрамонлар табиатини қутилмаган, сирли, тасодифий ва қизиқарли воқеаларнинг тасвири мобайнида акс эттирадиган бадий асарлар саргузашт асарлар ҳисобланади.

Саргузашт асарларда қаҳрамонлари бошидан ўтган ғоят қизиқарли ва фавқулодда воқеаларнинг тасвири ўқувчини ўз ортидан эргаштиради. Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романи саргузашт асарлар сирасига мансубдир.

Саргузашт адабиёт дастлаб пайдо бўлган замонларда «таваккал» (авантюра) адабиёт деб юритилган. Чунки бундай асарларнинг қаҳрамонлари буюк таваккалчилар, ҳеч нарсадан қайтмайдиган жасур кишилар бўлишган. Эътибор қилган бўлсангиз, Ҳошимжон ҳам ақлидан кўра туйғуларига кўпроқ кулоқ соладиган, қайтмас, таваккалчи бола. Асар

давомида у жуда кўп файритабий ҳолатларни, кутилмаган воқеаларни бошидан кечиради.

Саргузашт асарларда деярли ҳамиша фантастик, *детектив* ва *саёҳат* унсурлари мавжуд бўлади.

«Сариқ девни миниб» романидан олинган ва сиз танишиб чиққан боблар фикримизнинг қанчалик тўғри эканлигини исботлайдиган мисолдир. Қалпоқчанинг сеҳрли қудратга эгалиги фантастик хусусият бўлса, Ҳошимжоннинг интернат болалари билан қалпоқ талашиб жанжаллашиши ва улардан қочиши лавҳаларида детективга хос белгилар мавжуд, романдаги асосий қизиқарли воқеалар қаҳрамонимизнинг саёҳати мобайнида содир бўлиши эса фикримизни асословчи учинчи далилдир.

Кўпинча саргузашт асарни детектив асарлар билан бир хил деб ўйлашади ва баъзан саргузашт-детектив асар деган бир ном билан аташади ҳам. Аслида, детектив асарларда бирор жиноятни фош этишга доир сирли саргузаштлар тасвирланади. Қаҳрамонларнинг бошидан кечирганлари бевосита бирор жиноятнинг очилишига алоқадор ҳолда тасвирланган асарларнигина саргузашт-детектив асар дейиш мумкин.

Детектив асарларнинг қаҳрамонлари, кўпинча, асарга шакланган ҳолда киритилади, саргузашт асарларда эса қаҳрамон воқеалар мобайнида камолотга эришиб боради. Худди шу ҳолни «Сариқ девни миниб» асаридаги Ҳошимжон образи мисолида кўришимиз мумкин. Билим олиш, касб ўрганиш йўлида заҳмат чекмасдан яхши натижаларга эришмоқчи бўлган қаҳрамонимиз, ғаройиб воқеалар жараёнида меҳнат қилмай, илм эгалламай туриб, шон-шуҳратга ҳам, ютуққа ҳам, обрў-эътиборга ҳам эришиш мумкин эмаслигини, бунга ҳатто сеҳрли қалпоқча ҳам ожиз эканлигини кўради ва кўрганлари таъсирида ижобий томонга ўзгариб, мактабда қунг билан ўқишга бел боғлайди. Санъаткорлик билан битилган саргузашт асарлар юксак бадий қиммат ва катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Савол ва топшириқлар:

1. Саргузашт асарларга хос белгилар ҳақида тўхталинг.
2. Детектив асарларга хос хусусиятларни аниқланг.
3. «Сариқ девни миниб» романининг қандай йўналишдаги асар эканлигини тамамоладаги қарашларга таяниб, кўрсатиб беринг.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВЕВ

(1939 йилда туғилган)

ТАРЖИМАИ ҲОЛИМГА ЧИЗГИЛАР

Мен, Турсунбой Адашбоев, 1939 йилнинг 1 январида Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Олабуқа туманига қарашли Сафед Булон қишлоғида туғилганман. Бобом Шоқир аттор ёлғиз ўғли бўлган менинг отамга ирим қилиб Адашбой деб от қўйган экан. Мен ҳам якка фарзанд бўлганлигим учун Турсунбой деб номлашган. Тўрт ёшимда отам вафот этгач, онамнинг тарбиясида улғайдим. Болалигим анча оғир кечди. Мактабда ўқиб юриб, бошоқ тердим, қурилишларда ишладим. Ота меҳрига тўймай ўсган бўлишимга қарамай, асло тушқун кайфиятга берилмадим. Бадний китоблар асосий овуноғимга айланди.



Биз мактабда ўқий бошлаган чоғимизда, яъни 1946–1947 йилларда лотин ёзуви истеъмолдан чиқиб кирил алифбосига ўтилганди. Бадний асарлар эса, асосан, лотин ёзувида бўлган. У ёзувга тишимиз ўтмаса-да, ўқишга чанқоқ эдик. Ўша пайтларда Гўрўғли туркумидаги, «Алпомиш» ҳамда «Кунтуғмиш» каби дostonларни ўқиш урф эди. Кунларнинг бирида, қишлоғимизнинг ўша пайтлардаги раиси Абдуллажон Шаитов мактабимизга келиб, муаллимларимиз иштирокида «Алпомиш» дostonидан айрим парчаларни қироат билан, оҳангга солиб, бурро ўқиш бўйича ўзига хос танлов ўтказди. Мен тенгдошларимдан кўра яхшироқ ўқибман шекилли, раис бобо оқшом идорага боришим лозимлигини айтди. Ўша кундан иборат ҳамқишлоқ оғаларим: Эрмуҳаммад Воҳидов ва Давронбой Шобдоневларнинг ёнида, навбати билан, кечки соат саккиздан тунги соат ўн иккига қадар

чойхона ҳамда клубда кўсак чувишга тўпланган қишлоғимиз аҳлига дoston ўқиб бериш чекимизга тушди. Маълум даражада меҳнат ҳақи белгиланди. Раис Абдуллажон ота ўқилиши лозим бўлган саҳифаларнинг вақти-соатини тайинлаб, бўлимларга хатчўп қистириб кўярди. Шундай қилиб, икки мавсумни китобхонлик билан ўтказдик. Бундан ташқари, отга ишқибоз поччам Шарифхон Ворисовнинг илтимосига биноан қиш ойларида унинг кўпкаридан қайтган улоқчи дўстларига «Равшан» дostonини ўқиб берардим.

Ота қишлоғим Сафед Булон тоғлар бағрида жойлашган. Овулимиз аҳли ўзбекларнинг қорамурат уруғига мансуб. Одамлари ўта сўзамол бўлиб, асосан боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Одамлари аскияга уста, кишини довдиратиб қўядиган қочиримларни ўрнига қўйишади. Қишлоғимиз шоиртабиат кишиларидан ташқари, XIII асрда қурилган овулнинг кўркига кўрк қўшган маҳобатли тарихий ёдгорликлари билан ҳам машҳур.

Сафед Булон тоғли қишлоқ,
Аскияга чоғли қишлоқ.
Олисидаги фарзандига,
Доим ардоқли қишлоқ.

Бир умр бахтни кўмсаб яшаган тенгдошларимнинг ёшликдаги изтироблари, орзу-армонлари болалар учун шеърлар машқ қилишимга туртки бўлгандир. Халқ дostonларидаги раволик эса, мен ёзган шеърларга кўчган бўлса ажабмас. Хуллас, ўқувчилик давримдаёқ, машқларим Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари матбуотида чиқа бошлади. Олтинчи синфда ўқиётганимда, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Тешик дастурхон» сарлавҳали асари бўйича ёзган мулоҳазаларим учун у кишидан жуда идиқ мактуб олганман. Кейинроқ «Ёзи билан Зебо» дostonини ён қишлоғимиздаги Олим бахшидан ёзиб олиб, Тошкентга жўнатгач, машҳур фольклоршунос олим Ҳоди Зарифнинг рағбатига сазовор бўлдим. Ўша кезларда Бишкек шаҳрида ўзбек тилида чиқадиغان «Қирғизистон ҳақиқати» газетасида ҳажвий шеърлар учун кўрик-танлов эълон қилинди. Ўзимни синаш мақсадида танловда машқларим билан иштирок этдим. Ҳаракатим зое кетмаган экан, совринли ўрин олдим. Кейин ана шу газетага ишга таклиф қилишди.

1958 йилнинг май ойида Қирғизистон ёзувчилар уюшмасининг котиби халқ шоири Суёнбой Эралиев чақриб қолди. Борсам, унинг хонасида чуст дўпини қиррасидан кийган, пўрим кийинган бир киши ўтирибди. Кейин билсам, у киши машҳур шоир Миртемир экан. Суёнбой оға мени устоз билан таништиргач, Миртемир домла «Манас» эпосини ўзбек тилига таржима қилиш масаласида келганлигини айтиб, у кишига ҳамроҳ бўлиб юришим кераклигини тушунтирди. Мен учун бу сира кутилмаган иш бўлди. Икки ҳафта давомида қўлёзмалар институтининг «Манас» секторида, Талас шаҳрида ва Иссиқкўлда улкан шоир билан бирга бўлдим. Орадан бир йил ўтиб, май ойининг бошларида Миртемир домла яна Бишкекка келиб, икки ҳафта турди. Устознинг «Қирғизистон туркуми»даги гўзал шеърлари биринчи марта мен ишлаётган газетада босилиб чиқди. Бу гал у кишини поезд билан кузатдим. «Тошкентга қишлоғим Иқон орқали кетаман»,- дедилар...

Миртемир домланинг қутлуғ сафари менинг қирғиз ижодкорлари билан яқиндан дўстлашишимга сабаб бўлди. 1960 йилнинг август ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан ёш ижодкорларнинг ўн икки кунлик минтақавий кенгашида иштирок этдим. Миртемир домла мени машҳур болалар шоири Қудрат Ҳикмат билан таништирди. Бир папка машқларимдан атиги бештаси Қудрат акага маъқул бўлди. Дангал гапни хуш кўрадиган, ўта қаттиққўл Қудрат Ҳикмат қандай ёзиш, нималарни ўқиш зарурлигини аниқ айтдилар. Кенгаш давомида адабиётимизнинг фахри бўлмиш Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Фафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг суҳбатларини тингладик. Тўра Сулаймон, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Ҳабиб Саъдулла, Эргаш Ёндош ва Омон Мухторлар билан танишдим.

Шундай қилиб десангиз, ўтган давр ичида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини сиртдан битирдим. Москвадаги жаҳон адабиёти институтида таълим олдим. Талабалик чоғимдаёқ Қудрат Ҳикматнинг кўмагида шеърини тўпламларим чиқа бошлади. «Камолнинг олмаси», «Биз - саёҳатчилар», «Олатоғ - долатоғ» «Арслонбоб шаршараси» ана шулар жумласидандир. Миртемир оғанинг далолати билан қирғиз адибларининг асарларини ўзбек тилига ўтиришга тутиндим. Шу кунгача йигирмадан ортиқ қирғиз ижодкорларининг битганларини ўзбек тилига ағдардим. Ҳозир-

га қадар ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус ва латиш тилларида йигирмадан ортиқ китобларим нашр этилди.

Битта камчилигимни ҳам айтиб қўяй: ўзимга нисбатан талабчанликни бўшаштириб қўймаслик учун ўзга шоирларнинг айрим хомроқ шеърларига пародиялар¹ ҳам ёзиб тураман.

Эр йигит ҳаётида уни тушуна биладиган турмуш ўртоғи бўлсагина ишида ривож, дастурхонида файз бўлади. Бу жиҳатдан менинг омадим юришган. Ҳаёт ва ижодда нимагаки эришган бўлсам, ёстиқдошим марҳум Саломатхондан миннатдорман. Ўғлим ва қизларим ўта қобил, диёнатли фарзандлар бўлиб етишди. Улардан бир ҳовли набиралар кўрганман. Шуларга атаб шеърлар ёзгим келади.

Муҳтарам ўқувчим! Баҳонаи сабаб танишиб ҳам олдик. Кўрдингизки, сизларга атаб гоҳо қувноқ, гоҳо ҳазил шеърлар ёзишдан ўзга илминим йўқ. Бу сафар кулгига йўғрилган шўхчан шеърларим билан танишиб кўринг!

Турсунбой АДАШБОВ
2004 йил 8 декабрь

Сабаб ва топшириқлар

1. Шоир туғилган қишлоқ табиати ва унинг одамларига хос хусусиятларга эътибор беринг.
2. Гаржимаи ҳолдан ёш Турсунбойни шеър ёзишга ундаган сабабларни топинг.
3. Бўлажак шоир ижодий тақдирида шоир Миртемир ва Қудрат Ҳикмат қандай ўрин тутади деб ўйлайсиз?

ОВНИНГ ГАШТИ

Қирқ ёлғондан бир ёлғон,
Қадимдан мерос қолган
Елкамда сафар халтам,
Ёнимда сергак тозим.
Овда не кўрган бўлсам,
Сизга айтмоғим лозим.

¹ Пародия - бирор асардаги камчилик кулгига олиб ёзилган асар.

Чўл бағрида биқирлаб,
Булоқ қайнаб турибди.
Битта сичқон қоплонни,
Ғажиб, чайнаб турибди.
Дўстлар, буни ростмана,
Шикор деса бўлади.
Сиртлон билан қашқирнинг
Оқиб кетди сўлаги
Ғингшиб чиябўрилар,
Чор тарафда айланар
Ўлимтик қуш чарх уриб,
Ўлжа сари шайланар.
Ит безовта бу ҳолдан,
-Сабр қил, деб ўзига.
Суяк олиб қопчиқдан,
Ташлаб бердим тозига...

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг: «қирқ ёлғондан бир ёлғон, қадимдан мерос қолган» мисраларида нима кўзда тутилаётир деб ўйлайсиз?

2. «Чўл бағрида биқирлаб, Булоқ қайнаб турибди. Битта сичқон қоплонни, Ғажиб, чайнаб турибди» сатрлари қайси жиҳатлари билан эътиборга лойиқлигини айтинг.

3. Шеърнинг сўнги тўртлигини изоҳланг.

БАРЧАСИ ЁДИМДА

Барчаси ёдимда, эсимда,
Ҳали туғилмаган кезимда.
Бобомнинг йилқисин боқардим,
Харсанг тошга қозиқ қоқардим.
Барчаси ёдимда, эсимда,
Ҳали туғилмаган кезимда.
Келардим отларни қайтариб
Қарасак, йўқ тўриқ байталиб
Уни боғдан, тоғдан қидирдим.

Яёв ҳаммаёқдан қидирдим,
 У пайтларда ой ҳам ётмасди,
 Қуёш эса сира ботмасди.
 Булут бўлмаса ҳам дўл ёғарди,
 Момом қисир эчкини соғарди.
 Фойда борми гапни чўзгандан,
 Байталими топдим Ўзгандан.
 Ойнакўлнинг шундоқ ёнида,
 Жуман улоқчининг томида.
 Қулунлаб ётибди қаранглар,
 Тойчоқ мени таниб аланглар.
 Ҳаракатни бошладим шомдан,
 Олиб тушгач уларни томдан.
 Отни миниб, қулунни ортсам,
 Чуҳ, деб унга қамчинни тортсам.
 Туролмайди байтал бечора,
 Юролмайди байтал бечора.
 Сўнгра тойга отни ўнгариб,
 Эгарни боғлаб, тўнкариб
 Қамчи урсам қаноти бордай,
 Қулун чопиб кетди шунқордай.

Савол ва топшириқлар

1. «*Барчаси ёдимда, эсимда, Ҳали туғилмаган кезимда. Бобомнинг йилқисини боқардим, Харсанг тошга қозик қоқардим*» мисраларида қаҳрамоннинг шахсиятидаги қайси жиҳатлар намоён бўлган?

2. «*У пайтларда ой ҳам ётмасди, қуёш эса сира ботмасди*» тасвирини шарҳланг.

3. «*Булут бўлмаса ҳам дўл ёғарди, Момом қисир эчкини соғарди*» сатрларида мантиқ бузилган ўрииларни аниқланг.

4. Йўқолган байталнинг топилган жойининг «*Ойнакўлнинг шундоқ ёнида, Жуман улоқчининг томида. қулунлаб ётибди қаранглар,*

Тойчоқ мени таниб аланглар» тарзидаги тасвирида кишини ишонтирмайдиган ўрииларни кўрсатинг.

5. Шеърнинг бадий хусусиятларига тўхталинг.

6. Шеърни ёд олинг.

ПОЙГА ЗАВҚИ

Пойга завқин сургани,
Тақалатдим бургани
Кўникмаган сиёғи,
Бироз оқсар оёғи.
Оқ қанд бериб овутдим,
Терларини совутдим.
Яхши боқдим, тинмадим,
Беҳудага минмадим.
Унга ўтган шанбадан,
Арпа солиб дамба-дам,
Парваришни дўндирдим,
Йўрғалашга кўндирдим.
Демак, тайёр пойгага
Соврин қолар фойдага.
Силаб-сийпаб, эркалаб,
Миниб чиқдим эрталаб.
Ҳайҳат қура ташлади,
Пойгани ҳам бошлади.
Ўн газ ерга бир ҳатлаб,
Туёғидан ўт чақнаб,
Ўнта кўлик¹ - тулпорни,
Унга минган шунқорни
Толиқтириб толдириб,
Бошлаб ортда қолдириб,
Етдик марра - финишга,
Арзир кўз-кўз қилишга.
Шундай қилиб, Сичқонбой,
Сурди овнинг гаптини
Мен эса мазза қилдим,
Кезиб овул даштини.

¹ Кўлик – улов, от.

1. Шеър қаҳрамонининг: «Пойга завқин сургани, Тақалатдим бургани» тарзидаги иқрори шеър бадиятига қандай таъсир қилган?
2. Шеърдаги: «Кўникмаган сиёғи, Бироз оқсар оёғи» сатрлари тасвирнинг ишонарлилигини оширганми?
3. Қаҳрамоннинг: «Силаб-сийпаб, эркалаб, Миниб чиқдим эрталаб» тарзидаги гаплари нимага тегишли эканига эътибор қилинг.
4. Бурганинг югуриклиги авж нуқтада кўрсатилган ўринларни кўрсатинг.
5. Шеърга сичқон образи нима учун киритилган деб ўйлайсиз?
6. Шеърни ёд олинг.

БЕШТА САНОЧ

Лоф гапларга Латифжоннинг,
Суяги йўқ.
Сал мақтанчоқ, оғзинингку,
Жияги йўқ.
Ёшлигидан ўта абжир,
Чаққон эди.
Бўрдоқига бешта чивин
Боққан эди.
Чархлаттириб болта, пичоқ,
Асбобларни.
Ишга солди гузардаги,
Қассобларни
Бир чивинни айиргунча
Жўрасидан
Тушов солиб чиқаргунча,
Қўрасидан.
Икки қассоб тушиб кетди,
Қора терга.
Эплаб-сеплаб ётқизишиб,
Уни ерга
Шоди қассоб: «Таваккал», - деб
Тортди пичоқ
Терисидан бешта саноч¹

¹ Саноч - қимиз қуйиладиган идиш. Эчки ва қўй терисидан тайёрланади.

Тикди шу чоқ.
Мен уларни чўпонларга
Совға қилдим.
– Шу гап ростми? Ажабтовур!
Тавба қилдим.
– Ёлларни бераётсак
Совунгарга
Гўшларини олиб қочди.
Бир тўп қарға.

Савол ва тоншириқлар

1. Латифжон ҳақидаги: «Ёшлигидан ўта абжир, Чаққон эди» тарзидаги хулоса нимага асосланган?
2. Бўрдоқига боқилган беш чивин ва уларни сўйиш учун тайёрланган асбоблар тасвирига эътибор қилинг.
3. Сўйишга олиб чиқилаётган чивин тасвири сизга нимани эслатди?
4. Шеърдан шоирнинг кулдириш маҳорати кўринган ўринларни тошинг.
5. Латифжоннинг лофларига қараб уни ёлгончи дейиш керакми ёки лофчи?

ШИРМОН КУЛЧА

Бир арава ясади,
Латифга уста Рўзи.
Кўзмунчоқлар осилган,
Кўрганнинг куяр кўзи.
Чамамда уни атай,
Буюртма қилган чоғи.
Филдираги ғалтакдан,
Гунчак ёнғоқ пўчоғи.
Савол берар кўрганлар:
– Бунга нима ортади?
Бу шинам аравани,
Қандай жонзот тортади?
Ихчам юган, қўм¹, тизгин

¹ Қўм – от, эшакка уриладиган юмшоқ йолча эгар.

Чармдан тиркич¹, бўйинча².
Булар шохдор қўнғизга,
Демак, менинг ўйимча.
Латифжон кўриб қолиб,
Тиришқоқ чумолини.
Гортиб бермоқчи бўлди,
Омбор тўла донини.
Шунинг учун бугундан,
Қўнғиз ишга киришди.
Савоб юмуш кўйида,
Довон ошди, тиришди.
Қуруқ сойнинг бўйида,
Томи йўқ қўш тегирмон.
Ҳампа³, дўлнинг⁴ ўзи йўқ,
Фақат якка тоши бор.
Буғдой тортар тинмайин
Имкон бўлса, ташиб ол.
Аравакаш қўнғизда.
Чумоли шод шунчалар.
Қурилмаган тандирда,
Ёпар ширмон кулчалар.

Савол ва топшириқлар

1. Латифжоннинг араваси тасвирланган ўринларга эътибор қилинг. Унинг қандайлигини аниқланг.
2. «Томи йўқ қўш тегирмон. Ҳампа, дўлнинг ўзи йўқ, Фақат якка тоши бор. Буғдой тортар тинмайин» тасвирида ишончсиз ўринлар борми?
3. «Қурилмаган тандирда, Ёпар ширмон кулчалар» тасвирининг ҳаётий ва бадий маъноларини топинг.
4. Чумоли пиширган нонлар мазали деб ўйлайсизми?
5. Шеърни ёд олинг.

¹ Тиркич (тиркиш) - арава шотисини боғлашда ишлатиладиган ошланмаган теридан тайёрланган ип.

² Бўйинча - аравага қўшилладиган от ёки эшак бўйинига киритиладиган мослама.

³ Ҳампа - тегирмоннинг тортиладиган дон турадиган мосламаси.

⁴ Дўл - тегирмонда тортилаётган доннинг бир хил тушишини таъминлайдиган мослама.

ЮГАН СОЛИБ, ЭГАР УРИБ

Қулоқ солинг Латифжоннинг,
Яна битта эртагига.
Юган солиб, эгар уриб,
Чигиртканинг эркагига.
Қамишлардан найза ясаб,
Отқулоқдан қалқон қилиб.
Хуржунига тўқоч¹ солиб,
Тутмайиздан талқон қилиб.
Ёй камалак елкасида,
Ёнбошида гулдор садоқ.
Узангини ниқтаб борар,
Латифбойнинг феъли чатоқ.
Чигиртка ҳам ўқтин-ўқтин,
Асовланиб лўкиллайти.
Уни кўриб юмронларнинг,
Юраклари пўкиллайти.
Майда-чуйда даррандани,
Эйтиборга илгани йўқ.
Маймоқ қуён, каламушни,
Назар-писанд қилгани йўқ.
Бу гал Латиф бораётир,
Қизил Унгур зовига.
Хайри хола чақиртирган,
Уни тулки овига.
Кампиршонинг товугин еб,
Суягини кемирганмиш.
Агар миш-миш рост бўлса,
Бегемотдай семирганмиш.
Чигирткани роса емлаб,
Кейин толга боғлаб қўйди.
Тулкиларнинг инларини
Дурбин билан чоғлаб қўйди.

¹ Тўқоч – сафарда бузилмаслиги учун қотириб ниширилган поён.

Сездирмайин форга кириб,
Мўлжал олиб анча ётди.
Пешин чоғи бегемотдай
Бир тулкини шартта отди.
Ёй камоннинг зарбидан у,
Жон ҳалпида бақирганди
Итдай улиб, ёрдам сўраб,
Дўстларини чақирганди.
Жилғадаги қарағайлар
Акс-садога синиб тушди.
Олмахонлар шошиб қолиб,
Бир-бирини миниб тушди.
Сўқмоқ йўлдан чопганича,
Ўлжасига етиб алҳол.
Типирчилаб турган маҳал,
Бўғизлади уни дарҳол.
Семирибди ҳалдан ортиқ,
Қуйруғи ҳам икки қулоч.
Тўрт паҳлавон тери шилар,
Сабаби: йўқ ўзга илож.
Қолган-қутган ҳангомани,
Кўнчилардан эшит, дўстим:
– Ўша тулки мўйнасидан
Тикиб бердик ўнта пўстин.
Латифбойдай зўр мерганга,
Арзир эди ҳисоб берсак.
Икки қулоч қуйруғидан,
Тайёрладик қирқта телпак.
Кузғун кўкдан човут солиб,
Тулки гўштин улоқ қилди.
Арслон билан Йўлбарс эса
Бир-бирини чўлоқ қилди.
Мерган тулки калласини,
Хуржунига солиб келди.
– Мени эслаб юарсиз, - деб
Икки қўллаб олиб келди.

Хайри хола нарвон қўйиб,
Товуқ катак ёнбошига.
Ирим қилиб, у каллани,
Осиб қўйди том бошига...

Савод ва топшириқлар

1. «Юган солиб, эгар уриб, Чигиртканинг эркагига» мисраларидаги ҳаётий ва ақлга сиғмайдиган тасвирларни топиб, изоҳланг.

2. «Чигиртка ҳам ўқтин-ўқтин, Асовланиб лўкиллайди. Уни кўриб юмронларнинг, Юраклари пўкиллайди» тасвирини изоҳлашга урининг.

3. «Хайри хола чақиртирган, Уни тулки овига» мисраларини шарҳланг.

4. «Чигирткани роса емлаб, Кейин толга боғлаб қўйди» сатрлари нима учун келтирилган деб ўйлайсиз?

5. Шеърдаги: «Ўша тулки мўйнасидан Тикиб бердик ўнта пўстин» сатрларида лофдан қандай фойдаланилган?

6. Шеърдаги «Икки қулоч қуйруғидан, Тайёрладик қирқта телпак» тасвиридан бир-бирини инкор қиладиган жиҳатларни тошинг.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Кўрдинларми чипор Хўроз,
Мишиб олиб Тулкини
Ўтиб кетди гузар томон
Ортиб мол-у мулкини

Олаҳакка арқон боғлаб,
Тимсоҳнинг пўконига¹,
Ёнғоқ ташир бозордаги
Хусусий дўконига.

Тошбақага эгар уриб,
Қинғир оёқ чигиртка
Кечки овқат ташвишида,
Шошиб борар гугуртга.

¹ Пўкон = бақбаца, томоқ.

Беқасам тўн Зебрадан
Жирафа сал норози.
Филнинг вазнин ўлчаш учун
Сотиб опти тарози.

Чувалчангни кўрган маҳал,
Кобра қочди сесканиб.
Бу дунёнинг иши шундай,
Пала-партиш, тескари.

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг биринчи бандини ҳаётий ва бадий мантиқ нуқтаи назаридан изоҳланг.
2. Олаҳакканинг тимсоҳга миңиб хусусий дўконига ёнғоқ ташиши тасвирини шарҳланг.
3. «Тошбақага эгар уриб, Қинғир оёқ чигиртка Кечки овқат ташвишида, Шошиб борар гугуртга» сатрларидаги қарама-қаршиликларни топинг.
4. «Чувалчангни кўрган маҳал, Кобра қочди сесканиб» мисралари шеър сўнгидаги хулосани чиқаришга қандай асос берганини изоҳланг.

КЎЗИН ОЧСА

Бир қол сабзи ортиб олиб
Бўрига
Дўқ урганча ҳайвонларнинг
Зўрига.
Қуён полвон борар милтиқ
Ўқталиб.
Бўри шўрлик қолса базан
Тўхталиб.
Сапчиб тушар йўғон-йўлпи
Тўқмоқдан.
Кетишаркан бир томон йўл,
Сўқмоқдан.

Бу аҳволни Лайлак кўриб,
Боғаро
Чалди бирдан ўрмон бўйлаб
Ноғора.
Қуён чўчиб очса ғилай
Кўзини,
Тол остида кўриб қолди
Ўзини...

Савол ва топшириқлар

1. Қуённинг жасорати тасвирланган ўринларни қайта ўқинг ва изоҳланг.
2. Қуённинг туш кўриши билан уйғониб кетиши орасидаги боғлиқликни аниқланг.
3. Латифжоннинг лофларидан эшитганлар улардан зарар кўрадими ёки кўнглига равшанлик кирадими? Нега?
4. Шеърни ёд олинг.

ЛОФ ҲАҚИДА

Турмуш ташвишларига тўлиб кетган ҳаётни бир оз бўлса-да қизиқарли қилиш, адоқсиз муаммоларни унутиш учун одамлар ҳаёлотга эрк берганлар. Улар баъзан ўзларининг ақлга сиғмас орзуларини ҳақиқат сифатида тақдим этганлар. Инсонни ҳеч қачон тугамайдиган ташвишлардан қалғитиш зарурати натижасида оғзаки ижоднинг лоф жанри дунёга келган. Лоф муболаға ва тўқимага асосланади. Лофни айтаётган киши лофчи дейилади. Лофчи ҳақиқат деб даъво қилаётган иш ҳеч қачон бўлмаганлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслиги билан ажралиб туради. Кейинчалик, ёзма адабиётда ҳам лофлар яратила бошлади. Чунончи, сиз ҳозиргина танишган шеърлардаги бўрининг устига сабзи юклаган қуён, тулкини минган хўроз, чигирткага миниб тулки овлаган Латифжон, унинг бир тулки терисидан ўн пўстин, қуйруғидан қирқ телпак тикдириши, бургани бўрдоқига боқиб оламни этга тўлдириб юбориши, арслон билан йўлбарснинг бурга этини талашиб бир-бирини чўлоқ қилиши каби ҳолатлар лофнинг ёрқин намуналаридир. Булар кишини ёлғонга эмас, балки ҳаёлни парвоз қилдиришга ўргатади.

АНВАР ОБИДЖОН

(1947 йилда туғилган)



Ўзбек адабиётида ҳажвий йўналиш ривожига ўзининг асарлари билан муносиб ҳисса қўшаётган адиблардан бири Анвар Обиджондир. У шоир, драматург ва носир сафатида ўнлаб тўплам, китоблар нашр эттирди.

Анвар Обиджон Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида 1947 йилнинг 25 январида олдий хизматчи оиласида таваллуд топган. У ўз ҳамкасблари каби тўғридан-тўғри ижодга кириб келмади. 1964 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд молия техникумида ўқиди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1969 – 1971 йилларда жамоа хўжалигида ҳисобчи, клуб мудир, туман рўзномаси, вилоят радиосида турли вазифаларни бажарди. Айни чоқда Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетини сиртдан тамомлади. 1981 йилдан бошлаб у Тошкентга келиб, “Ёш гвардия” нашриёти, “Ёш куч”, “Муштум” журналларида фаолият кўрсатди. “Чўлпон” нашриётининг бош муҳаррири бўлди.

Анвар Обиджон ижоди гарчи 60- йиллардан бошланган биринчи “Шкафчам” номли шеъри “Ғунча” журналида чоп этилган бўлса-да, унинг биринчи китоби 1974 йилда “Она ер” номи билан “Ёш гвардия” нашриётида босилиб чиқди. Шундан буён ўтган даврда “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Кетмагил”, “Масхарабоз бола”, “Жуда қизиқ воқеа”, “Даҳшатли Мешполвон” каби кўплаб шеърӣй ва насрий китоблари чоп этилди. Улардан ташқари, “Қўнғироқли ёлғончи”, “Паҳлавоннинг ўғирланиши” каби пьесалари саҳна юзини кўрди.

Мазкур асарларнинг деярли кўпчилигида одамлардаги, ҳаётдаги нопок томонлар, иллатлар, нуқсонлар гоҳ аччиқ, гоҳ истехзоли, гоҳ майин кулги воситасида фош этиб берилади”.

*С. Мирвалиевнинг
“Ўзбек адиблари” китобидан*

Азиз ўқувчи! Севимли ёзувчимиз Анвар Обиджон Сиз – қирғизистонлик ўқувчилар учун дарсликка “Атрофимиздаги қизиқчилар” туркумидан бир нечта ғаройиб ҳикоялар ёзиб берди. Улар билан танишинг. Ўйлаймизки, Сизга албатта ёқади.

АТРОФИМИЗДАГИ ҚИЗИҚЧИЛАР

КУЧУКНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўртоғинг ярамасроқ бўлса, орани очиқ қилиб қўйиш осон - пайт пойлаб туриб, унга итқитилган суякни олиб қочсанг бас, сен билан бир умрга салом-аликни йиғиштириб қўя қолади. Лекин, ўз туғишган опанг бўлмағур чиқса, вов-вов, бундан кутулишинг иложи йўқ экан..

Дарди бедаво-да шу опам. Менга сира кун бермайди. Сал-пал эсимда бор, жишлик чоғимизда ҳам аямни аввал у эмарди. Аслида, ёнма-ён эмсак тузук иш бўларди-ю, аммо бунга кўнмасди у ярамас. Кўпинча очлигимча ухлаб қолардим.

Мана, занжирга боғлансак боғлангудек бўпқолдик. Биз тенгилар аллақачон алоҳида итялоқ қилишиб, одамларнинг уйини пойлашяпти. Уларга қараб, ҳавасинг келади. Опамнинг бўлса, ҳали-вери эси кирадиганга ўхшамайди. Вой унинг очкўзлиги! Вой унинг жиртгакилиги!

Ғапини қаранг, “қиз боламан, шунинг учун мен тозалашим керак”, дейди. Ўзингиз ҳам тушувиб тургандирсиз, идишни тозалаш бу – итялоқдаги ювиндини пок-покиза ялаб қўйиш дегани.

Дастурхон қоқилиши биланок, қолган-қутган нонларниям биринчи бўлиб у хоним чанг соладилар. “Ҳей, уятсиз, энди уёғини менга қўйиб берда”, десам, “ўғил боласан-ку, сен суякни ҳам ғажийверасан”, деб сурбетларча кавшанишга тушади. Ҳеч бўмаса улгуржироқ суяк тегиб турса ҳам майлийди. Қаёқда дейсиз, ҳозирги қассоблар ниҳоятда поинсоф бўлиб кетишган, бир кило гўштга бор-йўғи ярим кило суяк қўйишади.

Уфф, жуда ҳайрон бўлқолдим. Ё уйдан шартта бош олиб кетворсам-микин? Бунақа опа билан, масалан, сиз бир кун ҳам яшолмаган бўлардингиз...

Мана, қорним очганидан, бармоғимни сўри-и-и-б ўтирибман. Опам бўлса "чилип-чилип, чилип-чилип" латиб идиш тозалаяпти. Бир нарса деяй десам, яна қиз болалигини пеш қилади. Ҳе, бетинг чармдан бўлмай кеттур.

...Ишқилиб, сен укангни хафа қилмаяпсанми, қизалоқ?

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикоя қаҳрамони Кучукча тўғрисида фикрингизни билдиринг.
2. Кучукчанинг опаси сизда қандай таассурот қолдирди?
3. Кучукчанинг опаси билан талашиб-тортишмаслиги, уришмаслиги сабаби нимада – заифлигида ёки қўрқоқлигидами? Балки бу андишадир?
4. Сиз Кучукча ва унинг опасига ўхшаш ўсмирларга дуч келганмисиз?

ТУЛКИЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

Биз тулкилар ҳақида гап кетгудек бўлса, одамлар исмимизнинг олдимизга албатта "айёр" сўзини қўшиб айтишади. Бу инсофдан эмас. Айёрлик билан уддабуронлиқнинг фарқига бориш керак. Ишбилгич бўлмасанг, бу оламда кун кўриш қийин.

Ке, бошингни айлантириб ўтирмай, яқинда юз берган бир воқеани дастаклаб бера қолай. Шунга қараб, кимлигимизни ўзинг тушуниб оласан.

Бундан ўн кунча олдин аям иккаламиз товуқхонада қўлга тушдик. Ичкарига кирганимиз заҳоти шартта эшик ёпишди. Энди бизни ўлдиришади деб ўйлаб, жуда қўрқиб кетдим. Аям бечора ҳам дағ-дағ қалтирай бошлади. Гўё: "Боламда айб йўқ, нима қилсанглар, мени қилинглар" демоқчидек, мени тагига босиб, бошимни жағининг остига яшириб олди.

Қоровул чол билан ўғли аллақандай матоҳни ёйишганини кўрдим-у, уларнинг нияти нималигини англаб етгунча, кўз олдимни бирдан зулмат қоплади. "Одамлар бизни шолчага ўраб олишди", дея чинқирди аям, сўнг жон-жаҳди билан потирлай кетди. Мен ҳам жим турмадим. Аммо одамлар аллақачон устимизга миниб олишганди.

Кучли панжа шолча аралаш бўйнимдан қисди. Нафасим бўғилиб, хирллаб қолдим... Кейин нима бўлганини билмайман...

Бир маҳал кўзимни очсам, аям икковимиз ариқча ёқасидаги толнинг тагида ётибмиз. Бўйнимизда итларниқига ўхшаш пишиқ занжир. Қизиқ! Бизни нима қилишмоқчи ўзи? Занжирни гоҳ силтаб кўрдик, гоҳ ғажиб кўрдик, фойдаси йўқлигини сезиб, ҳафсаламиз пир бўлиб турганида, қоровул чол чети синиқ косада ачиган бўтқа келтириб, олдимизга қўйиб кетди. Чол узоқлашиши биланоқ таомни шошилиб искай бошлаган эдимки, аям гумшуғимга бир тарсакилаб қолди.

– Ема! – деди у. – Нафсингни тий, тентак!

– Нега емас эканман? – зардаландим мен. – Қорним аллақачон ҳуштак чалапти.

Кейин аҳволимга ачиниб, мени бағрига босди. Бошимни силаб туриб, ўйлаб қўйган режасини гапириб берди, нималар қилишимиз лозимлигини ётиғи билан уқтира кетди. Шунда мен, бир яланиб олиб, яна минғирладим:

– Ҳеч бўлмаса, сув ичсам майлими? Тилим танглайимга ёпишиб қоляпти.

– Сувдан ичсак бўлади, чунки камайгани билинмайди, – деди аям ва ариқча томонга ютоқиб қараб қўйди. – Фақат кечқурун, ҳамма ухлаганда ичамиз. Сабр қил, эсликкинам, сабр қил.

Ниҳоят, мен орзиқиб кутган вақт келди, тунда қониб-қониб сув ичдим. Бунинг устига пайт пойлаб туриб, ариқчада қуриллаб турган бақалардан уч-тўртасини ушлаб, исини чиқармай урволдик.

Куллар шундай ўтаверди. Кундузлари туз тотмасдан сулайиб ётамиз, гуллари оз-моз тирикчилик қилиб оламиз. Ҳеч нарса емаётганимиз охири говуқбоқар кампирнинг эътиборини тортди.

– Буларни шолчага ўраб босганларингда қовурғалари синганга ўхшайди, – деди у қоровул чолга. – Тўрт кундан бери туз тотмасдан ётишибди-я. Иккаласиям чалажон.

– Ўлишмайди, – тўнғиллади чол. – Боласиниям катта қилволсам, ўғлинг иккаламизга биттадан телпак чиқади, кампир.

Бешинчи кун эрта саҳарда аям менга тайинлади:

– Бугун, иложи борича, нафас олаётганингни сездирмай ёт. Тешишсаям, финг дема. Чида!

Шу тариқа миқ этмай ётавердик. Бир маҳал қадам товуши эшитилди. Кўзимни қия очиб қарасам, кампир яна овқат олиб келяпти. У, тепамизда

тўхталиб, бизга диққат билан тикилиб турди, кейин эгилиб, мени бир-икки кимирлатиб кўрди. Қитиғим келсаям, ўликликка чидадим.

– Уф-ф! – овқатни ерга қўйиб, чуқур ҳомуза тортди кампир. – Ўлишадидесам, ишонмади бу чол. Мана, энди шўрликларнинг уволига қолдик.

У гудранганича бўйнимиздаги занжирни ечиб ташлаб, индамасдан нари кетди.

– Энди қочамизми? – тоқатсизланиб, ёнимда ётган аямни турткиладим мен. – Вақтида ғойиб бўлмасак, қайтиб келиб, бошқатдан занжирга солишмасин!

– Жим! – кўзини хиёл очиб шивирлади аям. – Чол дарвоза тарафда юрибди. Яна озгина тоқат қил, эсликкинам.

Чол очиқ турган дарвозанинг олдида анча ивирсиб турди. Кейин уй-часининг ёнига бориб, обдастани олди-да, калишини судраганича ҳовуз томонга кета бошлади.

– Тур! – қатъий оҳангда буюрди аям. – Қочдик, болам!

Мен ўрнимдан қўзғалаёттиб, чети синиқ косадаги овқатдан бошлаб битта ялаб олдим. Аям эса теварагимизда бемалол сайр қилиб юрган товуқлардан энг семизини аллақачон тумшуғига қистириб улгурган эди.

Қийинчиликларга бардош берганимиз яхши бўлди. Мана, занжирдан қутулиб, омон-омонда ўйнаб юрибмиз. Нақ ажалнинг панжасидан соғ чиқдик-да ўзиям!

... Қани, биродар, айтган гапларимни ақлинг тарозисига бир солиб кўргин-чи. Сенингча, бу айёрликми, ё ишбилармонликми? Балки, тамоман бўлак нарсадир?

Савол ва топшириқлар

1. Тулқиларнинг товуқхонага ўғирликка тушишини қандай баҳолайсиз? Бу уларнинг касбимиди ёки тирикчилик, ҳаёт тақозосими?

2. Тулқиларнинг қўлга тушишида кимнидир айблаш мумкинми? Нега?

3. Тулқичанинг характер белгиларини сўзлаб беринг.

4. Она Тулқининг тadbиркорлиги қайси ўринларда намоён бўлди?

5. Ҳикоя сўнигидаги Тулқичанинг “Сенингча, бу айёрликми, ё ишбилармонликми? Балки, тамоман бўлак нарсадир?” саволига жавоб беринг.

6. Ҳикоядаги қайси қаҳрамон сизга манзур бўлди? Нима учун?

ҚУЁНЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бунча хомушсан, дейсанми? Наҳот, хафага ўхшаб кўринаётган бўлсам? Бу шунчаки қорнимнинг очлигидан ... ёки Тўнғиз билан “аҳмоқ-аҳмоқ” ўйнайвериб, чарчаганимдан бўлса керак.

Қанақа ўйин бу, деганинг нимаси? Ростанам ҳеч ўйнаб кўрмаганми-сан? Ҳаётдан тўрт қарич орқада қолибсан-ку, хи-хи-хи.

Тўғрисини айтсам, бу ўйинни ўзим ҳам бугун ўргандим. Агар карамларим бўлмаганида, ким билади дейсан, ҳалиям ўрганолмай юрардим...

Хуллас, инда ётавериб, жуда зерикиб кетдим. Бунинг устига, мундоқ тимироскилаб кўрсам, оғборчамга тишга илинадиган нарса қолмабди. Пича тамадди қилволиш баҳонасида оёқнинг чигалини ҳам ёзволиш мақсадида чакалакка чиқдим.

Бир вақт қарасам, ҳў анави йўлдан эшак арава кетиб борапти. Четан¹нинг ичи лиқ тўла карам. Оғзим сувлашиб, жигилдоним ликиллай бошлади. Одамларда “Омадинг юришса – кўмирингдан тилло, эшагингдан мулло чиқади”, деган мақол борлигини бувимдан эшитгандим. Мениям бир омадим келди-ю, филдираги чуқурчага тушган арава қаттиқ силган чоғда, катта-катта иккита карам четандан ташқарига учиб кетди. Мудраб бораётган аравакаш буни сезмай қолди.

Карамларни кўздан панароқ жойга бирин-кетин думалатиб келиб, ейини қайсинисидан бошласам экан, деб тараддудландим. Шунда “Ишқамба” лақабли қориндор Тўнғиз инқиллаган кўйи қаршимдан чиқиб келди.

– Инғ, инғ, карам муборак бўлсин, Қуёнполвон! – деди у олдимга яқинлашиб. – Қаёқдан эплаштирдинг буларни?

Ишқамбанинг менга бунақа дўстона муомала қилганини сира кўрмагандим. Бирдан эриб кетиб: “Тондик-да энди”, деб сузилтапимча илжайдим.

– Жудаям ажойибсан-да, ука, – карамларга сўлаги оқиб тикиларкан, мени мақташга тушди Ишқамба. – Биладан сен шоввозни, мен билан “аҳмоқ-аҳмоқ” ўйнашни мўлжаллаб турибсан, инғ, Ишқамба акангни эрмак қилиб бир яйрамоқчисан-да, а?

Бунинг қанақа ўйинлигини суриштирган эдим, кекса Тўнғиз “билатуриб, мени калака қиляпсан”, дея аввалига сал ранжиган бўлди, кейин шош

¹ Четан – хивичдан тўқилган кажава, арава четига донра шаклида тиклаб қўйилади.

масдан тушунтира бошлади. Унинг айтишича, бу ўйинда иккита ҳайвон қатнашаркан. Улардан бири овқатланаётганда, иккинчиси “аҳмоқ кавшанди-ё, аҳмоқ кавшанди-ё”, деб атрофида ирғишлаб айланганича мазаҳлаб тураркан.

Жуда қизиқ ўйин, тўғрими? Мен кўп ўйланиб ўтирмай, ўйинга қўшилишга рози бўлдим. Ишкамба “ғирс-ғирс” қилиб ейишга тушди. Мен унинг теварагида сакраб, “аҳмоқ кавшанди-ё, аҳмоқ кавшанди-ё”, деб чапак ура кетдим. Шу десанг масхара қилавериб томоғим, ирғишлайвериб оёғим оғрий бошлади.

Ишкамба иккала карамни чиқинди қолдирмай тушириб бўлгач, “Хў, ёндай, ўзингдан ўзинг намуноча шаталоқ отасан?” – дея кўзимга ўқрайди. Мен яна пича “аҳмоқ-аҳмоқ” ўйнайлик, деб илтимос қилган эдим, у “ингқ-ингқ, ўзинг аҳмоқсан”, деганича келган томонига қайтиб кетди. Ортиқча аҳмоқ қилганимдан хафа бўлди шекилли.

... Менга бунақа масхараомуз илжаймагин-да, ошна. Нима, Тўнғизни бошлаганимга ишонмайсанми?

Савол ва топшириқлар

1. Тўнғизнинг Қуёнга ўйин таклиф қилганига қандай қарайсиз? Ростанам у ўйнамоқчимиди?

2. Тўнғизнинг карамни ейшдан олдин ва еб бўлгандан кейин Қуён билан қандай муомалада бўлганига эътибор қаратинг. Шундан келиб чиқиб, унинг ички дунёси, характерини белгиланг.

3. Қуён ҳақида фикрингиз қандай? Уни ким деб атаган бўлардингиз?

4. Нима деб ўйлайсиз, ҳаётда Тўнғиз ва Қуёнга ўхшайдиган одамлар учрайдими?

ҲАККАНИНГ ҲИКОЯСИ

Одамлар мени ўғри дейишади. Шуям гап бўлди-ю! Нима, бошқа қушлардан бойиб кетган жойим борми? Кўпчилик қатори тирикчилик қилиб юрибман-да. Ўзимга керагидан ортиқроқ нарсани ўмарган бўлсам, тешиб чиқсин.

Фаразлаб кўрайликки, ёғлиққина сузма қатиқни қурут қилишиб, офтобга териб қўйишган бўлсин. Теварақда ҳеч ким йўқ. Масалан, сиз ўша

курутлардан бир-иккитасини тотиб кўрмасмидингиз? Фақат олифтагарчилик қилмай, тўғриси гапиринг.

Ёки томга ёйиб қўйилган ёнғоққа дуч келиб қолдингиз дейлик. Нега энди ундан уч-тўрттагина чақиб кўрмаслик керак экан? Биламан, шахсан сиз қоринниям тўйдирасиз, чўнтаккаям урасиз. Мен бечорада эса, чўнтак деган нарсанинг ўзи йўқ.

Энди, тухум масаласига тўхталайлик. Қушларнинг тухумини қасддан ўғирлайди деб ўйласангиз, мени тўғри тушунмас экансиз. Бировлар ҳақида, ўйламай-қетмай, бўлмағур гаплар айтиш одобдан эмас. Сиздақангиларни гийбатчи дейишади.

Ўзингиз биласиз, мен ашулачиман. Ашулачи бўлгандаям, майна-сайналарга ўхшаган хашаки яллагилардан эмасман. Теракнинг учига қўнволиб, бир шақиллашни бошласам, овозим етти маҳаллага таралади. Шунанга ажойиб овозингиз бўлса, сиз ҳам кунига хом тухум ютиб туришни қанда қилмасдингиз...

Ие! Хў обдастанинг ёнидаги нима? Пишлоқми? Вой, атирсовун-ку! Ерга ташлаб қўйишибди-я. Ҳойна-ҳой, одамларга ортиқчалик қилаётганга ўхшайди. Атрофда биров йўқми?

... Вей, шалпангқулоқ, нега хўмрайиб қолдинг? Кўриб турибсан, ҳаво тобора исиб кетяпти. Озгина совун есам, патларим тулаб, сал енгиллайман. Ахир мен ўзимга керак бўлмаган нарсани олаётганим йўқ-ку!

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикоя мазмунидан келиб чиқиб, Ҳакка характериға хос хислатларни санаб беринг.

2. Ҳакканинг ўзи ҳақидаги ҳақ сўзларға муносабатини изоҳланг. Унинг бу мулоҳазалари ўринлими?

3. Ҳикоя қаҳрамонининг ашулачилиги даъвосига қандай қарайсиз? Бу ўринда Ҳакканинг қайси қусури намойён бўлмоқда?

4. Ҳикоядаги Ҳакканинг ўзини оқлаган ўринларига эътибор беринг.

“Ўзимга керагидан ортиқроқ нарсани ўмарган бўлсам, тешиб чиқсин” ёки “Ахир мен ўзимга керак бўлмаган нарсани олаётганим йўқ-ку!” гапларига муносабат билдиринг.

5. Агар билсангиз, ўзгаларнинг ҳақиға рия қилиш тўғрисидаги ҳадислардан намуналар айтинг.

ЧИЯБЎРИНИНГ ҲИКОЯСИ

Мақтабга боришга ҳеч оёғим тортмай қолди. Ўқитувчимиз борган сари қийин саволлар бериб, миямнинг қатигини чиқаряпти. Олдинги қаторда ўтиришнинг хосияти йўқ экан. Ҳар куни элакдан ўтаман-да.

Мана, кечаги куни олайлик. Ўқитувчим мени ўрнимдан турғизиб, “Хўш, айтчи, Қуён ботқоққа чўкаётган бўлса, биз нима қилишимиз керак?” – деб сўраб қолди. “Серқамишроқ жойни танлаб, эҳтиёткорлик билан унга яқинлашамиз”, дедим мен.

– Балли! – деди ўқитувчимиз.

Бу мақтовдан кўнглим кўтарилиб, дадил сўзлашга тушдим:

– Жудаям яқинлашиб қолганимизда, бир қўлимизда бақувватроқ қамишнинг тубидан ушлаб, иккинчисини Қуёнга чўзамиз.

– Офарин! – дея бош ирғаб илжайди ўқитувчимиз.

Мен баралла сайрашда давом этиб: “Қуён панжамизга илинди дегунча, уни шартта ўзимизга тортамыз”, дедим.

– Тасаню! – севинганидан қичқариб юборди ўқитувчимиз. – Бало экансан! Калланг зўр ишляпти! Қани у ёғини гапир-чи!

Шу ерга келганда, нима дейишни билмай, дудуқланиб қолдим:

– Кейин... кейин...

Бу туришим ўқитувчимизга ёқмади шекилли, бирдан қовоғи осилди. Негадир тоқатсизлана бошлади. Сўнг ҳозиргина мени “офарин”лаётган махлуқ туйқус тўнни тескари кийиб: “Қуён чангалингда турибди, хом-калла. Гапга тузукроқ хулоса ясамайсанми энди”, деб ўшқирди.

Мен баҳоимнинг пасайиб кетишидан кўрқиб, пича ўйлаиб олгач, “Қуёнинг терисидаги дойлари тозалаб ташлаймиз”, деб мунгайдим.

– Гапням, ишням чўзворясан! – сўлагини ютиб гижинди ўқитувчимиз. – Сен қуёни мушкул аҳволдан қутқардинг, овоз қилдинг. Оддийроқ тилда айтганда, Қуёнга фойданг тегди. Энди Қуёнинг сенга фойдаси тегиши керак. Хўш, ўйла-чи?

Ҳануз дудмалланиб турганимни кўриб, ўқитувчимизнинг баттар жаҳли чиқди.

– Қайсидир Қуён бошқа бир қуёнга текинга яхшилик қилиши мумкин, – менга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди ўқитувчимиз. – Лекин биз чиябўрилармиз. Биздаги фалсафа бошқача... Ўзимизга яраша нафсимиз бор...

Тугалай довдираб, нима дейишимни билмай қолдим. Бундан ўқитувчимизнинг фигони фалакка кўтарилди-ю, шартга бўғзимдан ушлаб, мени ўзига яқинроқ тортиди.

– Аввалига Қуёни озод қиламиз, – кўзларига қон тўлиб чийиллади ўқитувчимиз. – Қутқарганимиздан кейин биз уни мана мундай қилиб...

У оғзини катта очиб, ўтқир тишларини кекиртагимга яқинлаштирган паллада миям “ярқ” этиб ишлаб кетди ва бор овоздан: “Еб кўямиз” – деб қичқирдим. Ўқитувчимиз шу заҳоти енгил тортиб, мени кўйиб юборди.

– Боракансан-ку, хумкалла, – чеҳраси ёришиб елкамга қоқди у. – Чиябўри деганнинг гапи мана бунақа бўпти-да!

Ҳа, битта “тўрт” олгунча, она сутим оғзимга келди.

... Нима дединг? Учта товуққа иккита ўрдакни қўшсак, жами нечта бўлади дейсанми? Бу масалани чиябўричасига оппа-осон ҳал қилиш мумкин, оғайнижон. Бошни ортиқча қотириб ўтирмаслик учун уларни хаппа еб кўямиз, қоринда ўзлари қўшилиб кетаверади.

Савол ва топшириқлар

1. Ўқитувчининг ўқувчи Чиябўри жавобларидан аввалига нега мамнун бўлганлигини тушунтиринг.

2. Нима учун ўқитувчи қайфияти бузилиб, тўнини тескари кийиб олди?

3. “Лекин биз чиябўрилармиз. Биздаги фалсафа бошқача... Ўзимизга яраша нафсимиз бор...” сўзларидан келиб чиқиб, чиябўри фалсафаси тўғрисида тушунганингизни айтиб беринг.

4. Ёш чиябўрига бу фалсафа ва тарбия ўз таъсирини кўрсатдимиз? Ҳикоя матнидан келиб чиқиб жавоб беринг.

5. Жамиятдаги қандай одамларни чиябўриларга ўхшатиш мумкин.

ҚУРБАҚАНИНГ ҲИКОЯСИ

Қур-р, вақ! Мени танидингизми? Ҳа, мен ўша боши япалоқ, кўзи шапалоқ Қурбақаман. Лақабим – Вақвақатўра.

Кўриб турибсиз – вақтим чоғ. Бўлмасам-чи! Ҳозиргиша иккита пўрдоқи пашшани гутволиб, шаппа-шуппа ямлаб кўйдим. Энди ҳовузга калта гашлаб, бир чўмилсаммикан, деб турибман. Мен сизга айтсам, қорин тўйганидан кейин чалқанчасига сузиб юришининг ҳам ўзига яраша гашти бор.

Қанча кўп сузсанг, шунча ланж бўласан. Ана шундан кейин, бақатўнга ўранволиб, мириқиб ухлаш мумкин.

Бироқ, шуниси ёмонки, уйқудан уйғонган чоғингда қорнинг қайтадан очқаб қолган бўлади. Шунда тарвайиб бир керишасан-у, кўзинг жовдираб, яна овқат ахтаришга тушасан.

Ўтган куни уйқусираб туриб, бир саёқ Чумакарини ютиб юборибман. Итпашшага ўхшатибман-да. Бир вақт ичак-ичакларимга игна санчишни бошлади. Қуриллаб додлаганимча, сатта пақир бўйи сакраб, ўзимни ерга ураман денг. Ари чақишини қўймайди, мен – қуриллашимни. Йўқ, хайрият, охири ошқозонимгаям битта санчди-ю, шундайича бутунлай ҳазм бўпкетди.

Балойи азимдан қутулиб олганимдан сўнг, мундоқ қарасам, сайроқи қушларни қафасда боқиб юрадиган сариқсоч бола менга суқланиб тикилиб турибди. Боя тинмай қуриллаётганимда, чамаси, ширали овозим унга ёқиб кетган бўлса керак. Қилиғинг қу-р-ғур болакай сайроқи қушларга қўшиб, мениям биронта қафасга солиб қўймасин, дедиму ҳовузга қараб ура қочдим. Мен сизга айтсам, қафасда ётиб тайёр овқат егандан кўра, эркин юриб, оч қоринга ари ютган минг марта афзал.

... Бу ҳикояни айтишдан мақсадим, ўртоқчилик ҳурмати сени огоҳлантириб қўймоқчиман, тойбола. Маслаҳатим шуки, уйқусираб туриб овқат ейишга одатлана кўрмагин, бунинг оқибати жудаям ёмон бўларкан.

Савол ва топшириқлар

1. Бақанинг ҳаёт тарзига диққат қилинг. У сизга кимларни эслатяпти?
2. Ҳикоя қаҳрамонининг Чумакарини итпашшага ўхшатиб ютиб юборишида унинг характеридаги қайси жиҳат намоён бўлмоқда?
3. Ҳикоя матнидан Бақанинг мақтанчоқлиги, ўзида йўқ фазилатга бино қўйиши ақс этган ўринларни топиб, изоҳланг.
4. Ушбу ҳикоядан Ёз ўзингизга қандай ибрат олдингиз?
5. Ўзингиз ҳам бирор ҳайвон ёки ҳашарот тилидан юқоридагиларга ўхшатиб, бир ҳикояча ёзишга уриниб кўринг.

КЎНГИЛ МИНТАҚАЛАРИДА

З У Л Ф И Я

(1915-1996)

Нақ шундай:
Умрни этиб боғ,
Оқасан куй - наҳрим, юракдан,
Фарзандим, шеъргинам, бор тезроқ,
Макон қур энг тоза юракда...

Зулфия

Таниқли ўзбек шоираси Зулфия 1915 йилнинг 1 мартида Тошкент шаҳрида Исроил темирчи оиласида туғилди. 1922 йилдан 1931 йилгача мактабда, сўнг 1931-1934 йиллар орасида қизлар билим юртида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган шоира деярли бир умр журналистика ва нашриёт соҳасида ишлади. У 1935-1938 йилларда Тил ва адабиёт институти аспиранти, 1938-1948 йиллар мобайнида Болалар нашриёти муҳаррири, Ўзбекистон давлат нашриёти бўлим мудири, 1953 йилгача «Саодат» журналида бўлим мудири, 1953 йилдан то 1980 йилга қадар, салкам ўттиз йил давомида, шу журналнинг Бош муҳаррири лавозимларида ишлаб келди. Машҳур ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи, ўзига хос шеърляти билан минглаб китобхонлар қалбини ром этган истъодли шоира Зулфия 1996 йилнинг 1 августида вафот этди.



Шоира бадий ижодга жуда эрта киришди. Ўн етти ёшида «Ҳаёт варақалари» деб аталмиш дастлабки шеърый китобини чоп эттирди. Узоқ ижодий умри давомида ўттизга яқин шеърый тўпламлар, ўндан ортиқ дostonлар яратди. Шоира ҳаммани ўйлатадиган, барча кишиларга дахлдор бўлган ҳолатларни шеърга солади. Шунинг учун ҳам ёзганлари кўпчиликка манзур бўлади. Зулфиянинг улкан таланти фақат юртимиздагина эмас, балки дунё миқёсида ҳам эътироф этилган. У халқаро «Нилуфар» мукофоти эгаси.

Шоира шеърларининг эл аро машҳурлиги тасодифий эмас. У болалигидан оламга ҳайрат кўзи билан қаровчи, унинг бошқалар кўролмайдиган жиҳатларини илғовчи қизалоқ эканлиги билан ажралиб турарди. Бунинг устига, оиласидаги муҳит ҳам ёш Зулфияда бадий ижодга иштиёқни алангалатарди. Шоира болалигини шундай эслайди: «Отамни... Исроил дегрез дер эдилар. Отам заҳматкаш темирчи эди. Отамнинг ҳамма вақт оловга йўлдош касбидан фақат завқ кўрар эдим. Отамдай қудратли одам йўқ эди мен учун. Темирлар отам қўлида чақмоқлар таратишига боқиб, ҳайратда қолар эдим. Унинг қўллари чўққа айланган темир парчасини истаган шаклга солиб, инсон учун керакли нарсага айлантиришга қодир эди. Мен ҳали-ҳануз отамдай бўлишни орзу қиламан, аммо на илож, инсон қалбига кира билиш темирга ишлов беришдан машаққатлироқ, юракни чақмоқ каби аланга олдириш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермас экан...

Менинг онам ўзининг таъбирича, «усти бутун - ичи тутун» аёллардан эди. У ҳамма вақт камгап, хаёлчан эди, лекин фикрлари, ўйлари мудроқ эмаслигини, унга мутелик, заифлик ёт эканлигини билар эдим. Руҳидаги маъюслик, овозидаги ҳазинлик фақат унинг характериға хос бир сифатгина эди, холос.

Онамнинг қанча-қанча кўшиқ ва афсоналарни, дoston ва эртакларни билишиға ақлим бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва эртаклар бизға бе-ниҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этарди. Амминманки, мўжизалар яратишға қодир, жаҳонни кўзға кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзға шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчаға чиқмаган оддий аёл - онам уйғотган...»

Зулфия шеърияти ана шундай покиза булоқлардан сув ичган ижоддир. Айни шу сабабдан унинг тинчлик ҳақидаги, инсон руҳиятиши ғажиб ташлай оладиган ҳижрон тўғрисидаги, табиатнинг ажиб бир ҳолати

борасидаги шеърлари ҳеч кимни бепарқ қолдирмайди. Шу боис шоиранинг барча аёлларга, барча оналарга, барча машуқаларга хос, гушунарли, англанарли бўлган шеърляти асло эскирмайди. Унинг асарларида ҳалол инсон туйғуларининг порлоқ юлдузи чарақлаб туради. Келинг, азиз ўқувчи, Сиз ҳам юлдузли шеърят намуналаридан баҳраманд бўлинг.

Савол ва топшириқлар

1. Зулфиянинг шеърлари озиқланган маибалар ҳақида ўз фикрингизни билдириг.
2. Шоиранинг: «*Фарзандим, шеъринам, бор тезроқ, Макон қур покиза юракда*», - деган хитобини изоҳлашга уриниб кўриг.
3. Зулфия шахсияти шаклланишида отасининг таъсири ҳақида мулоҳаза юритиг.
4. Шоиранинг онасига хос сифатларига эътибор беринг. Қандай қилиб у қизиди шеърятга, сўзга муҳаббат уйғота олди деб ўйлайсиз?

Т У Н

Тоғ ортига ўтиб кетди кун,
Секин чўкди тоза, салқин тун—
Мен дераза очганим чорбоғ,
Сокин ухлар тун кўрпасида.
Майин қўшиқ ёйилар ҳар ён,
Эсиб ўтган ел шарпасида.

Сув оқади аллалаб тунни,
Ҳамма ухлар, уйда мен уйғоқ,
Парча қоғоз, кичик бир қалам,
Бошим узра порлайди чироқ.

Тунда қанча хаёл, қанча куй,
Мен берилиб қулоқ соламан.
Сўз тополмай ифодасига,
Ранг ахтариб шошиб қоламан.

Соф ел эсар... Парвона учар,
Чироқ атрофида ўргилиб,
Ўзин уриб парт¹ бўлади-ю,
Столимга тушади келиб.

Мен ёзаман, юлдузлар ўтар,
Ҳар бириси сўйлар бир эртак.
Мана, Ҳулкар қаршимда чақнар,
Ёрқин тонгдан келтириб дарак.

Тун ўтади, яна чорбоғдан
Кўтарилар саҳарги туман.
Мен-чи, аста чироқ сўндириб,
Отаётган тонгни кутаман.

Кўзларимда эриб кетди тун,
Ёйилмоқда ёрқин жувон² кун...

Савол ва топшириқлар

1. «Мен дераза очганим чорбоғ, Сокин ухлар тун кўрпасида» мисраларидаги образли ифода ҳақида гапиринг.
2. «Сўз тополмай ифодасига, Ранг ахтариб шошиб қоламан» сатрлари орқали тасвир этилган ҳолатни тушунтиринг.
3. «Ўзин уриб парт бўлади-ю, Столимга тушади келиб» мисралари замиридаги мажозий маънони аниқланг. Бу ҳол сизга ишқ ва ошиқ муносабатларини эслатмайдими?
4. Юлдузлар нималар ҳақда «эртақлар сўйлаяпти» деб ўйлайсиз?
5. «Кўтарилар саҳарги туман» ифодасини шарҳланг.
6. «Кўзларимда эриб кетди тун» ифодасини қандай ҳис қилдингиз?
7. «Ёйилмоқда ёрқин жувон кун» тасвири орқали шоира нима демоқчи?
8. Шейрнинг биринчи ва сўнгги бандлари нега икки мисрадан иборат?
9. Шейрнинг лирик қаҳрамон туйғулари ёрқинроқ тасвирланган ўринларини топинг.

¹ Парт - куйиш, ҳалок бўлиш.

² Жувон - ёш, янги, навқирон.

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор.

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтунни.
Ҳар уйғонган куртак, ҳаёт берган каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекилди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.
Ёзиб кўрсатгай деб хусч - кўркини,
Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.

Топмай сабри тугаб бўрон бўлди-ю,
Жарликларга олиб кетди бошини.
Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.

Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,
Ҳулкар ва Омоннинг ўпди юзидан.
Сингиб ёш куйдирган заҳфар ёноғимга
Секин хабар берди менга ўзидан.

Лекин ётоғимда сени тополмай,
Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб:

«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,
Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?
«Бахтим борми дея», яккаш сўроқлаб¹
Мени шеърға ўраб суқланиб боққан?

Ўрик гуллариға тўнмайди² нега
Елда ҳилширатиб жингалак сочин?
Нега мен келтирган шўх нашидаға
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?

Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.
Нечун қора либос, сочларингда оқ,
Нечун бу кўкламда сен паришонҳол?»

Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим,
Баридан³ тутдим-у, кетдим қошинга.
У ҳам ғаминг билан кезди афтода,
Боқиб туролмайин қабринг тошига.

Аламдан тутоқиб дарахтга кўчди,
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.
Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.

Гулу райҳонларнинг таралди атри,
Самони қоплади майин бир қўшиқ.
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.

¹ Ҳамид Олимжон шеърдан.

² Тўнмоқ - тикилиб қарамоқ.

³ Бар - этак, ўнгир.

Баҳорга бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам,
Туилар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

1945

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг биринчи бандида ниманинг тасвири берилганлигини изоҳланг.
2. Шоира иккинчи бандда кимга нима сабабдан мурожаат қилаётир деб ўйлайсиз?
3. «*Қишнинг ёқасидан тугиб сўради сени...*» мисрасини изоҳлашга уриниб кўринг.
4. Излаганини топа олмаган баҳор образи тушган ҳолат тасвирини изоҳланг.
5. «*...ёш куйдирган заҳфар ёноғим*» ташбеҳидаги кутилмаган ифодаларни топинг.
6. «*Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим, Баридан тутдим-у, кетдим қошингга*» мисралари орқали Зулфия қандай фикр ва қайси туйғуни ифодалаётир деб ўйлайсиз?
7. «*Гуллар гулчасини этди чок-чок*» мисраси орқали ифодаланган ҳолат ҳақида гапиринг. Бу ҳолатнинг ҳаётий кўринишини аниқланг.
8. Баҳорнинг изтиробларига боис нима деб ўйлайсиз? Баҳорнинг ҳолати тасвири замирига шоира қандай бадий вазифа юклаган?
9. Баҳорнинг ҳолати тасвири билан лирик қаҳрамон ҳолати ўртасидаги мутаносибликни аниқлашга уриниб кўринг.
10. Шеърнинг ўнинчи бандидаги қайғули ҳолат сабабини аниқланг.
11. Шеърнинг ўзингизга ёққан саккиз бандини ёд олинг.

КЎРГАНМИДИНГ КЎЗЛАРИМДА ЁШ

Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Келдим. Узоқ қолдим мен сокин,
Сенинг азиз бошингда ёлғиз,
Осмон тиниқ эди ва локин,
Парча булут етиб келди тез.

Кўкда менинг бошимда туриб,
Гўё юрагимда қалқди у.
Кўзимдаги ёшимни кўриб
У ҳам тўқди ёшини дув-дув.

Биз йиғладик тепангда шу кун,
Келдингми деб кўтармадинг бош.
Айт-чи, сенла оахтиёр онлар
Кўрганмидинг кўзларимда ёш?

1945

Савол ва топшириқлар

1. «Келтирардинг менга бир замон, Энди ҳар чоғ мен элтаман гул» мисралари орқали ифодаланган фикрни аниқланг ва лирик қаҳрамон ҳолатини изоҳланг.
2. «Кўкда менинг бошимда туриб, Гўё юрагимдай қалқди у» сатрларида гап нима ҳақида бораётир деб ўйлайсиз?
3. Шеърда булут ва лирик қаҳрамон руҳиятидаги уйғунлик акс эттирилган ўринларни топинг.
4. Лирик қаҳрамон изтиробларига сабаб бўлган туйғу нима? Буни қандай қилиб аниқладингиз?
5. Шеърнинг номланишига муносабатингизни билдилинг.
6. Шеърни ёд олинг.

САМИМИЙ ТУЙГУЛАР КУЙЧИСИ

Зулфия шеърляти инсон туйгулари, хиссиётлари қанчалар теран, мураккаб эканини намоёиш этадиган назмдир. Шоира жўн, хашаки сезимлар¹ ҳақида қалам сурмайди. У ўзини ҳайратга солган туйгулар ҳақида сўзлашни ёқтиради ва шу боис ўқувчи қалбини ром этади.

Шоиранинг туйгулари, иқрорлари самимий, рост. Шу сабабдан ҳам тезда шеърхонга юқиб қолади:

Тунда қанча хаёл, қанча куй,
Мен берилиб қулоқ соламан.
Сўз тополмай ифодасига,
Ранг ахтариб шошиб қоламан.

Зулфиянинг ҳолат ифодасига ожизлиги ҳақидаги иқрори нечоғлиқ самимий ва шу сабабдан ёқимли. У ҳолатни қаламга оладими, манзара чизадими - ҳамиша инсоннинг туйғусига таяниб иш кўради. Туйгуларнинг ифодаси ишонарли бўлишени таъминлашга интилади. Шунинг учун ҳам: «Кўзларимда эриб кетди тун, Ёйилмоқда ёрқин, жувон кун» деган ифода ўқувчи томонидан табиий қабул қилинади. Туннинг эриб, кун бағрида йўқ бўлиб кетиши қанчалар табиий бўлса, янги, ёрқин куннинг чиқиб келиши ҳам шунчалар ишонарлидир. Шоира бу ўринда оддий бир аёл эмас, балки тушларни бағрида асрагувчи, тонглари оттиргувчи она табиат мақомида туради.

Зулфия шеърлятидаги туйгулар самимияти баҳорни одам каби, дарддош бир дўст сингари қабул қилиш имконини беради. Баҳор шоиранинг умр йўлдоши - Ҳамид Олимжонни излар ва тополмай сарсари кезар экан, бу ҳолат ўқувчиларда зарра шубҳа уйғотмайди. Шоира садоқати туфайли унинг ёрига ўлимидан кейин ҳам тирик қолиш имкони топилади. Ўзганинг ҳаётини яшай олиш учун ўша одам каби куйиш, ўшандай суя билиш лозим бўлади. Зулфия ўз умрига бировиникини ҳам қўшиб яшай билладиган инсон эканлигини жуда назокат ва қатъийлик билан баён этади:

¹ Сезимлар - ҳис-туйғу.

Хижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен тирик эканман, тириксан сен ҳам!

Дарҳақиқат, Ҳ. Олимжон кўлидан тушган шеърят сози шоира кўлида жаранглаб турса, ёрга садоқат туйғуси на кун ва на тун маъшуқани тарк этса, бу умрнинг давомийлигидан, бировнинг ҳаётида яшаётганликдан нишона. Шоира ўзини оламнинг узвий бир бўлаги деб билади. Шу сабабдан у атрофидаги ҳамма нарсани ўзи каби кўради, шундай тасвирлай олади. Чунончи, шоира қалами туфайли булут унга ҳамдард бўлади - қўшилиб кўз ёш тўкади. Ва бунда ёлғон йўқ. Булутнинг ҳаракатларини нозик ҳис қилган, унинг гўзаллигидан беадад ҳайратга тушадиган ижодкорни булут ҳам тушунса, унга хайрихоҳлик қилса, бунинг нимаси ажабланарли?

Зулфия фақат ўз туйғулари билангина ўралашиб қолган ижодкор эмас. У - дунё миқёсида ўйлайдиган, шу кўламда ҳис этадиган шоира. Шунинг учун олам ташвиши бегона эмас ва дунёдаги борки нокомиллик, адолатсизлик, ноҳақлик уни изтиробга солади, ўйга толдиради. «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» шеърида Зулфия поэзиясининг жаҳоний қамрови намоён бўлади. Айни вақтда, у - куюнчак, фарзандининг тақдиридан ҳар дақиқа хавотирга тушадиган она. У ҳеч кимни ташвиқ қилмайди, ўртага ўтли чақириқлар ташламайди. Оддий она сифатида, аёл сифатида ўйга толади ва ўйларини маҳорат билан ифодалайди. Ифодалар самимияти шеърхонни нафақат ўз тақдири, балки олам тақдири ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Асл шеър шундай бўлади, самимий туйғулар хаёлга толдиради.

Зулфия шеърияти таъсирчанлигини таъминлаган кўплаб омиллардан бири риторик сўроқдан ўринли фойдаланилганлигидир. Риторик сўроқ - шеърый тасвир усулларидан бўлиб, поэтик нутқда ифодаланган фикрни сўроқ шаклида тасдиқлашдан иборатдир. Риторик сўроқда жавоб талаб этилмайди, жавоб саволининг ичига яширинган бўлади. Зулфиянинг «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» шеъридаги: «Тўлишарми ўлкада баҳор», «қалдирғочлар қанотми қоқар» каби сўровлар риторик сўроққа мисол бўла олади. Бу хилдаги сўроқлар тасдиқ оҳангини кучайтириш, сўралаётган нарсанинг борлигини таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланилади. Риторик сўроқ шеърый асарларнинг жозибасини оширишга, таъсир даражасини орттиришга хизмат қилади.

САИД АҲМАД

(1920 йилда туғилган)

Машҳур ҳажвчи ёзувчи Саид Аҳмад 1920 йилнинг 10 июнида Тошкент шаҳрининг «Самарқанд дарвоза» маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Саид Аҳмад болалик йиллари ҳақида шундай деб ёзади: «Мен туғилган... маҳалланинг гузарига йилда икки марта дор келарди. Ўша пайтларда машҳур бўлган Солиҳ дорбознинг ўйинларига, масхарабозларнинг қилиқларига қойил қолардик. Бир куни масхарабоз қопдан шиша синиқларини тўкиб, устига столдан сакради, ўйин тушди.



Мен ҳам қўни-қўшниларникидан синган шиша-ларни икки челак қилиб йиғиб, боғимизга олиб кирдим. Бир жойга тўкиб, устига девордан сакрадим. Оёқларимни шиша тилиб ташлади. Ўн кунгача оёқ босолмай уйда ётганман.

Бир марта дор ўйнаб йиқилганман. Оёғим синган. Раис кўчасидаги Махсум табиб тахтакачлаб қўйган. Бир ойгача қўлтиқтаёқда юрганман.

Уч марта томдан йиқилганман. (Бир мартасида қайнаб турган самоварнинг ёнига тушганман.) Хуллас, етти марта қўлим чиққан.

То эсимни таниб, мактабга боргунимча ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган «шум бола»нинг ўзи бўлганман.

Абдулла Қодирийнинг боғи биздан сал юқорироқда эди. У кўчамиздан ўтарди. Бу одамнинг кимлигини, нима иш қилишини ҳали билмасдим. Аммо кексалар ҳам, ёшлар ҳам ажиб бир ҳурмат билан салом беришларини кўриб атайин кўчада пойлаб ўтирардим. Ўтиб қолса, салом бераман деб кутардим.

Бизнинг ташқари ҳовлимиздаги бўш уйда Мирмашриқ деган киши турарди. Кейин билсам, у Элбек деган шоир экан. Унинг олдида Ойбек, Фафур Фулом, Фулом Зафарий, Хуршид каби шоирлар келиб туришарди, уларга чой таширдим. Уларнинг суҳбатлари, асосан, адабиёт, санъат, китоб ҳақида бўларди.

Оиламиздагиларнинг ҳаммаси ҳам маърифатли одамлар бўлганлиги учун ичкари ҳовлидаги суҳбатлар ҳам, кўпинча, китоб, илм хусусида бўларди».

Бўлажак адибнинг отаси Хусанхўжа Дадахўжа ўғли рус-тузем мактабини тугатган, рус тилини пухта биладиган, Чиқишу Ботиш адабиётидан анчагина хабардор маърифатли одам эди. Туркий дунёнинг машҳур маърифатчиси Исмоилбек Гаспирали билан яқинлиги бор эди. Тошкентликлар Саид Аҳмаднинг бобосини «Дадахўжа дўма» деб улуғлашар, чунки у киши шўролар тўнгаршидидан ҳам олдин шаҳар думасининг депутаты бўлган. Онасининг отаси Фуломхон тошбосма матбаа¹ эгаси бўлган. Бўлажак адибнинг катта акаси Имомхон ўзбек стенографиясининг² асосчиси ҳисобланарди, кейинги акаси Зухурхон эса, ирригация³ бўйича Ўзбекистоннинг илк профессори эди.

Мана шундай оилада туғилиб ўсган Саид Аҳмад ёшлиқдан китоб билан ошно тутинганди. Қўлига тушган китобни ўқимай қўймасди. Шуни ҳам айтиш керакки, у маҳаллар ўқийдиган китобнинг ўзиям унчалар кўп эмасди. Табиатан қизиқувчан, тиниб-тинчимас Саид Аҳмад адабиётга кириб келгунга қадар жуда кўп соҳаларда ўзини синаб кўрди. Бу ҳақда ўзи шундай эслайди: «Муштум»да биринчи ҳажвий ҳикоям чиққунча, мен кирмаган ўқиш, мен уннаб кўрмаган иш қолмади ҳисоб. Қишлоқларга чиқиб шиорлар ёздим. Артистликка ҳам қизиқиб кўрдим. Докторлик мактабида ҳам беш-олти ой ўқиб чиқдим. Бир-икки йил рассомлик мактабига ҳам қатнадим. Қурилиш техникумида ҳам уч-тўрт кун таҳсил олдим. Пенсон деган машҳур фоточига шогирд тушдим. Газеталарга расм ишлаб обдордим.

Фоточилик, рассомлик мени редакцияларга яқинлаштирди. Газеталарда кичик-кичик хабарларим босила бошлади.

¹ Тошбосма матбаа - китобни сапоат йўли билан чоп этиш усули, босмаҳона.

² Стенография - оғзаки нутқни махсус белгилар ва кескартмалар ёрдамида тўла ёниб оlish хунари.

³ Ирригация - сугориш тармоқлари ҳақидаги фан.

Ниҳоят, ўн олти ёшимда «Муштум» менинг «Ишқибоз» номли ҳажвиямни чоп этди. Кўриб турибсизки, ижодни кулгили асарлар ёзишдан бошлаганман. Кулгини яхши кўраман, Ўшандан бери эллик йилдан ошибдики, ҳажвий асар ёзишни тўхтатганим йўқ». Бу гапларнинг ёзилганига ҳам йигирма йиллар бўпти ҳамки, Саид Аҳмад кулгидан нари бўлгани йўқ.

Саид Аҳмад 1938-1939- ва 1955-1957-йилларда «Муштум» журналида ишлади. 1940-1943-йилларда Низомий номидаги пединститутда ўқиди. Шу даврнинг ўзида республика радиосида хизмат қилди. Айни вақтда «Ёш ленинчи» газетасида (1940-1941), 1943-1947-йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасида, 1948-1950- ҳамда 1957-1959-йилларда «Шарқ юлдузи» журналида меҳнат қилди. Шўролар сиёсатининг зуғумли сиёсати авж олган XX асрнинг 50-йилларида чақувга учраб, миллатчи сифатида бир неча йил қамалиб ҳам чиқди. Озодликка чиққач, қатор йиллар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчилик қилди. 1999 йилда мустақил Ўзбекистон ҳукумати Саид Аҳмадни мамлакат олдидаги хизматлари учун Ўзбекистон қаҳрамони унвони билан тақдирлади.

Саид Аҳмад ҳажвий ҳикоялар ёзибгина қолмай, насрнинг деярли барча жанрларида муваффақиятли қалам тебратган ёзувчидир. Унинг «Қадрдон далалар» (1949), «Ҳукм» (1958) қиссалари, инсоний тақдирлар чалқашлигини кўрсатишга бағишланган уч китобдан иборат «Уфқ» романи, турғушик замонида мамлакатимизда юзага келган вазиятни акс эттирувчи «Жимжитлик» (1988) романи, «Келинлар қўзғолони», «Куб» сингари пьесалари халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

ҚОПЛОН

Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юкларни машинадан тушираётганда Қурбонбой бир гап айтиб қолди:

– Сизга энди бир ит лозим, ўртоқ Тиллаев. Ит уйнинг савлати бўлади. Албатта ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.

Тиллаевнинг итга унчалик хуши йўқ эди, индамай кўя қолди. Қурбонбой хотинларнинг ҳайҳайлашига қарамай, полни ҳам ўзи ювди, гиламни ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.

– Ия, ия, биз турганда сиз нега энди пол юваркансиз, опа? Ўзимиз қотириб ташлаймиз. Мен гилам қоқайини, сиз томоша қилинг. Аммо ле-

кин итнинг ғалатисини боқиш керак. Кўчадан кирган одам киройи директор бўлсанг, шунақа ит боқ, деб ҳавас қиладиган бўлсин.

Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳам дарров кета қолмади. Ҳовлида анча айланиб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.

– Йўўқ, ўртоқ Тиллаев, ит масаласини бизга қўйиб бераверинг. Мана, итнинг жойи шу. Кичкинагина, ихчамгина уйча қуриб берилса, итнинг ҳам жони кириб қолади. Хўп, биз кетдик.

Қурбонбой кетди.

– Бу киши ким бўладилар? – деди Тиллаевнинг хотини орқасидан эшикни илгақлаб қайтаркан.

– Жудаям аниғини билмайман, гаражимизда ишласа керак. Кўчишга машина сўраганимизда завгар қарашиб юборади, деб қўшиб берган эди, – деди Тиллаев.

– Дуруст одамга ўхшайди. Чаққонгина экан.

Эртаси Тиллаев ишдан қайтиб ювинаётганда Қурбонбой каттакон ит етаклаб келди. У итни айвоннинг устунига бойлаб, илжайди:

– Оти Қоплон, Тиллаев ака. Одамнинг яхшисини дарров танийди. Сизга тез ўрганиб кетади. Эртага яхшилаб уйча ясаб бериб кетаман. У қўлини ювиб келиб, ярим соатча итнинг таърифини қилиб ўтирди.

– Ит ҳамма гапни тушунади, фақат жониворнинг тили йўқ.

Қурбонбой бир сўзли киши экан, айтганини қилди. Тиллаев ишга кетганида замбилғалтакда ғишт олиб келиб, итга уйча ясаб кетди. Магазиндан алюмин тоғорача олиб, итга ялоғ қилиб берибди. Тиллаев идорадан чиқиб, энди машинага ўтираман деб турганда, югуриб келиб қоғозга ўроғлиқ нарса узатди.

– Хўжайин, Қоплонга насиба. Кабобчи ошнамга тайинлаб қўйган эдим, суякни бегона қилма, деб.

– Қурбонбойнингиз одам экан, – деди хотини Тиллаев уйга келганда, – бечора жонини фидо қивораман дейди-я. Бола-чақали, камхарж одамга ўхшайди. Иморатини етти йилдан бери битказолмасмиш. Унча-мунчасига қарашиб юборинг.

Тиллаев хотинининг гапларига парво қилмай чой ичарди.

Тиллаев билан Қурбонбой ўртасида яқинлик пайдо бўлди. Бир куни гап орасида у рўзғордан орттириб, участкасининг томини ёполмаётганини айтиб қолди:

– Айб ўзимда, ёшлигимдан шунақаман, ўзимга қарамайман, ошна-оғайниларнинг иши битсин дейман. Ҳа, одам боласидан шу қолар экан. Бўлмаса, промкомбинатда ҳам, райпода ҳам ошнам бор, юзтагина шифер сўрасам йўқ демайди. Сўрамайман. Асло сўрамайман.

– Нечта шифер етмаяпти?– деди Тиллаев бепарво.

– Йўқ, хўжайин, сўраманг. Сиз билан шу мақсадда ошно бўлмаганман. Бунақа гапни айтсангиз, уйингизга иккинчи қадам босмай кетаман.

Шу-шу бўлди-ю, Тиллаевнинг унга ихлоси ошиб кетди. Шундоқ яхши одам гаражда машина ювиб ўтирмасин, деб уни гараж мудирига муовин қилиб қўйди. Уйига бир юз саксонга шифер, ўттизта тунука тушириб берди. Қурбонбой ҳам ҳар тушликка келиб, Қоплонни ўйнатиб кетишни тарк қилмади. Бу орада Тиллаевнинг эски бод касали тутиб, ётиб қолди. Аввалига Қурбонбой келиб унинг ҳолидан хабар олиб турди. Докторлар энди бўлмайди, пенсияга чиқинг, деб маслаҳат беришгандан кейин Тиллаев министрликка ариза ёзиб, ишдан бўшатишларини сўради. Министрлик унинг талабини қондириб, ўрнига бошқа директор тайинлади. Қурбонбой ўша куни келиб, Қоплонни айлангиргани олиб чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади. Тиллаев Қоплонга анча ўрганиб қолган экан, то ярим кечагача икки кўзи тўрт бўлиб, итни пойлади. Йўқ, Қоплон бедарак кетди. Қурбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Тиллаев ҳассага таяниб кўча айлангани чиқди. Бир маҳал қараса, кўчанинг нариги бетида Қурбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чақирса ит қаради-ю, Қурбонбой қарамади. Ўша куни янги директор ўзелининг туғилган кунига ўтириш қилиб бераётган экан. Тиллаевга машина юборибди. Эр-хотин боришди. Дарвозадан киришлари билан йўлақда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллашиб эркаланди.

– Бизнинг ит қалай?– деди янги директор.

– Бу итни танийман,– деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

Савол ва ғошириқлар

1. Қурбонбой табиатига хос хусусиятларни ҳикоя матнига таянган ҳолда аниқланг.

2. Муаллифнинг «*Қурбонбой бир сўзли киши экан...*» деб берган баҳоси замиридаги маънони топинг ва сабабини тушунтириб беринг. Чиндан ҳам уни бир сўзли деб ўйлайсизми?

3. Қурбонбой Тиллаев ва унинг аёли билан сўзлашганда ўзи ҳақида «биз» деб гапириши сабаби ҳақида ўйлаб кўринг.

4. Ҳикоядаги «У қўлини ювиб келиб, ярим соатча итнинг таърифини қилиб ўтирди», - деган таъкидга асосланиб, Қурбонбойни тавсифланг.

5. Асарда шундай тасвир бор: «Нечта шифер етмаяпти? - деди Тиллаев бепарво. - Йўқ, хўжайин, сўраманг. Сиз билан шу мақсадда ошно бўлмаганман. Бунақа гапни айтсангиз, уйингизга иккинчи қадам босмай кетаман». Шу сўхбатда ҳажвий қаҳрамонга хос хусусиятлар қандай намоён бўлаётганига тўхталинг.

6. Қурбонбойнинг ўзига берган баҳоси билан ҳикоядан табиий равишда келиб чиқадиган баҳо ўртасида зиддият борми?

7. «Бир маҳал қараса, кўчанинг нариги бетида Қурбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чақирса ит қаради-ю, Қурбонбой қарамади». Шу кичик тасвирга таяниб, Қурбонбой табиатининг моҳияти ҳақида сўзланг.

8. Тиллаев тимсолининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга урининг.

9. Ҳикоя нима учун «Қоплон» деб номланганини изоҳланг. Сиз уни қандай номлаган бўлардингиз?

10. Одамгарчилик, оқибат борасида Қоплон тузукми ёки Қурбонбой?

11. Ҳикояни ўқиш жараёнида сизда кулги пайдо бўлдими? Кимдан ва нима учун кулгингиз келганини изоҳланг.

12. Асарда танқид борми? Ким нима учун танқид қилинаётир?

СОБИҚ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биринчи кунидек тўққиз тонна пахта терибман. Аввалига ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Тавба, шунча пахтани ўзим тердимми ё биров қўшиб қўйдими? Эртасига бир ғайратга ўн ғайрат билан пахта териш мана бунақа бўлади, деб ишга тушиб кетдим. Тўққиз ярим бўпти. Ўша кунги областдан¹, Тошкентдан мухбирлар босиб кетди. Овозимни лентага ёзиб, радиодан эшиттиришди. Телевизорда икки марта кўрсатишди. Ҳамма ёқни хат босиб кетди. Бунақа обрў кимнинг тушига кирибди дейсиз. Руҳим тегик, бир гапириб, ўн куламан. Йўталсам ҳам лаббай деб туришади. Раисимиз у ёққа борсам у ёққа, бу ёққа борсам бу ёққа эргашади. Бечора мени ер-кўкка ишонмайди. Икки гапининг бирида:

¹ Область - вилоят.

– Ўзингни тут, катта-кичикнинг олдида шарманда қилма. Сен бизнинг машъалимизсан. Ҳа, шундоқ, соқолингни кунда олиб тур. Дазмол босилмаган шим кийма,- деб насиҳат қилиб туради.

Икки кундан кейин газетанинг биринчи бетида чаккамга пахта қистириб кулиб турган суратим чиқди. Ўша куни раис Бердиали ака, яп-янги «Волга»сини ишлаб турган жойимга юборибди. Тез етиб келсин деб тайинлабди. Оббо, бир гап бўлганга ўхшайди, деб ишни ташлаб идорага қараб кетдим. Борсам, раис оёғи куйган товукдай безовталаниб, кутиб турган экан.

– Келдингми, ука, тез бўл. Кенгашга кетасан. Поезд билетинг тайёр, уйингга бориб кийиниб олгину, йўлга чиқ.

Кетдим. Кенгаш эртаси куни очилар экан, уч кун областда қолиб кетдим. Келган кунимоқ тўппа-тўғри далага чиқиб, энди машинага етай деб қолган эдим, яна ўша «Волга» олиб кетди. Идора олдида усти ёпиқ юк машинаси турибди. Идорага киришим билан етти-саккиз одам атрофимни ўраб олишса бўладими. Киночилар экан. Пахта теришимни кинога оламиз деб, атайин Тошкентдан келишибди. Раиснинг гапини қаранг. Умматалининг машинасида кинога тушасан, ўша томонда пахта яхши очилган, кинода чиройли чиқади, деб туриб олди. Умматалининг ерига қараб кетдик. Киночилар ўларча эзма, шошмаган одам бўлишар экан, икки кун овора қилишса бўладими, мана, чиқиб қолса кўрасизлар, қандоқ қилиб машина ҳайдашимдан тортиб, пешанамдаги терни қанақа қилиб, қайси қўл билан сидириб олишимгача аппаратга олишди.

Киночилардан қутулиб уйга ҳолдан тойиб келдим, кийим-бошим билан ухлаб қолибман. Эрталаб раиснинг ўзи уйғотди.

– Тез бўл, кутиб қолишди.

– Тағин киноми? Кеча тамом қилишган эди-ку!

– Йўқ, бошқа гап. Районда янги қурилган маданият уйининг очилиш маросими бўлади. Илғор механизаторлардан бир киши табрик нутқи сўзлаши керак. Сен гапирасан. Қани кетдик.

Гапни ҳам, аммо-лекин бопладим. Кунора нутқ сўзлаб тургандан кейин уста бўлиб кетаркансан. Роса чапак бўлди. Ичкарига меҳмонлар учун жой қилдириб қўйишган экан. Артистлар билан бирга ўша ёққа кирдик. Роса пивохўрлик бўлди. Уйга келиб ётган эдим, эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, соч қўйган, ингичка мўйловли бир йигит турибди. Елкасида бир метрли фанер сумка.

– Хизмат ука, ишлари бормиди?

– Атайин ўзларини йўқлаб келдим. Суратингизни ишлашим керак. Виставкага қўйилади.

Ундоқ десам, бундоқ деди, бундоқ десам, ундоқ деди. Сира гапимга кўнмади. Жанжаллашиб, раиснинг олдига бордик. Раис койиб бердилар.

– Эсинг жойидами? Бу виставкага қўйиладиган суратларнинг рўйхатини областдан тасдиқлашган. Қани, дарров бўл.

Ўзингиз биласиз, раисимизнинг гапини икки қилиб бўлмайди. Ишга тушиб кетдик. Рассом тушмагур ҳали ёш, тажрибаси камроқ экан. Роса гўққиз кунда ўзимга ўхшатди. Бу орада уйим хатга тўлиб кетди. Пионерлар билан учрашув, медицина ходимлари билан учрашув, мебел фабрикаси илғор ишчилари билан учрашув... Албатта, буларга раис ўзи билиб муомала қилди-ю, аммо район пожарний командасининг пенсияга чиқаётган кекса ходимини табриклашни менга юклаб қўйса бўладими. Бордим. Буларнинг тантанаси ғалати бўларкан. Ёлғондакам ўт кетди қилиб, бирдан гупир-гупир қилишди. Бири сув сепяпти, бири болта билан эски яшиқларни парчалаб ташляпти. Роса одам йиғилди. Мен учинчи бўлиб сўзга чиқдим...

Ўша куни шамоллаб қолган эканман. Тўрт кун ётиб олдим. Дармоним қуриб ишга кетаётсам, раис қовоқ-димоғини осилтириб, самоварнинг сўрисида ўтирибди. Индамай ўтиб кетиш уят. Одобдан эмас. Қўрқа-писа саломлашдим. У мени кўрди-ю, кўзлари яшнаб кетди.

– Э, бормисан? Жуда узоқ ётиб олдинг-ку. Бу ёқда шунча иш, шунча жойдан таклиф. Сен бўлсанг, арзимаган касални баҳона қилиб ётибсан. Аллақаёқдан атоқли полвон келаётган эмиш, вокзалга чиқиб кутиб олувчилар рўйхатининг бошида сен турибсан. Шу бугун кеч соат еттида поезд келади. Кечикмай етиб бор. Машинани тайинлаб қўйганман.

Бир нима дей, десам, раиснинг феълидан кўрқаман. Чидадим. Охири ёридим:

– Ахир, раис бува, бу ёқда шунча...

Айтдим-ку, раис оғиз очгани қўймайди деб, уришиб берди.

– Унча-мунча одам қадам босолмайдиган жойларга боряпсан. Ноз қилма. Йиғит кишининг бошига бахт бир қўнади. Қани тур, тайёргарлигингни кўр. Физкультура комитетидан телефон қилиб, миямни қоқиб қўлимга беришди. Уялтирма-да, ука.

Худди соат еттида станцияга чиқдим. Поезднинг олтинчи вағони. Эшигидан бўйи сал кам бир терак келадиган одам тушиб келяпти. Тикилиб қарасам, бир йили домотдихга борганимда тарвузни бутун ютиб ўйин кўрсатган полвон. Районимизга тош отиб ўйнашни кўрсатгани келган экан. Тўрт киши, тўрт киши бўлиб йигирмата тошни судраб тушириб қўйдик. Станция буфетида жиндек ҳозирлик кўриб қўйишган экан, ўтиришдик. Полвонни табрикладик. Яхши кутиб олганимиздан севинган полвон охирида сўзга чиқиб, олти кишиликни бир қилиб косага қуйиб қадаҳ кўтарди. Ҳаммамиз кайф қилиб қолиб, тошлар станцияда қолиб кетаверибди. Қолса қолавермайдим, уни кўтарадиган мард қаёқда.

Мана, октябр ойи ҳам охирлаб қолди. Машина терими тугай деб турибди. Ҳарна бўлса озроқ териб олай, деб далага чиқсам, машинам жойида турибди. Бечорани бирам чанг босибдими, кимдир бўр билан ёнига «Қолхозимизнинг собиқ механизатори фалончи мавсумда бир ҳафта далага чиқиб, шу машинада пахта терган» деб ёзиб кетибди. Жуда алам қилди.

Бунақа беодоб гап ёзган одамни топиб роса таъзирини берардим, ишим тифизроқ эди-да. Ахир бугун ёш дружиначилар¹ билан район марказидаги сомсапазликни текширишимиз, калориясини² аниқлашимиз керак.

Савол ва җавоблар:

1. Мана, ҳикоя билан танишиб чиқдингиз. Сизнинг назарингизда, ҳикояда соғлом ақлга тўғри келмайдиган жиҳат нимадан иборат?

2. Раиснинг механизатор йигитга муносабатини ҳикоя матнidan келиб чиққан ҳолда изоҳлаб беринг ва бунинг сабабларини кўрсатинг.

3. Қаҳрамон тилидан айтилган: «Ўша куни раис Бердиали ака, яп-янги «Волга»сини ишлаб турган жойимга юборибди. Тез етиб келсин деб тайинлабди» ахборотининг моҳиятини изоҳлаб беринг.

4. Механизаторнинг: «Кетдим. Кенгаш эртаси куни очилар экан, уч кун областда қолиб кетдим. Келган кунимоқ тўппа-тўғри далага чиқиб, энди машинага етай деб қолган эдим, яна ўша «Волга» олиб кетди» тарзидаги эътирофига муносабат билдиринг.

¹ Дружиначилар - тартиб сақлаш ишига кўнгилли бўлиб қўшилган ёш болалар.

² Калория - лотинча иссиқлик сўзидан. Бу ўринда сомсанинг қуввати маъносиди келган.

5. Асар қаҳрамонининг: «Раиснинг гапини қаранг. Умматалининг машинасида кинога тушасан, ўша томонда пахта яхши очилган, кинода чиройли чиқади, деб туриб олди» шаклидаги норозилигида раис табиатига хос қайси жиҳатлар намоён бўлган?

6. «Ўзингиз биласиз, раисимизнинг гапини икки қилиб бўлмайди», - деган гапи ҳикоя қаҳрамониغا, қолаверса, кўпчилик ўзбекларга хос қандай хусусиятларни акс эттиради?

7. Ҳикоя ҳажвий йўсинда битилган бўлса-да, шўх, беғубор кулги унчалик сезилмаслигига эътибор қилинг. Асарни ўқиш туфайли пайдо бўлган кулги кўпроқ қувончи ифодалайдими ёки ғамми?

8. Раиснинг: «Э, бормисан? Жуда узоқ ётиб олдинг-ку. Бу ёқда шунча иш, шунча жойдан таклиф. Сен бўлсанг, арзимаган касални баҳона қилиб ётибсан» тарзидаги норозилигига эътибор қаратинг. Раис айтган «иш»-нинг ҳикоя қаҳрамони бажариши лозим бўлган ҳақиқий ишга қанчалик алоқаси борлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

9. Матнга таяниб, механизатор йигит характериға хос хусусиятларни кўрсатинг. Асарда унинг оти аталмаётганлиги сабабини тушунтиринг.

10. Ҳикоя қаҳрамони ўз норозилигини ифодалашга уринган ўринни топинг ва изоҳлаб бering.

11. Асардан атайлаб кулги пайдо қилиш учун битилган тасвирларни топинг, уларнинг бадий вазифасини тушунтиришиға ҳаракат қилинг.

12. Ушбу ҳикояда қандай иллатлар ҳажвий кулгиға олинаётганлигини аниқлаб, уларнинг илдизини тушунтиришиға уриниб кўринг.

13. Тестни ечинг.

1. Саид Аҳмад ижодини қандай асарлар ёзиш билан бошлади?

А. Жиддий ҳикоялар Б. Ҳажвий асарлар С. Шеърлар Д. Драмалар
Э. Дастонлар

2. «Қоплон» ҳикоясидаги Қурбонбой қандай одам?

А. Инсонийлик шаънини манфаат йўлида қурбон қиладиган шахс Б. Бир сўзли киши С. Дўстларига меҳрибон, оқибатли одам Д. Итти яхши кўрадиган киши Э. Раҳбарларнинг уйида хизмат қиладиган ходим

3. «Қоплон» ва «Собиқ» ҳикояларида қандай кулги учрайди?

А. Сатирик Б. Юмористик С. Самимий Д. «Қоплон»да сатирик «Собиқ»да юмористик Е. Ҳеч қандай кулги йўқ

БАДИЙ АСАРДА КУЛГИ

Муҳтарам ўқувчи! Саид Аҳмаднинг ўқиб чиққан икки ҳикояси кулги йўналишида битилган асарлардир. Бу асарларни тушуноқ ва уларнинг замиридаги ҳажвий кулгини тўлиқ англамоқ учун бадий асардаги кулги, унинг туғилиши, вазифалари ва турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Кулгининг ҳам вазифаси бўладими? - деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга: «Ҳа, бўлади», - тарзида берилган жавоб тўғридир.

Бадий асардаги кулги деярли ҳамиша чуқур ижтимоий-эстетик аҳамиятга эга бўлади. Ёзувчи учун унинг асарларини ўқиган ўқувчилар куляптиларми, кулаётган бўлсалар, ниманинг ёки кимнинг устидан кул-шяпти, кулгилари жиддий асосга эгами ёки шунчаки ҳиринглашми сингари саволлар жуда жиддий аҳамиятга эгадир. Чунки кулгилари асар ёзган ижодкор ҳажвий кулгининг тифини кимга ёки нимага қаратиш кераклигини олдиндан белгилаб қўяди. Агар ўқувчи ҳажвчи ёзувчининг мақсадини англаб, у кўзда тутган иллат устидан кула олса, ёзувчининг бадий нияти амалга ошган бўлади. Акс ҳолда, ҳажвий асардаги кулги нишонга тегмаган ўқ, жойига қаланмаган ғишт каби самарасиз кетади.

Кулги шундай бир кучли қуролики, унинг қаршисида бой ҳам, камбағал ҳам, ёш ҳам, қари ҳам, қудратли жаҳонгир ҳам, ҳеч вақоси йўқ гадо ҳам бирдай. Бадий адабиётдаги кулги инсонларнинг табиатидаги иллатлар устидан туғдирилади ва инсонни улардан халос этишни кўзда тутади. Бадий асардаги кулги одамлар ўртасида пайдо бўладиган оддий кулги сингари қаҳқаҳадан иборат бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳажвий кулгининг вазифаси қаҳқаҳа уйғотиш эмас, балки кишини ўйга толдириш, кулги туғдираётган ҳолат устида ўйлаб кўришга одатлантиришдан иборатдир.

Саид Аҳмаднинг «Қоплов» ҳикоясидаги манфаатпараст, хушомадгўй шахснинг ўз фойдасини кўзлаб товланиши, ҳар хил қиёфаларга кириши, ўзини ғоят олижаноб қилиб кўрсатишга уриниши ҳамда асл қиёфаси-ю дилидаги мақсади ўртасидаги номувофиқлик кишида кинояли кулги уйғотади. Муаллиф ўз олдига ана шу нарсани мақсад қилиб қўйган эди. Манфаат учун ҳар мақомга йўрғаловчилардан кулган одам шу хилдаги хатти-ҳаракатлардан тийилади. Чунки шундай иш қилган кимсанинг кулгига лойиқ эканлигини устумон ва мунофиқ Қурбонбой мисолида кўрди.

«Собиқ» ҳикоясининг номсиз қаҳрамони ўз хатти-ҳаракати, қилғилиги билан эмас, балки тушиб қолган вазияти туфайли кулгига нишон бўлган. Ўйлаб қаралса, бошқалардан кўпроқ пахта териб илғор бўлганлиги унинг айби эмас. Шунингдек, механизатор йигит ўзини расмга тушириш, телевизорга чиқариш, газетага ёзиш, кинога олиш тўғрисида ҳеч кимдан илтимос ҳам қилмаган. Лекин у яшаётган шароит, жамият тартиби шундайки, тупша-тузук одам ўзи истамаган ҳолда ва билиб туриб, иллатлар гирдобига тушиши ҳамда кулгига маҳкум бўлиши мумкин. Пахта йиғим-терими мавсумида бор-йўғи, бир ҳафтагина теримда қатнашиб, қолган вақтини фақат турли-туман йиғилишларнинг фахрий сифатида ўтказиб юборган механизатор йигитнинг иллатларидан эмас, у тушиб қолган вазиятдан куласиз. Чунки бундай ғалати ва кулгили ҳолатга тушиб қолганига механизатор мутлақо айбдор эмас. Аммо у тушган ҳолатнинг кулгили экани чин. Лекин бу кулги фош этувчи, масхараловчи эмас, балки ҳамдардлик кулгисидир. Чунки қаҳрамоннинг ўзи ҳам вазият исканжасидаги қурбон. Бу собиқ шўролар жамияти учун одатий ҳолат эди. Шунинг учун ҳам ҳикоядаги кулгининг заҳри одамга эмас, балки иллатнинг ўзига қаратилган. Иллат эса жамият бағрида туғилган.

Кулгилар ҳар хил бўлади. Шунга қараб ҳажвий асарлар ҳам турличадир. Ҳажвий асарларни юмористик ва сатирик турларга бўлганимиз каби ҳажвий кулгини ҳам сатирик ва юмористик кулгиларга ажратиш мумкин.

Иллатли шахс устидан қўзғатилган кулги сатирик кулги бўлиб, иллатнинг устидан қўзғатилган кулги юмористик кулгидир.

Шу жиҳатдан қараганда, Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясидаги кулги сатирик кулги, «Собиқ» ҳикоясидаги кулги эса юмористик кулгидир. Демак «Собиқ» - юмористик асар. Шунга қараганда, юмористик кулгининг ижтимоий аҳамияти ҳам сатирик кулгиники сингари каттадир. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Сатирик ва юмористик асарлардаги кулги уйвотадиган бадий вазият яратиш учун муболаға, пичинг, киноя, тажоҳил, кичрайтириш, кучайтириш сингари тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади. Ҳаётда «Собиқ» ҳикоясидаги сингари бир машҳур механизаторга ўшанча кераксиз юк ортиб қўйилмас. Аммо кўп жиҳатдан шунга яқин келадиган ҳолатлар борлиги аён. Ёзувчи ана шундай ҳолатларни муболағали тарзда кучайтириб тасвирлаш орқали кулги туғдиради.

Савол ва топшириқлар:

1. Саид Аҳмад ҳикояларининг кулгили ўришларини топинг. Шу асосда кулги қандай пайдо бўлганлигини тушунтириб беринг.
2. Сатирик асарларга хос хусусиятларни айтинг. Юмористик асарларнинг белгиларини сананг.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

СУНБУЛА¹

Сунбула-ю, сунбула,
Ўраб олай гул билан.
Менинг кўнглим сен билан-о,
Сен кетасан ким билан?
Қадамингга гуллар очилсин.

Ўчоқ бошида қумғон,
Атрофи баланд қўрғон.
Ёргинамга етолмай,
Юрак бағрим бўлди қон.
Қадамингга гуллар очилсин.

Мен бу ерда ўт ёқсам
Фарғонада тутуни.
Бу дунёда бормикан
Юрак-бағри бутуни?
Қадамингга гуллар очилсин.

Бу дунёда бор бўлса,
Юрак-бағри бутуни.
Қоғоздан ўчоқ ясаб,
Гулдан қилай ўтинни.
Қадамингга гуллар очилсин.

¹ Қўшиқлар матни сўзшунос олим Шомирза Турдимов томонидан тайёрланган.

1. Қўшиқнинг биринчи бандини диққат билан ўқиб чиқинг. Унда лирик қаҳрамоннинг қандай руҳий ҳолати ифодаланаётганлигини пайқашга урининг.

2. Ошиқнинг маъшуқасига чексиз эҳтироми, аяши авж нуқталарда акс этган сатрларни топинг.

3. Шеърдаги: «Менинг кўнглим сен билан, Сен кетасан ким билан?» сўроғидан кейинги «қадамингга гуллар очилсин» тилаги лирик қаҳрамон шахсиятининг қайси жиҳатларини намоян этаётганлигини айтинг.

4. Қўшиқдаги: «Бу дунёда бормикан, юрак-бағри бутуни?» сўроғининг ҳаётий асосини тушунтиришга, айна вақтда, лирик қаҳрамон туйғуларини пайқаб олишга интилинг.

5. Тўртинчи банддаги қарама-қарши қўйилаётган ҳолат ва тимсолларга эътибор қаратинг. Ошиқнинг қоғоздан ўчоқ, гулдан ўтин қилишга ҳозирлиги сабабини изоҳланг.

6. «Сунбула» кўшиғида муҳаббатдай покиза туйғунинг ўзбекона оҳангда, ўзбекча андиша билан куйланганлигини тушунтириб беринг.

7. Қўшиқни ёдланг.

ЙЎЛ БЎЛСИН

Йўл бўлсин-о, йўл бўлсин,
Босган изларингиз гул бўлсин.

Гулсапсарни кўринг,
Сувга қараб қайрилади.
Бевафо ёрни кўринг,
Ўлмай туриб айрилади.

Гулмидим очилгани,
Булбулмидинг сайрагани,
Ваъдалар шундаймиди,
Ўлмай туриб айрилгани?

Олманинг нозиклигини,
Кўринади донаси.
Баргига шабнам тушибди,
Мен унинг девонаси.

Кўрмайин босдим тиконни
Тортадирман жабрини.
Кўрсам эрди, босмас эрдим,
Тортмас эрдим жабрини.

Йўл бўлсин-о, йўл бўлсин,
Босган изларингиз гул бўлсин.

Савол ва топшириқлар

1. Бошлама байт қўшиқнинг умумий руҳига мос тушадими? Фикрингизни асослашга урининг.

2. «Босган изларингиз гул бўлсин» тилаги ошиқ маънавиятининг қай жиҳатларини намоён этаётганлигини аниқлашга урининг.

3. Қўшиқнинг биринчи бандидаги гулсапсар ва бевафо ёр тимсоллари солиштирилиши сабабларини изоҳлашга уриниб кўринг.

4. «Гулмидим очилгани, Булбулмидинг сайрагани» мисраларида одатий тимсоллардан қандай мақсадларда фойдаланилгани ва бунда риторик сўроқнинг ўрили қўлланилгани ҳақидаги мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. «Ваъдалар шундаймиди, Ўлмай туриб айрилгани?» сатрларида акс этган инсоний изтироб ва миллий руҳият белгиларини топинг.

6. Олма тимсолига эътибор қаратинг. Муҳаббат ҳақида айтилаётган қўшиққа нега бирдан олма образи кириб қолди экан? «Олма»да бирор рамзий маъно бор деб ўйлайсизми?

7. Олма баргидаги шабнам ва ошиқнинг унга девоналиги ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ўйлаб кўринг.

8. Қўшиқнинг боши ва охири бир хиллиги сабабини ўйлаб кўринг.

9. Қўшиқнинг ўқилиш оҳангини топинг. Уни, сизнингча, баланд овоз билан тез ўқиб бўладими?

10. Қўшиқни ёд олинг.

ГАЛДИР

Беқасам тўнлар кийиб,
Бунча мени куйдирасан.
Ҳар замонда бир қараб,
Воҳ, беажал ўлдурасан.

Кўҳи қофдан келади
Шаршаранинг овозаси.
Бевафо бир ёр учун
Бўлдим жаҳон овораси.

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Мен, ёмондан айрилиб,
Яхшини топганинг қани?

Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим тутгай сени,
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари ютгай сени.

Савол ва топшириқлар

1. Қўшиқнинг биринчи байтида миллий одатларимизни ифодаловчи образларга эътибор беринг.

2. Иккинчи байтда миллий руҳият акс эттирилган тасвирларни топинг.

3. Иккинчи банданинг иккинчи байтидаги афсус оҳанглари сабабини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

4. Қўшиқнинг учинчи бандидаги илон тимсоли қаердан, нима учун киритилгани ҳақида ўйлаб кўринг. Лирик қаҳрамон илонга мурожаат қилаётирми ёхуд суюқлисига ёлвормоқдами?

5. «Оҳларим тутгай сени» ифодасининг маъносини изоҳлашга урининг. Бу қадар аламли «оҳлар»нинг сабабини идрок этинг.

6. Сўнгги байтдаги кучли муболага лирик қаҳрамон қалбидаги кучли алам туйғулари туйфайли бўлганлигини пайқаб олишга эътибор беринг.

7. Қўшиқни ёд олинг.

* * *

Наманганнинг толлари ўса беради-ё,
ўса беради,
Бир гаврон учун ёрим кеса беради-ё,
кеса беради.
Наманганнинг толидек толинг бўлсачи-ё,
толинг бўлсачи,
Ўрта бўйли, қалам қош ёринг бўлсачи-ё,
ёринг бўлсачи.

9. Қўшиқнинг сўнгги қаторига алоҳида эътибор беринг, Ундаги яширин маънони топинг.

10. Қўшиқни ёд олинг.

РЎМОЛИМ

Рўмолим бор, рўмолим бор,
Рўмолимда туморим бор.
Бир хўжикда¹ хуморим бор,
Дод, алимдан² кетди рўмол.

Рўмолимнинг учи шойи,
Ўртасида бордир ойи.
Олиб беринг, жоним дойи³
Дод, алимдан кетди рўмол.

Рўмолим тушди ёпа⁴,
Ёр эшитса, бўлар хапа.
Ёра айтинг, жоним опа,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Кўп чиройли эди рўмол,
Алимдан учирди шамол.
Ота-онам ҳам камбағал,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Рўмолимда эди-я хаёлим,
Забун бўлди ҳамма аҳволим.
Ҳам тушар ёдима ёрим,
Дод, алимдан кетди рўмол.

¹ Хўжик - успирин, асплода йигит.

² Алимдан - қўлимдан.

³ Дойи - тоға.

⁴ Ёп - ариқ.

1. Қўшиқнинг оҳангига эътибор қилинг. Олдин ўқиганларингизга солиштиринг. Фарқини пайқадингизми? Фикрингизни тушунтиринг.

2. Рўмолдан жой олган тумор тимсолига эътибор қилинг. Шунингдек, биринчи банддаги «туморим» ва «хуморим» сўзларининг оҳангдошлиги, мазкур ўринда ягона бадий мақсадга хизмат қилиши ҳақида тўхталинг.

3. Қўшиқнинг иккинчи бандининг дастлабки байтини диққат билан ўқинг. Рўмолнинг қандай эканлигини билиб олишга ҳаракат қилинг.

4. Шеърнинг учинчи бандида ёр берган рўмолни ариқдаги сувга туширган кизнинг ҳолати қандай ифодаланганлигини изоҳланг.

5. Тўртинчи бандда лирик қаҳрамон томонидан берилаётган изоҳга муносабат билдириг. Рўмолни учирган *шамол* ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўринг: эҳтимол, гап ўзга ёр хаёли ҳақидадир.

6. Рўмолнинг шамолга учиб кетиши билан ота-она камбағаллигининг эсланиши тасвирлари орасида маънавий алоқа борми?

7. Лирик қаҳрамоннинг «рўмолимда эди-я хаёлим» тарзида ўзини оқлаганнамо гапириш оҳангига муносабат билдириг.

8. Рўмолни йўқотиб қўйишдай оддий бир ҳодисанинг бу қадар катта итиробларга сабаблиги боисини тушунтиринг. Рўмолнинг йўқолиши-ку оддий воқеа, лекин йўқолган рўмол оддийми?

9. Қўшиқ кимнинг тилидан айтилаётганлигини изоҳланг.

10. Қўшиқни ёд олиб ижро этиг.

11. Тестларни ечинг.

1. Жавобларнинг қайси бирида қўшиқдаги «сунбула»нинг маъноси тўғри изоҳланган?

А. Туркий календардаги ой Б. Юзи сунбулани эслатувчи йигит С. Яшнаган боғ Д. Сунбул сочли гўзал Э. Сувда ўсадиган ўсимлик

2. «Йўл бўлсин» қўшиғидаги лирик қаҳрамон ким?

А. Ошиқ йигит Б. Кўнгли бойланган қиз С. Сафарга отланган йўловчи Д. Фарзандини кузатаётган она Е. Кимлиги номаълум

3. «Галдир» сўзининг маъноси нима?

А. Девона Б. Келтир С. Телба ошиқ Д. Гўзал Е. А ва С жавоблар

АБДУСАИД КҮЧИМОВ

(1951)

Замонавий ўзбек болалар адабиётининг ўзига хос вакилларида бири Абдусайд Кўчимов 1951 йилнинг 16 майида Самарқанд вилояти Ургут туманининг Кенагас қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битирганидан сўнг 1968-1972 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёт факультетида ўқиди. Ўқишни тугатгач, «Ўқитувчи» нашриётида мусахҳиҳ, «Тонг юлдузи» газетасида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Бир мунча вақт «Шарқ юлдузи» журналида масъул котиб бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбариятига сайланди. Республика радиосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимларда ишлади. 1997 йилдан бери Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси раисидир.



А. Кўчимовнинг шеър, ҳикоя ва қиссалари унинг «Халқа», «Қиёфа», «Менинг юлдузим», «Умид дарахтлари», «Икки баҳор», «Чаноқ», «Кашфиётчи болалар», «Баланд тоғлар» каби қатор китобларига жамланган.

Миллат маънавиятини ривожлантиришдаги фидойилиги учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига эга ёзувчи «Шуҳрат» медали ва «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

А. Кўчимов болалар руҳиятини яхши билади. Болалар ҳаётидаги катталарга тушунарсиз ва сирли бўлган нозик жиҳатларни теран ҳис этади. Шунинг учун ҳам унинг болалар ҳақида битганлари ўқувчилар эътиборини тортади. Сиз танишадиган «Бойчечак» ҳикоясида ҳам ёзувчи ўсмирлар руҳияти ва ҳаётининг катта билимдони эканини намоён этган. Ҳикояда

эзгулик ва зулм, олижаноблик ва пасткашлик ҳеч кутилмаган ҳаётгий ҳодисалар мисолида кўрсатилади.

БОЙЧЕЧАК

Она-бола молхона деворига таппи ёпишарди: болакай эски челакада ўтинхонадан кўмир кукунини ташир, енгини тирсагигача шимариб олган онаси таппини кўмир увоқларига булаб, думалоқларди-да, сўнг деворга урарди. Болакай бировга зарда қилгандек, пачоқ челақни дам-бадам даст кўтариб ерга тўнкарар, ботинкасининг бир ёни ейилган пошнаси билан челақни устма-уст тепкилар эди. Онаси шунда ҳам пинагини бузмасди. Илонтпепада қизгин «жанг» кетаётган шундай паллада шалаббо бўлиб кўмир ташиётган болакай алаמידан бўғилиб йиғлагиси келарди...

Кўчада от туёқларининг дупури эшитилди. Болакай кўчага отилмоқчи бўлди-ю, онасига қараб, турган жойида бўшашиб кетди. Онаси худди қулоқ билан кўчани кўриб бўладигандай хиёл бошини қийшайтириб, ўкрайиб қўйди:

– Қара, биров келганга ўхшайди!

Болакай кўчага отилди. Узун чакмонли киши дарвоза рўпарасидаги букри толга отини боғламоқда эди.

– Эна, Тош тоғам!

Болакай тоғлар орасида яшовчи чўпон тоғасини жуда яхши кўрарди. Тоғаси ҳар гал унга фаройиб совғалар олиб келарди. Чиройли тош граната, ёғоч автомат ҳам шу кишининг совғаси эди.

– Оббо, азамат-эй! Қўзивоймас, Кўчқорвой бўлиб кетибсан-ку!- тоғаси гирдикапалак бўлаётган болакайни баланд кўтарди. Ана шунда Қўзивойнинг кўзи тоғасининг тулки телпагига қистирилган сап-сарик бойчечакка тушиб қолди-да, унинг эркалаб айтган гаплари қулоғига кирмай қўйди. Кечагина Мурод чилим бошлиқ болалар лойга беланиб қирдан бойчечак тополмай қайтишган эди. Мурод чилимдек одам тополмай шалвираб қайтган бойчечакни у - қўзи дилипут кўтариб борса, қойил бўларди-да!

– Тоғаси ҳовлига кирганда ҳам Қўзивойнинг кўзи телпақда бўлди. Ҳар қанча ийманса ҳам, барибир ўзини тутиб туролмади:

– Тоға ановини қаердан олдингиз?

– Айтгандай, сенга бойчечак топиб келувдим,- деди телпагини кўлига оларкан, жиянининг ҳалидан бери бошига жавадираб турганига энди тушунган тоғаси.- Қара, қандай чиройли!

– Ростдан ҳам менгами?- деб болакай терисига сиғмай ирғишлай бошлади.

– Ҳа-да!- деб тоғаси бойчечакни телпагидан авайлаб олиб, унга тутди.- Ановини қара!

Қаттиқ ердан қатраб чиққан
Бой-че-чак!
Юмшоқ ердан ялтираб чиққан
Бой-че-чак!

– Қўзивойнинг кўлига бойчечак тегиши билан у теваракка лой сачратиб, Илонтёпа томон шаталоқ отди.

– Ур-ре-э-э!- у бойчечакни кўлида ҳилпиратиб, тойчоқдек шаталоқ отиб чопар эди.

– Пиёзини лойлаб ол, сўлиб қолади!- деганча ортидан қичқириб қолди тоғаси.

Қўзивой Илонтёпага яқинлашганда тепагузарликлар «тор-мор» этилган эди. Пастгузарликлар кўмондони Мурод чилим кўллари боғланган «асирлар» олдида гўдайиб у ёқдан-бу ёққа юрганча уларга қандай жазо бериш устида бош қотирарди. Ҳайин қондасига мувофиқ кимдир отувга, кимдир осувга, кимдир сургунга ҳукм қилиниши керак.

Шафқатсизлиги билан донг таратган Мурод чилимнинг турқидан кўр-рўқулик эди. У «наган»ини ҳавода ўйнатганча асабий одимлар, белидаги қиличи, этиги кўнжида осилиб турган ҳўл ва кир пайтаваси шап-шап этиб болдирига уриларди.

– Ҳртоқ кўмондон, душманлар!

Кўмондон бир сакраб тушди.

«Банди»лар ялт этиб пастга қарашди. Қўзивой тепалик сари ўрмалаб келарди. Буни кўриб «асир»лар нигоҳидаги оний қувонч сўнди: «Лилипутнинг кўлидан нима келарди? Отабек бўлганда...»

– Душман қанча?- деб Қўзивойнинг ёлғизлигини кўриб турган бўлса ҳам соқчига юзланди кўмондон

– Биттага ўхшайди.

– Аниги?

– Битта, ўртоқ...

«Қуролланган» уч «жангчи» болакайни қуршаб ола бошлади.

– Мен ўйнамайман! Мен бойчечак олиб келаяпман!- деб бақирди нафаси бўғзига тиқилган Қўзивой. – Мана!

У кўлидаги бойчечакни баланд кўтарди. Бойчечакнинг сап-сарик япроқлари қуёш нурида тилладай товланиб кетди.

– Қаердан топдинг?

– Қойил!

Бойчечакнинг қуёш нурида товланиб турган тилла япроқчалари Мурод чилимдан бошқа ҳамманинг кўнглидаги гина-адоватга барҳам берди. Чилим ҳам бойчечакни кўриб бир энтикиб тушган бўлса-да, «жанг»дан кейин зўрға етишган лаззатли онлардан маҳрум қилгани учун Лилипутни ич-ичидан бўралаб сўқди.

– Зўр-ку, қоғозмас-ми?- деди у ҳаммадан кейин бойчечакни кўлига олиб.
– Хўб вақтида келдинг-да, пакашвой, бу энди бизники бўлади!

Унинг соққадай кўзлари айёрона ўйнаб турарди.

– Нега сеники бўларкан?- чувиллашди тепагузарликлар.

– Сизларни енгдикми, енгдик!- деб баланд келди қўмондон. – Барча мол-мулкларинг ҳам энди бизники бўлиши керак.

– Тўғри, тўғри!- тасдиқлашди қўмондонларининг ақлига қойил қолган шериклари.

– Ўйин қондасида бойчечак йўқ!- деб бўш келмади Рўзивой. (Отабек келмагани учун бугун у қўмондонлик қиларди). – Бермасанг, Отабекни чақирамиз!

Отабек билан Мурод тенгдош бўлса ҳам, Мурод ундан чўчирди.

– Учгача санайман. Берсанг бердинг, бўлмаса... Бир, икки, икки ярим, чоракам уч...

Мурод додираб қолди. Лекин сир бой бергиси келмади.

– Отабек-потабегинг билан кўрқитолмайсан!- деди ингичка бўйинини чўзиб. – Фирром!

– Ўҳ-ҳу ҳали биз фирром бўлиб қолдикми?- деди бу туҳматдан бўғилган Рўзивой. Сўнг ёнидаги болакайга буюрди: -Асад, Отабекка чоп!

Энди катта жанжал бўлиши аниқ эди. Буни Мурод ҳам сизди-да чоппишга шай турган Асаднинг енгидан ушлаб тўхтатди.

– Бўпти, жириллайверма. Қонун бўйича бизники тўғри бўлса ҳам гапингга кўнамиз. Фақат битта шарт билан: бойчечак ҳаммамизники бўлади.

Икки гузар болалари «Бойчечак» айтишда ҳам ўзаро беллашиб келишарди. Биринчи бўлиб «Бойчечак» айтганлар анчагача нариги гузарликларга гап бермай юришарди. Мурод эшитмаганларини топиб айтарди.

– Йўқ!- дея Рўзивой бурилмоқчи эди, Мурод қўймади.

– Шошма, балки Қўзивой розидир. У эсли бола, ҳар нарсага жириллайвериш яхшимаслигини тушунади. Тўғрими, Қўзивой?

Болалар шундан кейингина бир четда қолиб кетган Қўзивойни эслаб қолишди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дегандек бойчечакига ҳўжайинлик қилувчиларнинг кўпайиб кетганидан эзилиб турган болакайга Муроддек машҳур саркарданинг «Қўзивой» деб майин илжайиши ёқиб кетди.

– Бирга айтсак, нима бўпти! Қайтанга кўпчилик бўлсак кучуклар яқинлашолмайди, тўғрими?

Ҳижолат чекаётган Қўзивой иккиланиб қолди.

Рўзивойнинг жаҳли чиқди:

– Кўнмоқчимсан, унинг гапига? Билиб қўй, ҳозир бойчечакни олмасанг, иккинчи сен билан ўйнамаймиз!

– Ўйнамаса, ўйнамас!– деб аврай бошлади Мурод. – Мана, биз бормиз. Биз билан ўйнайверасан. Сен эса, ҳеч ёш болага унақа дўқ қилаверма, абжағингни чиқариб қўяман.

– Шунақами?– деб Муродгамас, болакайга қараб аламли ҳайқирди Рўзивой– Сўтқин! Кетдик, жўралар!

Тепагузарликлар Қўзивойга ўкрая-ўкрая пастга туша бошладилар. Эсанкираб қолган Қўзивой ҳам уларга эргашмоқчи эди, Мурод кўнмади.

Қўзивой нимадир демоқчи бўлди-ю, томоғига тўшп тикилгандек бурнини торта-торта ўртоқларининг орқасидан қараганча қолаверди. Тепагузарликлар кўздан ғойиб бўлиши билан Мурод:

– Қўзивой – бойчечакнинг эгаси, у бошқалардан уч ҳисса ортиқ ҳақ олади!– деб эълон қилди.

Қўмондоннинг ана шу одиллигидан сўнг болакайнинг чиройи очилгандек бўлди.

... Шомга яқин қишлоқ бўйлаб болаларнинг янғроқ овози жаранглади:

Бойчечак аввал баҳорда очилади-ей,
очилади!
Яхшиларнинг қошида
сочилади-ей,
Бой-чечак, бо-ой-че-чак!

Бу овоз ҳали мағзи илимаган далаларга, эндигина куртаклаётган да-
рахтларга, оқимтир осмондаги ялттироқ юлдузларга тегиб акс-садо бера-
ётгандек туюларди.

Режа бўйича, «Бойчечак» айтиш Фотима фолбинниқидан бошланди.
Фотима фолбин қишлоқ четидаги ҳовлида ёлғиз яшарди. Унинг уч ўғли
урушда ҳалок бўлган, фарзанд доғи момонинг руҳига қаттиқ таъсир қил-
ган эди. Қишлоқда у ҳақда ҳар хил миш-мишлар юрарди: фолбин оқшом-
лари фариштаю малойикалар билан турунглашармиш, ҳовуз бўйида ажи-
налар билан ноғора чалиб базм қилармиш. Кимки фолбиннинг жиғига тегса
оғзини қийшиқ, оёғини шол қилиб қўярмиш...

Ҳовли атрофида нурайвериб ер бағирлаб қолган пахса девор чўкиб
ётган туя, калласи хумдек айиқ ва яна алланима балоларни эслатарди.
Бўғотда осилиб турган янтоқлар шамолда Ибн Хаттобнинг соқолига
ўхшаб селкиллар, буралиб-буралиб ўсган жийда танаси битта, боши мин-
гта аждардек кўнгилга ваҳима соларди.

– Калтаги борлар олдинга ўтсин!– буйруқ берди Мурод дарвозага
яқинлашишгач. – Кучук чиқса, ҳеч ким қочмасин!– у овози борича куйлаб
юборди:

Бойчечак айтиш билан тўямизми-ё!
Бурунгилар одатини қўямизми-ё!
Бо-ой-че-чак!

Нимқоронғи уй эшиги гийқиллаб, саватдек сочи устидан рўмол ўраб
олган фолбин чиқди. Узун камзулини судраганча ҳассасини тўқиллатиб
келаётган кампир алвастининг ўзгинаси эди.

– Ўргилайлар, баҳор келдимми-я?– демаса баъзилар жуфтакни ростлаб,
қочишлари турган гап эди.

– Бўлмаса-чи, мана, қаранг,- деб бойчечакни унга узатди Мурод.

– Айланиб кетай баҳор элчисидан. Бел оғригидан қутуладиган бўлиб-
ман-да,- дея фолбин бойчечакни кўзларига суртди, япроқларидан авайлаб
ўпди, сўнг қозондек рўмолининг қатларини узоқ тимирскилаб нимадир
олди-да, Муродга берди.

– Ма, суюнчи!

– Қозонини шунча кавлаб ўттиз тийин берибди-я!– деди фолбиннинг пудини фонус ёруғига солиб қараркан Мурод кўчага чиқишгач.

– Шунисига ҳам раҳмат десаңчи, гап пулда эмас-ку!–деди босиқлиги ва билағонлиги учун «профессор» номини олган Баҳрилла.– Бечора момонинг бойчечакни кўриб севинганини қара! Йиғлаб юборди-я.

– Тўқи-я, тўқи!– деб қўл силтади Мурод.

– Йиғлади! Мен олдигинасида эдим, аниқ кўрдим,- деб шоша-пиша Баҳрилланинг сўзини тасдиқлади Қўзивой.

– Вой лочин кўз-ей, қоронғида одам одамни базўр танийди-ю, бу киши кампирнинг кўзидаги ёшни кўрганмиш!– деб масхара қилди Мурод. – Кейин муроса қилгандек қўшиб қўйди:– Майли, йиғласа, йиғлагандир. Тўридан тўри яқин одамларнинг бари шунақа – йиғлоқироқ бўлади. Қани, етишиб, етишиб юринглар. Бирортангни ҳап этиб кучук қошиб олмасин тагин.

Болалар кейинги ҳовлига яқинлашишди.

– Шу ерда бир зўр берасизлар,- деди Мурод дарвозадан кираётганлариди. – Шодмон амакининг боласи йўқ, бир эритамиз:

Анов томнинг орқасида
ой кўринар,
Ҳамма уйдан мана шу уй
бой кўринар!

Том ортидаги тераклар устида жилмаётган тўдин ой ҳовлини сутдек ёритиб юборган, ҳар жой-ҳар жойда сув кўллаб қолган олачалпоқ суна пастида устига катта сават тўнкариб қўйилган сўри – ҳамма-ҳаммаси кундуздагидек аниқ кўришиб турар эди. Болалар «Бойчечак» айта-айта сўрига яқинлашиб келишди ҳамки, ҳеч ким чиқмади.

– Мановини тагида қатикми, қаймоқми борга ўхшайди,- деди бетоқат болалардан бири саватнинг тагига бошини тиқиб. – Ҳеч ким чиқмаса, кади-падиси билан олиб жўнаймиз.

Худди шу гапни кутиб тургандек орқадаги деразада қизғиш шуъла пайдо бўлди. Кенг ода чопонини елкасига ташлаб олган Шодмон амаки йўтала-йўтала чиқиб келди.

– Ҳей нега чинқирасанлар, қулоқ-мияни қоқиб бердиларинг-ку! Ҳе, ўша!...

Бунақа дўқ-деварани кутмаган болалар кўчага қараб қочмоқчи бўлишган эди, Шодмон ака дарвоза томонини тўсиб олди.

– Ҳеч гўрга бормайсанлар! Ҳаммангни Мўйноққа талатаман. Мўйноқ, ҳо, Мўйноқ!

Қўрқиб кетган болалар девор тагига гуж бўлиб олишди. Кимдир йиғлаб юборди.

– Ким йиғлади?

Чурқ этган овоз чиқмади.

– Мен демайсанми!- деб негадир Мурод Қўзивойни олдинга итарди.

Қўзивойнинг дами ичига тушиб кетди.

– Сенмидинг? Яна бир йиғла, бўл! Йўқ, қўшиқ айт, биласанми кўшиқ?

Болакай аранг бошини қимирлатди.

– Зўридан айтсанг, мана, шу сеники.- Шодмон ака киссасидан бир чангал гижимланган пул чиқарди.

– Айт бўлмаса, еб қўяман, вов-вов!

Муроддан эшитавериб миясига ўрнашиб қолган сўзлар беихтиёр болакайнинг оғзидан чиқиб кетди:

«Бойчечак» айтиб келдик
эшигингизга,
Худойим ўғил берсин
бешигингизга
Бойчечак...

Унинг қалтироқ овозини эшитган Шодмон ака бирдан бўшашиб кетди.

Энкайиб болакайнинг юзларини кетмондек кафти билан силади. Қўланса арақ исидан Қўзивойнинг боши айланиб кетди.

– Яна битта айт, жон ўғлим...

Қўзивой боя айтганларини яна такрорлади.

– Айтганинг келсин, болам.- Шодмон ака хумдек бошини боланинг кўкрагига тегизиб мунғайиб қолди.

Табиатан камгап ва юмшоқ кўнгил бу одам ичганда феъли айниб, ўзгариб кетарди. Шунақа пайтда: «Шодмон ака кўча-кўйда болаларга қандқурс улашиб юрарди», - десалар, ҳеч ким ишонгиси келмасди.

Тераклар ортидан қўйилаётган ой нури амакининг силкинаётган елкасини, сирғалиб ерга тушган ола чопонини ёритиб турарди.

Бу ғаройиб тасодифдан болалар анқайиб қолишди.

– Энди кетинглар!- бирпасдан сўнг бошини кўтариб амаки.

Қўзивой Шодмон амаки берган пулларни ола ўзини дарвозага урди, қолганлар ҳам чувиллаб кўчага югуришди. Фонус ёруғида пулни санаб кўришди: ўн икки сўм!

Бу шу чоққача йиғилган пулларнинг ҳаммасидан кўп эди.

– Энди эрталабгача ухлаш йўқ!

– Бир йилда бир кун ухламасак ўлмасмиз!

Шодмон амакининг сахийлиги болаларни руҳлантириб юборди.

Улар бирин-кетин ҳовлиларга кириб чиқа бошлашди.

Ҳамма хонадонда уларни қувонч билан кутиб олишар, кампир-чоллар баҳор элчиси - бойчечакни кўзларига суртишар, урушдан кейин оғир йил бўлишига қарамай, болаларга қанд-қурс, майиз, ёнғоқ, пул беришарди.

Пулни Муроднинг ўзи олар, бошқаларини эса Ортиқ деган ялпоқ юзли бола халтага солиб, орқалаб борар эди. Агар Исмат чўлоқшикида юз берган ҳодиса бўлмаганда, болалар ҳали-бери тарқалишмасди.

Исмат чўлоқнинг данғиллама ҳовлисига қадам қўйишлари билан, димоққа гуп этиб, тезак ҳиди уриди. Дарвозахонага туташ молхона деворларига бирор қарич жой қолдирмай таппи ёпилган эди. Молхона охирида лайлак қилиб қўйилган эшак араванинг шотиси ташқарига чиқиб турар, арава ёнидаги устунга боғланган эшак янгоқ чўкиртақларини кавшар эди.

Бойчечагим бийрондур-эй
Бийрондур.
Қозон тўла айрондур-ур-р!
Бой...

Ҳамманинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Осмоннинг таги тешилиб кетгандек, томдан устиларига шовиллаб тўкилган сув баданларини жунжиктириб, кийим-бошларини шалаббо қилди.

Кейин итнинг юлқина-юлқина ирриллаши эшитилди.

Довдираб қолган болалар дуч келган томонга ура қочишди.

Қўзивой жонҳолатда Муроднинг этагига ёнишди.

Мурод унинг қўлига бир уриб, этагини бўшатди-да; «Ҳамма эски сарой томонга!» деганча тун қаҳрига сингиб кетди. Хайриятки, ит у тарафга қочганларни қувди, йўқса...

Болалар анчадан кейин эски саройда тўпланишди. Кимдир қуруқ хашак топиб, гулхан ёқди.

Мурод ерга тўшалган газета ёнида чўккалаб, гулхан ёруғида йиғилган пулларни санаб чиқди.

– Ўн саккиз сўм.

– Йўғ-э, Шодмон амакининг ўзи ўн икки сўм берувди-ку?

– Алишернинг бобоси беш, Гулсара момо уч сўм...

– Ҳаммаси шу!- деб болаларнинг сўзини кесди Мурод. – Итдан кўрқиб қочганимда тушиб қолганга ўхшайди.

Болалар гумонсираб «қўмондон»га тикилишди.

– Ишонмаяписизларми? Мана, кўринглар,- деганча Мурод чўнтақларининг астарини ағдариб кўрсата бошлади.

– Майли борини бўл!

– Ишониш керак-да, одамга. Менга кўпчиликнинг ҳақи керакмас!- Мурод қўли билан болаларни санади. – Ўн иккита эканмиз.

– Ўн учта!

– Ўн иккита.

– Қўзивой-чи?

– У ҳисобмас.

Бу гапни эшитган Қўзивойнинг тиши такиллашдан, бадани қалтирашдан тўхтаб қолди. Болалар ҳам ҳайрон бўлиб «қўмондон»га қарашди.

– Устимиздан сув қуйган ким шунинг оғайнилари! Жўралари билан тил бириктириб, бизни музлатмоқчи бўлган у дилипут!

– Қўй-э, пешиндан бери ёнимизда-ку- деб болакайнинг ёнини олди Баҳрилла,- оз бўлса ҳам бериш керак. Эви билан-да...

– Меҳрибонлигингни катта холаңга қиласан!- деб Баҳриллага ўшқирди Мурод. Ичинг ачиётган бўлса, ўзингникини берақол!

– Нега, бойчечак меники-ку! Сенга уч ҳисса кўп бераман девдинг-ку?- деб йиғламосиради.

– Меникимиш! Ма, пишириб е!..

Мурод ерга тўшалган газетанинг бир четида ётган бойчечакни жаҳл билан Қўзивойга қараб отди. Бойчечак сал наридаги кўлмакка тушди. Тилларанг япроқчалар қоп-қора булутлар қаърига кираётган куз қуёшидек балчиққа чўка бошлади.

Чўкаётган бойчечагига тикилганича суратга тушаётгандек қотиб қолган Қўзивойнинг ҳўнрагиси, дод солиб депсингиси келар, лекин тушуниб

бўлмайдиган аллақандай туйғу уни соқов қилиб қўйган, азбаройи хўрлиги келганидан миқ этолмас эди.

Болаларнинг нигоҳи ҳам чўкаётган бойчечакка миҳланиб қолган эди. Уларнинг қалбида ўз «қўмондон»ларига нисбатан нафрат уйғонган, лекин ҳеч қайсиси дилидагини тилига чиқаришга ботинолмас эди.

Фақат Баҳрилла ўзини тутиб туrolмади.

– Шунчаликмас-да, Мурод. Бойчечакда нима айб? Бу... бу...

– Э-э, бу-булайверма!- деб ўшқирди Мурод. Агар Баҳрилла яна бир оғиз тескари гап қилса, ёқасидан олгулик шашти бор эди унинг.

Баҳрилла аламини зўрға ичига ютди. Бойчечакнинг япроқларини этагишиг учи билан арта-арта уни Қўзивойга тутди:

– Ма, Қўзивой, хафа бўлма, меникини икковимиз бўлишиб оламиз.

Баҳрилланинг меҳрибонлиги Қўзивойнинг сабр косасини тоширган энг сўнгги томчи бўлди.

– Мен... менга керакмас! Мен Усмонга бермоқчи эдим. Касал, онаси касал унинг!- деб алам билан ҳайқирди Қўзивой. Кейин ўпқаси тўлиб, хўнтраб юборди.

Бу гапдан Баҳрилла ҳам, бошқалар ҳам титраб кетишди.

Ҳатто ҳозиргина урушқоқ хўроздек хурпайиб турган Муроднинг вужуди ҳам ток ургандек зирқирарди.

Усмон Муродларнинг ён қўшниси эди. Урушнинг адоғида Усмоннинг отасидан қора хат келган, касалманд онасига қараш ёлғиз Усмоннинг зиммасида эди. Мурод кунора онаси пишириб берган овқатни Усмонларникига олиб чиқар, Усмонларнинг аҳволи ҳаммадан кўпроқ унга, Муродга аён эди. У бўлса... эртага сигарет олиш учун ўз ўртоқларига шумлик қилиб ўтирибди-я...

– Менга қара, Мурод...

Мурод ялт этиб Баҳриллага қаради. Баҳрилла уни койгани оғиз жуфтлади-ю, яна фикридан қайтди:

– Сенга бир гапни тушунтиргандан кўра... Болалар, Қўзивой жуда тўғри ўйлаган экан. Келинлар ҳамма пулни Усмонга берамиз.

– Бўпти!

– Роса севинади бечора Усмон,- деб чуғурлашди болалар.

Мурод каловланиб қолди.

– Нега сен индамайсан?- деди унинг индамай қолганини ўзича тушун-

ган Баҳрилла.- Бергинг келмаяптими? Ихтиёринг, зўрламаймиз. Ҳаққингни ол-у...

Мурод бошини шартта кўтарди. Бир нима демоқчи бўлди. Лекин тили гапга келмай, беихтиёр Қўзивойга қараб бир қадам ташлади-да:

- Шунақа экан, нега боя айта қолмадинг?- деди ўксиниб. Сўнг нафрат билан тикилиб турган болаларга бир қарадила, шартта ўтириб этигини ечди, пайтаваси орасидан ёғимланган қоғоз пулларни олиб газетага ташлади.

- Жуда жойига яширган экан-у!- деб юборди кимдир.

- Бу киши яна қўмондон эмиш...

- Мен... мен...- Мурод сакраб турди-да этик ва пайтавасини олиб, ўзини тун кучоғига отди...

- Ўзидан кўрсин,- деди болалардан бири.

Баҳрилла пулларни шу ҳолича газетага ўради. Болалар энг қувончли хабарни юртдошларига етказишга ошиқаётган элчилардек гувиллаб Усмонларникига жўнашди. Олдинда пилдираб кетаётган Қўзивойнинг шодлиги ичига сиғмасди. Унинг хаёлида қўлидаги бойчечак машъала сингари ҳаммаларининг йўлини ёритаётгандек туюлар ва шунинг учун ҳам қўлини баланд кўтариб кетиб борарди.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикоя матнидан онасига қарашаётган Қўзивойнинг безовталиги сабабини топинг.

2. Ҳикоядаги: «Онаси худди қулоқ билан кўчани кўриб бўладигандай хиёл бошини қийшайтириб, ўкрайиб кўйди» тасвирини изоҳланг.

3. Бола хаёлидан кечган: «Мурод чилимдек одам тополмай шалвираб қайтган бойчечакни у - Қўзи лилипут кўтариб борса, қойил бўлардида!» тарзидаги ўйни шарҳланг.

4. Ҳикоядан Муроднинг «асирлар» олдидаги вазоҳати тасвирланган ўринларни топиб ўқинг ва унинг шахсига баҳо беринг.

5. Асардаги: «Ўйин қондасига мувофиқ кимдир отувга, кимдир осувга, кимдир сургунга ҳукм қилиниши керак» тасвирини шарҳланг.

6. Ҳикояда Мурод чилим портрети чизилган ўринларга эътибор қилинг. Боланинг ташқи қиёфасини ички оламига солиштиринг.

7. Муроднинг: «Сизларни енгдикми, енгдик!- деб баланд келди қўмондон.- Барча мол-мулкларинг ҳам энди бизники бўлиши керак»,- тарзидаги топқирлигини изоҳланг. У ақлли болами?

8. Қўзивойнинг ўзига «ёв» бўлган томон билан қўшилиб бойчечак айтишга кўнганлиги сабабини ҳикоя матнига таяниб, изоҳланг.

9. Фотима фолбиининг кўрқинчли ташқи кўриниши билан ички дунёси ўртасидаги номувофиқликка муносабат билдириш.

10. Шодмон акавинг тажанглиги, болаларни жазоламоқчи бўлганлиги сабабини топишга уриниш.

11. Қўзивойнинг: «Бойчечак» айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешингизга. Бойчечак...» деганидан кейин Шодмон акада рўй берган кескин ўзгаришни изоҳланг.

12. Мурод чилимнинг ўртоқларига ёлғон гапирётгандаги ҳолати тасвири-ни ҳикоядан қайта ўқинг ва шарҳланг.

13. Мурод нега: «Устимиздан сув қуйган ким шунинг оғайнилари! Жўралари билан тил бириктириб, бизни музлатмоқчи бўлган у дили-пуг!»,- дея Қўзивойга тўхмат қилди?

14. Ҳикоядаги: «Баҳрилланинг меҳрибонлиги Қўзивойнинг сабр ко-сасини тоширган энг сўнгги томчи бўлди. - Мен... менга керакмас! Мен Усмонга бермоқчи эдим. Касал, онаси касал унинг!- деб алам билан ҳайқирди Қўзивой. Кейин ўпкаси тўлиб, хўнграб юборди» тас-вирини шарҳланг.

15. Қўзивойнинг гапидан кейин болаларнинг ҳолати қандай тасвирланган-лигига эътибор қаратинг, изоҳланг.

16. Ҳикоядаги: «Мурод бошини шартта кўтарди. Бир нима демоқчи бўлди. Лекин тили гапга келмай, беихтиёр Қўзивойга қараб бир қадам ташлади-да: -Шунақа экан, нега боя айта қолмадинг?- деди ўксиниб. Сўнг нафрат билан тикилиб турган болаларга бир қарадида, шартта ўтириб этигини ечди, пайтаваси орасидан ёжимланган қоғоз пул-ларни олиб газетага ташлади» тасвирига таяниб, Мурод шахсиятини баҳ-оланг.

17. «Олдинда пилдираб кетаётган Қўзивойнинг шодлиги ичига сиг-масди. Унинг ҳаёлида қўлидаги бойчечак машъала сипгари ҳамма-ларининг йўлини ёритаётгандек туюлар ва шунинг учун ҳам қўлини баянд кўтариб кетиб борарди» тасвиридаги бойчечак ниманинг рамзи деб ўйлайсиз?

18. Асардаги: «Бу овоз ҳали мағзи илимаган далаларга, эндигина куртаклаётган дарахтларга, оқимтир осмондаги ялтироқ юлдузлар-га тегиб акс-садо бераётгандек туюларди» тасвирининг бадний жиҳат-ларини шарҳланг.

УСМОН ТЕМУР



Усмон Темур 1940 йил 30 январда Аравон туманига қарашли Чекобод қишлоғининг Кўкалапош маҳалласида туғилди. Отаси чўпон бўлганидан қишда қишлоқда, ёзда Новқатнинг тоғларида ўсди. Сўлим қишлоқ ва гўзал тоғ манзаралари табиатан хаёлчан болада шоирлик истеъдодини уйғотган бўлса ажаб эмас. Чекободда ўрта мактаб йўқлиги, Аравоннинг эса оилиги боис Бойтўпи ва Тўлқин қишлоқларидаги мактабларда ўқиди. Мактабни битиргач, Аравон райкомининг биринчи котиби Бўрибой Иброҳимов кўмагида Тошкент Давлат университетига ўқишга боради. Тумanning энг катта раҳбари эътиборига тушганлигининг тарихи ҳам бор. Мактабда ўқиб юрган кезлари бўлажак шоир гезаталарга хабар ва мақолалар ёзиб юрарди. Қишлоғи муаммоларини ёритган бир неча танқидий мақолалари райком бюросида ўқилган. Айбдор саналган хўжалик раиси эса анча-мунча дошном ҳам эшиттанди. Шундан “райкўм бува” уни танирди.

Оилавий шароит туфайли Тошкентда ўқиёлмади. Уйдагилар билан кенгашиб, ўқишни Ўшга кўчиришга қарор қилди.

Ўсмирлигидан ижодга мойил Усмон Темурнинг илк шеъри 1958 йилнинг июнида “Қирғизистон ҳақиқати” газетасида босилди. Ижодга астойдил бел боғлади. Ўшда шаклланган адабий даврада Обиджон Ҳомид, Муҳаммаджон Ўринбоев, Қўлдош Мирзо, Мирзоҳид Мирзараҳимов, Олмос Худойбердиев, Абдуғани Абдуғафуров каби қалам аҳли билан доимий мулоқотда бўлди. Ўқиш ва ижодни “Ғалаба байроғи” газетаси редакциясидаги фаолият билан бирга олиб борди.

Ҳарбий хизматга чақирилган Усмон Темур уч йил денгиз флотида бўлди. Лекин ёзишни тўхтатмади, аксинча, ижоди янада самаралироқ

бўлди. Бу ҳақида ўзи шундай ёзади: “Тинч океанига келганим нур устига нур бўлди. Қачон ва қаерда илҳом келса, қоғозга туширдим. “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” ойномалари, “Ўзбекистон маданияти”, “Ёш ленинчи”, “Тошкент оқшоми”, “Ленин йўли” да кўплаб шеърларим чиқди. Оқ йўллар тилашди. Китоб тайёрлаб кенгашга олиб келдим. Асқад Мухтор, Шухрат, Саида Зуннунова, Миртемир, Ҳ. Шариповлар ўқишди. Баҳо яхши. Чоп этишга тавсия этдилар. Аммо бу биринчи китобим хизматдан қайтганимда ёруғ кўрди. “Океандаги шабада”. Наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулла билан бир муқовада чиқдик.

Хизматдан кейин уйга қайтиб, бир неча муддат “Ленин йўли” газетасида ишлади. Сўнг Тошкентга бориб, университетда (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети) сиртдан ўқиб, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Гулистон” журналларида ишлади. “Шарқдан мактублар”, “Қорбонинг истаги” номли тўпламлари чоп этилди.

Ўшга қайтган Усмон Темур журналистлик фаолиятини давом эттирди. Бобур номли Ўш театрида адабий эмакдош бўлди. Драматургияга қўл уриб, бир неча сахна асарлари ёзди.

Ҳаётини ижодга бағишлашга аҳд қилган адиб эркин ижодкор бўлиш йўлини тутди. Насрда ҳам куч синаб кўрди. Ҳикоялар, қиссалар чоп эттирди.

Усмон Темур Қирғизистонда ўзбек адабий муҳитини шакллантириш, ижодкор ёшларни юзага чиқаришда ҳам фаоллик кўрсатган. Кўплаб истеъодларга ижодий туртки берган “Илҳом” тўғарагининг ташкилотчиларидан бўлди. Мустақилликдан кейин эса шу номдаги адабий газетанинг дунёга келиши ва бугунги кунгача фаолият кўрсатаётганини Усмон Темур номи билан боғлиқдир.

БАҲС ҚИЛИНГ

Баҳс қилиб,
Сухбатлашиб юринглар, одамлар,
Юраклар, тилаклар бўлади яқин...

Хатто суҳбат қуриб яшар дарахтлар,
Қирғоқ билан қирғоқ этади суҳбат.
Варақ билан баҳс қилур доим варақлар,

Юлдуз билан юлдуз,
Хатлар билан хат...
Нотаниш одамнинг ким эканини
Билиб берадиган нарса йўқ ҳали.
Яхшими, ёмонми – биламиз уни
Фақат баҳс чоғи,
Суҳбат маҳали!
Кўпроқ баҳслашиб юринг, одамлар,
Суҳбат курганларга юрак таҳсини.
Аммо
Дуч келса ҳам энг қийин дамлар
Бошламанг мутлақо курол баҳсини!

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг дастлабки уч мисрасини шарҳланг. Суҳбат орқали юраклар, тилакларнинг яқин бўлишини тушунтиринг.
2. Дарахтлар, варақлар, юлдуз ва хатлар суҳбати ҳақидаги фикрни қандай тушундингиз?
3. Нотаниш кишининг ким эканлигини билишдаги суҳбатнинг аҳамиятини ҳаётгий мисоллар билан изоҳланг.
4. Охирги мисралардан келиб чиқиб, шоирнинг инсонларга даъвати, чақириғининг мазмунини аниқланг.
5. Суҳбат ва баҳс одоби ҳақида мақол, ҳикматли сўзлар ва ҳадислардан намуналар айтинг.

* * *

Одам ёлғиз бўладими йўлга чиққанда,
Денгизлар,
тоғларга,
чўлга чиққанда?

...Ер севса – ер ишқи қалбига тўлур,
Ёр севса – ёр ишқи қалбида бўлур.
Нур севса – биргаликда кезади Қуёш,
Юлдуз ҳамроҳ бўлур,
Ой бўлур йўлдош.

4. “Одамларни улкан Ер эмас, Йўл елкада олиб боради” мисраларини шарҳланг.

5. Йўлни яна нималарга ўхшатиш мумкинлигини ўйлаб кўринг.

* * *

Сўқмоқдан кенг йўлга бурилган кези
Йиқилди қоқиниб кетиб тошларга.
Хафа бўлгунича ўзидан-ўзи
Кулки бўлди йўлдаги кекса-ёшларга.

Лекин дадил турди, қоқди пешини,
Кейин давом этди йўлни бемалол.
Кўз билан кузатаркан ўша кишини
“Мард экан” деб қўйди ёнимдаги чол.

Савол ва топшириқлар

1. Бировнинг қоқилиб йиқилганини кўриб, куладиган одамлар ҳақида фикрингиз қандай?

2. Йиқилган кишининг дадил туриб, йўлни бемалол давом эттириши унинг қандай характеридан хабар беришини ўйланг.

3. У киши ҳақидаги чолнинг фикрига қўшиласизми?

4. Кўчада эмас, ҳаёт йўлларида қоқинган киши ўзини қандай тутиши керак, деб ўйлайсиз?

ЎТГАН КУНИНГНИ УНУТМА

МУҲАММАД АМИНХЎЖА МУҚИМИЙ

(1850-1903)

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1850-йилда Қўқоннинг Бегвачча маҳалласида асли тошкентлик Мирзахўжа Мирфозил ўғли оиласида дунёга келди. Новвойлик билан тирикчилик қилувчи Мирзахўжа моддий қийинчиликларга қарамай, ўғлининг ўқишига катта аҳамият берди. Дастлаб Мулла Ҳалил домла мактабиди, сўнг Қўқондаги «Ҳоким оғим» мадрасасида ўқийди. Уни битиргач, 1873-1876-йилларда Бухородаги «Меҳтар оғим» мадрасасида таълим олди. 1877-йилда Қўқонга қайтган Муқимий ер маҳкамасида мирзалик қилади. Шоирнинг бу маҳкамадаги хизмати



кейинчалик унинг ижодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Сиз дарёда ўрганишингиз керак бўлган «Танобчилар» ҳажвиясининг дунёга келишида Муқимийнинг ер маҳкамасида кўрганлари салмоқли ўрин тутади.

80-йиллардаёқ «Муқимий» таҳаллуси билан элга танилган улкан шоир ўз тирикчилигини, асосан, мирзалик, ҳаттотлик билан ўтказди.

Муқимий - сермахсул ижодкор. Унинг адабий мероси ҳажман улкан, жанр жиҳатидан ранг-баранг, мазмунан хилма-хилдир. У лирик асарлар билан бирга ҳажвий ва юмористик битиклар ҳам ёзган. Шоир лирик сифатида қанчалик машҳур бўлган бўлса, ҳажвчи сифатида ҳам халқ орасида шунчалик шуҳрат қозонган. У ҳажвиёт учун кундалик ҳаётдан олади, ўзига яхши таниш воқеа-ҳодисалар ва одамларни акс эттиришга уринади. Адиб қўл урган мавзунини тасвирлашда, ҳажвий қаҳрамонларга

тавсиф беришда Навоий, Машраб, Турди, Гулханий, Махмур каби шоирлар йўлидан боради, ўтмишдаги ҳажвий анъаналардан фойдаланади.

Айни вақтда, унинг ҳажвий кулгисига нишон бўлган қаҳрамонлар унинг замондошлари. Шунинг учун ҳам улар Муқимий яшаган даврнинг белгиларини акс эттирадилар. Бундай кимсалар табиатини тасвирлашда ўзига хос йўлдан фойдаланиш, замон кишисига хос хусусиятларни кўрсатиш тақозо этилади. Унинг «Танобчилар», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи», «Сайлов», «Масковчи бой таърифида» каби кўплаб ҳажвий асарларида кулгига олинган қаҳрамонларнинг камчиликлари муболағали тарзда акс эттирилади, уларнинг табиатидаги танқидбоп жиҳатларни эсда қоладиган тарзда тасвирланади. Уларда замона одамларига тегишли жиҳатлар таъсирли кўрсатилгани, ҳар бир ҳажвий қаҳрамон шунчаки иллатнинг рамзи эмас, балки ўзига хос одам сифатида кўрсатилгани учун ҳам Муқимийнинг ҳажвий асарлари вақт синовига бардош бериб келмоқда. Сиз шоирнинг энг машҳур асарларидан бири «Танобчилар» ҳажвияси билан танишиш мобайнида буни аниқ ҳис этасиз.

ТАНОБЧИЛАР

Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн ики ойда келадур бир таноб¹,
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Али Хўжа, Ҳақимжон икав,
Бирин хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки, қилмай нифоқ.²

¹ Таноб - арқон, ўлчов бирлиги.

² Нифоқ - низо, иккиюзамандлик.

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа - чироқ ёғи, Ҳақимжон - пилик.

Бир-бирисига солишурлар ўрун,
Эрта-ю кеч ўпушуб оғиз-бурун.
Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳамавақт уч қават.

Бирлари мўлтониnamо, ҳийлагар,
Бирларидур кунда пиху¹ гавда хар² .

Оғизлари мақтаниб ўнбеш қариш,
Майда сухан³, эзмачурук, занчалиш⁴.
Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: «Кўзунгга ҳали кал жўжаман,
Махдуми аъзамлик⁵ ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шоҳлиғ мазор⁶,
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр.

Ҳам яна Эрҳубби⁷ бўлодур тағо,
Аммамизнинг эрларидур Нурато⁸.

Биби Убайда⁹ бўладур холаминиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиниз.

¹ Кунда пих - тўнқайдай кўпол.

² Гавда хар - эшак гавдали.

³ Сухан - сўз.

⁴ Занчалиш - хотинчалиш, аёлларга ўхшаш.

⁵ Махдуми Аъзам - қосонсойлик машҳур сўфий, авлиё.

⁶ Шоҳлиғ мазор - Шоҳи зинда мақбарасига қўйилган азиятлар кўлда тўтишмоқда.

⁷ Эрҳубби - исломгача бўлган даврдаги авлиё.

⁸ Нурато - ҳозирги Нуротада ўтган авлиё.

⁹ Биби Убайда - авлиё аёллардан.

Хизр¹ отамларга буродар эрур,
Чимлиғ азизлар² менга додар³ эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Қирқингиза эмди берай бир қозон.

Манки танобингга чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглр билиб.

Ўт қўюбон қуйдурадурғон ўзим,
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни ду чандон⁴ қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай».

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,
Мардуми саҳройи⁵ бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони: - «Аё оқсоқол,
Бизни топибсан магарамким ўсол⁶?»

Ҳозир этиб тўрт нафар мардикор,
Тўғри қил олдимга қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Баччаталоқ қишлоқиларни урай,

Бир бураини мўйлабимни чиқиб,
Торт танобини жазоси сиқиб!

¹ Хизр - «Қуръон»да номи тилга олинган пайгамбар.

² Чимлиғ азизлар - чимёлик авлиёлар.

³ Додар - иш, ука.

⁴ Ду чандон - икки баравар.

⁵ Мардуми саҳройи - саҳройи кишилар.

⁶ Бизни топибсан магарамким ўсол? - «Бизни жуда бечора одамлардан деб ўйладингми?» маъносиде.

Яхшилигингни фуқаро билмагай,
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,
Юртингизи куйдуруб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг баччағар»,
Дебки, узангуга аёгин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён чопишиб,

Жамъ бўлишиб, айлаюбон маслаҳат:
– «Дўмаға,- дер,- бир нима бериб жўнат¹».

Ақча қўлида ики-уч мўйсафид
Дерки: «Бу назрингизу, бизлар мурид».

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини ду чандон солур.

Тағи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидин² ҳазар эт, аламон³...

Сўзни, Муқимий, керак этмак тамом,
Маззаси қолмас узун ўлса калом.

Савол ва топшириқлар:

1. «Таноб» ва «танобчи» сўзларининг маъноларини аниқланг.
2. Асарнинг дастлабки тўрт сатри маъносини қақишга уришиб кўринг. Шоир кимга мурожаат қиляпти деб ўйлайсиз?

¹ Дўмаға,- дер,- бир нима бериб жўнат - мисрнинг мазмуни: Амалдорларга бир нарса бериб жўнат.

² Тамиз - тоза, улуг, асл.

³ Аламон - хонавайрон, хароб. Мисра мазмуни: Элниг зоти тозасидан эҳтиёт лозим, эй хароб-булганлар.

3. «Ўн икки ойда келадур бир таноб, Ўзгалара роҳату менга азоб» мисралари кимнинг номидан айтилган? Кимга азобу кимга роҳат?

4. Али Хўжа билан Ҳақимжонга хос хусусиятларни кўрсатувчи мисраларни ажратинг.

5. Танобчиларнинг одам сифатидаги иллатли жиҳатлари ифодаланган мисралар ким томонидан баён этиляпти деб ўйлайсиз?

6. Танобчиларнинг ўзаро муносабатлари акс этган мисраларни топиб, изоҳланг.

7. Султон Али Хўжа билан Ҳақимжоннинг ўз наслу насабларининг тозалиги, улуғлиги ҳақида деҳқонларга лоф уришларининг сабабини аниқлаб беринг.

8. Танобчиларнинг: «Хоҳи қарам билан бошингни силай, Хоҳи танобингни ду чандон қилай», - тарзидаги пўписаси нимага асосланган?

9. Қишлоқ аҳлининг ўзини туттиши тасвирланган мисраларга эътибор қаратинг ва унинг сабабини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

10. Ҳажвиядаги диалогик нутқнинг бадий вазифасини шарҳланг.

11. Танобчиларнинг мақтанишларига қандай иқтисодий-математик асос бор?

12. Шеърнинг тилига эътибор қилинг. Шоир қаҳрамонларнинг ҳажвий хусусиятларини кўрсатиш учун қандай усуллардан фойдаланганлигини аниқланг.

13. Шеърда амалдорлар ҳамда оддий кишиларга хос камчилик ва иллатларни аниқлаб, бир-бирига солиштиринг.

14. Шеърни ёд олинг.

15. Тестларга жавоб топинг.

1. “Ош есалар ўртада сарсон илик, Хўжа – чироқ ёғи, Ҳақимжон – пилик” мисралари орқали танобчилар ўртасидаги муносабатни қандай изоҳлаш мумкин?

А. Чин дўстлик Б. Манфаат ва нафе йўлидаги ҳамкорлик С. Ўзаро тушунамлик Д. Фақат зиёфатда бир-бирини танишлик Е. Бири пилик, иккинчиси чироқ ёғи сотиб, ош ейишлари.

2. Танобчиларнинг ҳаромтомоқ ва зодимлиги кимнинг тилидан фош этилади?

А. Деҳқонлар Б. Шоир С. Таноб ишига гувоҳ бўлган йўловчи Д. Танобчиларнинг ўз тилидан Э. Б ва Д жавоблар

3. Қишлоқ одамлари танобчиларга порани қандай шаклда берадилар?

А. Закоат Б. Қарз С. Назр Д. Солиқ Е. Ушр

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907-1968)

Бадий асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳор 1907-йил 17-сентябрда Қўқон шаҳрида Кўмирбозор маҳалласида туғилди. Отаси Абдуқаҳҳор темирчи эди. У тиркичилик ўтказиш учун Қўқон ва атрофидаги Бувайда, Яйпан, Оққўрғон, Қудаш, Олқор каби қишлоқларнинг биридан-иккинчисига кўчиб юрар, оила бирор қишлоқда узоқроқ қўним топмасди. Чунки, биринчидан, у маҳаллар темирчига қишлоқларда иш кўп бўлмасди. Иккинчидан, Абдуқаҳҳор темирчи тик сўзли, қайсар одам бўлгани учун одамлар билан чиқиб кетиши қийинроқ эди. Бир умр бир жойдан бошқасига кўчиб юришдан иборат ҳаёт таъсирчан, хаёлпараст ва тортинчоқ бола бўлган Абдулла хотирасида ёмон из қолдиради. Кўчиб борган жойдаги болаларга эндигина ўрганганда, яна бошқа жойга кўчиб кетишгани боис у, кўпинча, болаларга эл бўла олмасди.

Бўлажак ёзувчи дастлабки маълумотни Бувайдадаги эски мактабда олди. Сўнг Оққўрғон қишлоғидаги жадид мактабида таҳсил кўрди. Сал кейинроқ Қўқондаги ётоқмактаб (интернат)да ўқиди. 1922-1924-йилларда Қўқонда очилган ўқитувчилар тайёрлайдиган техникумда таҳсил кўрди.

1925-йили Тошкентга ишга таклиф этилган Абдулла Қаҳҳор кечаси ўқиб, кундузлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлади. 1926-йилда САГУнинг тайёрлов факультетини ўтаган А. Қаҳҳор Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет)га кириб, унинг педагогика факультетини 1930-йилда тугатди.



¹ САГУ – Ўрта Осиё давлат университети атамасининг русча қисқартма шакли.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди 1924-йилдан бошланган. Дастлаб «Муштум» ойбитиги (журнали)да, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида унинг ҳикоя, фелъетон ва хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи ҳикоялар тўплами 1928-йилда чоп этилди. 1935-, 1938-, 1939-йилларда адабнинг учта «Ҳикоялар» тўплами китобхонлар кўлига тегди. Абдулла Қаҳҳорга катта шуҳрат келтирган «Сароб» романи 1934-йилда ёзилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, қисса ва ҳикоялари эълон қилинди. «Асрор бобо», «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар» ҳикоялари ва «Олтин юлдуз» каби қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги маҳорат билан ифодаланган.

Ёзувчи урушдан кейинги йилларда «Қўшчинор чироқлари» (1951) романи, «Шоҳи сўзана» (1951), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962) «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адабнинг «Синчалак» (1958), «Муҳаббат» (1968), «Ўтмишдан эргаклар» (1965) қиссалари ўзбек насри тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Ўзбек китобхонлари М. Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим», Ф. Гладковнинг «Оловли от», Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романининг 1-2-китобларини ва бошқа бир қатор асарларни Абдулла Қаҳҳор таржимасида ўз она тилларида ўқишга муваффақ бўлдилар.

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун А. Қаҳҳорга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилганди. У 1968-йилнинг 25 - майида вафот этди.

БЕМОР

Осмон йироқ, ер қаттиқ.

Мақол

Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди - бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч паркда, дарахтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли иморат, шиша қабзали кул ранг эшигида қўнғироқ тугмаси бор. Чигит пўчоқ ва кунжара билан савдо қиладиган хўжайини Абдуғанибой омборда қулаб кетган қонлар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай Симга кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди.

Бемор оғирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоСИ нима эканини аниқ билмас эди. Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:

– Девонаи Баҳоваддинга ҳеч нарса кўтардингми? Ғавсулаъзамга-чи? Сотиболди кетди. Беморнинг олдидан жилмаслик ва шу билан бирга тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга мажбур бўлди - ҳар хил саватчалар тўқишни ўрганди. У эртадан кечгача офтобшувоқда гавронлар ичида кўмилиб сават тўқийди. Тўрт яшар қизчаси қўлига рўмолча олиб, онасининг юзини карахт, хира пашшалардан қўриydi; баъзан қўлида рўмолча, мукка тушиб ухлаб қолади. Ҳамма ёқ жим.

Фақат пашша финғиллайди, бемор инқиллайди; ҳар замон яқин-йироқдан гадоЙ говуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло, ба помИ олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...»

Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. У ҳар интраганда Сотиболди чаккаСИга буров² солинган кишидай талвасага тушар эди. Қўшниси - бир камширни чақирди. Камшир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқбу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади.

– Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоСИ ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни!- деди.

Бола анчагача уйқу башлиғи билан йиғлади, кейин отасининг газабидан, онасининг аҳволИдан қўрқиб, камшир ўргатганича дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

Бемор кундан-кун баттар, охири ўсал бўлди. «Кўнгилга армон бўлмасин» деб, «чилёсин» ҳам қилдиришга тўғри келди. Сотиболди тўқиган

¹ Сим - Фарғона шаҳрининг XX аср бошларидаги номи

² Буров - омбир.

саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди. «Чилёсин»дан бемор тетик чиққандай бўлди; шу кечаси ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади:

– Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг.

Яна кўзини юмди, шу юмганча қайтиб очмади - саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганда, қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

1936

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояда беморнинг аҳволи, Сотиболдиннинг руҳияти акс эттирилган ўринни топинг.

2. Докторхона ҳақида ўйлаганда, Сотиболдиннинг кўз олдига келадиган йигирма беш сўмлик пул нимани англатади?

3. Кампирнинг кўрган чоралари ва «ўтириб йиғла»ганлиги сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

4. Сотиболдиннинг хотинини тузатиш учун кўрган тадбирларига муносабатингизни билдиришг.

5. Ҳикоядан Сотиболдиннинг руҳий ҳолати акс этган ўришларни топиб ўқинг ва сабабини изоҳланг.

6. Бемор онанинг Сотиболдидан қизчасини саҳарлари уйғотмасликни сўраганлиги сабабини тушунтиришга урининг. У чиндан ҳам тузалганмиди?

7. Онанинг шу ўриндаги тутумини изоҳланг.

8. Асарнинг тилига эътибор қилинг. Ҳикоя матнига таяниб, ҳар бир қаҳрамоннинг тилидаги ўзига хосликни кўрсатиб беринг.

9. Ҳикоянинг тугалланишига алоҳида эътибор қилинг. қизчанинг ҳолатини, Сотиболдиннинг айни вақтдаги руҳиятини тушунтиришга уриниб кўринг.

10. Асарга олинган эпиграф билан ҳикоя мазмунини солиштиринг.

11. Тест саволларига жавоб топинг.

1. “Осмон йироқ, ер қаттиқ” мақоли келтирилиши сабаби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Ҳикоя қаҳрамонининг узоқ сафарга чиқолмаслигига ишора Б. Иложсизлик ифодаси С. Ўтмишни танқид қилиш Д. Жаҳолатни қоралаш Е. Бағритошликни изоҳлаш.

2. Беморни қаратиш ночор оилага оғир келиши қайси жумла орқали ифода этилган?

А. Шаҳарда битта докторхона бор Б. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди. С. Девонаи Баҳоуддинга ҳеч нарса кўтардингми? Д. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади. Е. Табиб қон олди.

3. “Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша ғинғиллайди, бемор инқиллайди...” тасвири нима учун келтирилган?

А. Имконсиз ва кўнгилсиз ҳолатни ифодалаш учун Б. Камбағалнинг уйда пашша кўп бўлиши тасвирига С. Маҳаллада ҳамма ўз ишига кетганлигини билдириш учун Д. Сотиболди учун вақт ўтмаётганлигини ифодалашга Е. Хотини Сотиболдига ёқмай қолганини кўрсатиш учун.

БАДИИЙ АСАР ТИЛИ

Бадий асар тили шоир ва адиблар томонидан пардозланган, жилдоланган поэтик тилдир. Бадий асар тилида адабий қондалардан чекиниш, қаҳрамонлар тилининг ўзига хослигини таъминлаш учун кўча сўзларини, шева унсурларини қўллашга тўғри келади. Одамлар бири-биридан фақат ташқи кўринишлари, бўй-бастлари билангина эмас, балки, кўпроқ даражада, сўзлашиш йўсини, гап оҳанги, қандайдир сўзларни кўпроқ ишлатиши, яъни тили билан ҳам фарқ қилади. Бадий асарда ҳам одамлардаги ана шу фарқлар акс эттирилса, ҳар бир адабий қаҳрамон ўзига хос тилда сўзлашса, таъсирли бўлади. Ҳар бир одамнинг ўзгалардан фарқи, аввало, унинг тилида намоён бўлади.

Бадий асар тили - адабий тилдан ҳам, сўзлашув тилидан ҳам фарқ қилади, айни вақтда, уларнинг ҳар иккаласига таянади. Ёзувчи ҳаёт воқеаларини кўрсатар, одамларнинг руҳиятини тасвирлар, тимсоллар яратар экан, жонли тил бойликларидан ва адабий тил нормаларидан ўрни билан фойдаланади. Шу тариқа, ҳам жонли тилнинг, ҳам адабий тилнинг ўсишига маълум ҳисса қўшади. Ёзувчи асарининг тилини унинг мавзуси, тасвирланаётган воқеаларнинг моҳияти ва қайси давр акс эттирилаётгани, айниқса, қаҳрамонларнинг характерига қараб белгилайди. Адиблар сўз ва ибора танлашда гап қурилишининг турли усулларидан, шева унсурларидан, эскириб, истеъмолдан чиққан сўзлар ва фақат бир гуруҳ одамларгагина

гушунарли бўлган жаргонлардан ҳам фойдаланади. Айни шу жиҳатлар асарнинг ўқишли, қизиқарли ва жозибали бўлишини таъминлайди.

Агар бадиий асардаги барча қаҳрамонлар адабий тил қондаларига мос тилда сўзлашадиган қилиб тасвирланса, бу хилдаги асарлар жуда зерикарли, ширасиз, сунъий, ҳаётдан йироқ бўлиб қолади. Чунки ҳаётда одамлар ҳеч қачон бир хилда сўзлашмайдилар. «Бемор» ҳикоясидаги қизалоқнинг болаларга хос тили, чорасиз кампирнинг кўпни кўрган кайвониларга хос сўзлашув услуби, Абдуғанибойнинг бошқаларникига ўхшамаган нутқи асарнинг жозибасини таъмин этган омиллардан ҳисобланади.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936 йилда туғилган)

Э. Воҳидов 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи oilасида туғилган. Otаси Олтиариқнинг ўқимишли, обрўли одамларидан бўлган. У тарих фанидан дарс берган, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида фронтга кетиб, бош миясида осколка жароҳати ва ўпка шамоллаши касали билан қайтиб келади, 1945 йилда ўттиз уч ёшида Тошкентда Олмазордаги касалхонада вафот этади. Бир йилдан сўнг бўлажак шоирнинг онаси ҳам дунёдан ўтади. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб, Эркин тоғаси қўлида қолади.



«Отam фронтда эканида онам қишлоқ Советида секретар вазифасида ишлар, қийинчилик билан кун кечирар эдик. Жўхори поясини шимиб тилимни қонатганим, болаларга қўшилиб кунжара еганим учун онам юзимга шапалоқ ургани ва ўзи кечгача йиғлаганини унутмайман. Ўйлаб қарасам, болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, достонларга кўчган экан. «Нидо», «Қуёш маскани» поэмалари, «Болалик», «Оқсоқол», «Болалик экан-да» шеърлари ўша мурғак тасаввур, илк хотираларнинг меваси бўлган.»- деб эслайди шоир ўксик болалик йиллари ҳақида.

Тошкентда кечган болалик ва ўсмирлик йилларининг энг ёрқин эсдаликлари шоир Ғайратий ташкил этган тўғарак машғулотлари ва Ғоят олижаноб ҳамда атрофлича билимдон тоғасининг хонадонида бўлиб турадиган адабий суҳбатлар билан боғлиқдир. Чунки бу давралар унда

¹ Осколка - бомба ёки мина парчаси.

бадий сўзга эҳтиром уйғотди, бўлажак шоирни сўз гўзаллигини ҳис этишга ўргатди.

Файратийнинг тўғарагига қатнашиб юрган кезларида, ҳали ўсмир ёшида «Муштум» журналида биринчи шеър босилди. Шеър тагига «22-мактаб 7-а» синф ўқувчиси Э. Воҳидов» деб ёзилган эди.

Мактабни олтин медаль билан битирган Эркин Воҳидов Тошкент давлат (ҳозирги Миллий) университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. Сўнг турли нашриёт ва газета-журналларда ишлади. Республика ёшларининг биринчи журнали «Ёшлик»нинг ташкилотчиси бўлди. Миллат маънавиятини юксалтиришдаги улкан хизматлари учун Э. Воҳидов 1999 йилда Ўзбекистон қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бир неча чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати бўлган. 2005 йилдан эътиборан сенатор қилиб сайланди.

Э. Воҳидовнинг биринчи шеърлар китоби «Тонг нафаси» номи билан 1961 йилда чоп этилди. Шундан сўнг унинг «Қўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Лирика», «Палаткада ёзилган дoston», «Ёшлик девони», «Чароғдон», «Достонлар»,

«Муҳаббат», «Ҳозирги ёшлар», «Тирик сайёралар», «Изтироб» каби шеъррий тўпламлари, уч китобдан иборат «Сайланма»си нашр қилинди. Буюк рус шоири Сергей Есенин шеърлари ва олмон шоири Гётенинг икки китобдан иборат улкан «Фауст» фожиасини ўзбекчалаштириши Эркин Воҳидов галантининг яна бир қиррасини намойиш қилди. Унинг қаламига мансуб «Олтин девор» комедияси нафақат юртимизда, балки чет мамлакат сахналарида ҳам қўйилди. У Ўзбекистон халқ шоири унвонига мушарраф бўлган ижодкорлардан.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоирнинг болалиги ҳақидаги маълумотларга эътибор беринг. Улар орасида бўлажак адибнинг хотирасида кўпроқ қолиши мумкин бўлган воқеалар қайсилар деб ўйлайсиз? Нима учун?

2. Шоирнинг болалик хотиралари билан унинг ижоди ўртасида қандай алоқани сезиш мумкин?

3. Ўз ҳаёт йўлингиз ҳақида ўйлаб кўринг, уни шоирнинг болалиги билан таққослашга урининг.

НИДО

(Қисқартириб олинди)

1

Хайқираман, тоғлар ортидан
Гумбурлаган садо келади.
Она Ернинг оташ қаъридан
«Ўғлим!»- деган нидо келади.
«Ўғлим!» Вужудимни чулғар аланга,
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.
Мана мен ўғлингиз. Дардли оламга
Сиздан танҳо ёдгор, сўйланг, отажон.
Сўйланг, бир дақиқа қулоқ солайин,
Овозингиз тинглаб тўёлмаганман.
Бир марта йўқотиб тополмаганман,
Хаёлимда тиклаб олайин.
Отажон!
Мен ахир қутлуғ бу сўзни
Йиғирма йил олмадим тилга,
Йиғирма йил сақладим дилда.
Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,
Сўйланг, эшитаман... Вужудим тилка,
Юрагимни ёқар ўтли изтироб,
Аmmo кўзларимда бир томчи ёш йўқ.
Бағрим ўйиб, бу кун менга бермоқда азоб
Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.
Силқиб оқаётир кўкрагимдан қон.
Қалбим ўртанмоқда, сўнгсиз армоним...
Юрак қоним билан битган достоним
Сизга бағишладим,
Отажон!

2

Хаёлнинг туманли пардаси аро
Йиллар кўз олдимда чарх ураётир,

Қишлоқ кўчасидан занжидай қаро
Олов болалигим югураётир...
Қадамлар, қадамлар, оғир қадамлар...
Этиклар зарбидан титрайди тупроқ.
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?
Наҳотки йўллари шунчалар йироқ.
Ана, кўряпсанми? Менинг дадамлар,
Дада... Овозим ҳеч чиқмайди бироқ.
Югураман - ортга кетар қадамлар,
Йиғлайман - кўзимга келмайди намлар.
Мурғак вужудимда фақат зўр титроқ,
Бўғзимда аламлар, аччиқ аламлар.
Йўлнинг ўртасида турибман. Шу чоқ
Поезд қичқиради, тўхтаг, одамлар.
Қайга кетмоқдасиз? Қани дадамлар?
Тепамда ёнади зангори чироқ...
Чўчиб уйғонаман, онам қошимда.
Меҳрибон қўллари оташ бопимда:
– Нега йиғлаяпсан, ёлғизим, кўзим?
Тун узоқ, ухлай қол, кўзларингни юм.
Ором ол, мен сенга аллалар айтай.
Тонгда пешонангдан ўпиб уйғотай.

3

Олис соҳилларда уфқдан нари.
Ўлим сочмоқдадир ёв қузғушлари.
Ўлим сочмоқдадир элга беаёв,
Шаҳар, қишлоқларни ютмоқда олов.
Ўша олис юртда қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун жанг қилаётир.
Эларнинг эрк деган соф тилаги деб,
Жаҳоннинг нурафшон келажаги деб,
Офат солмасин деб, оламга қотил,
Отанг узоқ юртда жанг қилаётир.
Сен учун, мен учун, ўз учун эмас,

Фақат ўзбек ва ё рус учун эмас,
Бутун Ер – ундаги бор авлод учун,
Дунёда энг қутлуғ эътиқод учун
Узоқ ўлкаларда қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун жанг қилаётир.
Сен ухла, ёлғизим. Сен ухла, кўзим,
Бир нафас ором ол, кўзларингни юм.

4

Вақт келар, улғайиб, одам бўларсан,
Илм олиб, соҳиби олам бўларсан.
Сен бизлар кўрганни кўрмагайсан ҳеч,
Фурбат йўлларида юрмагайсан ҳеч.
Олам тўла қуёш, қалбинг тўла нур,
Ойдин бир замонда яшайсан масрур.
Бизлар ҳам ўтамыз вақт келиб бир кун,
Сизларга қолади муқаддас замин.
Сиз уни авайлаб қафтда тутасиз,
Шараф йўлларида олиб ўтасиз.
Оташ алангага тутмайсиз уни,
Даҳшат уммонига отмайсиз уни.
Замин теграсида олтин камалак,
Ўрайди етти хил нурдан чамбарак.
Сиз унинг бағрини пора қилмайсиз,
Оталар хокини сақлаб муборак.
Сен шундай давронда яшайсан, кўзим,
Ҳозирча ором ол, кўзларингни юм...

5

Бошимизда оташин фалак,
Пойимизда оташин тупроқ,
Қўлимизда ёғоч камалак,
Остимизда ёғоч арғумоқ,
Ошпоқ чангдир энгил-бошимиз,
Ошпоқ чангдир кўзу қошимиз.

Кўру кармиз, бешдан олтига
Эндигина ўтган ёшимиз,
Кўча-кўйда кўтариб сурон
Югурамиз саҳардан то кеч,
Олам узра кезар зўр сурон,
Биз бу ҳақда ўйламаймиз ҳеч.
«Уруш-уруш» ўйин бўлса бас.
Титратамиз кўку заминни.
Ким ўйлабди дейсиз у нафас
Бу урушнинг ростакамини.
Бурчаклардан бир-биримизни
Ёғоч милтиқ билан отамиз,
Биз билмаймиз: қай биримизнинг
Ўққа учди бу вақт отамиз,
Кўксимизни ушлаганча жим
Йиқиламиз, ўлган бўламиз.
Биз дунёда ростакам ўлим
Борлигини қайдан биламиз?
Даҳшат солиб кезаркан у дам
Узоқларда жанг гулдуриси,
Бизнинг қишлоқ кўчасида ҳам
Янграр эди акси садоси.

6

Қуёш ботар, оқшом чўқар кўча-кўйга,
Тарқаламиз уй-уйгаю, қапа тўйга,
Тун бошланар, менга чарчоқ билинмайди,
Кипригимга сира уйқу илинмайди.
Мурғак ақл етаклайди хаёлларга,
Онам қўйини тўлдираман саволларга.
«Айтинг, ая, менинг дадам қаҳрамонми?
Тоғларни ҳам қулатгувчи паҳлавонми?
Тўппончаси борми унинг чўнтагида?
Орденлари жуда кўпми кўкрагида?
Менинг дадам самолётда учадими?»

Осмонлардан парашютда тушадими?
Ўткир пўлат қиличини қўлга олиб,
Душманларнинг юрагига қўрқув солиб,
Катта жангга кирадими ёлғиз ўзи?
Айтинг, дадам мени яхши кўрадими?
Келганида тойча олиб берадими?
Кўчаларда тойчоғимни етаклатиб,
Қўлларимдан ушлаб олиб юрадими?
Ўша кунлар тезроққина бўла қолсин,
Айтинг, дадам ҳаялламай кела қолсин».

7

44 йил¹ сентябрь тонги отди.
Мени чексиз қувонч билан бахт уйғотди.
Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон,
Биринчи бор қадам қўйдим мактаб томон.
Ўйинлардан анча эрта тўйган эдим.
Китобларга барвақт ҳавас қўйган эдим.
Ёд олардим алифбенинг ҳарфларини,
Ўқир эдим информбюро хабарини.
Жуман «почта» дадамдан хат келтирган кун
Катта байрам бўлар эди менинг учун.
Ўқир эдим, юз ҳижжалаб, юз тутилиб.
Такрорлардим йиртилгунча хат титилиб.
Яйрар эдим маъносини уқарканман,
Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман.

8

Бу кун яна хат олганмиз, ажойиб хат,
Госпиталдан чиққан эмиш соғ-саломат,
Бошидаги жароҳати битган эмиш.
Ҳагто ўрни билинмасдан кетган эмиш.
Берлин томон тушар энди йўлим, дебди.
Хат сўнгида, яхши ўқи, ўғлим, дебди.

¹ 1944 йил кўзда тутилган.

Шу кун тунда уч чизикли дафтаримга,
Оро бериб катта-катта ҳарфларимга,
Хира чироқ ёруғида кўз ишқалаб,
Дадамга хат ёзмоқ учун сурдим қалам

9

«Дадажон! Сизни жуда соғиндим,
Соғиндим иккала кўзим билан тенг.
Келиб қолармишсиз эртами - индин,
Аям шундай деди, ростми шу, айтинг?
Дада, у кун сизни тушимда кўрдим,
Оқ отда келдингиз, сўрадингиз сув.
Мен буни аямга гапириб бердим,
Даданг келади, деб айтди, ростми шу?...
Рустамнинг акаси урушдан қайтди,
Қўлтиқтаёғи бор, бир оёғи йўқ.
Рустам айтиб берди: атака пайти
Тиззасидан олиб кетган эмиш ўқ...
Хол ака қайтганда уйга тўсатдан,
Ўғли, дадажон, деб чошиб келибди.
Ота қучай деса қўли йўқ экан,
Тик турган жойида йиғлайверибди...
Дарсга келмай қолди тунов кун Талъат,
Муаллим уришса, тураверди жим.
Дадасидан келган экан қорахат.
Ҳаммамиз йиғладик, ҳатто муаллим.
Дадажон! Сизга ўқ тегмасин ҳечам,
Мен учун ҳам тезроқ қайтинг саломат.
Бувим айтган, агар мен тилак қилсам,
Тилагим бўлармиш доим ижобат.
Рост айтаман, сизни жуда соғиндим,
Соғиндим иккала кўзим билан тенг,
Келиб қоласизми эртами - индин?
Кутаман, дадажон, албатта, келинг».

Ҳижрон кечалари ғоятда узун,
 Айрилиқ йўллари олис ниҳоят.
 Кўчага чиқаман юз бора ҳар кун,
 Кўзларим нигорон, келармикан хат?
 Тонгда турганда ҳам, кун ботганда ҳам,
 Ҳатто кечалари қилолмай тоқат,
 Эшикка қарайман, чекаман алам.
 Интизор бўламан, келармикан хат?
 Мен қайдан билибман: йўл босар экан
 Менинг мурғак хатим бекатма - бекат,
 У ёқдан, худди у борар манзилдан
 Йўлга чиққан эди машъум «қорахат».

Қош-кўзларинг отангга ўхшар,
 Дейишади билганлар доим.
 Сўнг хўрсиниб кўшиб қўйишар:
 Ўхшамасин умринг илойим,
 Отам тутган машъални ушлаб,
 Ўша йўлдан бораман мен ҳам.
 Майли эди отамдек яшаб,
 То сўнгги дам унга ўхшасам.
 Боболарнинг ҳикмати ҳаётга ёруғ йўлдир.
 Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл дер.
 Бу сўзни илк бор менга ўргатган отам эди.
 Мен отам фарзандиман, у эса одам эди...
 Менинг мардлик мактабим ўзимнинг отам эди,
 Мен отам фарзандиман, у эса одам эди.
 Мен отам босиб ўтган қонли йўлни ўтмасман,
 Аммо шонли ҳаётин бир умр унутмасман.
 Она Ватан кўксига қалқон бўлган отамнинг,
 Кўнлар бахти йўлида қурбон бўлган отамнинг
 Азиз номин қалбимда виждонимдек сақладим,
 Унинг ўлмас руҳини шод этмоқдир мақсадим.

Умримни фидо айлай, у туғилган Ватанга,
Эл мандан рози бўлсин, ўхшабсан деб отангга.

11

Қузғуннинг қанотидай қаро эди ўша тун,
На милт этган юлдуз бор, на йилт этган бир учқун.
Кеч куз эди, тунд кеча, ер-кўк мунгли, борлиқ ғаш.
Қор эзгилаб ёғарди ёмғир билан аралаш.
Сукунат. Жанг тин олар, фақат гоҳи - гоҳида
Мушак учиб сўнарди душман қароргоҳида.
Ярим тун зулматида тепаликни қоралаб
Тўрт соя эмакларди чакалақзор оралаб.
Ҳар замон тўхтаб – тўхтаб, ҳордиқ олишар эди,
Жим қолиб сукунатга қулоқ солишар эди.
Мана, улар ўрмоннинг чеккасидан ўтдилар,
Ва, ниҳоят, дарёнинг соҳилига етдилар.
Тўхтадилар бир нафас, кўз тикдилар йироққа,
Атроф жим, фақат дарё уриларди қирғоққа.
Сирли тун, бутун борлиқ сеҳрланган сингари,
Шундай кеча тўртовлон йўл олмишлар қай сари?
Қай манзилга шошишар шу совуқда, шу намда?
Гўё қор бор, ёмғир бор, тун бор фақат оламда...
Автоматлар бош узра кўтарилди туғсимон,
Бирин-кетин дарёдан сузиб кетди тўртовлон.
Жим, шарпасиз сузишар, яқин қолди қирғоққа,
Ёт, нотаниш товушлар эшитилар қулоққа.
Мана соҳил - тик қирғоқ, атроф яланг нарида
Икки душман соқчиси кўринар тун бағрида.
Бир-бирига тикилди бир сўз демай тўрт жуфт кўз,
Шу қарашнинг ўзида айтилганди барча сўз.
Тек қотдилар. Командир имо қилди, ниҳоят,
Тун бағрига эмаклаб кириб кетди тўрт соя.

Ногаҳон ўқ отилди, ўт чақнади кетма-кет,
Душман сизди: разведка жангга кирди бетма-бет.

Граната портлади, тилга кирди автомат,
Бир ёнда бутун бир полк, бир ёнда тўртга солдат.
Икки ёндан ўқ ёғар, олов ёғар бешафқат,
Бир томонда таҳлика, бир томонда жасорат.
Ўртада текис кенглик, ўртада куюқ зулмат,
Бир томонда ёвузлик, бир томонда адолат.
Қанча давом этди жанг, билар фақат қора тун,
Билар фақат тепалик, аммо улар дол ва гунг.

Тонгга яқин қор тинди, аста ёришди осмон,
Тепаликка илк нурын сочди хуршиди жаҳон.
Бунда ерни қучганча, тошларга қўйиб бошин,
Тўрт ўғлон тинч ухларди кўкрагида қўрғошин.
Тунги оғир жангдан сўнг гўё тин олар бари,
Она бағрида ётган маҳсум гўдак сингари.
Шу тонг сабо йиғлади чидолмай бу фироққа,
Шу тонг дарё йиғлади бошин уриб қирғоққа.
Оқ, момиқ булутларнинг бағри чок-чок сўкилди,
Шу тонг офтоб нурлари кўз ёш бўлиб тўкилди...
Ўрмонлар шовуллаган, олис юртда ҳали ҳам
Номсиз тепалик узра ухлаб ётибди отам.

12

Ерни тенма, аста бос қадам,
Етар унинг чеккан озори.
Биз турган ер, биз кезган олам
Улкан фидойилар мазори.
Тенгдошим, асрдош биродар!
Кел, бир он жим ўйга чўмайлик.
Бу ерда ётибди фидолар,
Кел, уни гулларга кўмайлик.
Эшит, чорлаяпти она Ер,
Кўксида оловли оҳ-фарёд.
Асрдош биродар, қўли бер,
Кел, Ерга қилайлик қасамёд:

Бўлурмиз гал келса, ҳар биримизга
Тинчлик жанггоҳининг фидоси.
Бу сенга, бу менга, бу бизга
Йигирманчи аср нидоси.

Савол ва җавоблар:

1. «Ўғлим» деган нидонинг Ер қаъридан чиқаётганлигини қандай изоҳлайсиз?
2. «Бағрим ўйиб, бу кун бермоқда азоб, Сизнинг кўксингизни гешган қора ўқ. Сидқиб оқаётир Кўкрагимдан қон» мисраларини изоҳланг. Достон қаҳрамони чиндан ҳам яраланганмиди?
3. Матндан уруш даври болаларининг ўйинлари билан ҳаётда рўй бераётган воқеалар ўртасидаги машғум ўхшашлик тасвирланган ўринларни топинг ва улар хусусида фикр билдириг.
4. «Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман» деган мисра маъносини изоҳланг ва бу ҳолнинг сабабларини тушунтириг.
5. «Шу кун тунда уч чизиқли дафтаримга, Оро бериб катта-катта ҳарфларимга, Хира чироқ ёруғида кўз ишқалаб, Дадамга хат ёзмоқ учун сурдим қалам» мисраларида бола табиатига хос жиҳатлар ва уруш даврига тегишли ҳолатлар қай тарзда ифодаланганлигини аниқлатинг.
6. Достон матнига таяниб, отага битилган хатда бола туйғуларининг қандай намоён бўлганлигини изоҳланг.
7. Асардаги: «Ота қучай деса, қўли йўқ экан, Тик турган жойида йиғлайверибди» мисраларида уруш фожиаси ва ўша давр одамлари изтиробларининг қай даражада ифодаланганлиги ҳақида сўзланг.
8. «Дарсга келмай қолди тунов кун Талъат, Муаллим уришса, тураверди жим. Дадасидан келган экан қорахат, Ҳаммамиз йиғладик, ҳатто, муаллим» мисраларида ўртоғининг қайғуси учун йиғлаган болакай туйғулари нечоғлик ишонarli тасвирланганлигини изоҳланг.
9. «Ҳижрон кечалари ғоятда узун, Айрилиқ йўллари олис ниҳоят» сатрларида аке этган руҳий ҳолатни тушунтириг. Кечаларни узун, йўллари олис қилган сабабларни кўрсатиб, бадий вазифасини аниқланг.
10. Боладаги: «Бувим айтган, мен тилак қилсам, Тилагим бўлармиш доим ижобат!» тарзидаги ишонч ва ҳаётий ҳақиқат ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқадиган фожиали ҳолатни аниқлатинг.
11. Матнга таяниб, боланинг мактуби билан «қорахат»нинг бир вақтда юборилгани тасвирининг ҳиссий таъсири ҳақида гапириб бериг.

12. «Боболарнинг ҳикмати ҳаётга ёруғ йўлдир, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл дер. Бу сўзни илк бор менга ўргатган отам эди, Мен отам фарзандиман, у эса одам эди» тарзидаги ифтихор сабабини изоҳланг.

13. Отанинг ҳалокати юз берган тушини: «қузғуннинг қанотидай қора эди ўша туш» тарзида тасвирланиши сабабини тушунтиринг. қоронғуликнинг қузғун қанотига ўхшатилгани сабабини изоҳланг. «қ» товушининг такрорланиб келиши сизда бирор кайфият пайдо қилдими?

14. «Кеч куз эди, тунд кеча, ер-кўк мунгли, борлиқ ғаш. Қор эзгилаб ёғарди, ёмғир билан аралаш» сатрлари киши руҳиятига қандай таъсир қилишини аниқлаш.

15. «Шу тонг сабо йиғлади, чидолмай бу фироққа, Шу тонг дарё йиғлади, бошин уриб қирғоққа. Оқ момиқ булутларнинг бағри чок-чок сўкилди. Шу тонг офтоб нурлари кўз ёш бўлиб тўкилди...» мисраларидаги адоқсиз ғам тасвирида қаҳрамон руҳияти ва табиат кўриниши ўртасидаги мувофиқлик сабабларини тушунтиринг.

16. «Ерни тепма, аста бос қадам» тарзидаги мурожаат сабабини изоҳланг.

17. Достон нега «Нидо» деб аталган?

18. Тест саволларига жавоб тошинг.

1. “Қадамлар, қадамлар, оғир қадамлар. Этиклар зарбидан гитрайди тупроқ” мисралари нимани ифодалайди?

А. Этикларнинг катта ва оғирлигини Б. Оғир ва мусибатли айрилиқни С. Транспорт йўқлигини Д. Этиги билан ер тепаётаётган болаларни

Е. Поезд кутаётганларнинг сабрсизлигини

2. Достонда таъкидланган «Йигирманчи аср нидоси» бу -

А. Ёшлар чуқур билим олишлари кераклиги Б. Ота қабрини зиёрат қилиш фарзлиги С. Қўшни давлатлар билан тотув яшаш Д. Болаларни турли офатлардан асраш Е. Ҳар бир инсон тиричилик жапғоҳининг фидоси бўлиши лозимлиги

«НИДО» ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Шоир Эркин Воҳидовнинг сиз танишиб чиққан таржимаи ҳоли «Нидо» достонини маълум даражада биографик асар дейишга асос беради. Аммо бу достонни ўқиганингизда фақат Эркин Воҳидовнинг отасига бўлган соғинч изтироблари, дийдорга зорлиги ва қўмсаш аламларининггина

ҳис этиб қолмайсиз. Балки уруш даҳшати туфайли мурғак қалби озор чеккан миллионлаб маъсум гўдаклар чеккан фиғонларни эшитгандек бўласиз. Достонни ўқир экансиз, ана шу миллионлаб етимларнинг нидоси, ер қаърида ётган уруш қурбонларининг нидоси, бева қолган келинчакларнинг нидоси, фарзанд доғида куйган ота-оналарнинг нидоси бирлашиб, қўшилиб, йигирманчи аср нидосига айланганини туясиз ва бу оғриқли нидони ўзингиз ҳам эшитгандай бўласиз. Бу нидо асл инсоний туйғуларнинг моҳиятини янада теран англаб олишга, одамзодга тегишли ҳар қандай ғамларни чуқур ҳис этишга ёрдам беради. Достон сизни Ватанни янада обод этиш, тинчликни эъзозлаш ва Ер юзига уни барқарор қилишдай буюк ишга ҳисса қўшишга чорлайди:

Ерни тепма, аста бос қадам,
Етар унинг чеккан озори.
Биз турган ер, биз кезган олам
Улкан фидойилар мозори.

Бу мисралар инсоният истиқболи йўлида жонларидан кечган иккинчи жаҳон уруши жангчиларининг табаррук хотирасини бир зум ҳам унутмасликка ундайди. Шунингдек, она ернинг ҳар бир қаричи инсон қони билан суғорилгани учун ҳам муқаддас эканини таъкидлаб туради.

Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида эллик миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди. Уларнинг орасида ҳар биримизнинг ота-бобомиз ёки яқин қариндошимиз бўлганди. «Нидо» достонини ўқир экансиз, туйғуларингиз жўшади, Сиз ўша қурбонларнинг руҳи олдида қарздор эканлигингизни ҳис этасиз. Бу ҳол Сизда эзгу ниятлар пайдо қилади. Ва Сиз шоир даъват этган эзгу ишларга қўшилиш учун беихтиёр тугёнли ички нидо билан қасамёд қилгандай бўласиз.

«Нидо» достонининг тили содда, равон, тушунарли, таъсирчан ва тасвир самимий бўлганлиги учун ҳам енгил ўқилади. Шоир достонда «қора ўқ», «оғир қадамлар», «оташин фалак», «тунд кеча», «қуюқ зулмат» каби сифатлашларни моҳирлик билан қўллайди. Э. Воҳидов томонидан ишлатилган ўхшатишлар ҳам асарнинг таъсирли чиқишида муҳим ўрин тутган. Айниқса, достондаги: «Қузғуннинг қанотидай қаро эди ўша тун», «Автоматлар бош узра кўтарилди тусимон», «Она бағрида ётган маъсум

гўдак сингари» каби ўхшатишлар асарда тасвирланаётган воқеаларни ўқувчилар кўз олдига яққол келтиришга, лирик қаҳрамон ҳолатини аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

ДОСТОН

Азиз ўқувчи, сиз илк бор замонавий маънодаги чинакам адабий достон билан танишдингиз. Табиийки, сизни қандай асарлар достон деб аталиши қизиқтиради. Агар «Нидо»ни ўқиш жараёнида эътибор қилган бўлсангиз, унда муайян даврда кимнингдир бошидан ўтган воқеалар тасвирлангани ва улар туфайли шоир кечирган *ҳис-туйғулар* ҳам ифода этилганини сезгансиз. Шунингдек, у шеър билан ёзилиб, ҳажми анчагина катталигини ҳам пайқагансиз. Демак, ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва унинг таъсирида шоир руҳиятида пайдо бўлган туйғулар тасвирига бағишлаб ёзилган йирик ҳажмли шеърини асар достон саналар экан.

Достон баъзан *поэма* деб ҳам юритилади. Қадим замонларда халқ айтимчилари томонидан оғзаки яратилган ва фавқулодда хусусиятларга эга қаҳрамонларнинг ғаройиб саргузаштлари тасвирига бағишланиб, шеър ва сочма тарзда аралаш шаклга эга бўлган асарлар ҳам достон деб юритилади. Бунга «Алпомиш», «Малика айёр», «Равшан» каби халқ достонлари мисол бўлади.

ОДИЛ ЁҚУБОВ

(1927 йилда туғилган)



Ёзувчи Одил Ёқубов қўшни Қозоғистон республикасининг Туркистон шаҳрида туғилган. У кўплаб ҳикоялар, бир қатор драмалар, ўнга яқин қиссалар ва «Эр бошига иш тушса», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё». «Адолат манзили» каби романлар ёзган.

Ёзувчининг болалиги анча оғир кечган. Унинг ўктам, тadbиркор, ҳақиқатгўй, ўқимишли ва ишчан отасини шўролар ҳукумати «халқ душмани» сифатида йўқ қилишади. Айбосиз Одилни эса, душманнинг ўғли дея ҳар қадамда камситишади. Аммо хаёлпараст,

қобилиятли, интилувчан ва қайсар Одил отасига бўлган ишончидан қайтмайди. Оғир болалик йиллари унинг хотирасида бир умрга ўчмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам адиб ёзган барча асарларда болалигида кўрган ёвузликка, адолатсизликка нафрат туйғуси акс этади. О. Ёқубовнинг ҳақпараст ва тўғрисиўз одам сифатида шаклланишида адолатсизликка нисбатан ана шу нафрат катта ўрин тутди.

Адиб ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: «...қишлоққа келгач, мен олтинчи синфга қатнай бошладим. Бу сафар ҳам омад ёр бўлиб, ҳаёт мени ўз касбларини ниҳоятда севган, ниҳоятда зиёли адабиёт муаллимларига рўпара қилди. Улар - Маматамин Маҳмудов ва Сулаймон Амиров - ўта билафон, ўта зиёли, шоиртабиат кишилар эди.

Биринчи адабиёт дarsi ҳеч эсимдан чиқмайди. Синфга жуда сипо кийинган, қотмадан келган хушқад, хушсурат одам кириб келди. У доска олдида тўхтаб, бирдан сукутга чўмган синфга бир зум тикилиб турди-да,

қисқа қилиб: «Пушкин. «Кавказ асири»,- деди. Сўнг дostonни ёддан ўқий кетди. Кейинчалик мен шеърни ёддан ўқийдиган кўп шоирлар ва артистларни кўрдим, уларнинг шеър ўқиш услубларидан завқландим, аммо, назаримда, бутун бир дostonни бошдан-оёқ ёд ўқиган ўқитувчини учратмадим, шеърни бунчалик тиниқ, санъаткорона ўқийдиган муаллимни кўрмадим. Иккинчи адабиёт ўқитувчим Сулаймон ака эса, ўзи ҳам шеър ёзадиган, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Миртемирлар билан кўп йиллар мулоқотда бўлган, мумтоз адабиётни ёддан ўқийдиган, ниҳоятда соддадид, пок, ҳалол инсон эди. Улар менга она тилимизнинг бутун нафосати ва назокатини, ўзига хос бетакрор латофатини, инсон қалбининг энг нозик тебранишларини ифода эта олиш қудратини, матал ва мақолларга бойлигини, қўйингки, барча гўзал хислатларини очиб бердилар, она тилига меҳр - бу инсонга, она Ватанга меҳр эканини ўргатдилар, уни ёш қалбимга тоабад муҳрладилар.

...1945 йилнинг январь ойида қишлоғимиздан бир йўла қирқ йигит фронтга кетадиган бўлди. Булар уруш йиллари бирга ўроқ ўрган, бирга машоқ терган, «эшак карвонлар»да бирга ғалла ташиган бўз болалар эди.

Мен асли 1927 йилда туғилганман. Лекин уруш йиллари этик билан сув кечиб, ҳамма қийинчиликларни ўртоқлашган ёр-биродарларимдан айрилиб, қишлоқда бош кўтариб юришга ор қилдим, туман ҳарбий комиссариатига бориб: «Қишлоқ совети китобида ёшим нотўғри ёзилган, аслида йигирма олтинчи йилда туғилганман»,- деб арз қилдим. Ҳарбий комиссаримиз урушдан бир оёғини йўқотиб келган, қўлтиқтаёқ билан аранг юрадиган шиддатли бир одам эди. Унга менинг арзим шу қадар ёқликки, армияга чақирилган йигитларни сафга тизиб (улар орасида ёшини яшириб, аллақачон уйланган, ҳатто бола-чақали бўлиб олган «ўспиринлар» ҳам оз эмас эди), мени ҳаммага ибрат қилиб кўрсатди. Хуллас, шу тарзда шўрлик ойим ва опамларни зор йиғлатиб, урушга кетдим. Ўрол дарёси соҳилларидаги ўрмонзорларда тиззадан қор кечиб ҳарбий мактабни ўтадик. Бир кечада эшелонларга ўтқазиб, Узоқ Шарқ томон олиб кетишди. Мўғулистоннинг Гоби саҳроси ва Хинган тошларидан яёв ўтиб, қарийб бир ой деганда, машҳур Квантун армиясининг орқасига чиқиб олдик. Япон империалистларига қарши уруш эълон қилинганда, биз аллақачон Квантун армиясининг орқасида шай турардик. Оқибатда, уруш кўпга чўзилмади, бир ойга бормасданоқ Квантун армияси тор-мор қилиниб, таслим этилди.

...У чоғларда ҳарбий хизмат ҳозиргидек, икки йил эмас, аллақандай муддатсиз эди. ...Ниҳоят, 1950 йилнинг кеч кузида хизматдан бўшаб, қишлоққа қайтиб келдим ва ўрта мактабнинг ўнинчи синфига ўқишга кирдим...»

Уруш кўриб, ҳаёт машаққатлари туфайли обдон чиниққан Одил Ёқубов Тошкент давлат университетининг филология факультетини битиргач, бир қатор нашриётлар, газета ва журналларда меҳнат қилди. Москвада чиқадиган «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлди. Республика Атамашунослик қўмитасини бошқарди. Ҳозирда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари иштирокида тузилган «Марказий Осиё маданияти» Ассамблеясининг вице-президенти лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Сиз қуйида адибнинг болалик йилларида бошидан кечирган фожiali воқеалар тасвирига бағишланган «Музқаймоқ» ҳикояси билан танишасиз.

Савол ва ғалтириқлар¹

1. Адиб нима учун яхши муаллимларга рўпара бўлганини омадлиликка йўйяпти деб ўйлайсиз?

2. Адибнинг сеvimли муаллимлари хислатларини матндан ажратинг. Уларга ўз муносабатингизни билдириг.

3. Ҳарбийларни алдаб, ўн етти ёшида урушга кетган йигитнинг ҳатти-ҳаракатига ўз муносабатингизни билдириг.

МУЗҚАЙМОҚ

У маҳалда биз Туркистон шаҳрининг энг сўлим жойларидан бири - Лагер кўчасида икки хонадан иборат, олди айвон, ўша замон имкониятига кўра тузуккина уйда истиқомат қилардик. Бу уйнинг каттагина ҳовлиси ҳам бор эди. Икки қаватли улкан дарвоза орқали кирадиган бу ҳовлида биздан ташқари яна бир нечта хонадон яшарди. Дарвозанинг устида қуруқ пичан сақланадиган болахона бўлар, биз, болалар оқшомлари бекинмачоқ ўйнаганда болохонага чиқиб пичан тагида «жон сақлардик».

Оиламиз бошига мусибат тушган ўша машъум кундан бир неча ой муқаддам дадам уйимиздаги деярли барча китобларни уч-тўрт қопга со-

¹ Вице-президент - президентнинг ўринбосари.

либ, беда тагига яширгану, болохона эшигига отнинг калласидек қулф солиб қўйгандилар. Эндиликда болохонага ҳеч ким киролмас, фақат мен гоҳо-гоҳо туйнукдан тушиб, серсурат, қалин китобларни туйнук шуъласига солиб, томоша қилиб ўтиришни ёқтираддим.

Бу суратлар ҳам жуда ғалати, уларнинг аксари чарм палто кийиб, белларига қилич ва тўпсонча тақиб олган ҳарбий, баъзилари эса от ўйнатган, қизил алвон кўтариб душман сари от суриб кетаётган марду майдонлар бўлса ҳам, негадир барчасининг кўзлари ўйиб олинган ёки юзларига кўк сиёҳ тортилган эди. Нега шундай? Мен бу сир-асрорнинг тагига етолмай қийналардим, дадамлардан сўрашга эса юрагим дов бермас, сабаби, дадамлар қаҳри қаттиқ одам эди, «бу китобларни сенга ким кўрсатди» деб дашном беришлари мумкин эди.

Ўша қора кун ҳам, нимадандир кўнглим нотинч, китоб титиш эсимга тушиб, томга чиқдим. Аммо таниш туйнукка яқинлашганимда кўчанинг бошида қўш от қўшилган чиройли фойтунга кўзим тушди. Сал ўтмай, фойтун дарвозамизнинг олдида келиб тўхтади. Ундан ўша пайтларда барча катталар учун расм бўлган яшил рангли галифе шим ва гимнастёрка кийган ўрта яшар икки киши билан қизил қўйлакли, кўзлари қийғоч бир аёл тушди. Эркаклардан бири томда мени кўриб қолиб:

- Эгамберди Жақиповнинг уйи шулма? - деб сўради.

- Шу,- дедим мен. Шу пайт ҳовлидан чиққан ойимларнинг:

- Келинлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар, - деган овози эшитилди. Мен болохона устунидан сирпаниб, ерга сакраб тушдим. Меҳмонлар ичкарига киришган, ойимлар аллақандай ҳаяжонда эдилар.

- Дадангнинг маҳкамасига чоп! - дедилар ойимлар негадир шивирлаб. - Айт: САКУ¹ да бирга ўқишган оғайниларингиз келишди, де! Кутиб ўтиришибди, тезроқ келар экансиз, де! Ҳа, айтмоқчи, бирйўла мактабга бориб, опанг билан поччангга ҳам айт - тезроқ келишсин. Дастурхон-пастурхонга қарашиб юборишсин!

Мен негадир афтидан «меҳмон» сўздан кўнглим ёришиб, икки оёғимни кўлимга олиб чопа кетдим. Гарчи поччам билан катта опамлар ўқитувчилик қиладиган мактаб дадамлар ишлайдиган маҳкамадан хийла нарида бўлса-да, аввал ўша томонга ўтиб, ойимларнинг гапини опамларга айтдим,

¹ САКУ - Ўрта Осиё коммунистик университетининг русча қисқартма шакли, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўша вақтдаги номи.

сўнг, ҳамон икки оёғим қўлимда, ялангоёқ, ялангбош, кўча чангитиб дадамларнинг маҳкамасига чопдим.

...Дадамларнинг маҳкамаси улкан савдогар қурган ва эндиликда партия қўмитаси жойлашган кўркем бинонинг шундоқ биқинига жойлашган эди. Мен борганимда дадамлар ҳам идорадан чиққан эканлар. Мени узоқдан кўриб, дарвоза олдида тўхтадилар. Дадамлар тўладан келган, новча, қирра бурун, ўша даврда расм бўлган тўмтоқ мўйловли, хушқад, салобатли киши эдилар. Эғнидаги либоси ҳозир хотирамда йўқ, агар янглишмасам, ўша маҳалда доҳий Сталинга тақлидан кийиладиган кўкрак чўнтакли яшил костюм ва галифе шим кийган, оёқларида ҳам ўша замонларда расм бўлган ғарч-ғурч хиром этик.

Раҳматлик дадамлар, уйқусизликданми, бошқами - кўзлари қизарган, аллақандай ҳорғин кўриңдилар менга. У киши ҳансирай-ҳансирай айтган гапларимни эшитдилар-у, чеҳралари сал ёришиб:

- Юр, болам!- дедилар бошимни силаб.- Сенга битта музқаймоқ оберай!

Боя айтганимдек, дадамлар дийдаси қаттиқ, ўктам, камгап одам эдилар. Ўша кунгача мен у кишининг бирор марта бошимни силаганларини билмасдим. Аксийгча, ҳануз эсимдан чиқмайди: дадамлар ур калтак-сур калтак тағидан чиқолмай, ишдан ҳайдала-ҳайдала, охир пировардида, қишлоққа қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб ётган пайтлар. Бир куни ойимлар қўлимга пул ва икки-уч литрли графин тутқазиб:

- Дўконга кириб қимиз олиб чиқ, даданг айтдилар!- дедилар.

Дўконга кирсам, қимиз тугаган экан. Мен парвойи фалак қўлимдаги графинни ўйнатиб уйга қайтдим. Йўлим ёғоч ва темир қозиқлар қоқилган мол бозоридан ўтарди. Тўсатдан нимадир «шақ» эди. Қарасам, қўлимдаги графин темир қозиқлардан бирига тегиб, тангадай жойи ўпирилиб тушибди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Уйга қайтишга журъат қилолмай, анчагача боғимиз пойидаги сув бўйида айланиб юрдим. Ниҳоят юрагимни ҳовучлаб уйга кириб бордим. Ойимлар мени кўриб:

- Қаёқларда дайдиб юрибсан, бевош? Даданг шўрлик кутавериб диққинафас бўлиб кетдилар-ку! - деб койидилар, сўнг графиндаги тешикка кўзлари тушиб, қўлимдан ушлаганча ичкарига судрадилар.

Дадам улкан чорхари уйимизнинг тўрида китоб варақлаб, ёнбошлаб ётардилар.

– Дўконда қимиз йўқ экан, бу ҳам етмагандек, ўғлингиз графинни синдириб қўйибди...- Ойимлар шундай деб графинни дадамларнинг олдидаги хонтахтага қўйдилар.

Кейинчалик ойимлар бу ишларидан пушаймон бўлиб кўп гаширганлар. «Нега шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман, болам, дадагларнинг ночор аҳволи ҳаммамизни эзиб қўйган эди», - дегувчи эдилар раҳматли.

Дадам шитоб билан қадларини ростладилар-у, хонтахтадаги графинни олиб, менга қараб отдилар. Зарб билан отилган графин шундоқ қулоғим остидан ўтиб (чамаси, жон ҳолатда бошимни олиб қочган бўлсам керак) деворга тегиб чил-чил синди.

Мен тура қочдим, қочарканман, ойимларнинг:

– Қимиз ҳам ўлсин! Қимиз деб боламини ўлдирмоқчимисиз, адаси? - деган аччиқ фарёдини эшитдим.

Ойимларнинг айтишича, кейинчалик дадамлар ҳам бу қилмишидан пушаймон бўлганлар. Ким билсин, эҳтимол бошига оғир мусибат тушишини сезиб юргани учундир, эҳтимол бир маҳал дилимга озор бергани эсига тушиб, уни кўнглимдан чиқармоқчи бўлгандир, ҳар қалай умримда биринчи бор бошимни силаб, музқаймоқ оберишга аҳд қилдилар.

Кўчанинг нариги юзида шаҳар боғи бўлар, боғ олдидаги майдончада ҳар хил сув, мева шарбатлари, музқаймоқ сотиладиган митти-митти дўкончалар бўларди. Борсак, дўконлар ёпилган экан. Дадамлар астойдил ранжидилар.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлгандим, бу ҳам nasib қилмади-ёв, болам!- дедилар у киши аллақандай чуқур ўкинч билан.

Уйга борганимизда чироқлар ёнган, ҳовлидаги ўчоққа қозон осилган, биздан аввал етиб келган катта опамлар билан ойимлар ўчоқ атрофида куймаланиб юришар, пўччамлар кўринмас эдилар. Дадамлар ичкарига кириб кетдилар-у дарҳол қайтиб чиқдилар. Чеҳралари очилган, кайфлари чоғ эди.

– Бирга ўқиган эски кадрдонларим келишинти. Қалай, тузукроқ гўшт-пўштларинг борми, Гулшан?- дедилар дадамлар ойимларга қараб.- Бор бисотингни дастурхонга тўкасан бугун...

Марҳум волидамизда жиндек шаддодлик бўларди.

– Сиз қозон-ўчоқ атрофида айланавермай ичкарига кириб меҳмонларингизга қарайверинг!- дедилар шартта кесиб.

Дадамлар ойимларнинг бу - сал ясама қўрслигига кулимсираб, ичкарига кириб кетдилар. Ҳовлимизда, шундоқ ўчоқ ёнида бир туп гужум ўсар, гужум тагида чуқур қудуқ бўлар, иссиқ ёз ва илиқ куз қунлари гўштни шу қудуқда асрардик.

Ойимлар менга шу қудуқдан гўшт олиб бер, дедилар. Мен қудуқ чиғирининг дастасини айлантириб, гўшт осилган чангакни торта бошладим-у, тўсатдан кўчадан кириб келган икки ҳарбийга кўзим тушиб, негадир юрагим орқамга тортиб кетди. Улар ўчоқ атрофида куймаланиб юрган ойимлар билан опамларга бир қараб қўйдилар-да, этиклари билан ерни тап-тап босиб айвонга чиқишди. Айвондан уйга киришди. Ҳарбийларни кўришлари биланоқ турган жойларида тош қотиб қолган ойимлар билан опамлар бирдан дод солишиб, уйга қараб югуришди. Қудуқ чиғиринини беихтиёр қўйиб юбориб, мен ҳам кетларидан чопдим.

Мен ўша пайтлар мамлакатимизда ва ҳатто шаҳримизда нима бўлаётганидан беҳабар эдим, албатта. Шу боис ойимлар билан опамларнинг ҳарбийларни кўришлари биланоқ фарёд чекиб, ичкарига отилишлари сабабини англамадим. Аммо улар мудҳиш мақсад билан келишганини ақл билан бўлмаса-да, юрак билан ҳис этгандим. Кейин билсам, ўша даврда ҳамма жойда бўлганидек, Туркистонда ҳам ҳар куни, ҳар дақиқада кўплаб одамлар ҳибсга олинаётган экан. Ойимлар ва опамлар бундан боҳабар бўлганлари учун ҳам ҳарбийларни кўриб дод солишган экан. Эшикдан киришим билан ҳарбийлардан бири - новчадан келган, малла сочларининг учлари қошларига эгилиб тушган ўрис капитан полни фарч-ғурч босиб, эшикка келди-да, унинг илмоғини солиб:

– Тинтув тугагунча энди ҳеч ким уйга кирмайдичм, чиқмайдиям! - деди юракка гўлгула солувчи бир қатъият билан.

Уйда қий-чув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда ҳайкалдай қотиб қолган дадамларнинг бўйнига осилиб йиғламоқда, ойимлар ҳам дадамларнинг елкасига суяниб, унсиз титрамоқда, кичик опамлар билан укаларим бурчакка текилишиб, худди калхатлардан қўрққан жўжалардай, кўзлари ола-кула, бир-бирининг пинжига кириб олишганди.

Икки табақали ўрта эшик очиқ, ичкари хонанинг тўрида дадамлар билан бирга ўқиган меҳмонлар, рангларида ранг йўқ, типша-тик серрайиб туришарди. Иккинчи ҳарбий эса ичкари уйдаги катта қизил шкафга терилган китоб ва альбомларни битта-битта кўздан ўтказмоқда эди.

Китобларнинг деярли ҳаммаси қизил жилдли Ленин асарлари эди. Тинтув бошлаган ҳарбий Ленин асарларига тегмас, қалин, серсурат альбомларни эса варақлаб кўриб, беписанд ерга ташларди. Ҳануз эсимда: Бу альбомлар ҳам худди болохонадаги китоблар каби, аллақандай раҳбарларнинг суратларига тўла бўлиб, уларнинг ҳам аксари аллақачон қамалгани учун (буни мен кейин билдим, албатта) юзларига кўк сиёҳ чаплаган, кўзлари ўйиб олинган, баъзи суратларнинг каллалари «кесиб» ташланган эди. Беписанд ҳарбий, (агар янглишмасам, у ҳам капитан эди) альбомларни кўздан кечираркан, дам улардаги кўзлари ўйилган, бошлари «кесилган» суратларга, дам дадамларга қараб:

– Кўришиб турибди, жа ғоявий эканлар!- дерди мийиғида кулимсираб.

Малласоч капитан эса ташқи хонадаги кутилар, сандиқ ва сандиқчалар, шкафларнинг тортмаларини очиб, улардаги буюмларни титкилар, латта-путталар орасидан алланималарни қидирар эди. Навбатдаги шкафга келганда ҳарбий ҳарчанд уринмасин, унинг пастки тортмаларини очолмади. Уйда бирорга шкаф ё сандиқ йўқ эдики, мен уни очолмасам. Капитаннинг қийналаётганини кўриб, мен кўлимга миҳ олдим у пилдираб бориб, шкафнинг тортмасини шартга очиб бердим. Капитан чеҳраси ёришиб кудди-да:

– Маллес!- деди бошимни силаб.- Келгусида Павлик Морозов чиқади сендан!

Капитаннинг бу кутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллодлар мақтовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда ўзимдан бир ижирғаниб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан фурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!

Шу пайт дадамларнинг:

– Сув!- деган овозлари эшитилди.- Бир пиёла кудуқ суви беринглар, юрагим куйиб кетяпти!

Уйда сув йўқ экан, опам йиғидан тўхтаб:

– Ўртоқ капитан!- дедилар ҳиқиллаб.- Рухсат беринг, укам кудуқдан сув олиб кирсин!

Капитан шкаф тортмасидан бошини кўтариб:

– Агар дод-войингни қўйсанг, рухсат бераман!- деди ва кудди.- Шундай чиройли қиз ҳам бунақа йиғлоқи бўладими?

Капитаннинг мени Павлик Морозовга ўхшатгани менга қанчалик хуш ёққан бўлса, унинг опамларга қилаётган сохта хушомоди шунчалик ёқмади. Лекин нима ҳам қилардим? Челақни олиб ташқарига отилдим. Ҳовлидаги чироқ ўчган, айвондан узоқроқда, қудуқ ёнидаги гужум панасида кимдир қоққан қозикдек қаққайиб турарди. Бу поччамлар эди. У лом-мим демасдан қўлидаги чақалоқни менга тутқазиб, қудуқдан ярим челақ сув олиб берди-да, шарпасиз одимлаб ҳовлининг қоронғи бурчагига қараб кетди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгувчи эдилар:

– Ўша куни поччангни худо ўзи асради! Агар поччанг опанг билан бирга келганида, ким билсин, уни ҳам бирга обкетишармиди бу тошбағирлар?

Ойимларнинг бу гапида жон бор эди, чунки тинтув тугаб, дадамларни олиб кетаётганларида ҳарбийлар шўрлик меҳмонларга Туркистондан кетишдан аввал НКВДга¹ бориб, рухсат олишлари шарт эканини уқтиришиб, қўлларидан тилхат олишди.

Мен ярим челақ сувни кўтариб, ичкарига кирганимда, дадамлар стулда ўтириб, оёқлари тагида ҳамон дод солиб йиғлаётган катта опамлар билан ойимларни тинчйтишга уринардилар. Азалдан қорамағиз одам, дадамлар бир зумдаёқ бамисоли оловда қолган арчадек қорайиб кетгандилар. Ойимлар токчадан коса олиб бердилар. Дадамлар бир коса муздай қудуқ сувини битта сипқориб:

– Қўй, йиғлама, қизим, йиғлама, Гулшан!- дедилар оғир ҳансираб.-

– Партия олдида тариқча гуноҳим йўқ! Ўртоқ Сталин тирик экан, бу туҳматлардан қутқариб олади ҳали!

Дадамлар қудуқ сувини косалаб сипқорар эдилар-у шу битта гапни қайта-қайта такрорлардилар:

– Партия олдида бегуноҳман, Гулшан! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, бизни буларнинг оёғи остига ташлаб қўймайди!

Мен ҳозир, шахсга сизғиш даврининг мудҳиш кирдикорлари, мудҳиш инқилоб доҳийлари, айниқса, Сталин ҳукмронлиги даврида юз берган шафқатсиз қатл-у қирғинлар, миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг бошига тушган гурбатлар, ота боладан, бола отадан айрилиб, одамларнинг кўз ёши дарё бўлиб оққан ўша зимистон йиллар ҳақида йиғлаганимда, дадамларнинг

¹ НКВД - ички ишлар халқ комиссарлиги атамасининг русча қисқартмаси.

Сталин тўғрисида айтган гапларини эслаб, ҳайрон бўламан. «Наҳотки отам бу қирғинбаротни кўрмаган-сезмаган бўлсалар, наҳот Сталин бу жабр-у ситамлардан беҳабар эди, деган содда, бемағтиқ сўзларга ишонган бўлсалар?»- деган фикр бот-бот кўнглимдан ўтади.

...Билмадим, тинтув қанча давом этди. Лекин дадамлар қудуқ сувини сипқора-сипқора, «Ўртоқ Сталин содиқ фарзандларини хор-зор қилиб қўймайди»,- деган гапни такрорлай-такрорлай, ярим челақ сувни ичиб тугатганлари эсимда.

Мен кейинчалик бу гапни айтсам кўплар ишонмай:

– Қўйинг-э, одам боласи ярим челақ сувни ича оладими?/- дегувчилар ҳам бўлди, аммо мен, ўн-ўн бир яшар бола, буни ўз кўзим билан кўрганман, дадамларнинг ўша сўзларини ўз қулоғим билан эшитганман! Ичи ёниб кетаётган одам ярим челақ у ёқда турсин, бир челақ сувни ҳам ичади!

Ниҳоят, тинтув тугади. Дадамларга кийинишни буюрдилар. Ойимлар билан опамларнинг ноласи кўкка чиқиб, уйимиз аччиқ фарёддан зир титради. Ойимлар дадамларнинг елкасига палтосини илдилар. Меҳмонларга тузалган дастурхондан илинган нарсани рўмолга тугиб, қўлларига тутқаздилар.

Боягидан ҳам баттарроқ қорайиб, бир зумда аллақандай озиб, мункайиб қолган дадамлар аввал ҳамон фарёд чекаётган ойимлар билан опамлар, сўнгра қақшаб-қалтираб қолган укаларимнинг пешоналаридан ўпдилар-у, навбат менга келганда:

– Ҳай, аттанг!/- дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлувдим. Шуниям эплаёлмадим-ов, болам!

Бутун тинтув давомида кўзимга ёш олмаган, «келгусида Павлик Морозов бўласан», деган сўзлардан шишиб кетган норасида, бирдан ҳамма нарса: дадамларнинг ҳеч қачон эркаламаганини ҳам, дўкондан қимиз тополмай қайтганимда графинни қулочкашлаб отганлари ҳам - ҳаммаси эсимдан чиқди-ю аламли чинқириқ билан дадамларнинг тиззаларини кучоқлаб олдим...

...Бир неча ой ўтди. Бу орада хонадонимиз мотамсаро бир маконга айланди. Қиш яқинлашиб қолган, кун сайин унинг қаҳрли вафаси кучайиб

борар, уйда эса на ўтин бор, на кўмир!.. Биз танча қуриб бир амаллаб кун кечирамиз.

Ҳафтада бир марта, янглишмасам, шанба кунлари дадамга овқат олишади. Ойимлар бир амаллаб топган-тутганларини пиширадилару тонг маҳал у киши билан бирга авахтага равона бўламиз.

...Ҳар шанба тиканли сим билан чегараланган бу қалъа рўпарасига 150-200 аёл, чол-камширлар йиғилишади, булар «халқ душманлари»нинг оила аъзолари. Ёш-ёш жувонлар, қалтираб-қақшаб қолган кексалар ҳибсхона ходимларининг овқат қабул қилишини кутиб, эрталабдан кечгача тиканли сим олдида дийдираб туришади. Ойимлар гоҳида қамоқхонага мени ҳам етаклаб боришларига сабаб - мабодо дадамлар билан юз кўришиш насиб этса, отамлар мени кўриб қолсинлар деган ниятда эдилар. Лекин дадамларни бирор марта кўрсатишмади, кўрсатишмаганлари ҳам майли, бот-бот олиб борган овқатларимизни қабул қилмасдан қайтариб юборишарди. Гоҳо мен бир неча соат маҳтал бўлиб кутганимдан кейин бирои баҳонани рўқач қилиб, ҳибсхонанинг шундоқ ёнгинасидаги шаҳар боғига қараб чопардим. У ерда худонинг кунни борки, митинг бўлар, шаҳар мактабларидан ноғоралар гумбури ва карнай-сурнайлар садоси остида пионерлар¹ ва ҳатто октябрлар² саф тортиб боққа келишарди. Боғ ўртасига қизил алвон билан ўралган улкан минбар ўрнатилган бўлиб, чарм палто кийган, тўппонча таққан фаоллар унга чиқиб ваъз айтишар, ваъзларнинг аксарияти тротскийчилар³ ва уларнинг «дум»ларини фош қилишга бағишланарди.

Бу ваъзхонлиқнинг даҳшатли томони шунда эдики, бугун Тротскийнинг «дум»ларини фош этиб, оташин нутқ сўзлаган нотиқларнинг аксари эртасига ўзлари «дум»га айланиб, фош этилганлар рўйхатига тушиб қолишарди.

Мени бу митингларга боришга нима чорлаганини ҳануз тушунолмаيمان. Афтидан, карнай-сурнай ва ноғоралар садоси, саф тортиб ўтайдиган тенгдошларимнинг қувноқ ва жўшқин қўшиқлари бўлса, ажаб эмас.

¹ Пионер (лот. биринчи) - советлар ҳимоялари 10-11 ёшли ўсмирларнинг сиёсий ташкилоти.

² Октябрят - октябр болалари 7-9 яшар болалар уюшган ташкилот.

³ Тротскийчи - Сталиннинг мухолифи бўлган сиёсий арбоб Л. Троцкий тарафдорларига берилган қораловчи сиёсий ёрлик.

Чунки бу гумбур-гумбур садолару оташин кўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаприқиб кетаверарди. Фақат бир нарса мурғак қалбимни эзар, у ҳам бўлса, минбарда туриб айтиладиган нутқларда баъзи-баъзида дадамларнинг номи ҳам «дум»лар қатори тилга олинарди. Лекин шундай пайтларда дадамларнинг Сталин ҳақидаги сўзлари эсимга гушардию юрагимга қуйилиб келган аламли туйғуни ҳайдардим. Бу ҳол токи шаҳар комсомол¹ кўмитасининг котиби билан юзма-юз келгунимча давом этди.

Бу ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга кўшни эди. Оиламиз бошига мусибат тушгунга қадар, у хонадонимизга бўзчининг моксидекс қатнар, дадамлар билан кечалари узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. У ўша ёзда уйланган, хотини ҳам ўзига ўхшаш кўхлик, хушқад, хушсурат эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбоши бўлган, ойимларнинг айтишича, унга моддий ёрдам ҳам берган эканлар. Дадамлар қамалганларидан кейин ён кўшнимиз қорасини ҳам кўрсатмайдиган бўлди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки шогирд тугул қариндош-уруғлар ҳам, бу оғир, гурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта-яримта келса ҳам кечалари кўрқа-писа келиб, сўнг девор паналаб қайтиб кегарди.

Шанба куни эди. Чамаси, қамалганлар сони кўпайган, чунки авахтага овқат кўтариб келганлар сони анча ортган, навбат кутаётганларнинг думи кўринмасди. Кун совуқ, севалаб майда ёмғир ёғарди. Шу боисданми, ойимлар мен сўрамасданоқ уйга кетишга руҳсат бердилар. Мен тинимсиз ёғаётган ёмғирдан дийдираб, уйимизга томон равона бўлдимю тўсатдан боғ томонда янграган ноғоралар гумбурию карнай-сурнайлар садосини эшитиб, беихтиёр тўхтадим. Ноғоралар ва карнай-сурнайлар навоси борган сари авжга чиқмоқда, чамаси, одатдагидан ҳам катта митинг бошланмоқда эди. Ўргатилган отга ўхшаб яна ноғоралар гумбурлаётган томонга бурилдим. Ҳақиқатдан ҳам ёмғирга қарамай, пионерлар ҳар томондан саф-саф бўлиб боққа ёпирилиб келишарди.

Дарвозага яқинлашиб қолганимда ногаҳон рўпара томондан келаётган кўшнимиз - шаҳар комсомол кўмитасининг котибига кўзим тушди. У бир ўзи эмас, чарм палтолик ҳарбий одам билан уч бурчак соқол қўйган, жиккаккина мўйсафид қуршовида келарди.

¹ Комсомол - коммунистик ёшлар иттифоқи сўзларининг русча қисқартмаси.

Котибни кўришим билан негадир юрагим «шув» этиб, боққа шўнғишта чоғландим, аммо котиб бир сакрашда йўлимни тўсиб, билагимдан шаппа ушлади-да:

– Ҳа, қашқирдан туғилган қашқирча!- деди титроқ босиб.

– Битта шалтоқ бузоқ бир подани бузади! Бўйнингга сохта қизил галстук¹ тақиб, бу софдил пионерларни бузмоқчимисан? - У қўлимни огритиб сиққанча ўзига торта бошлади. Лекин шу пайт жиккак мўйсафид:

– Қўйиб юбор, болапақирни,- деди орага тушиб.- Ўртоқ Сталин айтди-ку, бола отаси учун жавоб бермайди, деб. Гуноҳи нима бу норасиданинг?

Ёш котиб қовоғидан қор ёққанча бир қарияга, бир чарм палтоли ҳарбийга қаради-да, қўлимни қўйиб юборди ва: «Йўқол кўзимдан!»- деб ўшқирди.

Шундан кейин нима бўлди, нима қўйди - ҳозир эсимда йўқ, фақат котибнинг омбирдек метин чангалидан чиқдимۇ томоғимни гип бўққан кўз ёшини юта-юта, саф-саф бўлиб ўтаётган бахтли тенгдошларим ёнидан катта кўча томон отилдим....

* * *

Дадам ҳибсга олингандан сўнг уч-тўрт ой ўтди ҳамки, у киши билан бирор марта кўриша олмадик. Бутун шаҳар ҳануз таҳликада, ҳамма жойда, ҳатто мактабларда ҳам душман қидириш давом этарди. Сира эсимдан чиқмайди. Ўша йили рус шоири Пушкин вафотининг 100 йиллиги нишонланар эди. Бу ғамгин санага аталиб қанақа тадбирлар белгиланди, қанақа китоблар чиқарилди, қанақа мажлислар, адабий кечалар ўтказилди - буни билмайман. Аммо ўша санага аталиб ўқувчилар учун дафтар чиқарилгани ёдимда. Миллион-миллион нусхада чиқарилган бу дафтарларнинг олд муқовасида болаликдан ҳаммамизга таниш жингалак соч, хабашчеҳра шоирнинг сурати босилган, муқованинг охириги бетига эса шоир эртақларидан бирига чизилган сурат берилган эди. Аввал бошда ҳеч қандай гап йўқ эди. Кейин тўсатдан шаҳарда, жумладан мен ўқийдиган Ленин номидаги мактабда ҳам ваҳимали миш-мишлар тарқалди. Гўё Пушкин юбилейига чиқарилган бу дафтарлар, тўғрироғи, дафтар муқовасидаги суратларга аксинлиқилобий сўзлар битилганмиш! Кимки Пушкиннинг соч

¹ Галстук - пионерлар бўйига тақадиган махсус қизил боғич.

ва соқоллари, айниқса, муқова охиридаги эртақларга чизилган суратларни эътибор билан кўздан кечирса, шоирнинг жингалак сочларию эртақларига чизилган суратларни ҳушёрлик билан нигоҳидан ўтказса, маккорона битилган аксилнқилобий сўзларни топиши мумкин эмиш!

Мен ўқийдиган 3-»А» синфида ёши анчага борган, тишлари тўкилиб қолган, аммо жуда мулоим, меҳрибон рус кампири дарс берарди. Бир ойдан бери бу кампир - ҳозир исми-шарифи ёдимда йўқ - касал бўлиб, ўрнига ёш татар йигитча дарс бера бошлаган эди. Қаттиқ оқсоқланиб юрадиган бу йигитча бизга қўшни бўлмиш райком котибининг қайниси бўлиб, дадам қамалганларидан кейин менга ўқрайиб қарай бошлаган эди. Аммо ҳаётнинг ўйинини қарангки, дадамлардан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас ёш ўқитувчимизнинг поччаси ҳам ҳибсга олиниб, «халқ душмани» деб эълон қилинган эди. Шу-шу баттар мунғайиб, аввалгидан багтар оқсоқланиб қолган ўқитувчи менга ачиниб қарайдиган, йўлакдами, ҳовлидами - танҳо юрганимни кўрса, бошимни силайдиган бўлиб қолганди. «Пушкин суратлари ичига қабиҳ аксилнқилобий сўзлар ёзилган эмиш», - деган гап тарқалган куни ёш ўқитувчимиз синфимизга жуда хомуш бир қиёфада кириб келди. У мунгли кўзлари билан болаларга узоқ тикилиб тургач:

- Болалар!- деди аллақандай ёлвориб.- Қани, кеча тарқатилган дафтарларингни олинлар-чи! Ҳалиги... Муқоваларига Пушкин сурати солинган дафтарларингни айтяпман!.. Олдиларингми? Эҳтимол, эшитгандирсизлар, ашаддий душманларимиз маккорона чизилган ҳарфлар воситасида СССРга¹ қарши сўзлар ёзишипти! Бу мудҳиш сўзларни топган пионерлар бор. Уларнинг суратлари эртага фахрий доскага осилади. Наҳот бизнинг синфимизда бирорга ҳушёр пионер топилмаса? Қани, суратларга яхшилаб қаранглар! Шояд сизлар ҳам душманларимизнинг бу қабиҳ сўзларини топиб, уларни фош этсаларинг!

Ёш ўқитувчи шундай деб менга ўзгача умид билан қараб қўйди. Ҳар қалай менга шундай туюлди-ю олдимдаги дафтарга чизилган суратларга тикилиб, жон-жаҳдим билан маккорона чизилган ҳарфларни қидира бошладим.

¹ СССР - Совет социалистик республикалар иттифоқи атамасининг русча қисқартмаси.

Асабларим таранг тортилган, миям назаримда лағча чўққа айланган эди. «Наҳотки жонажон ҳукуматимизга қарши ёзилган бу мудҳиш сўзларни топиб, душманларнинг кирдикорларини фош этолмасам? Йўқ, топаман! Топганда ҳам биринчи бўлиб топаман. Иккинчи бўлишнинг фойдаси йўқ! Тўхта, шоир елкасидаги мана бу гажак тола нимани эслатади? «С» ҳарфининг ўзгинаси-ку! Унинг ёнидаги гажак-чи! У ҳам «С»! Унинг ёнидагиси ҳам! Мана буниси «Р» нинг ўзгинаси-ку! Вой, тавба! Бу баттоллар «СССР» деб ёзиб қўйишибди-ку, боядан бери шуни ҳам кўрмабман-а?... Мана бу гажак тола-чи? Қўйиб қўйгандек «Д» ку! Ундан кейинги гажак-чи? «О»нинг худди ўзгинаси-ку! «О» бўлган жойда «Л» ҳам бўлиши керак! Мана «Л»! Ёнгинасида эса «Ой» га ўхшаш икита гажак қаторлашиб турибди! «Долой СССР!, «яъни Йўқолсин СССР!» деган гап-ку бу!»

Мен ҳаяжондан бўғилиб:

– Топдим, муаллим, топдим!- деб бақириб юбордим.

Мажруҳ ўқитувчим текис полда қоқиниб-суришиб, оқсоқлана-оқсоқлана ёнимга келди. Синф тўла ўқувчилар ҳам «гурр» этиб ўринларидан турдилар-да, устимга ёпирилдилар.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб, улуғ шоирнинг жингалак сочлари орасидан топган мудҳиш ҳарфларни кўрсата бошладим. Ниҳоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошларимга мағрур қарадим. Синфга чўккан оғир сукунат ичидан тўсатдан ўқитувчимизнинг:

– Маладес!- деган хитоби эшитилди.- Ҳушёр пионер деб шуни айтадилар!

Ҳамма менга ҳасад билан қарар, мен ўзимни чинакам қаҳрамон деб ҳис қилардим.

– Қани, дафтарларингни йиғиб беринглар! Бир соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб тўпланди. Ҳаммамиз бирга бу мудҳиш дафтарни ёқиш маросимида қатнашамиз!

Ўқитувчимиз оқсоқлана-оқсоқлана синфдан чиқиб кетди, лекин бир соат тугул икки соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Сўнг дафтарларни ёқиш маросими бошқа кунга қолдирилибди, деган хабар келиб, уй-уйимизга тарқалдик.

Кечқурун мен кундузи бўлган воқеани ҳаяжондан энтика-энтика оймларга айтиб бердим.

Оймлар мен кутган мақтов ўрнига:

– Ҳой, болам-ов, болам-ов!- дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб,-
Сенга нима бўлди, болам-ов!

– Менга нима бўпти? Нега бундай деяпсиз, ойижон?- дедим ранжиб.

– Ҳеч нима. Илоё дадангга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлма. Оллоҳдан биттаю битта тилагим шу, болам.

Ойимларнинг гапига яхши тушунмадим. Эрталаб мактабга, тўғрироғи залда осилган ҳурмат тахтасига қараб чопдим. Надоматлар бўлсинким, рўйхатда менинг номим йўқ эди! Кўзларимга ишонмай рўйхатга бир неча марта кўз югуртириб чиқдим: на номим, на суратим бор! Душманнинг ёвуз кирдикорини фош этган ҳамма ҳушёр пионерларнинг сурати ҳурмат тахтасига осилган-у, битта менинг суратим йўқ! Афтидан, кимдир халқ душмани фарзандининг суратини ҳурмат тахтасига осиб мумкин эмаслигини айтиб, мендан ҳам ҳушёрроқ бўлган!

* * *

Ниҳоят, дадамлар билан видолашадиган кун ҳам келди. Видолашишга уч кишига рухсат берилган эди: ойимлар, катта опамлар ва менга! Шу боисдан бўлса керак, қариндош-уруғлардан ҳеч ким, на дадамларнинг укалари, на ёр-дўстлари - ҳеч ким келмади. Ойимлар билан опамлар кечаси ухлашмай, дадамлар учун буғдой талқон, сўк талқон ва яна аллақандай нарсалар тайёрлашди. Чунки бу пайт дадамлар озод бўладилар деган умид ожиз милтираб турган шамдай сўнган, у кишини узоқларга олиб кетишлари чамаси ойимларга аён эди.

Эрталаб тўрва-халталарни кўтариб қамоқхонага йўл олдик. Бу сафар бизни кўп куттиришмади. Белига чойнақдай тўппонча тақиб олган ҳарбий бизни узун, тор, нимқоронғи йўлакдан ичкарига бошлади. Йўлакнинг ярмига борганда ўнг қўлдаги эшикни очиб, бизга йўл берди. Чоғроққина тўртбурчак хонанинг тўридаги стол олдида гимнастёрка кийган, сочлари ошпоқ бир одам алланималарни ёзиб ўтирарди.

Дадамлар бурчакда курсида ўтирган эканлар (мен аввал у кишини танимай қолибман!) биз киришимиз билан дик этиб ўринларидан турдилар. Азалдан барваста, тўладан келган, новча одам бир-икки ой ичида чўпдай озиб, лунжлари ичига ботган, кўзлари киртайиб, қирғий бурни суррайиб қолган эди. Яна қамалган кечасидек йиғи-сиғи бошланди. Ойимларку, юзини рўмолга яшириб, жимгина титраб йиғлар, лекин

опамлар... Дадамларнинг бўйинларига осилиб олган опамларнинг фарёди тор хонани зир титратарди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгувчи эдилар:

– Ноинсофлар жилла қурса ярим соат ҳам фурсат бермадилар. Даданг шўрликнинг дийдорига ҳам тўймадик. Берган чорак соатлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди...

Бу сафар чорак соат давом этган видолашув вақтида дадамлар бирор марта Сталиннинг номини тилга олмадилар, қамалган кунларидагидек: «Мен партия олдида гуноҳкор эмасман! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, мени оёқости қилиб қўймайди!»- демадилар. Билъакс, бир неча марта кўзларига ёш олиб:

– Мени кечир, Гулшан. Аёл бошинг билан беш болани қандай боқасан, ақлим бовар қилмайди. Энди юз кўришишимизга ҳам кўзим етмайди, кечир мени!- дедилар.

Ҳар сафар дадам шундай деганларида столга мукка тушиб, алланималарни ёзаётган киши:

– Ҳой, Ёқубов!- дерди қоғоздан бош кўтармай.- Сенга нима бўлди? Ёш боламисан, Ёқубов!

Ниҳоят бу одам қаршисидаги деворга осилган алмисоқдан қолган девор соатига кўз ташлаб:

– Фурсат тугади, Ёқубов, энди хайрлашинглар!- деб буюрди.

Опамларнинг нидоси баттар авжига чиқди. Ойимлар озгина пул олиб келган эканлар, дир-дир титраган қўллари билан дадамларга тутди, дадамлар эса:

– Болаларингга ярат, Гулшан!- деб ёлворар эдилар. Лекин ойим кўнмай ахийри пулни олишга мажбур қилдилар.

Ойимлар келтирган пул бор-йўғи эллик сўм бўлиб, ўнга беш сўмликдан иборат эди. Дадамлар пулни қийнала-қийнала оларканлар, беш сўмликлардан бирини менга узатдилар. Ойимлар мендан пулни олиб дадамларга қайтариб бермоқчи бўлгандилар, дадамлар кўнмадилар, кафтларини бошимга қўйиб:

– Сен энди бу уйдаги энг катта эркаксан, болам,- дедилар ва яна кўзларига ёш олдилар.- Ойингга ёрдамлашиб, укаларингга қараб тургин, болам!

Дадамлар шундай деб беш сўмликни чўнтагимга солдилар.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлган эдим,

бу ҳам насиб этмади. Бу пулга дафтар, китоб ол! Қолганига музқаймоқ олиб е, ўғлим!..

Боядан бери ойим ва опамларга қўшилиб йиғлашни ўзимга эп кўрмай суррайиб турган бола, тўсатдан, худди дадамларни олиб чиқиб кетаётган пайтларидагидек, юрагимда нимадир дарз кетгандек туюлди-ю, НКВД ходимининг мақтовлари ҳам, аксилинқилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим ҳам - бари ёдимдан чиқиб: «Далажон!»-деганча отамнинг тиззасини қучоқлаб олдим.

Савол ва топшириқлар:

1. Асарда тасвирланган қаҳрамонларнинг ташқи кўринишлари ва кийимларини эслаб қолинг. Уларнинг нега шундай кийинганлигини изоҳланг.

2. Дадаси болага нима сабабдан музқаймоқ олиб бермоқчи бўлди?

3. Дадасининг баджаҳллиги борасидаги боланинг тасавури тўғрими? Графинни сиңдириб қўйган ўёлига бўлган муносабати отанинг асл қиёфасини билдирадими? Йўқми? Буни сиз қандай аниқладингиз?

4. Уйларини тинтаётган ҳарбийларга ёрдам берган ва улардан бирининг мақтовидан яйраб кетган боланинг табиати ҳақида мулоҳаза юритинг.

5. Павлик Морозов кимлигини, унинг «қизмати» нимадан иборатлигини биласизми? Билмасангиз, ўқитувчингиздан сўраб олиб, ҳикоя қаҳрамонини у билан таққосланг.

6. Бола опасига хушомад қилган капитанни нимага ёмон кўрди деб ўйлайсиз?

7. Отанинг Сталин ва коммунистик партияга бўлган ишончни ифодаловчи гапларини изоҳланг.

8. Боланинг «...гумбур-гумбур садолар-у оташин қўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаприқиб кетаверарди,»-деган сўзларини изоҳланг. Ўзингизни бола ўрнига қўйиб кўринг.

9. Асар матнига таянган ҳолда комсомол кўмитасининг котиби табиатига хос сифатларини изоҳлаб беринг. У қандай одам?

10. Пушкин суратидан СССРга қарши ёзилган сўзларни тошган бола ҳақида нима дейсиз? Дафтардаги суратда чиндан ҳам шундай сўзлар бўлган деб ўйлайсизми? Бўлмаса, ҳикоя қаҳрамони уларни қаердан олди?

11. Боланинг бу ишига онаси муносабатини тушунтиринг.

12. Ҳурмат тахтасига номи ёзилмаганлиги болага қандай таъсир қилди? Бу ҳолнинг сабаби нима?

13. Одамлар ўртасидаги ўзаро ишончни йўқотишга, уларни бир-бирларига ён қилишга интилган давлат тартиби ҳақида қандай фикрдасиз?

14. Отанинг боласига музқаймоқ олиб беролмагани учун бунчалик хафа бўлганлиги сабабини тушунтиринг.

15. Бола отаси билан хайрлашаётган чоғда чинқриб, унинг оёғини кучоқлаб олганлиги сабабини изоҳланг. Ҳикоя қаҳрамони табиатини тавсифланг.

16. Она тилидан олган билимингизга таяниб, ҳикоячининг: «...ҳамон икки оёғим қўлимда, ялангоёқ, яланбош, кўча чангитиб дадамларнинг маҳкамасига чопдим» гапидаги иборани топиб, изоҳланг.

17. Тестларга жавоб топинг.

1. “Музқаймоқ” ҳикоясининг мавзуси тўғри белгиланган жавобни топинг.

А. Ватан хоинларининг жазоланиши Б. Боланинг ўз отасини яхши кўриши
С. Отанинг ўз оиласига садоқати Д. Ҳукумат одамларининг янглишганликлари
Е. Қатағон йиллар воқеалари тасвири

2. О. Ёқубов ҳикояга асос бўлган воқеаларни қасрдан олган?

А. Ўз ҳаётидан Б. Китобдан ўқиган С. Мактабдош дўстининг ҳаётидан
Д. Қуролдош ўртоғи гапириб берган Е. Тўқиб ёзган

3. Боланинг дадаси қандай одам эди?

А. Ҳукумат олдидаги жиноятчи Б. Халқ душмани С. Адолатсиз жамиятдан норози киши
Д. Ўзгалар гуноҳини бўйнига олган фидойи Е. Туҳматга қолган ҳалол инсон

ШАЙХЗОДА

(1908 - 1967)

ЎЗИМ ҲАҚИМДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Шоирнинг ўзи ҳақида сўзлаши ҳам гоят қийин ва ҳамда жуда осон гап. Чунки шоир ўз фазилатларини (бу фазилатлар агарда ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлсалар) айтиши, одатда камтарликка хилоф деб баҳоланади; ўзининг нуқсонларини эса ё билмаслиги мумкин ва ёки билса-да, айтгиси келмаслиги мумкин. Нега осон? Чунки шоир ижодининг тарихини ва ривожланиш йўлини ҳеч ким муаллифнинг ўзи қадар аниқ билиши мумкин эмас.

Мен агар азиз китобхонларимга ҳали алифбони эгалламасдан олдин шеър яратганман, деб айтсам, улар балки меннинг бу гапимни ё ҳазил, ёки бир муболағадир, деб талқин қилишлари мумкин. Аммо бу чин гап. Менинг отам раҳматлик, одатда, болаларга шеър ўқиб берар ва кейинча айрим сўзларни айтиб бериб, шу сўзга мос қофия топишни биздан талаб қилар эди. Қофия, ҳам вазн оҳангига қулоғим ўрганиб кетиб, мен беш яшарлигимда саккиз-ўн мисрадан иборат бир «масал» тўққангим эсимда. Албатта, муайян фикр ва сюжетдан ҳоли бўлган бу «масал» бўри билан олмахон ҳақида тўқилган эди. Ҳар қалай, шеърга муҳаббат умримнинг илк йилларидан бошлаб қонимга, қалбимга, фикримга сингиб кетганини журъат билан айта оламан.

Ҳозир чўглаб қарасам, Тошкентда бир вақтлар чиқиб турган «Шарқ ҳақиқати» газетасида биринчи шеърим босилганига (1929) 34 йил бўлибди... Албатта, шоирнинг ҳамма ёзган асарлари бир даражада яхши бўлиши амри



маҳолдир. Лекин фикримча, шоир ўз ёзган асарларидан доимо қаноатланмаслик ҳиссини туйиши шарт. Мен, шахсан, доимо бирон шеърни ёки дostonни тугаллаб, бир неча кун ўқймай ташлаб кўяман ва кейинроқ ўқиб кўрсам, ўзимда аллақандай норозилик туяман. Менга шундай туюладики, кўлимдаги асарни ёзганимдан кўра дурустроқ ёзиш кўлимдан келар эди. Аммо, афсуски, тайёр асарни, турли сабабларга кўра, бутунлай йиртиб ташлаб, ўша мавзуда тамомила янги бир асар ёзиш ҳамма вақт ҳам муяссар бўлавермайди.

...Мен ҳам 25га яқин шеърини тўпламлар нашр эттирдим.

Шоир биринчи галда ўз ватанининг фуқароси, халқининг хизматкоридир. Инсон руҳини тарбиялаш, одамда яхшилиқ унсурларини кўпайтириш, халқда гўзаллик ва нафосат туйғусини янада баланд даражага кўтариш... санъатнинг муқаддас вазифасидир.

Бу муқаддас вазифага мен ҳам ўртоқларим қаторида бир қатра ҳисса қўшган бўлсам, демек, дунёда беҳуда яшамабман, деб ҳисоблашга ҳаққим бор...

Мақсуд Шайхзода. 1964 йил.

ЙИЛЛАРНИНГ САЛОМИН ЙИЛЛАРГА ЭЛТИБ

Йиллар ўтиб кетар биздан сўрамай,
Якшанба, душанба, сешанба каби.
Кундузлар тунларнинг сочин тарамай,
Ўполмас тонгларнинг пушти ранг лабин.
Ҳа, йиллар ўтади, замон кетади,
Сен ва мен қоламиз, азиз биродар.
Юрт қолар, эл-улус қолар абадий,
Ва биз қувонч ташиб почталон қадар.
Йилларнинг саломин йилларга элтиб,
Борамиз йўллардан йўлларга ўтиб.
Инсон бир шаҳардан бўлак шаҳарга
Кўчиб борганида нелар ўйларкан?
У ерда қолдирган кўприкни, боғни,
Қузатгани чиққан эски ўртоқни.
Бир йилдан иккинчи йилга кўчганда
Неларни ўйлаймиз, биродар, бугун?

Муаззам ютуқлар эсга тушганда,
 Юраклар яшамоқ ҳақидан мамнун.
 ...Йилни нима билан ўлчамоқ мумкин?
 Уч юз олтмиш беш кун дейиш биланми?
 Йиллар бир-бирига тенг келармикин?
 Замон кун соними ёки планми?..
 ...Инсон бир шаҳардан бўлак шаҳарга
 Кўчиб борганида нелар тиларкан?
 Хиёбон йўлларни, шинам уйларни,
 Ишнинг баракасин, янги куйларни.
 Бир йилдан иккинчи йилга кўчганда
 Неларни тилаймиз, биродар, бугун?
 Йўллар ва ақллар келтирсин қувонч,
 Тоғдай маҳкам турсин шу Ватан - Таянч.
 Ва рақамлар тилга кириб куйласин,
 Тилларчи: рақамдай ростгўй сўйласин.
 Янги йил оширсин фикр ўтини,
 Ишчининг, куйчининг қалб эҳтиросин.
 Бор экан ҳукамо панди - удуми:
 «Фарзандлар орттирар ота меросин...»

1961 йил.

Савол ва топшириқлар

1. Вақтнинг тўхтовсиз ҳаракати шоир томонидан қандай образли ифода билан тасвирланган?

2. «Кундузлар тунларнинг сочин тарамай, Уполмас тонгларнинг пушти ранг лабин» мисраларининг тағ маъноси ва бадий таъсир даражасини аниқланг.

3. Вақт ва инсон муносабатлари аке эттирилган мисраларни топинг ва улардаги бадий маънони шарҳланг.

4. «Йилни нима билан ўлчамоқ мумкин?» деган саволга шеър матнига таянган ва ўз фикрингизга асосланган ҳолда жавоб беринг.

5. Инсон, унинг тилаги ва меҳнати ҳақидаги фалсафий ўйлар аке ўтган мисраларни изоҳланг.

6. «Муаззам ютуқлар эсга тушганда, юраклар яшамоқ ҳақидан мамнун» мисраларига яширинган бадий жозибани топинг.

7. «Тиллар-чи: рақамдай ростгўй сўйласин» мисрасининг маъносини тушунтириб беринг.

2. «Янги йил оширсин фикр ўтини» сатрида акс эттирилган мазмунни шарҳлашга урининг.

3. Шеърдаги «Фарзандлар орттирар ота меросин» мисрасидаги фарзандлар сўзи орқали нималар кўзда тутиляпти-ю, ота сўзи орқали нима назарда тутилмоқда? Бу жумла нимага қўштирноққа олинган деб ўйлайсиз?

4. Шеърдан бирор парчани ёд олинг.

ТЎРТЛИКЛАР

Фанимат саналур, ҳар лаҳза, ҳар пайт,
Айтганингни қилгин, қилгусингни айт!
Гўзаллик диёрин гражданисан,
Ёмонни йўқотиб, яхшини кўпайт!

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан
Уни тиригида бир соат йўқланг!

Савол ва топшириқлар

1. Шоир биринчи тўртлик орқали айтмоқчи бўлган фикрни тушунтиринг: «Айтганингни қилгин, қилгусингни айт» мисрасини шарҳланг.

2. «Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг» деган даъват замиридаги мазмунга эътибор беринг. Бу сўзнинг асл маъносини аниқлашга урининг.

3. Ўзингизга ёққан тўртликни ёд олинг.

4. Шайхзода тўртликларига ўхшатма қилиб, шеър ёзишга уриниб кўринг. Ёзганинғизни ўқитувчингизга кўрсатинг.

5. Қуйидаги тест саволларини ечинг.

1. «Йилларнинг саломин йилларга элтиб» шеърда шоир ўқувчини нимага ундайди?

А. Вақт ғаниматлигини билиб, умрни мазмуни ўтказишга Б. Бир шаҳардан бошқасига боришдан олдин яхшилаб ўйлашга С. Ўткинчи бу ҳаётда беғам яшашга Д. Ўзгаларга яхши тилаклар билдиришга Е. Ўзига қолган меросни кўпайтиришга

2. «Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг» тўртлигида ифодаланган фикрни белгиланг.

А. Дўстликни асраш Б. Яхшилар билан бўлиш С. Инсон ғаниматлиги Д. Одам ўлганда йиғламаслик Е. Бировникида бир соатдан ортиқ турмаслик кераклиги.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

(1941 йилда туғилган)



Замонавий ўзбек насрининг тараққиётига катта ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчи Ўткир Ҳошимов 1941 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. У ўрта мактабни олтин медал билан битиргач, 1959-1964 йилларда Тошкент Давлат (ҳозирги Миллий) университетининг журналистика бўлимида ўқиди. Олий маълумот олиш учун ўқиш билан биргаликда ишлади. Ў. Ҳошимов аввал «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ишлади. 1966 йилдан «Тошкент оқшоми» газетасида бўлим мудирини, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. «Шарқ юлдузи» журналининг Бош муҳаррири лавозимида ишлаган даврида Қуръони Каримни ўзбек тилига таржима қилдириш ва уни босиб чиқаришда чинакам жонбозлик кўрсатди. Ў. Ҳошимов биринчи ва иккинчи қаҳирини Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутаты бўлган.

Ўткир Ҳошимов ҳам кўпчилик қатори ижодини шеър ёзишдан бошлади. Унинг дастлабки китоблари ҳали талаба эканидаёқ босилиб чиқди. Очерклар тўпламидан иборат биринчи китоби 1962 йилда «Пўлат чавандоз» номи билан нашр этилди. Сўнгра «Чўл ҳавоси» (1963), «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди» (1970), «Қалбингга қулоқ сол» (1973), «Узун кечалар» (1975), «Нимадир бўлди» (1976), «Қуёш тарозиси» (1980), «Дунёнинг ишлари» (1982) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари ҳамда «Нур борки, соя бор» (1979), «Икки эшик ораси» (1986), «Тушда кечган умрлар» (1993) романлари босилиб чиқди. 1974 йилда «Бировнинг ташвиши» драмаси саҳналаштирилди.

Бундан ташқари, Ўткир Ҳошимов Ўрта Осиё республикаларининг қатор театрларида намоён қилинган «Тўйлар муборак», «Сиздан угина, биздан бугина», «Қатағон» каби пьесаларнинг муаллифидир.

Ўткир Ҳошимов Э. Хемингуэй, К. Симонов, А. Куприн, О. Бергголтс сингари ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ўз навбатида, адибнинг бир қанча асарлари чет тилларга ўгирилган.

Ўткир Ҳошимов 1982 йилда «Дунёнинг ишлари» қиссаси учун Ойбек номидаги, 1986 йилда «Икки эшик ораси» романи учун Ҳамза номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлган. Адибга 1991 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони, 2001 йилда эса «Буюк хизматлари учун» ордени берилган.

УРУШНИНГ СЎНГИ ҚУРБОНИ

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллақачон баҳор келиб кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо бу тўғрида ҳеч ким ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай гаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи теккан қуроқ дастурхон ҳам, ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан қўл силтади-ю дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жим-жит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун миҳга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди. Шоикром уйқу элта бошлаган кўзлари билан ўша томонга бир қараб қўйди-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоққа, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тағин ғашланди. «Зиқна бўлмай ўл!- деб ўйлади хотинини сўкиб.- Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди».

Ичкарида чақалоқ йиғлади. Бешикнинг ғичирлагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди.

– Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

«Қамбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи, - деб ўйлади Шоикром ижирғаниб.- Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтер этишмасмиди, ё ўзи яхши ишлармиди, ҳар қалай, уни олиб қолишди. Шоикром урушнинг бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса, ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронғи бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган бўлсаям, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз кўпиши кўриниб қолган бўлсаям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у қўшникида аза очилади, ҳали бу қўшникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйлангандан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқавергандан кейин Умри хола рўзгоринг бошқа бўлса, ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонемат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги униққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япалоқ мусулмон ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

– Ҳали ухламовмидинг?- деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

– Кўрмайсизми, чақалоқ тинчитмаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да,- деди Умри хола юпатувчи товушда.- Ётавер, болам.- У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнона-келин бир бало қилиб, болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқишди. Хадича бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида зоғора нон келтириб дастурхон устига қўйди.

- Чой ўлиб қопти,- деди у зоғора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак¹ кўрпачага ўтирди.

- Ол ўзинг ҳам,- деди у томирлари бўртиб чиққан қўллари билан сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

- Овқатингдан қолдими?- деди у чўккалаб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Хадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун говушда узр сўради.

- Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сездди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа дедгандир...

- Йўқ, болам, овқат керакмас,- деди Умри хола шошилиб.- Хаёл суриб ётиб уйқум ўчиб кетди... - У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин кўшиб қўйди. - Пайшанба куни Комил табибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

- Ҳозир қўй сути қатта,- деди Хадича. - Сигир сути отлиққа йўғу... Шу пайтда сигиримиз тукқан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида дераза остида пастак шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод қурилишида ишлаш бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб, укасидан ҳол сўраган эди. Ўшанда Шонеъматнинг қоқ суяк бўлиб қолганини, қатта-қатта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади,- деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, барибир ўлади».

- Тузукми?- деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

¹ Шапарак кўрпача - қовулмаган кўрпача.

- Шукур,- Умри хола қулт этиб ютинди.- Ҳозир уклади.- Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

- Эрталаб хабар оламан,- деди у онаси ўрнидан турганда.

- Сендан нега гина қиларкан, болам,- деди Умри хола айвон лабида тўхтаб.- Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам.- Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман, деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик ғийқиллаб очилиб ёпилди.

- Падарига лаънат шундай турмушнинг!- деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ўшқирди.- Сениям падарингга лаънат! Тумшуғингни тагидан сигирингни етаклаб кетса-ю, анқайиб ўтирсанг.

- Нега менга ўдағайлайсиз?- Хадича товоқни қошиққа уриб, йиғламсиради.- Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари смена бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайdimи?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини ғичирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала куйиб чиқди. Шоикром тонг саҳарда бир нимани сезгандай кўнгли ғаш тортиб, уйига қайтди. Келса хотини, онаси, болалари дод солиб ўтиришибди. Хадича оғир оёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб, билолмай қолибди. Эрталаб турса, кўча эшиги ланг очиқ, ёнғоққа боғлоғлиқ сигир йўқ.

«Рост-да,- деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан,- бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Хадича ёлгон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини шу қулупнай туфайли онасини қаттиқ ранжитган эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасидаларнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб

берибди. Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юзқўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаёлига келди. «Хадича анойи эмас, қурумсоқ...»

У айланиб ёнғоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам ўша томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнғоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўри-ниб, дарров орқасига қайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулғула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўритокдан фарқ пишиб ётган узумларни ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжига чиқар, ҳовлида ёнғоқ барглари шовуллаб, шохлари шубҳали гичирлар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... «Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кунлар учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган ғунажинини ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасини охириги nasibасидан маҳрум қилгани учун, нон пули бўлар деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки, ўша худо беҳабарлардан.

У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёкиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохлари шубҳали ғийқиллар, аммо энди булар уни қўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гугурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги миҳга илинелиқ турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса отиб юбормайдими!- деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганча усти ёпиқ симни очик симга илдам уларкан.- Ҳарна битта ҳаромхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чаққон ҳаракат қиларкан, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни такрорларди: «Менга деса отиб юбормайдими!»

«Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тугардим,- деб ўйлади Шоикром ўкиниб.- Қани ўшалар қўлимга тушса, чошиб ташлардим».

Шундоқ деди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри - бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг битта-ю, битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганими, хуллас, етиб келган қўни-қўшнилар қора қонга беланиб ётганини кўришибди.

– Шу кунда яна ўғри оралаб қолди,- деди Хадича кўрпани қоқиб танча четига соларкан.- Қулупнай қизармасдан битта қўймай териб кетишяпти.

– Ваҳима қилма!- деди Шоикром қовоғини уйиб. Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

– Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини обчикиб сотса, бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўширилиб ётибди?!

– Ваҳима қилма!- деди Шоикром яна гўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган гашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб қулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

У симнинг очик қисмини қулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тиқиб қўйди. Кейин бирдан болалари кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига урилди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқузираб бошини кўтарди.

– Ҳа?

– Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади!- деди Шоикром кўзлари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп» деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чироғини ўчириб яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматга кўндаланг ётиб олди.

«Менга деса отиб ташламайдими?»- деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу тобда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонёзмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром ҳар куни уни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўқирди. Ўшанда Шонёзмат йиғламаган, аммо ичикиб касал бўлиб қолган эди. Энди бўлса беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими, ё гашқарида шамолнинг гувиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чироғини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартга илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди»- деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин букланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

– Ой-и-и!

У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ кўдлари билан лой чангаллаганча чўккалаб кўксига муштлай кетди.

– Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан униққан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб гурарди. Шоикром унинг қулупнай қизили юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нарироқда, лойли ариқ ичида, унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлқиб олмоқчи бўлгану, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмакляб борганча, ўзини онасининг кучоғига отди.

– «Ойижон, очинг кўзингизни!»- деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқади. Бошини кўтариши билан марза четида ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан буён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч тошиб, эмакляб чиққан, кўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

– Нима қилиб қўйдим, укам!- деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин яна онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

– Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди,- деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ говушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

– Заҳар ичсам бўлмасмиди,- деди Шонеъмат яна ўша оҳангда. Афтидан, у йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди. – Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишгаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

– Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни қайта ўқинг. Шоикромнинг ҳолатини тушунишга ҳаракат қилинг. Кунлар исиб кетган бўлса-да, олиб қўйилмаган сандал нима учун унинг фашига тегаётганлиги сабабини изоҳлашга урининг.

2. Шоикромлар рўзгорининг фэйзсизлигига эътибор қилинг. Дастурхон, қошиқ, товоқ нега унинг кўзига хунук кўринаяпти деб ўйлайсиз?

3. Ҳикоя қаҳрамонини ўй босиб қолгани сабабини, тушқун кайфиятини изоҳланг.

4. Асардаги табиат тасвирига эътибор беринг. У қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига қанчалик мувофиқ келишини аниқлашинг.

5. Шоикромнинг хотинига муносабатини изоҳлашга урининг. У аёлининг хатти-ҳаракатларига тўғри баҳо бераётми деб ўйлайсизми?

6. Ҳикоя матнига таяниб, Хадичанинг табиатини тавсифланг.

7. Укасининг ҳолидан хабар олмаганлиги учун: «Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди» тарзидаги тасвирга асосланиб, Шоикром табиатини тавсифланг.

8. Асар матнига асосланиб она тимсоли ҳақида фикр билдириңг.

9. Шоикромнинг жиноят сари қадам қўйиши сабабларини изоҳлашга ҳаракат қилиңг. У хасисми, шафқатсизми, оқибатсизми, одамхўрми?

10. Умри холани ўғри деса бўладими? Нега? Ҳикоядаги вазиятда ким ҳақу ким ноҳақ?

11. Шоикромни айблай оласизми? Уни суд қила олармидингиз?

12. Ҳикоя матнига суяниб, одамни билиш қанчалар ва баҳолаш қанчалар қийин ва нисбий экани тўғрисида ўйлаб кўриңг.

13. Ҳикояда тасвир самимиятига қандай эришилганлигига диққат қилиңг.

14. Шонематнинг иқрори сизга қандай таъсир қилганлигини изоҳланг.

15. Ботаника ва география бўйича эгаллаган билимларингизга таяниб, ҳикояда қулупнайнинг пишшиши билан табиатнинг ўша пайтдаги ҳолати тасвири орасидаги мувофиқлик ҳақида ўйлаб кўриңг.

16. Тестларни ечинг.

1. Умри хола нима учун қулупнайни Шоикромдан сўрай қолмади?

А. Шоикром меваларни онасидан қизганарди Б. Шоикромнинг укаси билан ораси яхши эмаслигини яхши биларди С. Ўғлининг қулупнай беришига кўзи етмасди Д. Қулупнайлар ҳали пишмаган эди Е. Кампир ўғлини жазоламоқчи бўлганди

2. Шоикромнинг номаълум ўғридан олган қасосидан келиб чиқадиган хулосани белгиланг.

А. Ўғри албатта жазоланиши керак Б. Уруш даврида деҳқончилик қилиб бўлмайди С. Экилган ер майдонини қаровсиз қолдириб бўлмайди Д. Келин қайнонасига оқибатли бўлиши лозим Е. Ёмонликка ёвузлик билан жавоб қайтариб бўлмайди

3. Урушнинг сўнгги қурбони ким бўлди?

А. Шонемат Б. Она С. Шоикромнинг отаси Д. Илҳом самоварчи Е. А ва Б жавоблар

БАРПИ АЛИҚУЛОВ

(1884-1949)



Қирғиз шеърятининг истеъдодли вакили бўлмиш Барпи Алиқулов 1884 йилда Жалолобод вилоятига қарашли Сузоқ туманининг Ачи қишлоғида камбағал оилада дунёга келди. Отаси Алиқул, буваси Шомирза қашшоқлик, етишмовчилик важдан бир умр бойлар қўлида мол боқиб кун кечиришган. Бўлажак шоир ҳам акаси Болот (Пўлат) билан болалик чоғини оғир мардикорлик хизматида ўтказди. Кейинчалик машаққат ва мусибатда ўтган болалигини «Мен кўрган кунлар» номли шеърда акс эттиради.

Барпи 16 ёшга тўлиб-тўлмаё оқин сифатида эл оғзига тушди. Унинг шоирликка меҳр ва майли халқ оғзаки ижодини яхши билган, «Манас», «Бугдойиқ» дostonларини зўр маҳорат билан куйлаган отасидан ўтган. Кейинчалик Барпи отасидан «Золим хонлар азоби» деган шеърни ўрганганлигини эслаб ёзган эди.

Барпи ўттиздан ошгунча чоракорликда юрди. Октябрь тўнтаришидан кейин унинг тафаккури, дунёқараши ва яшаш тарзида кескин ўзгаришлар юз берди. У янги турмушни катта орзу-умидлар билан кутиб олди. Жамоа хўжалигида турли юмушларни бажарди, қўшчилар иттифоқида ва ўзаро ёрдам гуруҳларида жонбозлик кўрсатди, жамоа кенгаши раисининг ўринбосари вазифасида ҳам ишлади. Муттасил равишда масъулиятли ва машаққатли юмушлар унинг зиммасида бўлган. Барпининг 36 ёшида иккала кўзининг ожиз бўлиб қолиши ўтган оғир турмушининг аянчли асоратидир.

Донишманд шоир 1949 йилнинг 9 ноябрида Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида оламдан ўтди. Шоир шаҳарнинг шимолидаги Ола арча қабристонига дафн этилган.

Барпи Аликулов қирғиз шеърлятининг улкан вакили. Унинг шоир бўлиб етишувида халқ оғзаки ижоди ҳамда қирғиз оқинларининг айтимлари таъсири беқиёсдир. 1915 йили Барпи етук оқин Тўқтагул билан учрашади. Бу учрашув Барпининг дунёқараши, маънавий дунёсини сайқал топтирди, ижодига чуқур из қолдирди. Шу боис устози Тўқтагулга миннатдорчилиги ҳамда ҳурмат-эътиромини ўз шеърларида қайта-қайта изҳор этади.

Унинг кўпгина асарлари жамиятдаги ўзгаришлар, ҳаётда юз бераётган воқеалар асосида яратилган. «Тенглик бир кун бўлади» номли шеърида шоир халқ орзу-умидларини дилдан туйган ҳолда халқни келажакка ишонч, катта умид билан қарашга ундади. «Йиғиндаги биринчи шеър», «Пола боққандаги шеър», «Қозидан калтак еганда», «Етим», «Назар билан айтишув» каби шеърларида адолатсизлик, нотенглик, зулм каби иллатлар қораланса, «Ёлғончи эшон», «Очкўз мулла», «Табибларга», «Бу ерда нима бор?» каби шеърларида динга алоқаси бўлмаган, дин ниқоби билан халқ орасида хурофот, бидъатлар ёйилишига сабаб бўлувчи жоҳил дин пешволарининг кирдикорлари фош этилади.

«Гул қизлар», «Мирзойим», «Буроқжон», «Гўзал қиз», «Қора кўз», «Дилбарим», «Оқ юлдуз», «Сизни кўрдим» сингари шеърларида севгимухаббат, вафо, садоқат каби гўзал туйғулар тараннум этилган.

«Арғумоқ отни ориқ деб», «Шамол», «Ажал», «Оққан сув», «Одам», «Дунё», «Айт, айт, деса» каби фалсафий шеърлари шоирнинг нақадар кенг мушоҳадали, донишманд аллома эканлигининг ёрқин далилидир.

«Мардлик», «Эр йиғитга синов», «Яхши экан», «Мурожаат», «Ғийбатчи», «Ёлғончи», «Мақтончоқ», «Аёлнинг яхшиси», «Аёлнинг ёмони», «Яхши бола», «Ёмон бола» каби таълимий шеърларини дидактик адабиётнинг ўзига ҳос намунаси дейиш мумкин.

Инсонларни эзгуликка чорлаган, ҳаёт тўғрисида ибратомуз ўғитлар берган Барпи шоир шеърлари бугунги кун ўқувчиси учун ҳам фоят қадрлидир.

Қадрли ўқувчи! Куйида Сиз ана шу оташнафас қирғиз оқинининг ижод намуналари билан танишасиз.

ҚОРАБОШЛИ ЭЧКИНИНГ ҚИСМАТИ

Қорабошли эчкимни
Тортиб кетди бўрилар.
Бисотимни елкасига
Ортиб кетди бўрилар.

Тулки қуруқ кекирар
Бойлиги бир эчкийди.
Эгасидай қоқ суяк
Қисир эмди, кечкийди.

Унинг ўчсин улимай,
Ёвуз, олчоқ бўрилар.
Эртаю кеч кўзимга
Қил арқони кўринар.

Томоғинга илойим,
Сон суяги тиқилсин.
Ўша ўғри қашқирлар
Қоялардан йиқилсин.

Тумшуғидан илинсайди
Овчи қўйган қопқонга.
Оч бўридай замона ҳам
Элни тортар ўпқонга.

Ўлжасини қашқирлар
Бурдалашиб бўкирар.
Сарқитлар илинжида
Тулки қуруқ кекирар.

Ўқтин-ўқтин чийқиллаб
Сор кўқдан боқар тикка.
Чарх уриб қузғун эса
Талпинар ўлимтикка.

Нимта гўштнинг дардида
Қарғалар тош устида.
Адолатсиз замонда
Фалокат қош устида.

Шу кезде калхат келди,
Бу тақдирнинг буйруғи.
Унга тегди чивичнинг
Бир қаричча қуйруғи.

Тарқалишди бўрилар
Тумшукларин ялашиб.
Аламзади тулкилар
Қолди зимдан қарашиб.

Қорабош эчким баҳона
Қисматимга йўйдим мен.
Чивичнинг аҳволимас
Ўз ҳолимга куйдим мен.

Сайов ва топшириқлар

1. Шеърда эчкига нима учун Қорабошли номи қўйилган?
2. “Бисотимни елкасига Ортиб кетди бўрилар” мисраларини иккинчи банд билан боғлаб тушунтиринг. Уларда шоирнинг аҳволи, қисмати қандай акс этганлигига эътибор қаратинг.
3. Бешинчи бандни шарҳланг. Ундаги “Оч бўридай замона ҳам Элни тортар ўлқонга” мисралари орқали шахсий нохушликнинг эл-юрт дардига айланаётганини кузатинг.
4. “Оч бўридай замона” да давр сураётган қашқир, тулки, сор, кузгун, қарға ва калхатлар орқали кимларнинг тимсоли яратилган деб ўйлайсиз?
5. Шоирнинг замонга муносабати, унга берган баҳоси қайси мисраларда очиқ намоён бўлмоқда?
6. Охириги бандни изоҳланг. Шоир фақат ўз ҳолигагина куймоқдами?

АЙТ-АЙТ ДЕСАНГ, АЙТАМАН

Айт-айт десанг, дунё ишин
Йўриғидан айтаман.
Айт-айт десанг, тўпичоқнинг
Тўриғидан айтаман.
Дунё тўла турфа одам
Қилиғидан айтаман.
Термаларнинг булоқдайин
Тиниғидан айтаман.
Бири кулса, минги йиғлар
Камбағалнинг бағрин тиглар.
Дил шикаста, ўша қалбнинг
Синиғидан айтаман.
Бойга шодлик, бечорага
Аламларни айтаман.
Қози билан тўралари
Бойваччанинг изида.
Оддий элнинг ташвишлари
Чиқмас тўпиқ-гизига.
Бечоранинг арз-ҳолин
Тинглайдиган одам йўқ.
Сахийликда тенг келувчи
Она ердай хотам йўқ.
Тоғ остидан сизилиб
Оққан сувдан айтаман.
Деҳқонларни бир умр
Боққан сувдан айтаман.
Булутлардан тўкилиб
Ёққан сувдан айтаман.
Қир-адирга гулдан безак
Таққан сувдан айтаман.
Борни кўрса югурган,
Пора олиб улгурган
Айёрларни айтаман.
Тулкидайин турланувчи

Тайёрларни айтаман.
Элни тўртга бўлган кўп,
Паймонаси тўлган кўп.
Бир бурда нон тополмай
Кўча-кўйда ўлган кўп.
Дала билан тузни айт,
Бирни эмас юзни айт.
Элу халққа мадад бўлган
Сахий келган кузни айт.
Силовсин олган қушни айт,
Чирқираган қишни айт.
Чилла пайти чоракорга
Тайинланган ишни айт,
Бой ўқталган муштни айт.
Қўш байтални тенг эмган
Қисир эмди тойни айт.
Яшил чакмон кийдирган
Баҳор деган ойни айт.
Эшонларга мунтазир
Оромижон жойни айт.
Уққанларга аниқ айт.
Кўрмаганга бориб байт.
Айт-айт деса тўғрисиши
Дил қатига солиб байт.
Ҳақиқатни очиқ айт,
Одамларга шошиб айт.
Ўз жонингни сақлаш учун,
Туғишганини ёқлаш учун
Ўрни келса ёлғонни айт.
Умр бўйи эзилгунча
Бошга қайғу солганини айт,
Боболардан қолганини айт.
Меҳнаткашнинг ҳалоскори
Баҳодирни, полвонни айт.
Эл-улусга малҳам бўлиб
Шону шуҳрат олганини айт.

Савол ва топшириқлар

1. Ушбу шеър билан “Қорабошли эчкининг қисмати” шеъри ўртасида қандай ўхшашликни кузатаяпсиз?

2. “Термаларнинг булоқдайин тиниги” мисрасини қандай тушунганингизни англатинг.

3. Шоирнинг эътирози ва нафрати кимларга ва нима учун қаратилган? Шеър матнига таяниб жавоб беринг.

4. Жамиятдаги мавжуд тартибларга исён қилган шоир нима учун табиатга, унинг сахийлиги ва меҳрибонликлари тасвирига урғу бермоқда?

5. “Умр бўйи эзилгунча Бошга қайғу солганни айт, Боболардан қолганни айт” мисраларини шарҳланг.

6. Охириги тўрт мисрани қайта ўқинг. Кимлар ва қандай қилиб “Эл-улусга малҳам бўлиши” мумкинлиниги ҳақида ўз қарашларингизни билдиринг.

СЎЗДА СЕҲР БОР

СЎЗ ҚУДРАТИ

*Агар ҳикматга ўлса илтифотинг,
Ки Нуҳ умрича бўлсин ҳаётинг.*

Алишер НАВОИЙ

Азиз ўқувчи, сиз ушбу рукнга кирган асарлар орқали бевосита СЎЗнинг қуввати, товланиш имконияти, таъсир қудрати намоён бўлган асарлар билан танишасиз. Шу тариқа, бадиий сўзнинг кучи нимада эканлигини билиб оласиз. Сўз салтанатига хуш келибсиз!

Айтадиларки, ҳамма нарсадан олдин сўз бўлган экан. Оллоҳ биз кўриб турган ва кўролмайдиган оламларни «Кун!», яъни «Ярал!» сўзи орқали пайдо қилган экан. Сўз илоҳий неъмат бўлгани, сирли қудратга эга экани туфайли ҳам қадим боболаримиз ҳамиша сўзга ўта жиддий, жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб келишган. Ҳатто айтиш мумкинки, аждодларимиз нотўғри сўз айтишдан қўрқишган ҳам. Тўғрироғи, боболаримиз ёмон сўзни тилга олишдан чўчишган. Чунки ёмон сўз ёмон ҳодисани чақиради, уни юзага келтиради деб билишган. Шунинг учун ҳам ўзбекларда: «Бўрини йўқласанг, кулоғи кўринар»,- деган гап юради. Бу дегани ёмон нарсани тилга олишинг билан унинг ўзи ҳам пайдо бўлади деб ўйлашган. Негаки, бўри йиртқич, у ҳеч кимга яхшилик келтирмайди. Ўшанинг номи айтилса, ўзи ҳам пайдо бўлади, деб ҳисобланилган. Бобо ва момоларингиздан сўрасангиз, олдинлари бўри «жондор», айиқ «полвон», илон «арқон» дейилганини билиб оласиз. Чунки бу зараркунаналарнинг оти аталса, ўзлари ҳам пайдо бўлиб, одамларни безовта қилмасин деб хавотирланишган.

Халқимизда: «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди», - деган гап юради. Аслида, бу қарашда катта ҳақиқат бор. Агар эътибор қилган бўлсангиз, ўзбеклар ўзига нисбатан ёмон сўзни деярли ҳеч қачон тилга олишмайди. Мисол учун, касал бўлиб ётган одам: «Мен касалман», - демайди. Мабодо, ётиб қолган тақдирда ҳам: «Кечагидан кўра яхшироқман», - дейди. Чунки яхшиман дейиш яхшилиқни, ёмонман дейиш эса ёмон ҳолатни чақиради деб билади. Бу баъзи кишиларга бир қадар нотўғридай, ёлғон гапиришдай туюлиши мумкин. Лекин сўзнинг юқини туйган, унинг илоҳий қудратини сезган одамлар бундай эмаслигини билишади. Чунки халқ сўз айтишда андиша зарурлигини кўзда тутди. Катталарнинг гапига эътибор қилсангиз ёки қўлингиздаги шу дарсликка синчиклаб қарасангиз, бирон жойда бирор киши ҳақида: «Фалончи ўлди», - дейилмайди. Балки: «Вафот этди, қазо қилди», - деб айтилади. Кўринадики, маъноси бир бўлса ҳам, сўздан сўзнинг фарқи бордир.

Ўзбек халқи шунинг учун ҳам: «Яхши сўз – жон озиғи», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» каби мақолларни ишлатади. Зеро, яхши сўз одамнинг руҳини кўтариб, уни янгидан янги ишларга илҳомлантиргани каби, ёмон сўз ҳам кишининг руҳини вайрон этиб, ҳафсаласини пир қилиши, дунёдан кўнглини совутиши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мактабга эндигина кириб бораётганингизда кимдандир илиқ сўз эшитиб қувонганингиз қаёқдаю, совуқ гап эшитиб, руҳингиз тушгани қаёқда? Демак, биз сўз айтаётганимизда ҳам, тинглаётганимизда ҳам унинг маъноси-ю оҳангига эътибор қилишимиз зарур. Шу боис ўзбек халқида назокат билан билиб сўзлаш ҳамиша қадрлаб келинган. «Билган топиб сўзлар, билмаган қошиб», - деган боболаримиз жуда ҳақ эдилар. Сиз биласизки, эллик ёшда одам анча кексайиб қолади. Айниқса, аёл киши учун бу катта ёш ҳисобланади. Шу боис аёлларнинг ёши айтилмайди. Лекин гап ўрнига қўйиб айтилса, кексалик ҳақидаги сўз ҳам ёқимли оҳанг касб этиши мумкин экан. Абдулла Қаҳҳор шоира Зулфияни эллик ёши билан табриклаб шундай дейди: «Мен Зулфиянинг ўн саккиз яшар чоғини биламан. Ўшанда Зулфия мафтун қилган бўлса, ўн-ўн беш йигитни мафтун қилган, холос. Ҳозир адабиётда ўттиз бешга кирган шоирамиз шеър билан айтган аччиқ-чучук сўзлари, қалами остидан пирқираб чиққан кулгиси, қаламининг учидан томган ғусса томчилари билан бутун республикамизни ...мафтун қилиб ўти-

рибди». Қаранг, топиб айтилган гап қанчалар ёқимли кўриниши мумкин экан.

Мақоллардан бирида: «Тиф яраси битади, дил яраси битмайди» дейилади. Ўйлаб кўрсангиз, чиндан ҳам вақт ўтиши билан пичоқнинг яраси битиб кетиши мумкинлигини, лекин ёмон сўз билан кўнгилга етказилган заха битмаслигини англайсиз. Демак, яхши одамнинг, маданиятли кишининг вазифаси кишини яраламайдиган тарзда гапира олишдир. Бунинг учун одам жуда чуқур фикрлай олиши, гапининг қасёққа кетаётганини ўйлаб туриши лозим бўлади.

Оз гап билан кўп маънони англатиш ҳам одамнинг тарбиялилик даражасини билдирувчи кўрсаткичдир. Баъзан бир оғизгина гап билан айтиш мумкин бўлган гапни бир дунё сўзлар билан чўзадиган, эшитувчиларни зериктириб, безор қиладиган кишиларга дуч келамиз. Бу бизга ибрат бўлиши керак. Демак, ортиқча сўзамоллик фазилат эмас, балки катта камчиликдир. Кўпгаплик сўзнинг қадрини кетказади. Сўз ифодалайдиган маънони хиралаштириб, эшитувчини чалғитади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг: «Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор»,- деган ҳадислари ҳар бир мўминдан сўзга ўта жиддият билан ёндашишни талаб қилади.

Айтилганлар оддий сўз ҳақида эди. Лекин дунёда бадий сўз деб аталмиш бир мўъжиза ҳам борки, у ҳақда ҳам бир неча оғиз тўхталиш керак бўлади. Негаки, ушбу рукндаги асарлар туфайли сиз бадий сўз билан тўғридан-тўғри муносабатга киришасиз. Бу ҳақда машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор: «...киши ўзида бўлган ва ўзига фавқулодда туюлган туйғуларни жўн ифода қилиб кўниколмайди, қандайдир фавқулодда ифода излайди. Бу ифода қисқа ва шу билан бирга «юракни бўшатадиган» бўлиши керак. Ана шундай қисқа ва юракни бўшатадиган ифода шеър бўлиб қолади»,- дейди. Адиб айтган шеър бадий сўзнинг аини ўзидир.

Ҳазрати Алишер Навоий: «Сўзни гар туз дедим ва гар оздим, Неки тақдир айладинг ёздим»,- дейдилар. Буюк мутафаккир сўзнинг илоҳий неъматлигини таъкидлаб, бадий сўз айтмоқни тақдир иши деб ҳисоблаганлар. У киши асарларидаги тўғри гапларни, нодир бадий кашфиётларини ўз хизматлари деб билмаганларидек, маромига етмаган ўринларни ҳам қисматнинг ҳукми санаганлар. Сўз одамдир, сўз қисматдир, сўз мил-

латдир. Шу боис ҳам жамиятга, миллатга ёки муайян инсонга қилинадиган зулм сўзга зуғум қилишдан бошланади. Шунга монанд ҳар қандай эрк ҳам сўз ҳурлигидан ибтидо олади. Шу боисдан ҳам «сўз эркинлиги», «матбуот эркинлиги» инсон ҳурлигининг энг дастлабки белгиларидан ҳисобланади. Сўз миллат ҳаётида тенгсиз аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам: «Сўз - миллатнинг сўнгги кўрғони» деган ҳикмат юради. Чиндан ҳам миллатни тор-мор этиш учун унинг тили ишлатилишини чеклаш етарли бўлади.

Хуллас, сўз шундай бир сеҳрли неъматки, уни суйган, эъозлаган кишига хизмат қилади, бутун сирини очибгина қолмай, кўнгилларни забт этиш воситаси ҳам бўлади. Шу боис сўзнинг қудратидан тўғри фойдалана билиш лозим.

Савол ва топшириқлар:

1. Сўзнинг илоҳий моҳиятини англаш ва тушунтиришга уриниб кўринг.
2. Адабий асарнинг киши туйғуларига таъсир этиш сабаби нимада?
3. Бадий сўзнинг оддий сўздан фарқи ҳақида ўйлаб кўринг.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441-1501)

Буюк мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда (Ҳижрий 844 йил рамазон ойининг ўн еттинчисида) Ҳиротнинг Боғи Давлатхона аталмиш жойида хизматчи оиласида дунёга келди.

Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош¹ бўлиб, Бойқаро Мирзо ҳукмдорлиги даврида Қандаҳорда амир бўлган. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, Алишернинг ота-боболари ҳамиша темурийлар саройида эътиборли кишилар бўлганлар.

Алишер болалигиданоқ ўткир зеҳни, билимга чанқоқлиги ва шеърятга меҳр кўйганлиги билан тенгдошлари орасида алоҳида ажралиб турган. У тўрт-беш ёшлариданоқ, Қосим Анварнинг ғазалларини ёд олган, Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Фариддиддин Атторнинг «Мантӣқ ут-тайр» каби асарларини берилиб ўқиган.

Алишердаги улкан истеъдод ва шеърятга бўлган тенгсиз муҳаббатни кўрган отаси Фиёсиддин Кичкина, тоғалари: ўз даврининг таниқли шоирлари: Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар унинг тарбиясига алоҳида аҳамият берадилар.

Ўн икки ёшида отасидан етим қолган Алишер Хуросон подшоҳи АбулҚосим Бобур саройига келади. АбулҚосим Алишерга ота-боболарининг ҳурмати туфайли яхши муносабатда бўлади ва унинг билим олиши учун зарур шароитлар яратиб беради.



¹ Эмиқдош - Ота-оналари бошқа, лекин бир аслини эмиб катта бўлган болалар.

1456 йилда АбулҶосим Бобур ўз пойтахтини Хуросондан Машҳадга кўчиради. Алишер ҳам дўсти Ҷусайн Бойқаро билан бирга Машҳадга боради. 1457 йилнинг баҳорида АбулҶосим Бобур вафот этади. Шундан сўнг, мамлакатда тож-тахт учун кураш бошланади. Ҷусайн Бойқаро ҳам шу курашларга кўшилиб кетади. Алишер Навоий эса моддий ва маънавий қийинчиликларга қарамай, Машҳаддаги мадрасада ўз билимини ошириш, шеърят сирларини чуқурроқ ўрганиш билан шуғулланади.

Ҷомийсиз қолган ва Абусаид Мирзонинг совуқ муносабатига учраган Алишер 1466 йилда Хуросондан Самарқандга кетишга мажбур бўлади. Самарқанд бу даврда Ҷиротдан кейинги иккинчи йирик илмий-маданий марказ эди. Алишер Самарқандда дастлаб фақирона ҳаёт кечирди. Лекин шеърый истеъдоди туфайли у тез орада Самарқандда катта обрўга эга бўлган Аҳмад Ҷожибекнинг диққатини ўзига тортди. Ҷожибек Алишерга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб турди. Шоир Самарқандда ўз лаврининг йирик олими Хожа Фазлуллоҳ Абултайс мударрислик қилаётган мадрасада, бевосита унинг қўли остида таҳсил кўрди ва кўплаб олим, шоир ва мусиқашунослар билан мулоқотда бўлди.

1469 йилда Ҷирот тахтини Ҷусайн Бойқаро эгаллайди ва махсус нома билан Алишерни Ҷиротга чақиртириб олади. У саройда хизмат қилиш билан бирга кўплаб бадний ва илмий асарлар яратди. Улуғ шоир ва олим, йирик жамоат арбоби Алишер Навоий 1501 йил 3 январда оғир хасталикдан вафот этди.

Туркий миллатнинг пушти паноҳи, миллий адабиётимизни дунё миқёсига олиб чиққан адиб, тилимизнинг имкониятлари чексиз эканлигини куйлаган ва амалда кўрсатган шоир кўплаб кексаю ёш ижодкорларга ҷомийлик қилди. У сўзнинг қудратини аъло даражада биларди ва ундан тўлиқ фойдалана оладиган ижодкор эди. Буюк Алишер Навоийнинг асарлари орасида «Ҷамса» алоҳида ўрин тутди. Бешта дostonдан иборат «Ҷамса»нинг биринчи дostonи «Ҷайрат ул-аброр» (Яхши кишиларнинг ҷайратланиши)да одамлар ўртасидаги муносабатларни тўғри ташкил этиш учун энг зарур йўриқлар аке этган. Шулардан бири ва энг муҳими сўздир. Қуйида сиз «Ҷайрат ул-аброр» дostonидан сўзга таъриф берилган, унга ҳос илоҳий-бадний хусусиятлар аке этган парча билан танишасиз.

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

XIV БОБ

СЎЗ ТАЪРИФИДА

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи¹ ул,
Етти фалак ахтарининг² буржи ул.

Боғчаи даҳрки³ юз тоза гул,
Топти қайним назар этти кўнгул...
Чун бу насим эсти азал тоғидин⁴,
Мунча гул очилди жаҳр⁵ боғидин.

Қайси насим улки эрур гулфишон⁶,
Барги гулу настаран⁷ андин нишон.

Бу ики яфроғни қачон зуфунун⁸».
Бир-бирига қўйса бўлур «кайфу нун»⁹.

¹ Дурж - 1. қимматбаҳо тошлар солинадиган қути. 2. Оғиз. 3. Кўнгул.

² Ахтар - туз.

³ Боғчаи даҳр - дунё боғи.

⁴ Азал тоғи - доимийлик тоғи, қисмат.

⁵ Жаҳр - 1. Очиқ, ошқора. 2. Баланд овоз.

⁶ Гулфишон - гул сочувчи.

⁷ Гулу настаран - гул ва настарин. Бу ерда «гул» сўзидаги «Г» ва «настаран» сўзидаги «Н» товушларининг арабча номлари ва кўринишлари кўзда тутилган.

⁸ Зуфунун - ҳунар эгаси.

⁹ Кофу нун - «коф» ва «нун» ҳарфлари. Бу икки ҳарф қўшилса «Кун», Яъни «Ярал» сўзи пайдо бўлади.

Даҳри муқайяд¹ била озодаси,
Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси².

Зодасидин зода³ бўлуб беадад,
Зодаға ҳам волид⁴ бўлиб ҳам валад⁵.

Васф не нав бўлғай анга эл сўзи,
Ҳар не сўз айтилса эрур чун ўзи.

Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби,
Ким танида руҳ анинг толиби.

Барча кўнгул дуржи аро жавҳар⁶ ул,
Барча оғиз ҳуққасида⁷ гавҳар ул.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфтидағи⁸ инжулари сўзни бил.

Тил бу чаманнинг варақи лоласи⁹,
Сўз дураридин¹⁰ бўлубон жоласи¹¹.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок...

Тенгрики инсонни қилиб ганжи роз¹²,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз...

¹ Муқайяд - боғланган, уланган.

² Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси - Маъноси: оламдаги барча нарса «Ярал» сўзидан пайдо бўлгандир.

³ Зода - 1. Туғма, табиий. 2. Хос ижод.

⁴ Волид - ота.

⁵ Валад - фарзанд, бола.

⁶ Жавҳар - 1. Асл, моҳият. 2. қимматбаҳо тош.

⁷ Ҳуққа - қутича.

⁸ Суфт - тешик, тешик қилиш.

⁹ Варақи лола - лола япроғи.

¹⁰ Сўз дурари - сўз дурлари.

¹¹ Жола - 1. Дўл. 2. Шудринг, шабнам. 3. Кўз ёши.

¹² Ганжи роз - сирли хазина.

Догаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Мунчаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол
Насридадур, назмиға бор ўзга ҳол.

Сўз аро ялғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.
Ўрнида тишлар дури манзум эрур,
Чун сочилур қиймати маълум эрур.

Варду¹ шажар² шоҳид³ эрур боғ аро,
Лек ўтун силкидадур⁴ тоғ аро.

Мунда паришонлиғи нохуш қилиб,
Анда мураттаблиғи⁵ дилкаш қилиб...

Дафтари назмида чу⁶ шерозадур⁷,
Гул варақи гулшан аро тозадур,

Узди чу шерозасини дафтари,
Ел учурур ҳар варақин бир сари.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерға сочилмоғлиғи.

Бўлмаса эъжоз⁸ мақомида назм,
Бўлмас эди тенгри каломида назм.

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.

¹ Вард - гул, атиргул.

² Шажар - дарахт, оғоч.

³ Шоҳид - гўзал, чиройли.

⁴ Силк - қатор, саф.

⁵ Мураттаблиғ - тартибга солинганлик.

⁶ Чу - 1. Агар. 2. Чунки. 3. қачонки.

⁷ Шероза - 1. Муқова. 2. Дафтар варақларини тутиб турувчи ипак тасма.

⁸ Эъжоз - мўжиза.

Назмки маъни анга марғуб¹ эмас,
Аҳли маоний² қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида³ маъни доғи⁴ дилкаш⁵ анга.

Ёраб, ани халқ дилафрӯзи⁶ эт,
Хаста Навойиға дағи рӯзи эт.

Савоя ва топшириқлар

1. Парчанинг биринчи байти мазмунига эътибор қилинг. Шоир ниятини илғаб олишга интилинг.

2. Ўқитувчи билан биргаликда «Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси» мисраси замиридаги чуқур ҳаётий маънони топишга уриниб кўринг.

3. Парчадаги: «Зодасидин зода бўлиб беадад, Зодаға ҳам волид бўлиб ҳам валад» сатрлари замиридаги маънони англашга урининг. Аллоҳ, олам ва одам муносабатлари мураккаблиги акс этган ушбу байт мағзини чақишга ҳаракат қилинг.

4. «Жон ўлуб ул руҳ анинг қолиби, Ким танида руҳ - анинг толиби» мисраларида ифодаланган сўз, жон ва руҳ муносабатларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фикрни англаб олишга уриниб кўринг.

5. «Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок, Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок» мисралари маъносини изоҳланг. Сўздаги ўликка жон бахшида этиш ва тирик руҳни ўлдириш қудратини изоҳланг.

6. «Мунчаки шарҳ этди қалам сўзга ҳол, Насридадур, назмиға бор ўзга ҳол» сатрларида шеърий ва насрий сўз ўртасидаги фарқнинг нозик ифода этилганлигини англашга ҳаракат қилинг.

7. «Сўз аро ялғон киби йўқ нописанд, Айлар анинг назмини доно писанд» байтида ижодда бадий тўқима ва муболағанинг ўрнига берилган баҳони англатинг.

¹ Марғуб - севимли, ёқимли, маъқул.

² Аҳли маоний - маъно аҳли, фикрловчи кишилар.

³ Зимн - ора, ўрта.

⁴ Доғи - яна, ҳам.

⁵ Дилкаш - дилтортар, ёқимли, жонибали.

⁶ Дилафруз - шод қилувчи, кўнгил очувчи.

8. Парчадан шеърин ижодда шаклнинг беқиёс ўрни ҳақидаги фикрларни топинг, уларнинг образлилик даражасини аниқланг ва изоҳланг.

9. «Ўрнида тишлар дури манзум эрур, Чун сочилур қиймати маълум эрур» мисраларида бадий ижодда шаклнинг ўрнига қандай баҳо берилганлигини шарҳланг.

10. «Варду шажар шоҳид эрур боғ аро, Лек ўтуи силкидадур тоғ аро» сатрлари маъносини тушунтиринг.

11. «Бўлмаса эъжоз мақомида назм, Бўлмас эди тенгри каломида назм» мисраларида шеърнинг илоҳий мавқега эгаллиги қандай далилланаётир? Шериятнинг мўъжизалиги билан Тангри каломи ўртасида қандай боғлиқлик бор?

12. Сўз ва унда мазмуннинг ўрни ҳақидаги сатрларни топиб, изоҳланг.

13. Парчанинг ўн байтини ёд олинг.

РУБОИЙЛАР

Гурбатда¹ ғариб² шодмон³ бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу⁴ меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Зоҳид⁵, санга - ҳуру⁶, манга - жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга - майхона керак.
Майхона аро соқи-ю⁷ паймона⁸ керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна⁹ керак.

¹ Гурбат – айрилиқ, ғариблик, кимсасизлик, ватандан йироқда қолиш, мусофирлик.

² Ғариб - мусофир, кимсасиз.

³ Шодмон - шод, хурсанд.

⁴ Шафиқ - шафқатли, марҳаматли.

⁵ Зоҳид - тарқи дунё қилган, дунё ишларидан қўл тортган киши.

⁶ Ҳур - жаннат қизлари.

⁷ Соқий - соқий, май қуювчи.

⁸ Паймона - жом, қидақ.

⁹ Ена - яна, тагин, бошқа.

* * *

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

* * *

«Жон»имдаги «жим» ики долингга¹ фидо,
Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингга² фидо,
«Нун»и доғи анбари³ ҳилолингга⁴ фидо,
Қолган ики нуқта ики холингга фидо.

* * *

Ўлсам, ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклаб элитинг жисми фигуримни⁵ менинг.
Ўтру⁶ чиқориб аҳлу диёримни⁷ менинг,
Кўйида⁸ кўюнг тани низоримни⁹ менинг.

Савол ва топшириқлар

1. «Гурбатда ғариб...» мисралари билан бошланадиган рубойида инсонга эътибор, ватанга муҳаббат туйғулари қандай ифода этилганлигини тушунтиринг.

2. «Зоҳид санга ҳуру манга майхона керак» рубойида жаннат ва ундаги ҳурларни зоҳидга инъом қилиб, ўзи майхонаю май билан кифояланаётган шахс маънавияти ҳақида ўйлаб кўринг.

3. Ўқитувчингиз билан биргаликда «май», «майхона» тимсолларининг асл маъносини чақишга урининг. Сиз шеърнинг қаҳрамонини майпараст деб ҳисоблайсизми?

¹ Дол - 1. ҳарф номи. 2. Зулф, гажак.

² Тоза ниҳол - янги кўчат, бу ерда ёрнинг кўркам қомати кўзда тутилмоқда.

³ Анбар - хушбўй мушк, атр нави.

⁴ Ҳилол - янги ой, бу ўринда эгилган қош.

⁵ Фигор - жароҳатли, ярали.

⁶ Ўтру чиқориб - қарши чиқариб, пешвоз чиқариб.

⁷ Аҳлу диёр - юртодош, яқин кишилар.

⁸ Кўй - 1. Кўча, йўл. 2. Қишлоқ, маҳалла. Рубойида «ўз жойим» маъносига.

⁹ Низор - 1. Бўш, нозик. 2. Ориқ, озғин. Рубойида озғин маъносига.

4. «Жондин сени...» тарзида бошланадиган рубойда шоирнинг ҳаётсеварлик кайфияти қай тарзда акс этганлигини изоҳланг.

5. «Сондин сени кўп севарман, эй умри азиз» мисраси мазмунини талқин қилинг. Мазкур рубойнинг бадий жиҳатларини тавсифланг.

6. Сиз эски ўзбек ёзувини биласизми? Билсангиз, ўша ёзувда «жою» сўзини битинг, билмасангиз, ўқитувчингиз ёрдамида ёзинг. Сўнг, суюкли ёрга инъом этилаётган ҳарфлар билан ёрнинг бу инъомларга сазовор кўрилатган муча (аъзо)лари ўртасидаги ўхшашликка эътибор қилинг.

7. Мазкур рубойда Навойнинг тасвир маҳорати, сўз қўллаш санъати нечоғлик намоён бўлганлигини изоҳланг.

8. Ўзингиз таълаган уч рубойини ёд олинг.

9. Сўнгги рубойни шоир қаерда, қандай ҳолатда ёзган бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? Унда соғинч оҳанглари, васият руҳи кучли эканлигига эътибор қилинг.

10. «Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг, Юклаб элитинг жисми фигуримни менинг» мисралари маъносига эътибор қилинг. Шеърда гап яраланган вужуд ҳақида кетяпти деб ўйлайсизми ёки вайрон этилган кўнгил ҳақида?

11. Рубойларнинг қофияланиш тартибига эътибор беринг.

РУБОИЙ ҲАҚИДА

Алишер Навоий туркий шеърятнинг деярли барча жанрларида ижод қилган. Жумладан, унинг сеҳрли қалами кўплаб рубойларни ҳам юзага келтирган. Рубойий ҳажман кичик бўлса-да, шеърят дунёсида салмоқли мавқега эга, шоирнинг камолот даражасини кўрсатувчи шеърини турлардан саналган.

Рубойий арабча сўз бўлиб «тўртта» маъносини ифодалайди. Биз ҳозиргина ўқиган рубойийлардан ва бу сўзнинг маъносидан маълум бўлдики, рубойий тўрт қаторлик шеърини тур экан. Лекин ҳар қандай тўртлик ҳам рубойий бўлавермайди. Эътибор қилган бўлсангиз, рубойийларнинг оҳанги ўзига хос бўлиб, осон қуйга тушади. Чунки аруз вазнининг ҳазаж баҳридаги *аҳраб* ва *аҳрам* тармоқларида ёзилган теран маъноли оҳангдор тўртликларгина рубойий саналади.

Биласизки, мумтоз шеърятнинг турлари бир-биридан, кўпинча, қофияланиш тарзига қараб фарқланади. Рубойийнинг қофияланиш шакли

ҳам жуда ўзига хос. Кўпчилик рубойларнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари (а-а-б-а) ўзаро қофияланган бўлади. Нисбатан камроқ тарқалган иккинчи бир тур рубойлар ҳам борки, уларнинг тўртала мисраси ҳам ўзаро уйқаш бўлади. Навоий ҳазратларининг биз ўрганган беш рубойсидан учтасида ҳар тўрт мисранинг қофиядош бўлиб келганлигини кўриш мумкин. Бу хилдаги рубойлар *тарона* рубой дейилади ва шоирнинг юксак маҳоратидан далолат беради. Алишер Навоий ижодида *тарона* йўлида битилган рубойлар жуда кўп.

ҚИТЪАЛАР

* * *

Чун ғараз¹ сўздин эрур маъни анга,
Ноқил² ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма, ким дер ани, кўргил, ким не дер.

* * *

Нокасу³ ножинс⁴ авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф⁵ ўлмас касофат⁶ олами
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

* * *

Кимки махлуқ⁷ хизматиға камар
Чуст⁸ этар, яхшироқ ушалса бели.
Қўл қовуштиргуча бу авлодур⁹

¹ Ғараз - ният, мақсад.

² Ноқил - сўзловчи, нақл қилувчи.

³ Нокас - пасткаш, одамийлик сифатиға эга бўлмаган кимса.

⁴ Ножинс - бетайин, пасткаш.

⁵ Латиф - мулойим, гўзал, келинган, юмшоқ.

⁶ Касофат - ифлос, дағал.

⁷ Махлуқ - яратилган, яралмиш, ҳайвонсифат одам.

⁸ Чуст - теҳ, маққон, маҳкам.

⁹ Авлодур - тузук, яхши.

Ки, анинг чиқса эгни¹, синса али².
Чун хушомад демакни бошласа, кош³
Ким тутилса дами⁴, кесилса тили.

Савол ва топшириқлар

1. «Чун ғараз сўздин эрур» мисраси билан бошланган қитъада сўзловчи ва тингловчи муносабатлари хусусида қандай фикр билдирилаётганлигини тушунтиринг.

2. Эшитувчи сўзнинг маънисига эътибор бергани маъқулми ёки унинг аёл ё эркак томонидан айтилаётганлигига?

3. «Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини, Кўрма, ким дер ани, кўргил, ким не дер» байтида чуқур фикр гўзал шаклга солинган. Буюк шоирнинг назик кашфиётини топишга ҳаракат қилинг. Бунда ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор қилинг.

4. Иккинчи қитъада одамийлиги бўлмаган кимсаларга тарбиянинг бефойдалиги ҳақидаги хулосани акс эттиришда фойдаланилган бадийий гимсолларга эътибор беринг. Уларнинг эстетик вазифасини тушунтиринг.

5. Шоирнинг хушомадга, мунофиқликка ўтли нафрати образли акс этган ўринларни топинг.

6. Қуйидаги тест саволларига жавоб топинг.

1. «Бир-бирига қўйса бўлур «коф-у нун» мисрасидаги “коф-у нун”нинг маъносини аниқланг.

А. «Кўн» - кўнмоқ Б. «Кин» - адоват С. «Кон» - бойлик Д. «Кун» - тур
Э. «Кун» - ярал

2. «Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул...» мисрасининг мазмуни қайси жавобда тўғри берилган?

А. Тўрт қимматбаҳо тошга бир қути керак. Б. Борлиқнинг тўрт асоси: тупроқ, ҳаво, сув ва ўт сўз туфайли пайдо бўлган. С. Тўрт садафдан иборат гавҳардан дур маржонини ҳосил қилиш мумкин. Д. Тўрт мисра маъно гавҳаридан иборат қути Е. Тўрт садаф бирлашса гавҳар бўлади.

¹ Эгни - елка, эги.

² Али - қўли.

³ Кош - кошки.

⁴ Дами - нафас.

3. Навоий қандай умрни азиз деб билади?

А. Узоқ давом этган умрни Б. Саёҳатларда кечган умрни С. Иймон, ҳақиқат ва тоза виждон билан ўтказилган умрни Д. Дўстлар суҳбатида хурсандчилик билан ўтган умрни Е. Ўз оиласида ўтказилган умрни

ҚИТЪА ҲАҚИДА

Кўп асрлик туркий адабиётнинг кенг тарқалган шеърий жанрларидан бири қитъадир. *Қитъа* арабча сўз бўлиб, *парча*, *бўлак* маъноларини англатади. Қитъа мумтоз лирик шеъриятнинг мустақил жанри бўлиб, хийла кенг тарқалган. Одатда, қитъанинг мавзу доираси ва ҳажми қатъий чегараланмаган. Бу шоирларга хилма-хил қитъалар яратиш имконини берган. Қитъанинг ҳажми катта бўлмайди. Қитъа *камида икки байтдан* иборат бўлади. Қитъада *жуфт* мисралар: 2-4-6 ва ҳ.к. қофияланиб, *тоқ* мисралар очиқ қолади.

Алишер Навоийнинг улкан «Хазойин ул-маоний» девонидан 210 қитъа ҳам ўрин олган. Кўрдингизки, мутафаккир шоир қитъаларида энг зарур, долзарб фикрларни ғоят жозибали бадий либосга ўраб тақдим этади. Шунинг учун ҳам Навоий қитъалари кишининг эсида тез қолади. Кутилмаган ва ёрқин образлари билан шеърхон диққатини жалб қилади.

ЛАТИФАЛАР

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ! Афандининг асрларида бир подшоҳ бор эрди, номин Султон Алоуддин дер эрдилар. Кунлардан бир кун анинг ўрдасига ўзга вилоятдин уч нафар раҳбонлар¹ кириб келдилар. Султон Алоуддин аларни динга тарғиб қилдилар. Алар айди: – Ҳар на десангиз қабул қилармиз. Бизларни ҳар биримизни бир саволдин, уччову-мизни уч саволимиз бордур, агар жавоб берсангиз бизлар ҳам қабули ислом қилурмиз, дедилар. Султон Алоуддин буларни сўзиға рози бўлиб, уламо ва фузалоларни² жамъ қилдурдилар.

Раҳбонлар жамиятни ичида саволларни изҳор қилдилар. Аларни ҳеч бирлари буларнинг саволиға лаб очиб, бир нима демоққа қодир бўлмадилар. Султон Алоуддин ғазабланиб: - Мушкулдурким, менинг тахту тасарруфимда³ уламо ва машойихлардин⁴ бир киши ушбуларнинг саволиға жавоб беролмаса, деб фикрда эрди. Бир киши туриб таъзим бирла айди-ким, жаҳонпаноҳо, буларнинг саволлариға Насриддин Афандидин ўзга кимса жавоб беролмас! Зероки, ул киши соҳибқарсмаат одамлардурлар, деди. Подшо бу сўзни эшитган ҳамон бир ясовулга амр қилдиким, бориб зудлик билан Насриддин Афандини келтургил, деб. Ясовул дарҳол бориб подшоҳ фармойишини Афандиға маълум қилди. Афанди ўшал он туриб, эшагини эгарлаб, қўллариға таёқларини элиб, йўлға равона бўлдилар. Вақтиким, подшоҳнинг ўрдосига етиб эшак бирлан ичкариға кирдиатар, подшоҳ Афандини кўрган ҳамоно тахтдин тушиб эъзоз ва икром бирлан унга жой тайин қилди. Афанди подшоҳни дуо қилиб айдики: - Мани чорламоқдин мақсадингиз надур? Подшоҳ айди: - Ушбу раҳбонларнинг ҳар

¹ Раҳбонлар - йўловчилар.

² Уламо ва фузалоларни - илми ва фанилатли кишиларни.

³ Тахту тасарруфимда - қўл остида.

⁴ Уламо ва машойихлардин - олим ва доноларим, кексаларим.

қайсусин саволи бор эмишким, аҳли мажлислар ҳаммалари ожиз келдилар, - деди. Афанди раҳбонлар сариға¹ назар солиб айдики: - Саволларингиз надур? Алардин бири айдики: - Манинг саволим ер юзининг ўртаси қаердадур?! Токи билсам! Афанди дарҳол ўрнидин туриб бориб таёқ бирла кўрсатдики, ушбу эшагимнинг аёғи турган ер дунёнинг ўртасидур, деб. Раҳбон айдики: Нечук билурсиз? Афанди айди: - Ишонмасанг ер юзин атрофин ўлчағил. Агар бир тарафи ортиқ ё кам бўлса, сўнгра сўзлашурмиз! - деди.

Андин сўнг раҳбонни яна бири келиб айдики: - Эй Афанди, осмондаги юлдузларни сони қанчадур? Афанди айди: - Ушбу эшагимнинг баданидаги юнгнинг миқдори қанча бўлса, шунчадур!

Раҳбон айди: - Нечук далил бирлан айтурсиз? Афанди айди: - Агар ишонмасангиз алҳол бир тора-бир торадан² эшагимни мўйини санағил. Кун ботиб, кеч бўлғон сўнг юлдузларни ҳам санағил! Агарким зиёда бўлса, сўнгра сўзлашурмиз. Раҳбон айди: - Эшакнинг юнгин санамоқ мумкин эмасдур. Афанди айди: - Эй, бехирад, осмондаги юлдузларнинг санамоғин имкони бормидур? Андин сўнг, раҳбонларнинг яна бири айдики: - Эй Афанди, агар менинг саволимға жавоб берсангиз, ҳаммамиз мусулмон бўлурмиз! Афанди айди: - Саволингиз баён қилғил? Раҳбон айди: - Ушбу менинг соқолим неча тора мўйдур? Афанди айди: - Эшагимнинг думин санағил, юнги неча тора бўлса, сенинг соқолинг ҳам шул қадардур. Раҳбон айди: - Нима далил бирла айтурсиз? Афанди айди: - Далил ҳожат эмасдур! Келгил, бир тора эшак думин, бир тора сенинг соқолингизни юлуб санармизким, зиёда бўлса сўнгра сўзлашурмиз! - деди. Раҳбон Афандидан ушбу сўзларни эшитиб, андишаға бордиким, бўладиган иш эмас. Олло таолодин ҳидоят тошиб, ҳамроҳлариға мен исломни қабул қилдим, деб дарҳол калима айтиб, мусулмон бўлди. Андин сўнг ул ики раҳбон ҳам қабули ислом қилиб, ҳар учовлари Афандиға мухлис бўлдилар.

Афанди бир кишининг боғига кириб ҳеҳлаған узумларни қопға солиб туриб эрди, баногоҳ боғбон хабардор бўлиб, Афандини тутиб олди.

¹ Раҳбонлар сариға - йўловчилар томонга.

² Бир тора-бир торадан - бир тора-бир торадан.

Айдики: - Нечук одамдурсанким, менинг боғимға мендин берухсат кирибсан, деди. Афанди айди: - Мен ўз итиёримча киргон эмасдурмен, балки бу кеча шиддатлиғ шамол бўлиб мени бул ерга учуриб олиб келди, деди. Боғбон айди: - Ҳай, андоғ бўлса, бул узумларни ким узди? Афанди айди: - Шамолни зўрлиғидин қўрқуб тоқларни пайларидан ушлағонимда узилиб тушди, - деди. Боғбон айди: - Бу сўзға ҳам бовар қилдук¹, лекин қопни ичиға ким солди? Афанди айди: - Эй аҳмоқ, менинг ақлим етмаган нарсани сан нечук билурсан? Ман ҳам қоп ичиға солғонимға нима жавоб айтсам, деб ҳайронман.

* * *

Афанди бир куни кифтиға нарвон кўтариб бориб, бир кишининг боғин девориға кўйиб чиқти. Андин сўнг нарвонни олиб, боғ ичиға кўюб тушуб мевалардин олмоқ фикрида эрди. Баногоҳ боғбон хабардор бўлиб кўрдиким, бир бегона киши юрубдур. - Сан кимсан? - деди. Афанди айди: - Сан ўзинг кимсан? Боғбон айди: - Ман боғни эгасидурман! Афанди айди: - Ман нарвонни эгасидурман! Боғбон айди: - Нарвонни эгаси бўлсанг, боғимда нима қилурсан? Афанди айди: - Нарвонфурушлик қилурман! Боғбон айди: - Эй нодон, боғим нарвон бозори эмас! Нарвонни бозорда сотмоқ лозим. Афанди жавоб берди: - Нарвон меникидур, хоҳлаган жойимда сотурман.

* * *

Афанди болахонасида ўлтуруб эрди, бир гадо келиб Афандининг эшигини қоқди. Афанди юқоридан анга боқиб: - Кимсан? - деди. Гадо Афандиға: - Мунда тушинг! - деди. Афанди тушиб: - На сўзинг бор? - деб эрди. Гадо: - Бир нима садақа сўрарман! - деди. - Ҳайр, андоғ бўлса, мунда келил, - деб гадони йўқориға олиб чиқиб айдики: - Садақа сўрар бўлсанг, худо берсун! Гадо айди: Ушбу сўзунгни йўқориға чиқармасдун десанг бўлмас эрдиму?! Афанди айди: - Садақа сўрағонингни пастга тушурмасдин айтсанг бўлмас эрдиму?!

* * *

Афанди бир кечаси қудуқдан сув олмоқ учун боруб эрди. Ой аксин қудуқ ичинда кўруб муқаррам ой осмондин узулиб сувға тушубдур, сув-

¹ Бовар қилдук - ишондик.

дин чиқориб ўрнига қўймоқ керак, деб уйидин темур чангок келтуруб арқон учуга маҳкамлаб қудуқга солиб тортиб эрди, чангокнинг боши бир нимарсага банд бўлуб қолди. Ой ушбу тариқа оғир экан, деб зўр бирлан тортиб эрди, арқон узулиб Афанди орқаси бирлан ерга йиқилди. Кўзи осмонга тушиб кўрдуким, ой осмондадур! «Алҳамдулиллоҳ, ҳар-на меҳнат қилдим, ойни жойиға ўрнатдим», деб туриб кетди.

Савол ва топшириқлар:

1. Биринчи латифа кулги нимадан пайдо бўлади Афандининг билимдонлигидан-ми ёки топқирлигидан?

2. Мазкур латифадан ҳаммамиз куламиз, лекин кимдан ёки нимадан? Шу ҳақда ўйлаб кўринг.

3. Афандининг боққа ўғирликка кирганлиги ҳақидаги латифада кулги ким томонидан ва кимнинг устидан пайдо бўлган деб ўйлайсиз?

4. «Нарвонфурушлик» қилиб юрган Афанди ноқулай вазиятдан қандай қутулиб кетди? Сиз унинг топқирлигини қандай баҳолайсиз?

4. Афанди ва гадо муносабатлари ҳақидаги латифада қаҳрамонимиз табиатидаги қайси жиҳатлари намоён бўлган деб ўйлайсиз?

5. Охирги латифада Афанди табиатидаги бошқа латифаларда кўринмаган жиҳатлар акс этганлигини топишга уриниб кўринг.

ЛАТИФА ВА АСКИЯ ҲАҚИДА

Латифа оғзаки ижоднинг кенг ёйилган, севимли турларидан бири бўлиб, насер кўринишида яратилади. Латифа сўз ўйини, тагдор қочирим ва киноя асосига қурилган бўлиб, ҳозиржавоблик ҳамда топқирликка таянади. Латифага ўхшаш жанр дунёдаги деярли барча халқларнинг оғзаки ижодида мавжуд. Кўпгина халқлар ўзбекларнинг Насриддин Афандиси сингари ҳозиржавоб, топқир ва доно шахсни латифаларнинг қаҳрамони қилиб олади.

Афанди ўзбек халқига хос зукколик, топқирлик, чапдастлик, қувлик, соддалик, беасёвлик сингари сифатларни мужассамлаштирган ва у ўзининг бу хусусиятларини фоят қисқа, бир-икки ҳаётий лавҳадангина иборат кулгили вазият мобайнида эса қоларли йўсинда намоён этади.

Латифалар ҳаммаша баҳс асосига қурилади. Лекин уларда сўз эмас, балки фикр, мангивларнинг ўзаро олишуви акс этади. Латифаларда тафсилот, тушунтириш, изоҳ деярли бўлмайди. Латифа қаҳрамони қалтис вазиятга келтириб қўйилади ва ана шу ҳолатда тезлик билан қабул қилинган қарор унинг шахсиятига

хос жиҳатларни тўлиқ ақс эттиради. Сиз ўқиган латифаларингизда уларнинг қахрамони Насриддиннинг тамомила қарама-қарши икки хил одам сифатида намоён бўлаётганига эътибор қилгандирсиз.

Афанди гоҳ жуда қув, эҳтиёткор, айёр, қилни қирқ ёрадиган даражада хушёр. Гоҳида эса фойда-зарарнинг фарқига бормайдиган гўл, бўш-баёв одам. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам ҳозиржавоб. Бировдан гапни қарзга оладиган одам эмас. Нега шундай?

Насриддин номидан сон-саноқсиз латифалар тўқилган, ҳозир ҳам уларни яратаётган халқ шу қадар доноки, ҳаётнинг мураккаблигини, одам умри ва бахтининг омонатлигини билади ҳамда ўзи яратган нарсаларда бу ҳолатни ҳисобга олади. Яъни, донолик соддаликда, соддалик эса доноликка олиб келади. Ёхуд кеча дономан деган кимса бугун гўл бўлиб қолиши, бугун бўш-баёв кўринган одам бириси куни ҳозиржавоблиги билан ҳайратга солиши мумкин.

Латифа атамаси арабча «лутф» сўзидан олинган бўлиб, нозик кинояли, маъин қочиримли мўжаз ҳикояни билдиради.

Аския ҳам ҳозиржавоблик асосида пайдо бўлган ва топқирликка, бадих-ағўйликка таянадиган оғзаки ижод жанридир. Аския жуда кўп жиҳатдан латифага ўхшаб кетади. Лекин латифадан фарқ қилиб, бошқа одам томонидан бирон жойда такрор ижро этилиши мумкин эмас. Аския кишига қаттиқ таъсир этади, кучли кулги уйғотади. Кулги шу вазиятагина, шу ижрочиларнинг ўзигагина хос бўлиб, такроран пайдо бўлмайди. Аскиянинг асосий ўзига хос жиҳатларидан бири унинг пайровга асосланганлигидир. Аския шунчаки сўзамоллик бўлмай, балки таълаб олинган бир ёки бир неча мавзу атрофида уйғотиладиган кулгудир. Дунёдаги бирорта бошқа халқда оғзаки ижоднинг аския тури йўқдир. Бу ҳол ўзбек тилининг бойлиги, ифода имкониятларининг кўплиги, маънонинг серқатламлигини кўрсатганидек, халқимизнинг таъби нозик ва серзавқлигидан далолат ҳамдир.

Аския атамаси арабча «закий» сўзидан олинган бўлиб, зеҳни ўткир, сўзамол, заковатли маъноларни билдиради. Закий сўзининг кўпшик шакли «азкиё» бўлиб, талаффузда «аския» кўринишини олган.

Ўқувчи! Аския фақат оғзаки ижрода бугун жозибаси билан намоён бўлади. Чунки гап фақат ҳозиржавобликда эмас, балки сўзларни қандай талаффуз этишда. Тилнинг бугун бўёғи талаффузда намоён бўладиги, қоғозга туширилганда аскиянинг анча рангсизланиб қолиши сабаби шунда. Бунинг устига, аскиядаги қочиримларни англаш учун муайян ҳаётий тажриба, қамров ҳам керакдирки, бу сифатлар йиллар давомидагина орттирилади.

ЗОҲИР АЪЛАМ

(1943 йилда туғилган)



Ўзига хос асарлари билан китобхонлар кўнглини ром этган адиблардан бири Зоҳир Аълам 1943 йилнинг 23 июнида Тошкент шаҳрининг Баландмачит маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Уларнинг оиласидаги барча эркаклар ўқимишлилиги, билимдонлиги ва ҳақгўйлиги билан Тошкентда обрў орттирган кишилар эди. Отаси - Тоҳир Шариф ўғли Москвада ўқиб, иқтисодчи-муҳандислик касбини эгаллаган. Ўз давридаги дастлабки аспирантлардан бўлган. Бобоси - Шариф аълам шўролар тўнтаришидан олдин Тошкентнинг аълами¹

мансабида турган. Дин илмидаги стуклиги, ҳалоллиги билан тан олинган киши бўлган. Адиб ўз таҳаллусини бобосининг ана шу мартабасидан олган. Хуллас, оилавий муҳит ёш Зоҳирни жуда эрта китоб билан ошно қилди.

Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент трактор йиғув заводида чархчи бўлиб ишлаб, Тошкент давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимида кечки таҳсил олди. 1965 йилда олий ўқув юртини тугатгач, ҳарбий хизматга чақирилди. У ракета ва артиллерия қўшинлари сафида разведкачи бўлиб хизмат қилди. Хизмат давомида лейтенант унвонига эга бўлди. Зоҳир Аълам ўзини ҳаётнинг жуда кўп соҳаларида синаб кўрди: спорт билан профессионал даражада шуғулланди, «аср курилиши» деб ном қозongan Байкал-Амур магистраллида ишлади. «Ўзбекистон», Чўлпон нашриётида, «Шарқ юлдузи» журналида, «Ўзбекфилм» киностудиясида, Ёзувчилар уюшмасида, турли фирмаларда ишлади.

¹ Аълам - энг билимли. Шарият қонуналари тўғри бажарилишини назорат этувчи олим.

Ҳамиша одамлар орасида бўлишга, уларни чуқурроқ ўрганишга интилди. Бу нарса адибнинг ёзганларида яққол билиниб туради. У қаламга олган мавзусини атрофлича билади. Шу боис табиий ёзади.

Зоҳир Аъламнинг дастлабки ҳикоялари «Бахтли билет» ва «Сой» 1967 йилда «Гулистон» журналида чоп этилди. Илк китоби ҳам «Бахтли билет» номи билан 1972 йилда нашрдан чиққан. Унда замон ва замондошлари ҳақида ўзига хос бадиий манзаралар яратишга ҳаракат қилган. 1978 йили «Муқаддима» ҳамда «БАМ¹ манзаралари» китоблари чоп этилди. 1981 йилда «Кийик кўзи» номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. 1985 йилда «Ота ўғитлари», 1987 йилда «Зарб» китоблари нашр этилди. 1988 йилда «Афандининг қирқ бир пашшаси» номли қиссаси «Чўпон» нашриётида чоп этилди. Мазкур ҳикоя, қиссаларида муаллиф ҳаёт, одамлар, жамият муносабатлари ҳақида, имон ва диёнат, жаҳолат ва пасткашлик тўғрисида қалам суради.

¹ БАМ - Байкал-Амур магистрали атамасининг қисқартма шакли.

АФАНДИНИНГ ҚИРҚ БИР ПАШШАСИ

(қиссадан боблар)

ТУШ

Лайлак қишлоғининг энг катта бойи Муҳсин гуппи ётса ҳам, турса ҳам ерига ер қўшишни ўйларди. Яна бир орзуси доно ва ҳозир жавоб одам сифатида довруқ таратиш эди.

Шу сабабли олдига Насриддин Афанди келиб, сизга маслаҳатим бор, деганда, севинганидан ўйинга тушиб кетгудек бўлди.

– Хўш, хўш,- деди у дик этиб туриб, салом-алиқдан сўнг Насриддин Афандини ўтиришга таклиф этаркан.

-Биласизми, мулла ака,- гап бошлади Насриддин, «мулла ака»нинг Муҳсин гуппига мойдек ёқишини билиб,- мен бугун туш кўрдим.

– Хўш, хўш?- Муҳсин гуппи унга бир пиёла чой узатди.

– Тушимга отам раҳматли кирибдилар. «Боғингдан уч-тўрт қадам юқорироқда одамдек келадиган, чорак қисми ерга кўмилган эски хум бор. Қишлоғингдан уч-тўрт бечорани топгин, уни сувга тўлдиришсин. Хумга энг охириги челақ сувни қуйган одамга боғингнинг ярмини хатлаб берасан»,- дедилар.

-Ия, худоё тавба қилдим!- деди Муҳсин гуппи севинчдан гупиллаб кетган юрагини базўр тинчитиб.

– Тақдир экан, қандай қилай?- деди Насриддин Афанди бечора ҳол қиёфада.

– Ҳа, энди тушга ҳар бало ҳам кираверади-да,- деди Муҳсин гуппи юпатгандек бўлиб,- бўлмағур нарса учун ҳайҳотдек боғнинг ярмидан ажралиб ўтирасизми?

– Йўқ, деди Насриддин қатъийлик билан.- Отам раҳматлини тирикликлариди сўзларини икки қилмасдим, энди руҳлари озор чексинми?

– Офарин! Офарин!- Муҳсин гуппи ҳам севинчдан, ҳам ҳовлидан куруқ қолиш ваҳимасидан бир туриб яна ўтирди.- Балли! Яшанг!- бу олқишини боягидан анча хотиржам айтди. Чунки дарров режа тузишга шўнғиб, кўзлари совуқ йилтирай бошлаганди.

– Хўш,- Насриддин гапнинг каштасини янада тажақдорроқ қилди.- қошингизга келишимнинг бойси, мулла Муҳсин ака, сиз қишлоқнинг ипидан игнасигача биладиган обрўли одамсиз. Мен эса янгиман. Хўш, шу хумни тўлдирадиган одамни қаердан топаман? Менга биров ишонармиди... Иккинчи томондан, жуда шов-шув қилишнинг ҳам тарафдори эмасман. Отамнинг айтганларини бажариб, кўнглимни хотиржам қилсам бас.

– Жуда яхши келибсиз!.- деди-ю, шу гапидан сўнг Муҳсин гуппини қаттиқ йўтал тутди. Аслида бу йўтал эмас, севинчдан отилиб чиқаётган кулгисини хаспўшловчи сохталик эди.- Жуда тўғри ва оқилона йўл,- дея Муҳсин гуппи кўз ёшларини артди.- Овоза қилиш шарт эмас. Бу савоб ишингизни ўзим уддалаб бераман. Гаҳ десам кўлимга қўнадиган иккита одамим бор. Бечоралар жуда камбағал. Айтаман, ўзим бошида туриб, бажариб бераман. А?

– Бўпти, мен рози! Раҳмат сизга!- Насриддин ўрнидан турди.- Бўлмаса ишни бугундан қолдирмайлик, мулла ака.

– Насриддин кетиш тараддудиди эшик томон юрди-ю, илкис тўхтади:

– Ҳа, айтмоқчи!- деди у бир нарсани ҳозиргина эслагандек. - Бояги отам айтган хумлар ҳеч қачон боғда турмасди. Эрталаб уйғониб қарасам, худди айтганларидек, боғнинг ўртасида чорак бўйи кўмилиб, тип-тик турибди!

– Ё тавба!- Муҳсин ёқа ушлади.

Насриддин кетди. Муҳсин гуппи сал узоқлашишини кутиб турди-да, севинганидан бақириб юборди:

– Турсунали! Алимшо!

Ичкаридан узун-қисқа бўлиб икки киши югуриб чиқди.

– Тез! Учта обкаш билан саккизта пақир олиб чиқларинг!- буюрди уларга гуппи.

Муҳсин гуппи ўзининг Турсунали деган девқомат қораңдаси ва Алимшо деган югурдаги билан учта обкаш, саккизта челақ кўтариб тезда

Насриддинниги етиб келишди. Ёз бошининг кучга тўлган қуёши анча тиккалашиб, деҳқон ва корандаларни соя-салқинга ҳайдай бошлаганди. Шунга қарамай, боққа эга чиқиб қолишидан қўрққан Муҳсин гуппи ишни кечиктирмасликка қарор қилди.

Бу йил қурғоқроқ келди. Икки юз қадамча наридаги катта ариқда сув жилдираб қолганди.

Муҳсин гуппи малайлари билан бир-икки бориб келишдаёқ қора терга ботди. Ҳар ҳолда, биринчи саккиз челақ сувни ағдаришгандаёқ хумнинг ярмидан пастроғигача тўлдириб қўйишди. Икки-уч қатнашда хумнинг тўлиши аниқ эди. Муҳсин гуппининг кайфи шунчалик чоғ, боши осмонда.

У бўш челақла олдинда кетар, тўлдириб қайтишганда хизматкорларининг орқасидан келиб сув ағдаришларини кузатиб турар эди. Худо кўрсатмасин, уларнинг челаги охириги бўлиб қолиши мумкин эди-да!

Икки карра қатнаганда хумнинг тўлишига уч-тўрт челақ кифоя эканлиги сезилди. Шундай бўлсада, Муҳсин гуппи бошчилигида шотирлари саккиз челақнинг барини кўтариб кетишди.

Насриддин афанди эшагига ярим чордана қуриб ўтирганча уларнинг ишини кузатарди. Боққа умидвор бўлганлар қаро терга ботиб учинчи карра қайтиб келишганда, у эшагидан тушди.

– Э, яшанглар!- деди хумга яқинлашиб. Унинг бу хитоби ва бетоқатлик билан эшагидан тушиб келганидан отасининг тушда тайинлаганини тезроқ бажариб, боғнинг ярмидан қутулмоқчилиги кўриниб турарди.

Биринчи етиб келган Турсунали бир челагини ағдариб, иккинчисини чоғлаганда орқада қолган гуппи унга бақирди.

– Тўхта!

Муҳсин гуппи ҳаллослаб келди-да, гапини қайтарди.

– Тўхта. Бир кўрай, қанча қолдийкин.

У шундай деб хумнинг ичига мўралади-ю, Насриддинга саросар кўз тикди:

– Сал камайиб қолибдими? Ё менга шундай кўриняптими?

– Қанақасига камайди? - деди Турсунали шанғиллаб. Э, мулла ака, ағдараверайлик, зўр келса бир марта яна бориб келамиз-да!

– Қаёққа камайди? Насриддин ҳам Турсуналининг гапини тасдиқларкан, хумга мўралади:

– Ҳа, бу ўзи катта хум-да! Ҳайбатини қаранг!

– Ҳа, шундайми?

Муҳсин гуппи хумнинг катталигига ҳам, боягина тўлиб қолди, деб алданганига ҳам ишонди.

Шу кайфиятда сув ташувчилар яна икки карра қатнашди. Хум эса ўша аҳволда эди. Яхши тўлишига уч-тўрт челақ старлидек туюларди-ю, ўзидан-ўзи яримлашиб қолаверарди.

– Бу нима деган гап!?!- Муҳсин гуппи шубҳага борди. Бу шубҳаси хумга тааллуқлилиги аён эди. Насриддин Афандини ҳали ҳам хумнинг тезроқ тўлишидан манфаатдор деб биларди.

Насриддин Афанди ҳам кўзларини бақрайтириб, нима дейишини билмай турди-да, келиб хумни ушлаб, қимирлатмоқчи бўлди. Хум қимир этмади. Насриддин хумнинг тубига, ичига қаради.

– Бу палакат нима қияпти ўзи? - жигибийрони чиқди, хумни беқор тепди. - Ҳали отамни гўрида тикка турғизмасайди!

Орага жимлик чўкди. Учала қора терга тушган «сувчилар» ва Насриддин Афанди бир-бирларига ҳеч нарса тушуинмай анқайишди. Жазирама иссиқ кун ҳам ўзининг шабадаси, олислардан келаётган қушлар сайроғи, хуллас, жамики ҳаракат ва овозлари билан бирга ҳайронликка кўшилганди. Ниманидир курт-курт чайнаб, эшаккина бузаётган жимликда гуппи билан малайларида оқаётган тер ҳам жилдираб овоз чиқараётганга ўхшарди.

– Топдим! - деди Насриддин Афанди. - Бунинг тагида дарз кетган жойи бўлса сув ўшандан сизиб тушаётгандир?

Боғнинг ярми машъаладек чарақлаб турган жойда бу гапга чалакам-чатти ишонишди ҳам.

– Худо хайринглари берсин! Ишни ўлда-жўлда қолдирманглар! Бу хумпарга яна беш-ўн челақ сув кетса кетар. Отамнинг васиятларини бажармасам, ҳузур-ҳаловатимдан тамом айриламан!

Муҳсин гуппи бу гапларни маъқуллади.

– Қани, кўтарларинг! - деди челақларга ишора қилиб.

Сув ташувчилар яна уч-тўрт карра бориб-келишди. Лекин хумдаги сув ўрни ўша-ўша: тўлишига уч-тўрт челақ қолар ва яна пасайиб кетарди.

Насриддин тагин бир карра ялиниб-ёлвориб отасининг руҳини чирқиратмасликка гуппини кўндирди. Кейинги сафар гуппининг ўзи бу ерда қандайдир найранг борлигини сизди. Шармандан шармисор

бўлганини орқага суриш учун ҳам жаҳл устида яна беш мартача шотирлари бошчилигида қатнади. Шундай қилиб, хумга тахминан икки юз челақлар сув ағдарилди.

Нихоят гуппи портлади. Бўш челақни даранглатиб ерга урди-да, йиғлагудек бақира кетди:

– Мен сизга нима ёмонлик қилган эдим, а? Нима ёмонлик қилдим?

Насриддин ҳам ачинганидан йиғлагудек бўлиб ўзини оқлади:

– Менда айб йўқ! Менда айб йўқ!

– Э, қочинг-э!- Муҳсин гуппи қўл силтаб нари кетаётиб орқага ўтирилди. Сизнинг номингизни эшитибоқ ҳурмат қилгандим. Мана шунақа фисқ-фасодлигингиз учун Урганчдан ҳайдашганини энди билдим. Тўғри қилишган! Тўғрилиқча сув сўрасангиз бермасмидим?

Муҳсин гуппи кета бошлади. Насриддин гуноҳкорона гап қотди:

– Бу падарлаънат хумни бунчалик сув ейишини мен қайдан билибман?

Гуппи ва одамлари кетишди. Насриддиннинг юзидаги гуноҳкорона ифодани жилмайиш эгаллади. Шу жилмайиш билан аста бориб, хумдан тўрт қадам наридаги девордан боғига мўралади. Ундаги полизнинг ва дарахтларнинг анчагина қисми суғорилганди.

Насриддин Афанди ана шунақа – туриб-туриб кимнингдир устидан кулиш истаги тутиб қоларди. Хумга сув тўлдириш ҳамда отасининг тушига киргани билан боғлиқ воқеа эса тубандагича эди.

Қишлоқдаги катта ариқ қадимдан қолган овоза бўйича Муҳсин гуппининг ота-боболарига тегишли бўлиб, ундан оққан сув анча бир қизиқ тарзда тақсимланарди. Яъни ён ариқларга ўзидан ўзи, ҳеч қандай боғловсиз чиққан сув ҳамманики, борди-ю, ён ариқларга сув боғлаб чиқарилса, Гуппига ҳақ тўланиши керак эди.

Бу йил эса қурғоқ келганидан кўп хонадонлар анчагина қийналди. Шусиз ҳам қарам бўлган одамларни Муҳсин гуппи янада кўпроқ қарзга ботирди. Албатта, ҳеч кимнинг беҳуда ҳақ бергиси келмайди. Одамлар гуппининг кўзини шамғалат қилиб, экинларини яширинча суғориб олишлари, ўқариққа ким ташлагани номаълум каттакон ҳарсангларнинг “ўзидан-ўзи” тушиб қолишлари тез-тез такрорланиб турарди. Шунда гуппининг бақириб сўкинганлари бутун атроф-тумонатга тараларди.

Насриддин афандининг қилиқ чиқаришига ҳам сабаб ана шу, кунда бўлмасаям кунора эшитиладиган вағиллаб сўқишлар эди.

ҚАСОСНИНГ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Муҳсин гуппи бир ойларча вақтини қасос олиш орзуси билан ўтказди. Ўйлай-ўйлай йўлини топди.

Насриддин Афанди болари тутарди. Гуппи сўраб-суриштириб унинг яқин кунларда асални икки хум қилиб бозорга олиб тушмоқчилигини билди. Ана шу икки хум асал устида Насриддинни қўлга туширишни ниёт қилди. Пухталаб режа тузди. Очиғини айтиш керакки, агар бу режа амалга ошса, ҳақиқатан ҳам Насриддин Афанди эл орасида қаттиқ кулги бўлади.

Бугун гуппи ўйлаган қасоснинг амалга ошадиган куни эди...

- Яратганнинг ишларига қойилман, - деди гуппи атрофдаги гўзалликка мароқланганча аланглаб, сўнг бирдан овозига маломат аралашди.

- Йўқ, қайтиб олдим, - деди у, ариқдаги сувга қўлини пахса қилиб. - қойил эмасман!.. Менинг мингта қўйим бор, минг таноб ерим бор, хўпми!? Гуппи атрофга бир қараб қўйиб томоқ қирди-да, яна ариққа гап сўқди. - Хў-ўш, ҳа энди мингта бўлмаса ҳам шунга яқин. Хўш?! Нега энди мени атрофимдаги тўртта қишлоқдан нарида ҳеч ким танимайди-ю, чўнтагида ҳемири бўлмаган Афандини бутун олам танийди? А?

Гуппи бепарво оқаётган сувга бир зум ўқрайди-да, қўл силтади.

- Э, бор-э, бу - фирт фирромлик!

Гуппи чойдан хўр-хўр ичди-да, қоматини тиклади.

- Мана бугун, - деди у бармоғини сувга нуқиб, - мен бу фирромликни тузатаман! Насриддин Афандига бир фириб берайки, ким ақлли ва ким доно эканлигини кўриб қўйясан!

Муҳсин гуппи кўкрагининг борича нафас олиб яйради. Кайфи чоғ бўлди.

- Тўғри-да! - деди у яна ўз гапини тасдиқлаб. - Менимча, ким бой бўлса - ўша ақлли. Ким ақлли бўлса - ўша бой! Билдингми? Гуппи яна бармоғини нуқиб сувга уқтирди. - Билмасанг билиб қўй! Ҳа! Ақлнинг бўлмаса бойлик топиб бўнсан!

АБДИ ОППОҚ ВА АҲМАД ТАРАША

Кумушкентда бугун катта бозор эди.

Насриддин Афанди ҳам, Муҳсин гуппи ҳам шу ерга келишни мўлжаллашганди. Лекин иккови ҳам ҳали уч тош¹ йўл босиши керак, унғача бошқа икки киши билан танишиб турамиз...

¹ Тош - масофа улчови. Бир тош тўрт чақирим (километр)га тўғри келади.

Аҳмад тараша билан Абди оппоқ бозорга кирадиган олти кўчадан биттасининг бошида тасодифан учрашишди. Уларнинг икковиниям чапани дейишарди. Чапани деган тушунча ўша пайтларда касб маъносига ҳам ўтиб кетарди. Антиқа тоифадаги бу одамлар деярли ҳамма шаҳарда бўлар, кишлоқларда ҳам уларга тақлид қилувчилар топиларди.

Чапаниларни ҳурмат қилишар ва бир оз ҳайқардилар. Чунки ишлашдан кўра ўлимни афзал кўрадиган чапанилар фитна-ю, найрангларнинг тиғи ёки қалқони бўлиб хизмат қилишарди. Йўқ, бу фитналарни улар уюштирамасди, уюштиришни бошқа - пулдор ёки ғазабноклар қилардилару, бажаришга қолганда чапаниларга мурожаат этиларди. Бировнинг бировдан қасдини олиш, бировнинг қизини обқочиб, бировнинг уюридан асл отни ўғирлаш сингари ишлар ёки шундай вазиятларда ҳимояланиш чапаниларсиз битмасди.

Чапаниларни ҳурмат қилишларига сабаб, улар ҳеч қачон ўзлари учун ўғирлик қилмасдилар, юқорида санаб ўтганимиздек «нозик» ишларни маҳорат билан, из қолдирмайдиган қилиб бажарадилар ва мабодо қўлга тушсалар, ҳеч қачон «буюртмачи»ни сотмасдилар.

Чапаниларнинг яна бир одати бор эдики, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрамасдилар. Мантиқан ҳам чапанилигимча қоламан деган чапани ишларидан гапирмаслиги лозим эди.

Абди оппоқ билан Аҳмад тараша учрашганда ҳам бу удум бузилмади.

- Ҳа, тузукмисан? - сўради Абди оппоқ совуққина қўл ташлашгач.

- Юрибман, дунёи дастурхоннинг бир чеккасида. Шундай деб бозор ичкарасига йўл олишди.

Аҳмад тараша қотма, қоп-қора, жуда дароз одам эди. Бирдан «пов» этиб ёниб кетадиган феъли бўлиб, худди шундай бирданига жаҳлидан ҳам тушиб қўя қоларди.

Абди оппоқ ўрта бўйли киши эди. Ҳамиша кигиз қалпоқ кийиб юрар, қоп-қора соқоли юзининг оқлигидан кўк кўринарди. Иккала чапани ҳам кучли, эгчил, ёшлари қирқнинг нари-берисидаги одамлар эди.

Ҳэйхонга киришганда ёнма-ён, лекин худди нотанишлардек хиёл бир-бирларига тескари қараб ўтирдилар. Иккови унсиз белбоғларидан тугунча олиб бир сиқимдан майиз, беш-олтитадан туршак чиқариб сопол лаганларига солдилар-да, тугунларини қайта туғиб, белбоғларига қистириб қўйдилар.

Тарашанинг лаганида ёнғоқдек келадиган иккита новвот ҳам бор эди.

Абди оппоқ шу заҳотиёқ нон кавшашга тушиб, устидан хўриллатиб

чой ича бошлади. Тараша эса чойни қуйишга шошилмади. Белбоғи таҳини титкилаб, тугунчак олди. Ундан кичкина, кир дока рўмолчага озгина кўкнор тўкди-да, докани думалоқ қилиб боғлаб уни сопол пиёлага солди. Устига бир бўлак новвотни ҳам ташлади. Қолган бойлигини шошилмай белига туккачгина, ўшандай бамайлихотирлик билан пиёлага чой қуйди. Сўнг бошини ҳам қилганча, то кўкнор етилгунча, қимир этмай ўтирди. Кўкнор чойга чиққач, докани бураб сиқди-да, лаганнинг бир чеккасига, иккинчи новвот бўлагининг ёнига қўйди. Лаганни эса жиндаккина Абди оппоқ томон сурди. Абди оппоқ буни дарров илғади. Бир-икки сония тараддулданди. Тарашага бир-икки қараб қўйди. Кейин нима бўлса бўлар қабилида бош ирғади-да, новвот билан тугунчакни ўзининг пиёласига солди.

Кўкнори ичиб олишгач, чапаниларнинг чехраси ёришиб, қадрлари кўтарилиб, одамларга очилиброқ қарай бошладилар.

ИККИ МИРШАБ

Нодир миршаб билан Содир миршабнинг аслида хизмат жойлари шаҳарда. Аммо катта бозор кунлари далага чиқиб, ўзларининг тилида айтганда ҳаво ўзгартиришарди. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, бозор йўлида туриб олиб, ўтган-кетган деҳқон ва чўпонни алдаб-сулдаб ёки дўқ-пўписа қилиб жиндек-жиндек шилишар эди.

Нодир миршаб билан Содир миршаб мўлжалларидаги вақтдан хийла кечикиб қолишганди. Бунга Содир миршаб айбдор эди.

Боядан бери бир неча марта койитган бўлишига қарамай, туриб-туриб Нодир миршабнинг аччиғи яна тутиб кетарди.

- Ҳей, ҳа шунча ҳам ухлайсанми, галваре! Нас босиб юрасан-а!- деди у тош супада елкасини чиқарганча қўлларига суяниб ўтираркан...

Содир миршаб отининг олдинги оёғини кўтариб, тақанинг бўшаб кетаётган миҳини тош билан чиқиллатиб қоқарди. Шеригининг бу гапини кўп эшитгани учун жавоб бермай ишини давом эттирди.

- Бугун энди ҳемириям йўқ, икки қўлни бурунга тиқиб қайтамиз!
Содир миршаб: «Ана!» деб бақириб юборди. Бақирғига монанд кўли ҳам Лайлак томон чўзилди.

- Ана!- хитобини такрорлади Содир миршаб.- Айтмадимми, худойим бугунги ризқимиз учун ҳам бирор нарса сочиб қўйгандир, деб!

Лайлак томондан бир арава келарди.

БИРИНЧИ ЎЛЖА

Бу Абдукарим эди. Миршаблар ўлжани кўргач, худди ҳеч нарса билан ишлари йўқ одамлардек, тошсупага ёнма-ён ўтирдилар. Абдукарим узоқдан уларнинг миршаблар эканини билди. Кўнгли хижилланиб, ҳурматларини жойига қўйсам, зора тирғалишмаса деган умидда анча нариданоқ аравасидан тушиб пиёдаланди. Беш-ўн қадамча қолганда салом берди.

– Ҳорманг, катта ака! Йўл бўлсин!- деди Нодир миршаб қуш ўтиришда ўтирган кўйи алиқ олиб. Шу сонияда у ўзини фил, Абдукаримни чумолидек чоғлади.

– Бор бўлинг! Бозорга кетятувдим!

Шундай деб Абдукаримнинг нафаси ичига тушиб кетди. Миршабларнинг албатта тирғалишлари, режалари барбод бўлиши мумкинлигини сизди. Кўзлари мўлтиради.

Миршаблар унинг мўлтирашини ўз салобатларига йўйдилар. Абдукарим эса тезроқ шаҳарга тушиб чиқиш, бўз, чит олиб, янги қўрғонда кутиб ўтирган аёли, бола-чақасини севинтириш, сўнг рўзғордаги бошқа ишларга уншаш сингари бутунга мўлжалланган режаларнинг бузилишидан кўрқарди.

– Бола-чақанинг тишига босармиз деб уч-тўртта уруғ ташлаб қўйгандим. Насиб қилмаган экан, сотгани олиб кетяпман.

Абдукарим бу гапларни ўша режаларнинг амалга ошмай қолиши кўркувидан эзилиб айтди.

– Ҳа, яхши, яхши. Омадингизни берсин.

Нодир миршаб шундай деб, четани йўнилмаган таёқ ва қамишлардан ясалган аравага яқинлашди. Кўз қирини ташлаб унинг ичидаги ҳандалакларни кўрди.

– Қани, аравангиз бутми? Йўл-пўлда тўкилиб тушмайдимми?

Нодир миршаб араванинг саҳини, филдиракларини силтаб-силтаб тортиб кўра бошлади.

– Эски бўлса ҳам пишиқ, - Абдукарим ялтоқланиб кулди. - Чатоқ арава билан шаҳарга тушиб бўларканми?

– Ия! Араванинг сал кам бўйидек келадиган филдирагини силтаб туриб айтган Нодир миршабнинг бу хитоби Абдукаримнинг жилмайишини сўндирди.

– Ҳа, буни шалоғи чиқиб ётибди-ку!- деди миршаб кўзларининг пахтасини чиқариб дўқ билан.

Абдукарим норғул гавдасига ярашмаган чаққонлик билан лип этиб миршабнинг олдига ўтиб, филдиракни силтади: -Ж-жойида-ку?

– Менга ишонмайсизми?!- Нодир миршаб дўқини кучайтирди. - Содир! Бу ёққа қара!

Содир миршаб ҳеч хоҳиши йўқдек кўзғолди. Бошига салласини, афтига эса энса қотиш ифодасини қўндирди-да, шошилмай яқинлашди. Филдиракни ҳазар қилгандек ушлаб силтади.

– Шалоғи чиқиб ётибди,- деди у қўлларини қоққанча узоқларга тикилиб.- Чиқиб кетади.

– Нега чиқиб кетаркан!?! Мустаҳкам арава! Уста Маннон ишлаган. Мен туғул, ўғлимнинг кунига ҳам ярайди ҳали!

Абдукаримнинг бу узун нидосидан супа томон қайтаётган Содир миршаб тўхтади. Истамай ўгирилди. Замирида зўр дағдаға сезилиб турган бепарволик билан деди:

– Нима, сизга подшоликнинг одами ёлғон гапирадими?

– Ҳа,- деди Нодир миршаб.- Бунингиз шаҳарга борганда чиқиб кетиб, биронга бандаи мўминни шикастлайди. Товонига қоласиз!

– Э, нима бўлса пешонамдан кўрдим! Жон акалар, буни сотиб, пулига майда-чуйда олиб қайтишим керак. Олис йўл, қоронғига қолиб кетмай!

– Ия! Бизни бу ерга нимага қўйиб қўйибди?! Қийишқ, бузуқ араваларни ўтказмагин дейишган-да! Тузатинг аравангизни!

Бу буйруқни эшитган Абдукарим бошига мушт тушгандек гарангсиб, анча вақтгача нима дейишини, нима қилишини билмай қолди. Нодир миршаб эса гап тамом дегандек, Содирнинг ёнига - супага бориб ўтирди. Иккови ёлғондан қизгин суҳбатга берилишди.

Абдукарим анчадан кейин ўзига келди. Ночор қиёфада супага яқинлашди:

– Нима қил дейсизлар?

– Ҳеч қачққа бормайсан! Аравангни шу ерда, кўзимизнинг олдида тузатасан!

Сал зийракроқ бўлган Нодир миршаб - Содир миршабнинг бунақа дўқ-пўписалари билан асл ниятларини Абдукаримга барибир тушунтириб бўлмаслигини сизди. «Қўйиб берсанг бу галварс аравасини ҳозироқ созлашга киришпади-ёв!»- деб ўйлади.

– Сен нари тур!- деб ёлгон пўписа билан Содир миршабни нари ҳайлади-да, одамга ўхшаб Абдукаримга гап қотди:- Энди, ука, сизни шундай ўтказиб юборсак, сиз, худо кўрсатмасину мабодо бировни жароҳатласангиз, бизни миршаббоши қаттиқ сўқади. Биз нима деймиз? ...Ҳа энди, иши зарил экан, жуда илтимос қилди, деймиз... Ҳандалак обкетаётган эканлар. Мана, янгилик, сизнинг ҳам оғзингиз тегсин, деб уч-тўртта ҳандалак берсак, жавобимиз анча чиройли чиқади, а? Тўғрими?

Абдукарим севишиб дарров кўнди:

– Майли, олинглар, беш-ўнта ҳандалак гапиришга арзимаёди.

– Йўқ, сиз ўзингиз айтинг-да! Нодир миршаб дўстона кулиб Абдукаримнинг елкасига қоқди. - Илтимос, денг, сиз ўнта, ошнангиз ўнта, миршаббошига йигирмата ҳандалак олинг, денг, аравамнинг чатоғлигига қарамай ўтказиб юборинглар, денг. Қани, ўз оғзингиз билан қайтаринг-чи?

Абдукаримнинг яна нафаси ичига тушиб, миршабни инсофга чақирмоқчи бўлди.

– Ўзи олтмиш-етмишга ҳандалак обкетяпман, акажон! Яримдан кўпини олсанлар! Аравани шаҳарга овора қилганимга арзимаёди-ку!

– Э, гапга тушунмасакансиз! Бўпти, аравангизни шу ерда тузатинг-да, кетаверинг! Ҳеч нарсангиз керакмас!- Нодир миршабнинг башараси одам сиёқидан чиқиб, муомаласи яна совуқлашди, димоғидан эшакқурт ёққанча яна миршаблик сиёқига ўтди. Абдукарим ноилож унинг енгидан ушлаб ялинди.

– Жон оға, ўттизга ҳандалак олиб мени кўрмагандек бўлинг!

– Бу бошқа гап!- Нодир миршабнинг афти яна одам сиёқига қайтиб жилмайди. - Қани, ўзингиз қирқта йирик-йиригидан танлаб сардобанинг орқасига олиб қўйинг-да, жўнайверинг.

Ҳаммасидан ҳам Абдукаримга мана шу ҳандалакларни ташиш алам қилди. Боз устига режалари барбод бўлганди. Юзидаги ялинчеклик йўқолиб, ўрнини ақлли қаҳр эгаллади. Индамай уч-тўрт қатнаб, қирқта ҳандалакни туширди-да, яна индамай жўнади.

– Хайр, ўв, леҳқонбой ака! Нега бу қовоғингиздан қор ёғилиб қолди?- деди Нодир миршаб.

– Одамларга яхшилик қилиб балога қоласан!- пўнғиллади Содир миршаб.

Абдукарим аравада ўтирганча ўтирилди.

– Билиб қўйларинг, ҳў оғалар! Ҳандалак эмас, қизчамнинг бўз қўйлагини олиб қолдиларинг! Ҳайитлик қилмоқчи эдим. Қизчамга айтаман: ўлгунча қарғаб юрсин!

Абдукарим отига қамчи урди.

ИККИНЧИ ЎЛЖА

Абдукарим нари кетгач, миршаблар гарчи арзимас бўлса-да, биринчи ўлжа қувончидан хоҳолаб юборишди.

– Ўзи бериб, яна гина қилади,- деди Содир.

– Ўзи олинг дейди-да, кетидан тўнғиллайди,- деди Нодир миршаб.

Икки ошнанинг бу гаплари хоҳолаш орасида айтилди. Сўнг улар ҳазил-мазах қўшиқ бошлаб юборишди.

Ман ўзим полвон йигит ҳо!

Қоғозни тар-тар йиртаман.

Юрагим тоғдай йигит ҳо!

Ўлган бузоқдан қўрқаман.

Қўшиқ тугагач, ...Лайлак тарафга қараган Нодир миршаб у томондан келаётган отлиқни кўрди.

– Яна битта ўлжа келяпти.

Содир миршаб севиниб, узоқдаги отлиққа тикилди. Шунда унинг севинчи сув сепилган гулхандек сўнди.

– Э, бу Муҳсин бой-ку! Ундан ундириб бўлсан!- деди энсаси қотиб Содир миршаб.

Иккала дўст қўй оғзидан чўп олмаган мусулмон қиёфасида супага ёнмаён ўтиришди. Муҳсин гуппи яқинлашиши билан улар бирданига ширил жилмайишиб, тавозе билан салом бердилар. Миршаблар жилмайган кўйи Муҳсин гуппини теггина ўтказиб юборишни мўлжаллагандилар. Лекин Гуппи ўтиб кетмади. «Ваалейкум» деганича отдан туша бошлади.

Икки миршаб кимўзар ўйнагандек югуриб бориб, унинг қўлини олиб сўрашдилар. Уларнинг боя Абдукарим олдидаги важоҳатларини кўрган ва ҳозирги сиёқлари билан солиштиргудек кимса топилса эди, одамнинг гавдаси бирданига кичрайиб қолишига гувоҳ бўларди.

Муҳсин гуппи боши билан отини ишора қилиб супанинг четига ўтирди. Иккала миршаб отни чинорнинг тагига, сояга боғлаб қайтишди.

– Э,- Муҳсин гуппи яйраб кулди.- Сенларнинг нима қилиб ўтирганларингни биламан. Лекигин мени сенларга худонинг ўзи етказгани рост! ...Ажабмас, бугун ризқларингни мен туфайли топсанглар!- деди у қамчи билан этигининг чангини аста қоқаркан, виқор билан.

– Иншоолло, иншоолло, бой ака!- тамшанди Нодир миршаб. Муҳсин гуппи иккала миршабга чамалагандек кўз югуртирди.

– Бир иш бор. Эпласаларинг икковинг бир хумдан асалга эга бўласанлар. Устига ҳар бирингга ярим тилладан танга бераман.

Нодир миршабга жон кирди.

– Айтнинг тезроқ, бой ака!

– Хў-ўш,- деди Гуппи ниҳоятда жиддийлик билан. Ҳозир менинг изимдан бир одам келади. Эшагининг хуржунида икки хум асали бор. Шуни олиш керак!

Унинг бу гапидан сўнг миршаблар индамай қолишди.

Бир оз ўтгач Содир миршаб сўради:

– Ўзи икки хум асали бор!

– Ҳа!

– Биз икковини олишимиз керак?

– Ҳа.

Миршаблар яна ўйланиб қолишди. Одатда улар ўн-ўн беш қопли деҳқондан ярим қоп, бир қопни олишарди. Эллик-олтмиш қўйли чўпондан битта, жуда нари борса иккита қўйни. Шунда ҳам гоҳида жанжаллар бўлиб зўрға қутулардилар. Лекин одамнинг бор буд-шудини тортиб олиш! Бу тоифа ишни улар қилмасдилар ва қилишни хоҳламасдилар.

– Ўша айтган одамнингизнинг бошқа ҳеч нарсаи йўқми?- бу саволни Нодир миршаб берди.

– Йўқ!- деди тажанглашиб Гуппи.

– Жуда қийин иш, бой ака!- дея гапга Содир миршаб аралашди:- Бунақасини бизга устозимиз ўргатмаганлар!

– Устозингиздан ўргилдим. Мен ўргатяпман! Боз устига тилла бераяпман!..

Нодир миршаб Гуппининг гапини бўлди:

– Чорак хумини, борингки, ярим хумини ол, денг, оберайлик. Молидан

ажраган одам болтадан қайтмайдиган ҳўкизга айланади. Биласизми, қассобга калла қўйиб қолиши мумкин.

– Ҳой, ҳой, ҳой!- ўз навбатида Гуппи ҳам унинг гапини кесди-да, бармоқларини бир-бирига ишқаб деди. Мен танга беряпман! Мулла жиринг беряпман! Чорак хум, ярим хум эмиш! Чорак хум, ярим хумни мен айтмасам ҳам олишларингни биламан.

Миршабларнинг кўнмаётгани кўриниб турарди. Муҳсин гуппи ярим тиллани эшитиб дарров кўнишади деб ўйлаб хато қилганини тушунди. Энди аврашга ўтди.

– Ярим тилла-я! Боз устига, олишнинг осон йўлини ўргатаман. У одам хумларининг бўшлигини бозорга боргунча билмай қолади. – Муҳсин гуппи жиндек тин олиб, нархни кўшди. – Ҳа, борларинг, ана икковингга бир тангадан бераман! – Бир хумдан асал, битта мулла жиринг – асл тилладан, эгаси билмай қоладиган йўли! Яна нима керак? Мен ўша одамни хумлари бўш ҳолда бозорга кириб борганини кўрсам бўлди!

– Ким ўзи ўша айтаётган одамингиз?– сўради шошиб Содир миршаб. Шошмаса, Нодир миршаб: «Бўпти, биз рози!»- деворишга тайёр эди. Ўлжасиз қайтишдан дили хуфтон Нодир миршабни ярим маошига тенг бир танга – бутунлай эс-ҳушини олганди. Боз устига бир хум асал!

Муҳсин гуппи ҳам ошналарнинг яқинлигига дарз кетганини сезди. Шунинг учун Нодир миршабга пирпираб боқиб, гўёки ўпкаланди:

– Дўстингизни қаранг! Ҳа буни нима аҳамияти бор?!

Содир миршаб қувроқ эди. Бунинг устига яна нархни ошириш мумкинлигини тушунди.

– Жуда бор-да,- деди у ўжарлик қилиб.

Нодир миршаб дўстига боқаркан, унинг тижирлик қилишига ҳайрон бўлди. Гуппи ниҳоятда тажанг эди. Содир миршаб эса уларнинг биттасига ҳам қарамас, гоҳ ерга, гоҳ осмонга тикиларкан, фўнғиллаб ҳиргойи қиларди.

Жаҳли чиққан Гуппи бармоғини нуқиб ҳижжалади:

– Ўша мен айтган асалли одам – Насриддин Афанди бўлади!

Бу гапни эшитган миршаблар аввал бир зум оғизларини очиб ағрайишди-да, кейин: «Йўқ, йўқ, йўқ!»- деганча худди моховдан қочгандек икки ёққа қочишди. Гуппи бир амаллаб Нодир миршабнинг этагидан ушлаб қолди. Содир миршабни эса такрор-такрор қақиравериби, аранг ёнига қайтиб ўтказди.

– Тавба!- деди у хуноб бўлиб.- Намунча номини эшитибоқ бу одамлар

ўзини томдан ташлагудек қочади-я? У ҳам ҳаммага ўхшаган одам! Менга қаранг: икковингга икки тилладан бераман. Ана, мендан кетса кетсин! Фойдани тагида қоладиган бўлдиларинг!

– Э, Насриддин Афандига тегмаган одам фойда қилади бой ака!- пўнғиллади Содир миршаб.

– Уч тилладан бераман- деди Гушти.

– Уч тилладан!!!- Нодир миршаб шундай деб хуши бошидан учди. У батамом Гуштининг қулига айланганди. Содир миршаб эса баттар шубҳага тушди.

– Менга қаранг, бой ака, шу одамга тегиш намунча зарил бўлиб қолди? Насриддин Афандини бутун пошшоликда отлик ҳам, пиёда ҳам таниса. Бир ишқал чиқса мен бу миршабларни танимайман, деб тоғиб кетаверасиз!..

– Беш тилладан!- деди Гушти унинг оғзига ургандек.

Бу пулни эшитиб иккала миршаб адоий тамом бўлишди. Айниқса Нодир миршаб ўрнидан туриб кетиб: «Ланж! Нас босган!»- деган таъналарни айтиб унга ташландики, Содир миршаб ҳам таслим бўлди.

– Беш тилладан олларинг-да, ишни бажаринглар! Асалини олиб қуруқ жўнатсаларинг бас! Насриддин Афандини лой қилган миршаблар, деб шоншавкатинглар бутун пошшоликка кетади. Бекнинг, шоҳнинг назарига тушасанлар. Сенларни чақириб мансаб беради. Ҳаммаси икки хум асални олиш эвазига-я! Карнайчидан бир пуф-да! Боз устига осон йўлини ўргатаман.

– Бўпти, ўргатинг йўлини!- деди Содир миршаб.

Гушти бир оз нафас ростлаб, сўнг у ёқ-бу ёққа алаңглаб олди-да, икки оғайинини бўйнидан ушлаб ўзига энгаштирди. Шу алфозда уч-тўрт жумла айтганди, миршаблар бирдан ўзларини орқага ташлаб қаҳ-қаҳ уришди. Гушти яна уларни боягидек энгаштирди. Уч-тўрт оғиз гапидан сўнг миршаблар яна гавдаларини орқага ташлаб, осмонга қараб қаҳ-қаҳ урдилар.

– Оббо, оббо, бой ака! Устомонликда барчадан ўтиб кетибсиз-ку!- деди кулги аралаш Нодир.

– Насриддин Афанди ҳам ип эшолмайди!- деди Содир миршаб.

Ярасига малҳамдек бу мақтовдан Муҳсин гушти талгайиб кетди.

– Зўрми?- сўради у ҳам гердайиб.

– Зўр! қойил!

Муҳсин гуппи жиддийлашиб, миршабларга режани пухта уқтирди:
– Агар асални ўмарганларингни сезмасдан кетаверса - индамайсизлар!
Сезиб қолса, биз билмаймиз деб, ҳалиги мен ўрғатган жавобни берасанлар!
Бўптими?

– Бўпти, бой ака! Аммо-лекин қойилман!- деди Нодир миршаб.
– Шундан кейин Муҳсин гуппи уларга иккита оғзи бойдоқ оқ халтача берди. Миршаблар уни авайлаб олиб, сардобага яшириб чиқишди.
– Қани, боринглар! Иккита хум топиб келинглар!- деди Гуппи.

ИККИ ХУМ АСАЛ

Сал ўтмай, Содир ва Нодир миршаблар бири хум, иккинчиси мис кашкулни эгарга босганча қайтиб келишди. Бир-бирларига ёрдамлашиб, идишларни артишди, кўз очиб юмғунча уларни сардобанинг орқа томонидаги буталар ичига яшириб қўйишди.

– Менга қара! Агар шу ишимиз туфайли ростдан ҳам бекнинг назарига тушсак, қайси мансабни сўрасам экан-а?- деди Нодир миршаб оғзи қулоғига етиб.

Содир миршаб доимо шеригининг хаёлини банд қилган орзусини билгани учун дарров жавоб берди:

– Миршаббошиликни!

Нодир миршаб бир чуқур оқ тортиб: «Сен нима сўрайсан, Содир?» демоқчи эди, Лайлак томондан кимнингдир хирғойиси эшитилди:

– Тошқин дарёман дебон, савлатингга ишонма, ҳо ишонма.

Бу Насриддин Афанди эди. Миршаблар гап билан бўлиб унинг яқинлашганини сезмай қолгандилар. Улар дарров салла-печларини тўғриладилар. Бир оёқларини суладан пастга осилтирганларича ярим чордона қуриб, «суҳбат»га берилишди.

Насриддин Афанди хирғойисини бир дақиқага узиб, «ассалому алейкум», деди-да, ўтиб кета бошлади.

– Йўл бўлсин, Афандим?- деди Нодир миршаб алик олгач.

– Бозорга, салтанат тоғлари, бозорга,- жавоб берди Насриддин заррача қиё боқмай.

– Бозор тарқаб кетмайдими, кеч қопсиз?- Содирнинг бу гапидан кейин иккала миршаб хавотирланиб ўришларидан туришди. Чунки Насриддин ўтиб кета бошлаганди.

– Яхши молнинг бозори тарқамайди, биродарлар!

Миршаблар ҳаяжонланиб йўл устига чиқишди.

– Нима олиб кетяпсиз?

– Асал, асал.

– Ҳой, тўхтанг,- деди Нодир миршаб.- Ҳужжатингиз борми?

– Ия, қанақа ҳужжат?

Саволдан Нодир миршаб каловланиб қолганди, Содир миршаб топқирлик қилди:

– Асал ўзингизникилиги ҳақидаги ҳужжат!

Насриддин эшагининг жиловини торгди. Бир оёғини эгар устига олиб ярим чордона қуаркан, жилмайиб миршабларга ўтирилди. Шу қиёфасининг ўзи каттакон савол эди.

– Биз сизни ўғри демоқчимасмизу, аммо-лекин миршаббоши ҳамма ҳужжатларни текшириб ўтказгин деб буйруқ берган. Шунинг учун ё ҳужжат, ё гувоҳ топиб келинг,- деди Нодир миршаб.

Насриддин хохлаб кулди:

– Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг машоғини олиб ўтирасизлар, деб эшитгандим. Қаранг, нотўғри экан! Гувоҳ ёки ҳужжат текшириб ўтираркансизлар-да!

Миршаблар Насриддиннинг киноясини тушунмасликка олдилар.

– Биз бировдан бекорга ҳеч нарса олмаймиз. Бировнинг ҳақиқага хиёнат қилган одам шариат олдида жавоб беради. Аввал ўнг қўли, сўнгра сўл қўли кесилади. Сизни ҳурмат қиламиз. Шунинг учун ҳар хил маънога бурадиган гапларни гапираверманг.

– Ҳа, сизни ҳурмат қиламиз,- деб илиб кетди Содирнинг гапини Нодир.- Шунинг учун кишлоқ оқсоқолидан бориб битта ҳужжат олиб келасиз!

Ҳурматларинг учун раҳмат. Лекин худди шу ҳурмат ҳаққи, ҳозир йўлдан қўйманглар! Мабодо миршаббоши текшириб қолса, бор эди, йўқ-отиб қўйибман, дейман.

– Йўқ, бизни ёлғонга шерик қилманг.

Миршабларнинг қатъий жавоби шу бўлди.

Насриддин Афанди бир сир борлигини тушунди ва қайтиб ҳужжат олиб келишга кўнди. Лекин миршабларни бир сивовдан ўтказмоқчи бўлди:

– Хумларимни шу ерда қолдирайми ё олиб кетайми?

– Ия, ҳа нима қиласиз эшак жониворни қийнаб? Ташлаб кетаверинг!- деди дарров Нодир миршаб, асалнинг олиб кетилишидан хавфсираб.

– Туради шу ерда. Мен умуман асални хуш кўрмайман!- жўр бўлди Содир миршаб, сўнг шеригидан сўради: -Сен-чи?

– Бе-е!- деди Нодир миршаб.- Мен асални жиндек ҳидлаб кўйсам, шу йўтал тутади, шу йўтал тутади! Ҳеч ўзимни тўхтата олмайман!

– Мана, супанинг ёнбошига кўйинг. Салқинда тура-туради,- деди Содир миршаб.

– Қани, ёрдамлашиб юборинглар, бўлмаса!- илтимос қилди Насриддин эшакдан тушиб.

Бировнинг ишига саратонда қўл урмайдиган миршаблар бу илтимосга югургилаб келишди. Тиззадан сал баландроқ келадиган хумларни уч кишилашиб супанинг ёнбошига олиб кўйишди.

Насриддин худди ҳеч нарса бўлмагандек, киргойи қилганча Лайлакка қайтди. У узоқлашиб нуқтадан сал каттароқ ҳолда кўрингунга қадар: «Сабр қил, сал нарироқ кетсин, ўгирилиб кўриб қолади»,- деган гаплар билан миршаблар бирини бири босиб туришди. Кейин бирданига шошиб ишга киришишди. Бояги, сардоба орқасига яшириб кўйилган хум ва кашкулни келтириб, Афандининг хумларини уларга ағдариб, асал яхшилаб оқиб тушгунча ушлаб туришди. Шундай қилиб ўзлари олиб келган идишларини гўлдиришди-да, уларни яна чакалакзор ичига яширишди.

Афанди хумларининг ҳар биттасига эса ҳалиги Гуппидан олган оқ халталарни қоқиб бўшатишди. Сўнгра дарров-дарров оғзини боғлаб жой-жойига - супанинг ёнига кўйиб кўйишди.

НАСРИДДИННИНГ ҚУРОЛИ

Насриддин Афандининг миршаблар тиргалганда Абдукаримга ўхшаб куйиб-ёнмагани тушунарли бўлса керак. Насриддиннинг тирикчилиги бу асалга, ундан келадиган даромадга боғлиқ эмасди. У деҳқондан бойроқ эди. Боғида меҳнат қилиш учунгина куймаланарди. Меҳнати маҳсулидан ўчоқ-қозони обод эди. Рўзғор ташвишидан эркинлиги, Гуппига ўхшаб бойлик орттириш истагига қул эмаслиги дунёдаги кўп можароларга гомоша сифатида қарашга имкон берарди. Балойи азим - бойликка қуллик кўп одамларнинг инсон сифатида рўшнолик кўрмай ўтиб кетишига сабаб бўлишини биларди.

Насриддинга ўхшаб ана шу икки кишандан озод бошқа кишилар ҳам бор эди. Бироқ Насриддин Афанди улардан фарқли ўлароқ фақат томошабин бўлиб турмасди. У томошаларга аралашарди. Керак бўлганда воқсаларни ўз истаги бўйича ҳақиқат томонга баҳоли қудрат бурарди. Қуроли - сўзамоллиги эди.

Ҳозиржавоблик, аския, сўзга усталик каби хислатларни баъзилар сирли ва ноёб, баъзилар эса, бачкана, бир тийинга арзимас нарса деб баҳолаб келганлар. Улар минг йиллардан буён одамлар кўзига сирли, кўпчилик учун мутлақо тушунарсиз нарса бўлиб қолади. Модомики, тушунарсиз, сирли экан, у кўпчилик томонидан менсимай ҳам келинади. Дарҳақиқат, ҳозиржавоб қизиқчи, оддий гапда ҳам кулдирадиган одамнинг сеҳрини, меҳригиёсини фақат уни эшитгангина, кўргангина билади. Билмаган, кўрмаган одамга у жуда жўн, оддий, ҳамма ҳам эплайдиган иш бўлиб туюлади. Натижада, қизиқчи ва сўзамол деб бонг чиқарган киши билан беллашгиси келаверади.

Айтайлик, полвон деб донг таратган одамнинг полвонлиги гавдасида, муштида яққол кўзга ташланади. Куч синашмоқни ният қилган полвоннинг елкаси, гарданию муштларига бир қарайди-ю, ўзининг келбатини солиштиради, чоғи келмаса, дарров писиб, шаштидан қайтади. Аммо сўзамолликни қандай солиштирасан?

Насриддин Афандининг машҳур бўлиб кетишига ана шу зукколик жаңгларининг ўзига хослиги, зукколик «муштлари»нинг кўзга кўринмаслиги ҳам сабаб бўлган. Не-не машҳур муллалар, бойлар, беклар, ҳаттоки подшоҳлар ҳам Насриддин билан куч синашганлар. Кўриниши оддий, қўй кўз, соқоли тўқ жигарранг, ўртадан хийла баланд, қотма бу йиғитга зукколик шоҳсупасини ҳеч-ҳеч бергилари келмаган. Қанчалик ўқимишли, бой, қанчалик салтанатли бўлмасинлар, улар юқорида айтганимиз - икки балоий азимдан бирининг қули бўлганлар. Қуlining эса ақли ҳам кишанда туради. Бойликка хирс кўйишдан, рўзғор ташвишидан озод Насриддин Афандиникидек эркин фикр ва ҳаёл билан баҳслашишга йўл бўлсин?! Натижада, ўша ғўдайганлар мағлуб бўладилар. Мағлуб бўлган сари ғазаблари ортиб боради.

Мағлубнинг шуҳрати эса у енгилган заҳоти фолибга кўчади. Ана шундай қилиб, Насриддиннинг шуҳрати мамлакатга тарқалиб, ҳатто ундан ҳам ҳатлаб кетганди. Муҳсия гуппи ана шундай тушулмаган галварсларнинг энг кичикларидан бири эди.

Насриддин Афанди жонини сақлаш учун ўзини-ўзи буюк салтанатнинг энг чекка жойига, яъни Лайлакка сургуни қилгач, бир нарсани сезди. Уни ҳамма жойда билишаркан, севишаркан. Тўғри, ҳайиқадиғанлар, ҳасад қиладиганлар ҳам бор, аммо эт-суяк бўлишга тайёрлар жуда кўп экан. Ҳамма жойда ўзини мусофир билмасдан яшаши мумкин экан. Буларни ўйлаганда Насриддин қалбида буюк мағрурлик сезарди. Унинг мағрурлиги нописандликдан йироқ, бутун ер юзи ватани эканлигини гуёш эди холос.

КУТИЛМАГАН...

Нодир миршаб билан Содир миршаб асални гумдон қилиб, пинакка кетишни мўлжалламоқда эди. Чунки эшаги минг йўртмасин. Насриддиннинг қайтиб келишига камида бир-бир ярим соат керак.

Гушпининг «беш тилла, назарга тушасанлар, шуҳратинг ошади», деган гаплари таъсирида аввал миршабларнинг руҳлари кўтарилди, кетма-кет қўшиқ айтиб, бир оз аскиябозлик ҳам қилдилар. Кейин эса аллақайдандир ўрмалаб келган хижиллик юракларига аста кириб, икковлари ҳам хомушланиб қолишди...

Насриддин Афанди масаласи, ҳозир ўйлаб кўришса, чатоқроқ. Насриддин арз-додини ҳеч кимга етказа олмайдиған деҳқон ёки чўпон эмас. Уни оддий фуқародан тортиб беку амалдорларгача ҳамма билади.

Хижилликнинг иддизи шунда эди. Бу хижиллик икки миршабни ўтга солган бўлса-да, Нодир билан Содир мард кишилар эди. Сўз бердиларми, бас, ўша ишни дўндиришлари керак. Яна бир томони, Муҳсин гушпининг бойлиги, қозикалон билан таниш-билишлиги, унадиган беш тилла уларга тасалли берар эди. Боз устига, найрангнинг силлиқ чиқишига, Насриддиннинг ҳеч нарса сезмай қолишига ишонч уларнинг батамом таҳликага берилиб, «оҳ-воҳ» қилишларига йўл бермасди.

«Бўлар иш бўлди - бўёғи сингди»,- деган фикр икковининг миясига деярли бир пайтда урилди. Шунинг учун Содир миршаб: «Бирпас пинакка кетиб, кулоқ бости қиламан»,- деганда Нодир миршаб: «Мен ҳам»,- деди. Уйқу лашкарини турли ёқименз хаёлларга қарши хужумга қўйиб, миршаблар супага чўзилганча кўзларини юмишди. Мудроқ энди ёмон хаёлларни қувиб, танлари оромга фарқ бўлганда кимдир қаттиқ овозда: «Ассалому алайкум!»- деди. Миршаблар: «А?» «Қим?» «Қани?»- деганча чўчиб ирғиб туришди.

Салом берган Абдукарим эди.

- Ердан чиқдингизми, осмондан тушдингизми?- деди сал ўзига келган Содир миршаб.

- Ҳа, нега келдингиз? Дарров сотиб келдингизми?- Нодир миршаб ҳам бу саволларни чўчиганини хаспўшлаш учун берди.

- Бозорга бормадим!- деди Абдукарим тажанглик билан.- Ўттизта ҳандалакка оворай сарсон бўлиб юраманми?

- Хўш, бу ёққа нега келдингиз? Содир миршаб айбларини дўқ билан йўқотмоқчи эди.

Абдукарим ҳам тўлиб турган экан, бирдан бақира кетди:

- Ҳандалакни олдиларинг! Энди уйга бостириб кириб талашга ўтдиларингми? Қани хум билан кашкулим?! Яна ичидаги тариқни шундай ҳовлига ағдариб кетибсизлар!

Бу гапларни миршаблар ростдан ҳам кутишмаганди. Чунки Муҳсин гуппи келишув бўйича улардан кейин Абдукаримникига кириб, идишларнинг пулини ташлаб ўтиши лозим эди.

- Муҳсинбой ҳақини бермадимми? Ташлаб ўтаман девди-ку!- дейишди бирин-кетин.

- Қайси Муҳсинбой? Қанақа ҳақ бериши керак эди?- ҳайрон бўлганча оғзини очиб қолди Абдукарим.

- Муҳсинчи, Муҳсин бой-чи,- дейишди миршаблар Гуппининг қиёфасини қўл ҳаракатлари билан ифодалаб.

- Э, у Гуппидан бир чақа ҳам чиқмайди,- деди бу гал Абдукарим беҳафсала қўл силтаб.- Беринглар идишларимни!

Содир билан Нодир танг аҳволда бир-бирларига қараб олишди. Дарҳақиқат, айни пайтда, бир томондан Насриддин Афанди ҳам келиб қолиши мумкин. Иккинчи томондан эса роса қайралган Абдукарим турибди.

Нима қилганда ҳам миршаблар томонидан Абдукаримга нисбатан яхши муомала даркор эди.

- Менга қаранг,- деди Содир ишшайиб.- Гуппи деб кимни айттингиз?

- Кимни бўларди, Муҳсинбойни-да!

- Ростдан гуппи экан! Тўнка экан! Эшшак экан!- деди Нодир миршаб жигибийрони чиқиб.- Кўрсам бир боплайин... падар лаънатини!

- Гуппи билан орамиз чатоқ.- Абдукарим жуда эзилиб гапирар эди. -

Ўзларингдан кейин мени индамай қувиб ўтди. Ҳаҳ, ўшанда билганимда-я! Хуллас, ёки идишларимни ёки ҳақини беринглар! Гуппи бермайди, тонади.

– Беради, тонмайди!- деди куюниб Содир миршаб.- Бугун бермаса эрта берар, эрта бермаса индин берар. Шундай қиламан, деб ўз тили билан айтувди-ку, кофирмасдир сўзидан қайтадиган?!

– Боринг энди, кетинг бу ердан!- деди Нодир миршаб шеригининг гапи тугаши билан.

– Сен жим тур! Келиб қолди!- деб бақирди Содир миршаб ва секин Лайлак томон ишора қилди.

Сал ҳушёрроқ бўлган Содир миршаб Лайлак томондан яқинлашаётган қора нуқтани аллақачон сезганди.

– Кеп қолди, деганингиз нимаси?- сўради Абдукарим ҳайрон бўлиб.

– Сизгамас, укажон, менга!- деди Нодир миршаб бирдан пис этган пуфакдек бўшашиб.- Мени кечиринг, қизишиб кетдим. Боринг, укажон, идишларингизнинг бадалини биз олиб берамиз! Олиб бермасак, болаларимизнинг юзини кўрмайлик!

Миршаблар чорасизликдан Абдукаримни икки кўлтиғидан олишди. Ялиниб-ёлвориб секингина судраб четга торта бошладилар... Шу аҳволда миршаблар Абдукаримни эшаги билан бирга етаклаб, эллик қадамча нарига олиб бориб қўйишди. Абдукарим ҳайрон эди. Миршабларнинг ялинишлари, қасам ичишлари астойдил-ку! Бир гап боров бу ерда,- деб ўйлади у.- Содир миршабнинг: «Кеп қолди»,- дегани нима экан, а?..

Абдукарим ўйланганича нари кетди-да, миршабларнинг унга эмас, қайтанга тескари томонга олазarak бўлаётганидан фойдаланиб, эшагини чап тарафдаги чакалакзорга ҳайдади. Ўзи эса орқага қарай-қарай дўнгликкача борди, чўнқайиб ўнг тарафга эмаклади. Гоҳ эмаклаб, гоҳ энкайганича яшириниб, то сардобанинг олдида ўсган чинорлар ўзи билан миршаблар ўртасида қолгунча юрди... Шунда ўттиз-қирқ қадамча наридаги миршаблар унга бемалол кўринадиган, гаплари эшитиладиган бўлди...

Насриддин Афанди хиргойи қилганча уларга яқинлашарди.

– Асалдан мосуво бўлганидан беҳабар мулланинг ашула айтишини қара!- деди Нодир миршаб. Икки оғайни кулишди... Кейин супада ёнма-ён ўтиришиб, мўмин-қобил қиёфага киришди.

Насриддин Афанди эшакдан тушгандагина хиргойисини тўхтатди-да, гап қотди:

– Бориб ҳужжатни олиб келдим. Мана!

Насриддин қўйнидан кичкина қоғоз парчасини олиб узатди. Қоғозни олган Нодир миршаб, у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди, Сўнг Содир миршабга узатди. Содир миршаб ҳам қоғознинг у ёқ-буёғини қараб, Насриддинга қайтарди.

– Жойида муҳри, имзоси бор, яхши! Ана, асалингиз турган ерида турибди.- Сўнг Нодир миршабга юзланиб, ўрнидан қўзғалди.- Ортишворайлик-а? Афандим анча овора бўлдилар...- деди...

Насриддин Афанди: «Яшанглар! Раҳмат сизларга!»- деганча жилмайиб кузатиб турди.

– Ана!- деди Содир миршаб қўлини қўлига уриб чангини қоққандек.

– Ана!- деди Нодир миршаб худди ўшандек кафтини кафтига уриб. - Эшакка мишинг-да, жўнайверинг!

– Шундайми? Жўнайверайми?- Насриддин Афанди шундай деб хум солинган хуржуннинг бир томонини кўтариб кўрди.

– Ия!-деди у ҳайрон жилмайганча.- Ҳа, бу енгил бўлиб қолибди-ку?!

– Нега енгил бўлиб қоларкан?- деди Нодир миршаб ясама ҳайронлик билан.

– Қизиқмисиз, ўздан ўзи енгил бўлиб қолаверарканми?- деди Содир миршаб ҳам ундан қолишмай.

Сўнгра миршаблар ўша хуржундаги хумни икковлашиб кўтаришди.

– Зиддек оғир-ку, икковлон базўр кўтариб турибмиз,- дейишди улар хумни қўймай.

Насриддин завқланиб кулди.

– Э-э, қўйинглар, қўйинглар! Яна узилиб қолманглар!- деди.

Насриддин нариги хумнинг боғдоғини шошилмай ечди-да, қопқоқ қилинган латгани кўтарди. Хумнинг ичидан бир гала пашша ғувиллаб учиб чиқиб ҳар томон тарқаб кетди. Насриддин қўли билан елпина-елпина хумнинг ичига мўралади:

– Бўш-ку?!

Бу хитобдан кейин миршаблар хумли хуржунни қўйиб юборишди. Насриддин эшакнинг бериги томонига ўтди-да, иккинчи хумни ҳам очди. Яна бир гала пашша қутулганига шукур қилгандек ғувиллаб ташқарига отилди. Уч-тўрттаси хумнинг четига, Насриддиннинг эгнига ҳам ўтирди. У яна елпина-елпина хумнинг ичига мўралади. Шу кўйи икки киприк

қоққунчалик турди-да, завқ билан қийқириққа ўхшатиб кулиб,
миршабларга ўгирилди ва шундай деди:

– Насиб этса келар Шому Ироқдин,
Этмаса гар кетар қошу қабоқдин!

Хафа бўлиш ўрнига Насриддиннинг кулгани, шеър айтгани
миршабларни жуда қўрқитиб юборди.

– Нега бизга қарайсиз? Ҳа, нега бизга қарайсиз?- дейишди паёнай
ранглари ўчганча.

– Асал осмонга учиб кетибди-да?!

– Биз қаттан билайлик! Қўлимиззи учиниям текизмадик!- деди Нодир
миршаб...

– Ўзи бормиди асалингиз? Ёки бизни мазах қилмоқчи бўлдингизми? -
сўради Содир миршаб дадиллашиб.

Насриддин жавоб бермади. Кинояли, синчков жилмайганча салласини
сал суриб, бош қашинганча супага бориб ўтирди. Бир нуқтага тикилганча
зўр бериб нималарнидир хотирлай бошлади...

– Тавба, сизларнинг қўлларингдан бунақа иш келмайди,- деди
Насриддин такрорлаб.- Асал қаёққа кетдийкин?

– Тавба,- деди Нодир миршаб ҳам қўлини пахса қилганча.- Ҳа, бу оғзи
боғлиқ бўлса! Қўл теккизилмаган бўлса! Қаёққа кетди асал,- а?

Содир миршаб бирдан пешонасига уриб бақирди: -Гопдим!!! Асални
ким гумдон қилганини топдим!

Насриддин индамай қараб тураверди. Нодир миршаб: «Ким? Ким?»-
деб сўради.

– Ҳалиги боғловини ечганда ичидан ғувиллаб учиб чиққан пашшалар!
Ўшалар еган асални!

– Йўғе!- Насриддиннинг юзига табассум дориди.

– Тўғри,- деди Нодир миршаб.- Ақлингга балли!

– Бе-е, қўйсангларчи!- деди Насриддин соддалик бидан.- Шу уч-тўртта
пашша икки хум асални ея оларканми?

– Йўқ, Насриддин ака!- деди Нодир дўстининг бу фикрига ёпишиб
олиб.- Пашшалар уч-тўртта эмас, қирқ битта эди.

– Ҳо, ҳо, ҳо! Қирқ битта эканини қаёқдан била қолдингиз?

Нодир миршаб каловланди:

– Мен, а... мен... ўзи ёшлиқдан зеҳним ўткир!

– Ҳа.- Содир шеригига ёрдамга ошиқди.- Бунинг ота-бобоси чўпон ўтган. Отардаги қўйни санайвериб ўрганиб кетган-да!

– Тўғри,- деди Нодир.- Олдимдан қанча пашша ўтганини ҳам шундоқ қараб айтиб беравераман.

– Ў! Зўр экансиз!

Насриддин салласини боягидан бошқа томонга суриб, бош қашиб, ўйга чўмди.

«Зўр экансиз, зўр экансиз»ни гўлдираб такрорлаб ўтирди... Насриддин туйқусдан тиззасига «шап» этиб уриб, «хўп» деди. Миршаблар сапчиб туришди.

– Демак, асалимни пашша еган, шундайми?

– Шундай, шундай!- деди Содир миршаб.

– Қирқ битта пашша!- таъкидлади Нодир миршаб.

– Хўп!- деди Насриддин Афанди.- Мен ишондим. Энди-чи, салтанатнинг суянган тоғлари, менга ўша қирқ битта пашшадан қасос олишга ёрдам берасизлар! Ярайдими?

– Ярайди! Яраганда қандоқ- деди Содир миршаб.

– Қирқ битта туғул мингта бўлмайдами?- Нодир миршаб шап этиб супага қўнган пашшани урди.- Мана, биттасини тинчитдим...

– Йў-ўқ. Насриддин бош чайқади.- Менга бу кетмайди. - Ҳозир қозининг олдига борамиз, хўп денглар, мен асалимни еб кетган пашшаларни жазолашга ваколатнома сўрайман, хўп денглар! Сизлар гувоҳ бўласизлар.

Бу гапни эшитган миршаблар хохолашдан ўзларини тўхтатолмай қолдилар. Бир-бирларининг кулишига, айниқса, Насриддиннинг соддалик билан жилмайиб туришига кўзлари тушган сайин кулгилари авжланиб, ўзларини тўхтатолмай қолдилар. Бора-бора нафаслари ичларига тушиб кетди...

– Оббо, Насриддин Афандим-эй! Ҳа, пашша ўлдиришга ҳам ваколатми?- дейишарди миршаблар, кўз ёшларини арта-арта.- Мана, атрофшиғизда учиб юрибди. Ўлдираверинг! Кучимиз етганча биз ҳам ёрдамлашамиз, қиладиган ишимиз йўқ.

Шундай деб миршаблар супани айланганча пашша ўлдиришга тушиб кетишди.

– Ҳой, бунақаси кетмайди дедим-ку!- дея тўхтатди уларни Насриддин.

– Ҳа, нима қил дейсиз?

– Қозига борамиз! Гувоҳ бўласизлар, тамом-вассалом!
– Бе-е, кўйсангиз-чи!- деди Содир миршаб.
– Мен сизни ҳазиллашяпсиз деб ўйлабман, - деди Нодир миршаб.
– Ҳазиллашаётганим йўқ! Насриддин гўё дўстларига ҳасрат қилаётган одамдек, миршабларни ёнига ўтиришга даъват қилиб, аста гап бошлади.- Мен-ку пашша важига ишондим. Аммо... Агар хотинимга бориб, миршабларнинг тумшуғи остида турган асални пашшалар еб кетибди деб, қуруқ гапни айтсам, ўла қолса ишонмайди... Насриддин насиҳат оҳангида давом этди:

– Шунинг учун гап чувалмасин-да, бориб ваколатни олайлик. Мен ҳам уни хотинга кўрсатиб тинчийман, сизлар ҳам ғалвага қолмайсизлар.

Миршаблар кўзлари ола-куда бўлиб... қозига боришга кўнишди.

Насриддин эшагига минди, миршаблар отига. Ўлжалар қолаётгани учун бир-икки орқаларига қараб кўйдилар-у, ноилож Насриддиннинг кетидан йўлга тушдилар.

Улар олислаб кетгач, Абдукарим жойидан чиқди. Супага келиб ўтирди-да, ерга қараганча ўйга толди. «Нима бўлса бўлди!»- деб рўзғор ташвишларига қўл силтади. Эшагига ўтириб Насриддин Афанди ва миршабларни қора қилганча шаҳарга йўл олди...

ВАКОЛАТНОМА

Насриддин Афанди миршаблар билан қозихонага кириб келганда, қози калон билан Муҳсин гуппи кабобни еб, устидан шириликлар билан чой ичардилар...

Сухбат жуда мароқли кечмоқдайди. Очиқиб қайтган қозикалонга Муҳсин гуппи ўзининг бўҳчаси ва бир лаган кабоби билан жуда яхши кўриниб кетганди. Насриддин Афандининг асали, миршаблар ҳақидаги ҳангомаси эса қозини роса кулдириб, ҳазми таомга хизмат қилди. Муҳсин гуппининг ақлу заковатини мақтаб, қотиб-қотиб куларкан, шундай луқмани ташлади:

– Ростдан ҳам Насриддин Афандини лақиллатдингизми, а? Охириги эшитган латифам унинг кимгадир сув ташиттириб, боғини суғоргани эди.

Муҳсин гуппи ялт этиб қозига қаради. Аммо қозининг афтида бу саргузаштнинг бош қаҳрамони рўпарасида ўтирганини хаёлигаям келтиролмаганлиги сезилди.

Шундай бўлса-да, Муҳсин гуппи қизишиб кетди:

– Ҳа! Сиз ҳам одамларни лақиллатиш фақат Насриддиннинг қўлидан келади деб ўйлайсиз-да?! Мана ҳозир иккита миршабингиз келади! Мен уларга ҳақини тўлайман. Қолганини уларнинг ўзидан эшитасиз! Хўпми?!

Дўстона зарда билан айтилган бу гап тугаши билан остонада миршаблар кўринди.

Гуппи «ана» деб юборди-ю, миршаблар орқасида Насриддин Афанди ҳам борлигини кўриб андак капалаги учди. Қози ҳам бундан бир оз мулзам бўлди.

Кирганлар катта танобий хонанинг чекқасида туриб салом беришди. Қози бир кекириб: «Балога қолдирмасангиз яхши эди», - деб қўйди-да, алиқ олди.

Қози ўрнидан туриб Насриддин Афанди билан жуда илиқ сўрашди. Гуппининг бундан баттар жаҳли чиқди. Айни чоғда у ҳам шундоқ қилишга мажбур бўлди. Акс ҳолда, челақда сув ташиш ҳангомасининг қаҳрамони эканлиги уч бериб қолиши мумкин эди.

– Жуда сезгирман-да, бой ака,- деди Насриддин жуда самимий равишда Гуппига. Шу ерда бўлсангиз керак-ов, деб кўнглимдан ўтказиб келаётгандим.

– Ҳа энди, қозикалон билан эски қадрдонмиз-да,- дея базўр жилмайди Муҳсин гуппи.

– Келинг, Насриддин бой. Қандай шамол учирди?- қозикалон Насриддинни кўриб, чин дилдан бир завқланса, унинг чув тушишига гувох бўлажагидан икки завқланарди.

– Бу,- дея салмоқлаб бошлади Насриддин гапни чўзмаслик ниятида.- Бизнинг мусулмонобод замонда ўғрилар жазоланиши шарт-а?

– Албатта, албатта!- деди қозикалон катта гавдасига ярашмаган чаққонликда жойига ўгириб, дастурхон четларини пашша талаётган ош-овқатнинг устига ёпаркан.- Биринчи карра қўлга тушган ўғрининг ўнг қўли кесилади, иккинчи каррасида чап қўли!

Қозининг жавобидан миршаблар типирчилаб қолишди.

– Бизни бошқа нарсага чақирган эдингиз-ку, Насриддин ака!- дейишди баробар.

– Нега кўрқасизлар?- ҳайрон бўлгандек гап қотди уларга Насриддин.- Асални гумдон қилган сизлар эмас-ку, тўғримми?

– Тўғри, тўғри, бизлар эмас! Бизлар эмас!

Қози жим бўларинг дегандек ишора қилди-да, Насриддинга юзланди:

– Хўш, Афандим, ўзи нима гап?

– Ҳа, гапиринг, гапиринг!- дея луқма ташлади Гупни ўта қизиқсингандек ва ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдек кўрсатиб.

– Майли, лўндасини айтаман,- деди Насриддин Афанди қўлини силтаб.- Мен бозорга икки хум асал олиб келаётган эдим. Бу миршаблар йўлда гўхтатиб, асал ўзимники эканлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишди. Асалимни буларнинг олдига қўйиб оқсоқолдан ҳужжатни олиб келсам, оғзи бойлоқ хумларим бўш! Боғлогини ечгандим, ичидан бир гала пашша учиб чиқди...

– Э, қизиқ бўпти-ку!- Гупни қихиллаб кулди.

– Қирқ битта!- деди Нодир миршаб.

– Э, пашша қурсин,- деди қози пашша қўриб.

Шу уч луқмадан кейин Насриддин Нодир миршабни кўрсатиб давом этди.

– Бу кишининг зеҳинлари жуда ўткир экан, қирқ битталигини дарров санаб қўйибдилар. Мен, турган гап, миршабларни ўғри қилдим. Лекин булар асални пашшалар еган, дейишди. Пошшоликнинг одамлари шундай дегандан кейин ишонмай иложим йўқ, ишондим!

– Ҳа, қирқ битта пашшаям ейман деса анча-мунча нарсани еб қўяди!- деди Нодир миршаб ақлли гап айтаётгандек кўзларини лўқ қилиб.

– Тўғри! Қирқ битта! Балки кўпроқ ҳамдир? Лекин менга қирқ биттаси ҳам етади. Энди, қозикалон, сиз менга шу икки миршаб гувоҳлигида, шу қирқ битта пашшани жазолашга рухсат берадиган ваколатнома ёзиб берасиз!

Насриддиннинг бу гапидан кейин сардоба ёнида миршаблар қандай кулишган бўлса худди ўшанақа кулги бошланди. Унга Насриддиннинг ўзи ҳам қўшилди. Фақат ҳали уч киши кулган бўлса ҳозир беш киши эдилар. Ҳаммаси думалаб, қорнини ушлаб, «пашша...», «ваколат» деб, давомини айтолмай қихиллаб қолишарди.

– Оббо, Насриддин-эй! Оббо гушмагур-эй! Баъзан хўп соддасиз-да!- деди ниҳоят қози тили зўрға айланиб.- Ҳа, ваколатсиз шундай ўлдиравермайсизми?

– Шундай қилсам ҳам бўлаверади,- деди Насриддин ўша-ўша жилмайган қўйи.- Лекин одамлар жиннига чиқаришлари мумкин...

Яна узоқ кулги бўлди. Насриддин ҳам жилмайганча кутиб туриб, мавриди келгач, давом этди:

– Ундан кейин бу қоғозингиз хотинимга кўрсатиш учун керак. Уни эшитгансиз. Отаси Шоҳбобонинг сеvimли элликбошиси бўлган. Элликбошининг доврўғи ҳали ҳам сўнмаган. Шу хотинга асални иккита миршабнинг тумшуғи тагида пашша еб кетибди десам, қуруқдан-қуруқ ишонадимиз? Йўқ, миршабларга тўнкайди. Миршабларнинг орқасида яна биров бор, дейди-да, Урганчдаги қариндошларига хабар қилади. Миршабларни қўяверинг! Куппа-кундуз куни одамларни миршабларга тунатиб қўйибсан деб, сизга-да, бегимизга-да гап тегади. Хўш, ваколат бўлса-чи? Мен уни хотинимга кўрсатаман, кўзининг ўнгида бир-иккита пашшани ўлдираман, тамом-вассалом! Ҳамма ёқ тинч, олам гулистон!

Насриддин афандининг даъволаридан кейин иккала миршаб ва кутилмаганда Муҳсин гуппи унинг ёнини олиб гап уқтира бошлашди. Муҳсин гуппи ҳам гапирар, ҳам киши билмас қош қоқиб қозини кўндиришга уринарди. Хуллас, Насриддиндан кўра миршаблар ва Гуппининг тазйиқи туфайли, иккиланаётган қози ҳам рози бўлди-да, қаламни олиб, довотни олдига сурди.

Қози дўриллаган овозда ёзганларини қайтариб, ваколатномани яримлатган пайтда, «ассалому алайкум» деб, қозихонага Абдукарим кириб келди. Унинг саломига Насриддиндан бўлак ҳеч ким алик олмади. Қози гўнғиллаб ваколатнома ёзарди. Гуппи энсаси қотиб тескари ўтирилди. Миршаблар эса бир сесканишди. Сўнг иккови аста Абдукаримга яқинлашиб: «Бор, чиқиб тур, навбати билан келасан!»- деб шивирлаб ташқарига турткилашди. Лекин Абдукарим бир ситганиб жойида қолди.

– Миршаблар тўғри айтяптилар, бўтам, тегирмон навбати билан!- деди қози кўзларини қоғоздан узмай ўзига-ўзи гапиргандек.

– Мени ишим ҳам ҳозирги ишга боғлиқ,- деди Абдукарим.

– Ундай бўлса, майли,- жавоб қилди қози гапга тузук аҳамият бермай ёзувда давом этаркан.

Ноилож қолган миршаблар Гуппини чеккага тортишди:

– Асални шунинг идишларига солганмиз. Тезроқ ақчасини беринг!- дейишди тишларини фикрлатиб.- Тўполон чиқаради!

Муҳсин гуппи истеҳзоли кулди:

– Менга шуниси керак-да! Қанча кўп тўполон кўтарса, шунча яхши!

– Керакмас ақчангиз, миршаб ака!- деди уларнинг гап-сўзини эшитиб турган Абдукарим.–Ҳеч нарсани билмаганимда, бошидаёқ тўлаганларида олардим. Энди олмайман!

– Нега?- ханг-манг бўлганча сўради Содир миршаб.

– Насриддин акамга фириб бермоқчилигингларни сезиб қолдим. Ҳаммасини ҳозир айтаман!

Гапини тугатар-тугатмас миршаблар ростакамига ёқасига ёпишиб қозихонадан чиқариб ташламоқчи бўлдилар. Лекин қозининг шарақлатиб муҳр босгани миршабларни чалғитди. «Ана битди!»- деди қози. Сўнгра энгашган кўйи қоғоғи остидан кулиб қараб қоғозни узатди:

– Мана, Насриддин бой!

Насриддин ваколатни олиш учун бораётганди, қози ҳиринглаб қўйди-да:

– Шошманг! Аввал ўқиб берай,- деб йўғон овозда ўқий бошлади: «Ваколат. Берилди ушбу ҳақдаким, асалларини еб кетган қирқ битта ўғри пашшани қаерда ва қачон кўришидан қатъи назар жазолашга мутлақ ҳуқуқи бор. Кимда-ким бу ишда унга монельлик қилатурғон бўлса, ул кимсада, ҳаромнинг ҳомийси сифатида, бамисоли ўғри каби, ўнг қўли кесилишига маҳкумдир.

Шаръан мувофиқдир, деб: қозикалони шаҳри Кумушкент Садриддинхўжа Идрисхўжа ўели.

Имзо. Муҳр.»

– Мана, мулла Насриддин, энди пашшаларингизни ўлдираверинг,- кулди Муҳсин гуппи.

Насриддин қозига бир қараб қўйиб, қўлидан ҳужжатни олди-да, Абдукаримнинг олдига келди. Унга энгашиб паст овозда тайинлади.

– Мени деб ақчангиздан кечганингиз учун раҳмат! Энди ёрдамингиз керак! Шу қоғозни обчиқиб, яхшилаб яширинг!

Абдукарим гапирмоқчи бўлган эди, Насриддин оғиз очирмай кескин ва сирли қилиб таъкидлади:

– Шу қоғоз буларнинг таъзирини беради. Яхшилаб яширинг. Биров топадиган бўлмасин! Кейин ўзимга қайтарарсиз!

Абдукарим ҳужжатни олиб чиқиб кетди.

– Хўш, ана энди пашшаларни қиришга киришамиз,- деди Насриддин орқага қайтаркан.

– Киришинг-киришинг!- деди Муҳсин гуппи мазах оҳангида...

Гуппи шундай дейиши билан қўққисдан қулоқ чаккасига шапалоқ тушди. Туйқусдан калтак егани учун Гуппи ҳатто вой деёлмай гандираклар бориб ағдарилиб тушди. Қози ва миршаблар ҳайрону лол қолиб: «Ҳой-ҳой, бу нима қилганингиз?»- дейишди.

Бу биринчи пашша!- деб жавоб берди Насриддин ва ҳамон оғзини очиб турган Нодир миршабни ҳам қулочкашлаб солди.- Бу - иккинчи пашша!

Нодир миршаб: «Вой, жағим»,- деганча энгашиб қолди. Насриддин Содир миршабга юзланди. Содир миршаб қочди. Насриддин Афанди орқасидан етиб олиб: «Бу учинчи пашша!»- деганча кетига бир тепди.

Воқеанинг бу йўсини, тескарисига айланиб кетишини кутмаган қози сўрида ўтирган жойида: «Чатоқ иш бўпти-ку!», «қизик иш қилиб қўйибмиз-ку!»- деб гўлдиради.

Иккала миршаб сал ўзларига келиб, қиличларини «шиғ» этиб қинидан чиқаришди.

– Қани тегиб кўрингларчи! Ўғри пашшанинг ҳимоячиси сифатида қўлларингни кесишади!- деди Насриддин кўрқиб ўрнига аста бостириб бориб...

Шу пайт Абдукарим қайтиб келди-да, остонадан туриб эълон қилди:

– Бошлаб беркитиб қўйдим, Насриддин ака!

– Яшанг!- деди Насриддин. Сўнгра қозига юзланди:- Қани, қозикалон, берироқ келинг-чи! Битта пашшам саллангизга ўтириб қолибди!

Насриддин шундай деганча сўрига чиқа бошлади. Қози икки қўлини олдинга чиқариб сўрининг тўрига тисариларкан: «Ҳой-ҳой, Насриддинбой! Ўйлаб иш қилинг! Шарманда қилманг!»- дея ялинарди. «Қимирламанг, қимирламанг, учуриб юборасиз!»- деб, Насриддин уни сўри бўйлаб таъқиб қила бошлади. Қози қўлини боши узра силкитиб, кейин яна олдинга чиқариб муҳофазаланиб: «Ана ҳайдавордим. Учиб кетди. Бу бошқа пашша!»- деганча сўрида гир айланиб чекинарди. Насриддин барибир унга етиб, қулочкашлаб гарданига бир урди. Лекин қозикалон бақувват одам бўлгани учун «ҳиқ» деди-ю, билдирмади. Насриддин яна бир қулочкашламоқчи бўлганди, қози чаққонлик қилиб унинг қўлини ушлаб, ўзини қучоқлаб олди.

– Сизни ўғри деб жазолаш керак! Ўзингиз ёзган ваколатга қарши чиқяпсиз!- деркан Насриддин қозининг қучоғидан чиқмоқчи бўлиб силтана

бошлади. Қози Насриддинни кучоғида маҳкам қисганича қимирлатмас:
«Инсоф қилинг! Инсоф қилинг! Шарманда бўлмай!»- деб ялинарди.

- Майли, қўйворинг,- деди Насриддин қозининг «кучоғида» турганча,
ҳозирча қозини душман қилмасликка қарор қилиб.- Лекин анавиларнинг
бошидаги пашшаларни уришга қарши бўлмайсиз!

Қози: «Мени урмайсизми? Менга қўнган пашшани ўлдирмайсизми?»-
деб қайта-қайта сўраб тасдиқлатиб олгандан кейин уни қўйиб юборди...

- Ие!- деди Насриддин қизишиб.- Асалимни еган пашшаларни сиз
танийсизми, менми?!

- Нима, ҳаммаси бизнинг бошимизга қўнадими?- йиғламсиради Муҳ-
син гуппи.

- Қўнса мендан сўраб қўнадими? Ўзи биледи-да!

- Сал инсоф қилинг-да, ахир!- Муҳсин гуппи шилқ этиб бурнини тор-
тиб қўйди.

- Тўғрида, инсоф ҳам керак!- маъқуллашди миршаблар.

- Ҳўй!- деди Насриддин учовига қарата. Мен инсоф нималигини
гуппунмайман! У ариқнинг бошига ўтириб олиб, ёшу қари кўз тикиб
ўтирган экинни қуритиш эмасми? Деҳқонни хонавайрон айлаш, ерини
гортиб олиш, беватан қилиш эмасми? Ёки сардобанинг олдида қароқчи-
лик қилиб, ўтган-кетганни шилишми, а?

Миршаблар индашмади, кўзларини лўқ қилиб ерга тикишди. Муҳсин
гуппи қўл силкиб ўрнидан туриб кетди. Насриддин ирғиб бориб унинг
бўйнига яна бир туширди.

- Мана бу бешинчи пашша!- деди биринчи марта жаҳди чиқиб.
Насриддиннинг аввалги шапалоқлари шарманда қилиш ниятида бўлса,
кейингиси ғазаб билан урилганди. Чунки Муҳсин гуппи - қози,
миршаблардан фарқ қилиб, отдан тушса-да, эгардан тушмаган, батамом
мағлуб бўлганлигини тушинишни истамасди.

- Вой! Бу қандай бедодлик, ҳеч нарса қилолмасам, а?- деди Муҳсин
гуппи қозига қараб ёлворганча.

Қози алал-оқибатда ўзи ҳам шармандаи шармисор бўлиши мумкин-
лигини ўйлаб, унинг гапиниям эшитмади.

Кўзи Абдукаримга тушди.

- Сиз нима қилиб турибсиз?- сўради ундан.

Бу сўроқни шундай дағдаға билан айтди-ки, Абдукарим довдираб чи-

қиб кетгудек ҳолга тушди. Яхшиямки Насриддин Афанди жонига ора кирди.

– Бу киши мен тарафдан гувоҳ!- деди у қозига қасдма-қасд дағдаға қилиб.

– Ҳа, ҳа, мен гувоҳман, - деди дадилланиб Абдукарим.

– Асални қандай ўғирлашганини, қаерга яширганини кўрганман. Менинг хумларимга солиб қўйишибди. Миршабларингиз зўравонлик қилиб тортиб олишди хумларимни.

– Қани, беринглар хумларининг бадалини,- буюрди қози миршабларга ўқрайиб.

– Беринг!- Содир миршаб буйруқни ўз навбатида Гуппига ўтказиб.

Гуппи ўтирган ерида вой-войлаб, қўлини ҳамёнга юборди.

– Э, ўла қолсангиз бўлмайдими?- ачитди Содир миршаб.- Бошида ташлаб ўтиш керак эди! Ростдан ҳам «гуппи» дейишганча бор экан! Паст! Аҳмоқ!

Содир миршаб шарт турди-да, қўлини қилич сопига юбориб, Гуппига юзланди. Унинг кўзлари совуқ йилтирарди:

– Беринг тезроқ!

Гуппи шоша-пиша иккита оқ тангани олиб унга узатди. Содир миршаб Абдукаримга яқинлашди.

– Олмаيمان, деб айтдим-ку, деди Абдукарим ундан четлашиб.

– Ол буни, хумпар! Иккита оқ танга! Кўчада ётмайди!- Содир миршаб тангаларни Абдукаримга тутқазिशга уринди.

Бу тортишувни қози тўхтатди.

– Бас!- деди у бақириб,- ҳозир ваколатномани ҳал этайлик!- қози Гуппига юзланиб, дўқини давом эттирди: Бўёққа келиб ўтиринг! Жим турасиз! Насриддин Афанди билан мен гаплашаман! Булар нима деб шарт қўйсалар, кўнасиз!- Хўш, мулла Насриддин Афанди!- қози туйқусдан жилмайиб Насриддинга юзланди.- Ваколатномани Муҳсинбойга ниманинг эвазига тошпиришингиз мумкин?

Насриддин бир зум ўйлаб турди-да, эълон қилди: Юз тилла эвазига!

Гуппи воҳ деб ўрнидан гуриб кетди.

– Юз тилла!- кўзлари чақчайиб, бошини ушлаганча вой-войлаб қозихонанинг у бошидан-бу бошига бориб кела бошлади.

– Мен бу тиллаларни,- давом эттирди Насриддин воситачи сифатида

қозига қарата,- Муҳсинбойнинг ўзига қайтиб бераман. Фақат у кейинги ўн йил мобайнида ерларини тортиб олган жами одамларини, жами қарздорларини чақиради. Менга битта-битта айтиб туради, мен уларнинг қарзини тўлайман. Ундан кейин ўқ ариқдаги хўжайинчилигидан ҳам кеч-қим деб, қишлоқ аҳли йиғинида эълон қилади. Қарабсизки, юз тилласи икки-уч кунда ўзига қайтиб боради! Олам гулистон!

– Ажаб савдо!- деди қози севиниб.– Жуда мардона савдо! Офарин!

* * *

...Савриниса мита тушган гуручини эрталаб ёйиб қўйганди. Йиғиб ола қолай деб хумчага ярмини солиб улгурмаган ҳам эдики, эшикдан эри кира келди. Савриниса дик этиб ўрнидан туриб пешвоз чиқди. Насриддиннинг юзлари ҳорғин, лекин кўзларидан ним табассум аримаган эди. Савриниса ана шу табассумни кўрган заҳоти бутун чарчоқлари, Журжондан узоқда яшаётганидан туғилган аламлари бир зумда тарқаб кетарди.

– Яхши келдингизми? Дамингизни олиб туриш, чойга ўт ёқвораман.

– Ҳа, бир оёқни узатай. Бозорда тоза ҳангома бўлди.

– Тинчликми?

– Э, бутун подшоликнинг ўғриси бутун бизга йиғилган жанми, биров ҳамёнини олдирган, биров қопини, биров хумини.

– Вой тавба! Ўзингиз тинчмисиз?

– Э, биринчи бўлиб биз олдирдик-да хумларни!

– Вой! Ўзингизга зиён етмадими? Қандай қилиб?

– Билмай ҳам қобман. Абдукарим билан гапга алаҳсиб бир вақт қарасам ҳеч вақо йўқ!

– Келган бало-қазо ўшанга урсин.

Насриддин областада юз-қўлини ювди. Хотини эса хуржунга Абдукарим қўярда-қўймай солиб юборган ҳандалакни эшикнинг ёнгинасига бўшатди.

– Ҳой,- деди Насриддин қумғонга ўт ёқа бошлаган хотинига,- Эски бир чарм қопчиқ бўлгучийди. Ўшани обер-чи!

Насриддин супага чиқиб ёнбошлади. Хотини қопчиқни топиб чиқиб, чангини қоқиб-суқиб узатаркан, ҳазиломуз гап қотди:

– Ҳа, фаниматга учрадингизми? Ўзингиз-ку чув тушиб кебсиз?

– Э, қўявер.

Савриниса яна ўчоққа уннади. Насриддин қозидан олган ваколатномани қўйнидан чиқариб яна бир ўқиб мароқланди. Сўнг сурнай қилиб ўради ва қопчиққа солди. Хотинига бир қараб олиб аста ўрнидан турди-да, бўғотнинг остидаги тешикка тиқиб қўйди....

ТАРАШАГА ИШ ТОПИЛДИ

Шу кунларда Тараша ҳар қанақа иш қилишга ҳам тайёр эди. Ҳатто энг сўнгги чора - Қосим Қароқчига ёлланишга ҳам жон-жон деб рози бўларди.

...Чойхонада кўк яктакли, олачипор соқолли мешкобчи Аҳмад тарашага бир кўз ташлаганиданоқ, иши борлигини сизди. Ўйлаганидек, мешкобчи нарироқда туриб имо қилди.

- Бир киши қозихонада сизни сўраяпти. Қозикалон қўрқмасин, деб айтдилар,- деди мешкобчи иккинчи гапини тезгина илова қилиб. Лекин бу иловаси кор қилмади. Пастак шифтга боши тегмасин деб энгашиб турган Аҳмад тараша қўлларини белига тиради.

- Пучакмас,- деди шошиб мешкобчи.- Бошим гаров! Топиб шуни айт дейишди.

- Мани қозихоналик ишим йўқ!

Мешкобчи кўзини узмай турарди. Аҳмад тараша унга қараб пичирлаб сўкингандан кейин чиқиб кетди.

Чойхоначи тумшайиб келтириб қўйган шўрвани ичиб, ҳузурга берилишганда бўсағада яна мешкобчи пайдо бўлди.

Мешкобчи кўринганда Аҳмад тараша тескари ўтирилди. Мешкобчи унинг назар таплашини узоқ кутгач, туриши бефойдалигини тушуниб, аста ўзи яқинлашди. Сўрининг чеккасига омонат ўтириб, у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, бир тилла тангани чиқариб шолчага қўйди, сўнг уни аста лаганнынг тагига суриб, Тарашага кўринадиган қилиб қистирди.

Аҳмад тараша кўзлари чақнаб бир тангага, бир атрофга, бир мешкобчига қараб ўйга толди. Тежаб-тергаса бу танга уч-тўрт ойлик тирикчилигига етади. ...хийла чўзилган жимликдан сўнг Тараша пулга аста қўл юборди. Мешкобчи енгил нафас олди. Ўрнидан туриб, Тарашага энгашган кўйи: «Лайлак қишлоғи, Муҳсинбой. Бугун»,- деди-да, чиқиб кетди. У жуда секин гапиргани учун шундай ёнгинасида ўтирган Абди оптоқ ҳам ҳеч нарса эшитмади.

Аҳмад тарашанинг бирдан кайфи чоғ бўлди. «Шокир» деб чойхоначини чақирди. Ўн-ўн беш кундан бери Аҳмад тарашанинг емак-ичмаги қарзга эди. Чойхоначи тумшайганча келганда Тараша бояги тангани ташлади:

– Мана бундан инсоф билан ҳақингни ол! Оқшом бунга (Абдига имлади) ош дамла!

Мешкобчи Муҳсин гушпи билан тил бириктирган қози томонидан юборилганди. Бой Насриддин билан Абдукаримни йўқ қилиш учун Аҳмад тарашани ёллашга қарор қилган, қози ҳам бу фикрга қўшилганди. Насриддин афанди билан Абдукарим ҳам ҳимоя чораларини кўришлари керак эди. Улар Аҳмад тарашанинг таниш чопани Абди оппоқни ёллашди. Қуйида шундан кейинги воқеалар баёни берилади.

Абди оппоқ ёлғиз қолди.

Абди оппоқнинг ҳақиқий отини ҳам, насл-насабини ҳам ҳеч ким билмасди. Кумушкентга олис тоғ қишлоғидан икки ярим яшар ўғлини етаклаб келганига рошпа-роса бир мучал вақт ўтганди. Икки-уч яшар боласи билан одам бекорга бош олиб келмайди. Абди шаҳар чеккасидан кичкина ҳовли сотиб олганда, кўни-қўшнилар орасида шу саволга жавоб олишни истовчилар анчагина топилди. Лекин Абдидан: «Хотиним ўлган. Ундан кейин юртим кўзимга ёмон кўринди»,- деган гапдан бўлагини ололмадилар.

Хотини жуда гўзал бўлганини, ўғлини ташлаб бир бойвачча билан қочганини, уларни топиб бойваччани ўлдирганини, хотинини эса уч талоқ қилиб ташлаб келганини ҳеч кимга айтмасди. Инчунун, ўғлига ҳам, Ҳалол, серхунар, айниқса кучли йигит бўлгани учун тез орада элга қўшилиб кетди...

Кумушкентда бир пирсиённинг¹ мактаби бўлгучи эди. Унда таълим оладиган ўртамиёна бойларнинг болалари ҳар томондан мукамал киши бўлиб етишардилар. Ўн икки ёшда бу мактабга кирган ўспирин ўн етти ёшида ҳам ҳарбийдан, ҳам арабу форсийдан, ҳам мирзоликдан, ҳам сиёсату давлат тузилишининг шажарасидан хабардор бўлиб чиқарди. Ўғли ўн иккига яқинлашаркан, Абди шу мактабни орзу қилиб қолди...

У карвонга кўриқчи сифатида ёлланиб бир Боғдодга, бир Деҳлига бориб келганди, қарабсизки ўғлига пирсиённинг мактаби эшиклари ланг очилди...

¹ пирсиённинг - форс, эронлик киши

Бу йилни у Кумушкентда ўтказишга қарор қилганди. Бир томондан чарчаган, иккинчи томондан ўелини кўриб туриш истаги туфайли баҳорда карвонбошилاردан келган «совчи»ларга рад жавобини берганди.

Ҳозирги кунда пирсиённинг мактабига ҳақ тўлайдиган вақт ҳам ўтиб бораётганди. Шу сабабли Шокир қизилнинг чойхонанишинига айланган экан, ҳар кун икки-уч маҳал бозордаги бошқа чойхоналарга ҳам кўри-ниб, учраган танишларига ўзининг паккасини тайинлаб қайтарди.

* * *

...Орадан яна икки ҳафта ўтгач, азонда Кумушкент дарвозаларидан ўттиз-қирқ кишилиқ карвон чиқди. Улар орасида Кумушкентлик фақат уч киши бор эди. Насриддин Афанди, хотини ва Қаландар. Қаландарнинг унга жуда ихлос қўйиб қолгани Насриддиннинг ўзи учун ҳам қутилмаган воқеа бўлди. Бирга олиб кетишни, ҳаминша бирга юришни тавалло қилди. Йўқ дейишга Насриддинга имкон ҳам бермади. Энди бу Қаландарнинг Абди опшоқ эканини очиқ айтиб қўйсақ бўлаверади. Лекин ҳали ҳам либосни ташламай, соқол ёпиштириб юргани учун Қаландар деяверишга тўғри келади. Карвондагилар ҳам қилич, камонини кўриб унинг Қаландар эмаслигини тушунишарди-ю, аммо аслида кимлигини билишмасди. Тўғри-сини айтганда, у Насриддин Афанди билан бирга бўлмаганда, хавфсираб, карвонга ҳам қўшмасдилар...

Кун тиккага келганда йўл баланд адирлар ўртасига тушди. Бу пайтда карвон шаҳардан анча узоқлаб кетганди. Одамлар олис сафарларда учраши мумкин хатарлар, қийинчиликлар ҳақидаги хаёлларга берилиб, ҳам бир оз толиқиб индамай ерга қараб кетишарди. Шунинг учун ҳам икки тарафдаги адирга икки тарафдан чиқиб келган йигирматадан қирқта отлични тезда кўришмади ҳам. Булар Қароқчилар эди.

Карвон таҳликага тушди. «Қурол шайлан!» «Сафлан!»- деган буйруқлар «Войдод, кунимиз битди!»- деган аюҳанносларга аралашиб кетди. Қуролланиб жангга ташланган беш-олти йигитни ўнта Қароқчи қуршаб олди. Қароқчиларнинг қолгани карвонни ўртага олиб, атрофда кузгундек изғишаркан: «Ҳамманг ерга ёт»,- деб бақиринди. Карвондагиларнинг аксари ерга ётиб олишди. Жанг қилаётганлардан иккитасигина узоқроқ уришишди. Лекин ҳалдемай, улардан ҳам бири йиқилди. Иккинчиси эса қочди.

Тўданинг бошлиғи Қосим Қароқчи эди. Қирқ ёшлардаги, мош-гуруч соқолли бу кишининг кўзларидан совуқ ўлимнинг нури таралиб турарди.

– Ҳамманг ўтир! Карвонбоши омонми?- деди у. Ётганлар аста ўтириб олдилар. Карвонбоши: «Мен!»- деб овоз берди.

– Тур! Одамларингни санаб чиқ! Нечта қолди, нечта қочди?

Карвонбоши дағ-лағ титраганча тирик ва ўликларнинг афт-башарасига қараб санаб чиқди.

– Соҳиб! Икки киши қочибди!

– Яхшилаб сана! Бир киши қочган чиқар?

Чунки бир киши қочганини ҳамма кўрганди.

– Соҳиб, ўттиз олти киши эдик, йигирма тўққизта қолибмиз. Бештаси ўлган. Бир Журжонлик савдогар йигиту бир Қаландар қочибди.

Қосим Қароқчи отда турганча беш-ўн қадам олислашди-да, карвонбошини чақирди.

– Ким озғину ким семиз? Наҳанг борми? Хизмат қилсанг омон қоласан!

Қосим Қароқчи наҳанг деб, мансабдор ва жуда катта заминдорларни сўраган эди.

– Соҳиб, жоним қўлингизда, наҳанг бор-йўқлигини билмадим. Бир заифалик сайёҳ бор, иккинчиси Қаландар, қочибди. Қолгани савдогар.

– Заифалик! Қани у? Ким у?

– Насриддин Афанди.

Қосим Қароқчининг жағ пайлари ўйнаб кетди. Чунки у гувоҳ қолдирмоқчи эмасди.

– Унга айт, тезроқ кетсин!

– Соҳиб, менга ҳам рухсат беринг! Уларни обкегай.

– Сен шошма! Заифаликни жўнатгач, бошқаларни ечинтир. Яланғоч қўйиб юбораркан деб айт!

Ўттиз ёшлардаги қотма карвонбоши Насриддиндан бўлак ҳаммани ўлдирмоқчи эканини тушунди...

Карвонбоши гаранг аҳволда кўзлари билан Насриддинни излай бошлади.

Шу сонияда қир тарафдан: «Эй Қосим!»- деган овоз эшитилди. Ҳамма ўша томонга қаради. Икки юз қадамча масофада, қирнинг тепасида Қаландар турарди. Кўм-кўк осмон остида унинг қоп-қора от устидаги гавдаси чизилган суратга ўхшарди.

– Эй Қосим! Агар биттасининг туки тўкиладиган бўлса соқолингни юламан! Карвонни ташла-да, кет!

Шундай жимлик чўкдики, қовжираган ўт-ўланларнинг шамолда шитирлаши эшитилди. Эсанкираш тугагач, Қосим Қароқчи тўдасига кўз югуртириб, керакли одамни топди-да, бош ирғади. Тўдадан олти киши ажралиб чиқиб от қўйишди.

– Тирик тутиб келларинг маразни!- бақирди Қосим.

Олти қароқчи тепага ўрлаб яқинлашарканлар, Қаландар кетма-кетига камондан икки ўқ узиб улардан иккитасини қулатди-да, қир ортига йўқолди. Тўрт Қароқчи уни қувиб кетишди.

Қосим икки қурбонга заррача аҳамият бермади. Қир тарафдан кўзини узмай турган бандиларга ўзи мурожаат этди:

– Насриддин Афанди! Сиз ҳамма мол-мулкингни олиб бу ердан кетинг!

Қосимнинг олдига қоп-қора баланд бўйли Қароқчи яқинлашди. Бу Қароқчиларга қуни кеча қўшилган Аҳмад тараша эди.

– Сардор! Насриддинга катта ўлпон олиш мумкин! У бекнинг қадрдони.

– Сен қайдан биласан?

– Оғиз-бурун ўпишиб суҳбат қилганини ўзим кўрганман.

– Йўқол, Тараша! Менинг бек жиғига тегадиган кучим йўқ.

Тараша ҳуркиб нари кетди. Насриддин тўполонда сочилиб кетган буюмларини тўплаб, хотинига сув-пув ичириб, ўзига келтириб бўлгунча хийла вақт ўтди. Карвондагилар ҳам қўркувдан ва жон ширинлигидан аста-секин Қароқчининг буйруғини бажарардилар.

– Эй Қосим!

Қароқчи сапчиб тушиб қир бошига қаради. У ерда худди бояги-боягидек, ҳеч нарса билмагандек Қаландар турарди. Олти одамнинг бекордан бекорга гумдон бўлганини тушунган Қосим Қароқчининг кўзлари қинидан чиқиб кетди.

– Қосим, ҳар бир йиғитингга бир тилладан ол-да, карвонни ташлаб кет!

– Кимсан сен, ҳой!- сўради Қосим.

– Жавонмардларданман! Отим Ҳожи Сагтор!

– Эй Ҳожи Сагтор!- деди ғазабланиб Қосим Қароқчи.- Ахир мен ҳам бойларни талайман-ку! Жавонмард бўлсанг менга қўшил!

Ана шу гап-сўз давомида вазиятни тўғри тушунган Насриддин икки от ва бир туяда аста жўнаб қолганди. Тараша буни кўрди-ю, юрак ютиб гаширишга кўрқди.

¹ Жавонмард - ҳаётини ҳақиқат ва эҳтулик йўлига тиккан киши.

– Жавонмард - хўрланган, жабрланганларга ёрдам беради. Бу сўзни оғзинга олма, қонхўр! Карвонни ташла-да, кет!- деди Қаландар.

Қосим Қароқчи титраб кетди.

– Ахир булар савдогарлар, одамларни фириб билан бор буд-шудини қоқиб олади!

– Савдогарлар энг керакли одамлар! Карвонни ташла-да, кет!

Қаландарнинг қайта-қайта «Ташла-да, кет!» деяётгани даҳшатли эшитиларди. Шу гаплар давомида у анчагина яқинлашиб қолганди.

– Эй Ҳожи Саттор! Сенга жонингни ҳадя қиламан. Шукр қил-да, йўқ-ол!- деди Қосим Қароқчи Қаландарнинг мардлигига лол қолиб ва шу сонияда қир ошай деб қолган Насриддинга кўзи тушди.

– Эй Қосим! Сен эмас, мен жонингни ҳадя қиламан!

– Қайтарларинг!- Қосим Қаландарнинг гапига эътибор бермай Насриддинни кўрсатди.

Уч Қароқчи, жумладан Аҳмад тараша ҳам бу буйруқни бажариш учун от кўйдилар. Қаландар икки ўқ билан икковини қулатди, учинчиси - Аҳмад тараша кўрқиб орқага қайтди. Яна Қаландарнинг овози янгради.

– Эй Қосим, сен эмас, мен жонингни ҳадя қиламан. Карвонни ташла-да, кет!

Қаландар шундай деб сўзининг исботи учун яна бир ўқ узди-да, Қосимнинг ёнига келиб тўхтаган Аҳмад тарашани ҳам ер тишлатди.

Ҳамма сеҳрланиб қолгандек жим эди. Юз қадамларча наридаги битта одам ўттиз Қароқчининг эсини олиб кўйганди. Бу ёқда карвон одамлари ҳам бош кўтариб қолишини ҳисобга олиш керак эди.

Қосим Қароқчи саросима таъсирида, чўкувчи одам ҳасга ёпишгандек бир қарорга келди. Унинг буйруғига кўра йигирмата қароқчи тезликда ёйиқ бир сафга тизилишиб, ҳар бири олдига биттадан бандини «қалқон» қилишди.

Мана шу воқеани кузатиб одам одамдан нақадар фарқ қилишини яққол кўриш мумкин эди. Бир томонда бир одам, ўттизта каллакесарни эсанкиратади-ю, иккинчи ёқда йигирматаси мисоли кўйдек индамай қалқон хизматини ўтарди.

Йигирмата тутқунни қалқон қилиб олган йигирмата Қароқчи ёйилиб Қаландар турган қирга ўрлай бошлашди. Иккитадан одам минган отлар қийналиб, қоқилиб-суқилиб аста кўтарилишарди.

Қаландар ўртага тушиб қолмаслик учунгина чекинарган, бамайлихотирлик билан камондан аввал Қароқчининг отини яралар, Қароқчи билан унинг бандиси йиқилган заҳотиёқ Қароқчини гумдон қиларди. Унинг худди ғалла ўраётган одамдек шошилмай Қароқчиларни териши - уларнинг баттар эс-хушларини оларди. Лекин пастдаги қонхўр бошлиқларидан қўрқиб Қароқчилар ҳамон тепага ўрлардилар.

То адирнинг тепасига етгунча Қаландар Қароқчилардан беш кишини нариги дунёга жўнатди. Тепага чиқишгач, Қароқчилар олдиларидаги одамларини мисоли қондек итариб юбориб, Қаландарни қувдилар. Аммо икки одамни тепага олиб чиқиб ҳорганлигини ҳисобга олмаганда ҳам уларнинг отлари билан Қаландарникини тенглаштириб бўлмасди. Қароқчиларники ер - Қаландарники осмон эди.

Ўлим пойғаси беш-олти ясси адирларни ортда қолдиргач, Қароқчиларнинг қатори аввал узун ипдек чўзилди. Сўнграқ эса, ип бўлиниб-бўлиниб кетди. Энг олдинда кетаётган беш кишилик тўда анча дадилланиб қочганга яқинлаша бошлади. Қаландарнинг ўқи тамом бўлганига ишонган Қароқчилар қийқириб отларига далда бера бошладилар.

Тўғрида ўртасини шамол ўпириб дарвозага ўхшатиб қўйган адир кўринди. Қаландар бу ўрталикдан ўтди-да, отини сўлга буриб тепаликка чиқа бошлади. Қароқчилар ҳам энди ўтдим деганларида Қаландарни биричи бўлиб қувиб кетган тўртта шерикларининг жасадларини кўрдилар. Даҳшатга тушиб отларига янада қамчи ургандилар, ўнг тарафдаги тепаликдан ҳайқириқ эшитилди.

– Ҳой, тўхта!

Қароқчилар от тизгинини тортиб бирич-бирич овоз келган томонга қарашди. У ерда карвонда жангга ташланиб сўнг қочишга мажбур бўлган журжонлик савдогар йигит турарди. Қароқчилар эс-хушларини йиғиб олгунча бўлмай, савдогар йигит камондан ўқ узиб, улардан бирини кулатди-да, яна мўлжал ола бошлади. Улар тезда орқага бурилиб олисда

қолиб кетган шериклари томон ошиқишди. Лекин бу ҳам иккинчи мўлжалнинг жонини сақлаб қололмади. То ўрталикдан чиққунларича тўдадан икки кишигина омон қолди. Чунки сўл тарафга чиқиб олган Қаландар ҳам камонни ишга солганди.

Бир томондан савдогар йигит, иккинчи томондан Қаландар тушиб келиб Қароқчиларнинг ортидан от кўйишди. Тепаликдан туриб улар фақат гўрт кишилиқ тўда яқинлашиб келаётганини кўришганди.

Иккита қочқин тўртта қувиб келаётган шериклари бирлашиб тўхташди. Қароқчи, ўғри зотининг феъли шу. Ўлжанинг ўзидан жуда кучсизлигига амин бўлмагунча ташланмайди, кўрқади.

Олтовлон бўлишгач, Қароқчилар қувиб келаётганларни чекинади деб ўйлашди. Лекин Қаландар билан савдогар отларини елдирганча яқинлашиб, иккитасини камондан қулатдилар-да, тўртта қолгани билан қилич солишди. Қароқчилар бундан бир оз севиниб, дарров иккига бўлинишди. Уларни шунча безор қилган бу кимсалар билан тўртта икки бўлиб юзма-юз келганларига хурсанд эдилар. Бироқ Қароқчилар қилич солишни йўл-йўлакай ўрганган эдилар. Қаландар билан савдогар эса мактаб кўрган қиличбозлар эди. Жанг узоққа чўзилмади. Қароқчиларнинг учтаси йиқилди, бири тум-тарақай қочди.

Қаландар уни атайин ўлдирмади. Чунки жон-ҳолатда қочаётган Қароқчи яккам-дуккам яқинлашаётган шерикларини ҳам ўз ваҳимаси билан орқага судраб кетди.

Қаландар билан савдогар йигит отларига дам бериш учун аста йўртиб уларнинг изларидан боришарди.

Йигирмата йигитидан еттитасигина, боз устига даф-даф титраётган йигитларини кўриб, Қосим Қароқчи биринчи марта таҳликага тушди. Тилла пул ва эркатошлар тугилган рўмолни ўзи кўтарди. Газмол ва мўйналар ортиб қўйилган туяни ҳайдаганча энди йўлга тушмоқчи эди, қир бошида иккита отлиқ кўринди. Иккинчисининг қаердан қўшилиб қолганлигидан беҳабар Қосимнинг таҳликаси зўрайди.

– Эй жавонмард Ҳожи Саттор! Бас, сен зўр келдинг! Мен кетаман!-деб бақирди у.

– Эй Қосим!- деди жавобан Қаландар, ерга киргизворадиган вазминлик билан.- Мен сенга жонингни ҳада қиламан! Сўнгги марта! Ташла-да, кет!

Қаландар камонини ушлаганча аста туша бошлади. Савдогарнинг отига ишонмагани учун уни тепада қолдирганди.

– Яхши! яхши!

Қосим Қароқчи жон ҳолатда шундай деб бақираркан, рўмол ичидан муштдек ҳамёнча чиқарди.

– Мана, шуни олдим холос!

Қароқчи рўмолни гурсиллатиб пастга ташлади-да, отига қамчи уриб Кумушкент томон ҳайдади. Қолганлар ҳам шошиб-пишиб унга эргашди.

Қароқчилар узоқлашгач, карвон аҳли бирдан оҳ-воҳга тушди. Кимдир боя отдан йиқилганда лат егани учун йиғлар, кимдир омон қолгани учун. Ҳатто кўпни кўрган ёши улуғлар ҳам намланган кўзларини аргардилар. Савдогарни кўз-қулоқ бўлиш учун тепада қолдириб, ўзи пастга тушган Қаландарнинг этагини ҳамма келиб ўпмоқчи бўларди.

Бир оздан кейин, кўзларига кўриниб турган ўлим чекингач, карвон аҳли бир бўлиб молига ёпишди. Тангалар, газмоллар эга-эгасини топди. Қосим Қароқчи олиб кетган ҳамён эгасига ҳаммадан бадал олинди. Қаландарга ҳам ҳамма бадал берди. Бир зумнинг ўзида Қаландар энг бой одамга ва карвоннинг ҳокимига айланди...

Қир ортида карвонни Насриддин кутиб турарди.

– Кетиб тўғри қилдингиз,- деди Қаландар.- Акс ҳолда сизни гаровга олганда карвонни қолдиришимга тўғри келарди.

– Англадим!- деди Насриддин маъюс оҳангда. Тўкилган қонларни, Одам зотининг қонхўрлигини кўрганидан руҳи жуда тушкун эди. Лекин Қаландарни омон кўриб, унинг жасоратини эслаб, хийла очилди.

– Сиз жумбоқ экансиз! Тадбиркорлигингиз лашкарбошиликка лойиқ!- деди Насриддин синовчан тикилиб.

– Менга одам зоти ёқмайди, Афандим. Лашкар эса одам.

– Одам ёқмай шунча одамнинг жонини сақлаб қолдингиз, сизни худо ёрлақасин!

– Сизни эса Худо ёрлақан. Сиздан бошқа Одам кўраманми, йўқми бу дунёда?

1. Афанди ерининг бир қисмини кимгадир бермоқчилигини айтганда, Муҳсинбой руҳиятида қандай ўзгаришлар рўй берганлиги тасвирига эътибор қилинг.

2. Қиссада Насриддин билан ер хусусида сўзлашаётган Гуппи ҳақида: «...кўзлари совуқ йилтирай бошлагани» шаклидаги ифода берилган. Унинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

3. Афандининг боғига сув ташиганлар ҳақида: «...жимликда Гуппи билан малайларидан оқабган тер ҳам жилдираб овоз чиқараётганга ўхшарди» тарзидаги тасвирини изоҳлашга урининг.

4. Насриддиннинг ёлгон тушига Муҳсинбойдай қув одам ишонганлиги сабабини асар матнига таяниб изоҳланг. Сиз шу тушга ишондингизми?

5. Гуппини жазолаш борасида Афандининг топқирлигига муносабат билдириг. Бу можаронинг асл сабабини матндан топинг.

6. Муҳсин гуппи ўзини нима учун доно одам деб ҳисоблайди? У сизнингча қандай инсон?

7. Миршабларнинг табиатига хос хусусиятларни қисса матнидан топиб ўқинг ва изоҳланг.

8. Миршаблар турган ерга яқинлашган Абдукаримнинг аравадан тушиб пиёдалашига муносабатингизни билдириг. У нега шундай қилди?

9. Нодир миршаб «...ўзини фил, Абдукаримни чумолича чоғлади» тарзидаги тасвирнинг руҳий-ҳуқуқий асосини изоҳлашга урининг.

10. Асарда Содир миршаб ҳақидаги: «Бошига салласини, афтига эса энса қотиш ифодасини қўндирди» тарзидаги тасвирнинг мазмунини изоҳланг.

11. Нодир миршабнинг бир ҳолати ҳақидаги: «...яна миршаблик сиёқига ўтди» деган тасвирини қандай тушунасиз?

12. Миршабларнинг Абдукаримга қарата: «Нима, сизга пошшоликнинг одамлари ёлгон гапирадими?» тарзидаги дағдағаси тагида қандай фарз ётганлигини тушунтириг.

13. Абдукарим табиатига хос жиҳатлар ҳақида асар матнига таяниб тавсиф бериг. У гўл, бўш одамми ёхуд жангари жанжалкаш кишими?

14. Насриддиннинг эркинлигини, тапшортмаслигини таҳминлаган ҳаётий асослар ҳақида мулоҳаза юритинг.

15. Афандининг Гуппи сингари бойлардан ва Абдукарим сингари камбағал меҳнаткашлардан фарқли жиҳати нимада деб ўйлайсиз?

16. Асарда: «қулнинг ақли кишанда», - деган мулоҳаза билдирилган. Сиз бунга қандай қарайсиз? У ҳолда Гуппининг ақли озодами ёки у ҳам қулми?

17. Муҳсинбойнинг шумлиги билан Насриддиннинг топқирлиги ўртасида фарқ борми? Бўлса нимада? Буни сиз қандай асослайсиз?

18. Қиссада Муҳсинбой билан учрашган миршаблар ҳақида шундай тасвир берилади: «Уларнинг боя Абдукарим олдидаги важоҳатларини кўрган ва ҳозирги сиёқлари билан солиштиргудек кимса топилса эди, одамнинг гавдаси бирданига кичрайиб қолиши мумкинлигига гувоҳ бўларди». Шунини изоҳланг.

19. Шунча бой бўлатуриб Абдукаримнинг идишлари учун товон тўламаганлиги Гушпи табиатидаги қандай жиҳатларни кўрсатади деб ўйлайсиз?

20. Афандидан асалига ҳужжат талаб этишган вақтда миршабларнинг ҳалоллик ва хизмат бурчини тўлиқ бажариш ҳақидаги гапларини асардан топинг. Бу сўзларни ҳақиқий қиёфалари билан солиштиринг.

21. Қиссадаги: «Насриддин қўйнидан кичкина қоғоз нарчасини олиб узатди. Қоғозни олган Нодир миршаб у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди... Содир миршаб ҳам қоғознинг у ёқ-бу ёғини қараб, Насриддинга қайтарди» тасвирини изоҳланг. Нима учун миршаблар қоғозни ўқишмади?

22. Кўзалардаги пашшалар сонини аниқ айтиб қўйган Нодир миршаб нега каловланиб қолди? Пашшалар нечталигини у қасрдан биларди?

23. Афанди ва Гушпи орасидаги можарога зўрға кун кўриб юрган Абдукаримнинг аралашиб қолиши сизни ишонтирдими?

24. Афандининг ваколатнома олиш борасидаги фикрга келишига муносабатингизни билдиринг. Унинг учун бошқа яхшироқ чора бормиди?

25. Қозихонадаги воқеалар тасвирига баҳо беринг.

26. Пашша ўлдиришга берилган ваколатнома эвазига Муҳсинбойдан юз тилла талаб этиши ва бу бойликнинг ишлатилиш жойлари ҳақидаги талаб муносабати билан Насриддин афандининг қандай одамлигига тўхталинг.

27. Қароқчилар билан олишув саҳнасида Абди табиатида намоён бўлган жиҳатларни матидан топинг.

28. Асарда Қароқчилар рудиятига хос умумий хусусиятлар ҳақида чуқур ва асосли тасвир мавжуд. Шу ўринларни топиб қайта ўқинг, тушунтириб беришга урининг.

29. Бир кишининг бир тўда Қароқчига қарши ёлғиз жанг қилгани, қарвондаги ўнлаб одамларнинг эса фаолиятсизлиги сизда қандай таассуротлар қолдирди?

30. Қиссадаги: «...одам одамдан нақадар фарқ қилишини яққол кўриш мумкин эди. Бир томонда бир одам ўттизта каллакесарни эсапқиратарди-ю, иккинчи ёқда йигирматаси мисоли қўйдек индамай қалқон хизматини ўтарди» тарзидаги тасвирни таҳлил қилинг.

31. Асар матнидан Насриддин афанди, Муҳсин гуппи, Аҳмад тараша ва Абди оппоқ табиатидаги ўхшаш ҳамда фарқли томонларни топиб, куйидаги жадвалга солинг:

Образлар Тақдири Жисмоний сифатлари Маънавий сифатлари

Афанди

Муҳсинбой

Абди оппоқ

Аҳмад тараша

32. Асарнинг оҳангига эътибор беринг. Айниқса, сўнгги - олишув сахнасида ифода оҳанги қандайлигини матнга таяниб топиб беринг.

33. Абди оппоқнинг Афандига қарата айтган: «Сизни эса худо ёрлақанган. Сиздан бошқа Одам кўраманми, йўқми бу дунёда?» гапидаги одам сўзи нега бош ҳарф билан ёзилган деб ўйлайсиз?

АБАЙ
(1845-1904)

Қозоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бири, йирик сўз санъаткори Абай 1845 йилда Қозоғистоннинг Семей вилоятига қарашли Аякўз туманининг Чингизтоғ ёнбағрида жойлашган Қорауй овулида бой хонадонида туғилди. Бўлажак шоирнинг отаси Қўнонбой Семейнинг эътиборли бойларидан бўлиб, саҳройи уруғлар орасида катта мавқега эга эди. Шоирнинг асли оти Иброҳим бўлиб, онаси Улжон ва отасининг онаси Зийрак момо томонидан эркалаб Абай деб қақриларди. Кейинчалик бу ном шоирнинг тахаллусига айланиб кетди.



Абай дастлабки маълумотни овулидаги мулла қўлида чиқарди. Ўн икки ёшидан Оренбургдаги мадрасада таҳсил кўрди. Абайнинг бадиият оламига кириб келишида онаси ва момосининг таъсири ниҳоятда кучли бўлди. Фавқулудда қобилиятга эга бўлган бу икки аёл истеъдодли ва таъсирчан Иброҳимга ёш болалигидан кўплаб эртақ, дoston, ўланлар айтиб беришарди. Абай маънавиятининг ана шу олижаноб икки аёл томонидан шакллантирилгани унинг инсоний ва ижодий тақдирида ҳал қилувчи ўрин тутди. Иброҳим ҳақгўй, ожизларга қайишувчи, инсон қадрини биладиган киши бўлиб етишди. У инсонни комил кўрмоқ истарди, Одамларга ишонарди. Қўлидан келган барча йўллар билан одамларга ёрдам беришга интиларди. Отаси сермулоҳаза ва ўқимишли ўғлини қозоқнинг сиёсий етакчиларидан бирига айлантиришни, ундan ҳукмдор тайёрлашни истарди. Бунинг учун эса қатъиятли, шафқатсиз бўлиш лозим эди. Абай буни истамасди, бундай бўлолмасди. Чунки у мутафаккир эди. Кўпчиликнинг

дарди билан яшайдиган донишманд эди. У оламни, одамни баркамол кўриш истагида яшарди.

Абай ўн икки ёшидан шеърлар ёза бошлаган. Лекин шеър ёзишдай юмуш билан шуғулланишни ор деб билган отасидан чўчиганлиги учун ҳам у узоқ вақт ёзганларини ҳеч кимга кўрсатмайди. У ўттиз беш ёшларга етганда адабиёт оламига қайтадан кирди. Лекин бу даврда ҳам ёзганларини дўстларининг номидан чоп эттириб юрди. 1886 йилда ёши қирқдан ошганда, «Ёз» шеърини биринчи марта ўз имзоси билан эълон қилди.

Абай ижоди қозоқ тилининг бадиий имконияти нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Ўз ижодида Яссавий, Навоий, Фузулий анъаналари билан биргаликда рус адабиёти илғор тажрибаларини бирлаштира олган адиб кенг омманинг суюкли шоирига айланди.

Абайнинг юзлаб шеърлари ўз давридаёқ бепоен қозоқ ерига ёйилганди. Унинг «Искандар», «Масхуд» дostonлари тасвир кўлами кенглиги билан эътибор қозонди. Адибнинг «Қора сўз» фалсафий-дидактик асари унинг теран фикрлайдиган мутафаккирлигидан далолат эди. Абай рус адибларининг бир қатор асарларини қозоқ тилига таржима ҳам қилган. Пушкин, Лермонтов асарлари Абайнинг сеҳрли қалами туфайли ўн тўққизинчи асрдаёқ қозоқ халқига етиб борганди.

Абай туркий халқлар тарихини яхши биладиган, улар орасидаги қон-қардошлик илдизларини чуқур ҳис этадиган мутафаккир эди. «Қора сўз» китобида айтилган: «Ўзбек - ўз оғам, сарт - садағам» деган сўзлари фикримизнинг далилидир. У Навоийни ўзининг устози деб билар ва бу даҳо шоир ижодига тез-тез мурожаат этарди.

Буюк шоир 1904 йилда вафот этган.

Одамнинг қай бир кезлари
Кўнгилда ғубор босилса,
Тангрининг берган ҳислари
Кўк булутдан очилса¹.

¹ Мисранинг мазмуни: гафлатнинг кўк булутга тарқаса.

Шилдираб равон келиши
Тошбулоқнинг сувиндай,
Кирлаган юрак ўз ичин
Туролмас аста ювинмай.

Тангрининг куни ярқираб,
Уйқудан кўнгил очар кўз.
Қувватли ўйдан бош қувраб¹,
Эркаланиб чиқар сўз.

Шунда шоир белин боғлаб,
Олди-ортига қарагай.
Дунёни ювиб, тарашга
Ўзни фикран чоғлагай.

Шунқордай қараб қиримга²
Мунгман зорни³ қўлга олар.
Ёвлашиб нодон зулмига
Сиртмоқлар отар, ҳезланар.

Адолатман ақлга
Синатиб кўрган-билганин,
Етказар олис-яқинга
Уларнинг нелар деганин.

Аламли юрак, кескир қўл
Сиёҳи заҳар, аччиқ тил.
Не ёзиб кетса, бори шул
Ёқтирмасанг, ўзинг бил.

¹ Қувватли ўйдан бош қувраб - кучли ўйлардан бош чарчаб.

² Қиримга - узоқда маносида

³ Мунгман зорни - мунг билан зорни

1. Шеърнинг биринчи бандида лирик қаҳрамон руҳий ҳолати қандай эканлигини англатишга ҳаракат қилинг.

2. «Тангрининг берган хислати Кўк булутдан очилса» сатрлари мазмунини қандай тушундингиз?

3. Иккинчи банддаги: «Кирлаган юрак ўз ичин Туролмас аста ювинмай» ифодаси замирида нима кўзда тутилаётганлигини топишга уриниб кўринг.

4. «Тангрининг куни ярқираб, Уйқудан кўнгил очар кўз» ташбеҳида оламга ёйилган қуёш ҳақида гап бораётирми ёки кўнгилга чиққан офтоб ҳақидами? Фикрингизни асосланг.

5. Кўнгилдан эркаланиб чиқаётган сўз ва унинг жозибаси ҳақида фикр юритинг.

6. Шоирнинг вазифаси акс этган ўришларни англатишга урининг. «Дунёни ювиб тараш»нинг зарурияти ҳақида фикр билдириг.

7. Шоирнинг «мунгман зорни» қўлга олиб, «нодон зулмига» ёвлашиши сабаби ҳақида тўхталинг.

8. Шеърнинг олтинчи бандини шарҳлашга, унинг ифода тарзидаги ўзига хослигини англашга уриниб кўринг.

9. «Ёқтирмасанг, ўзинг бил» иддаоси кимга қаратилган ва у нима ҳақда билдирилмоқда деб ўйлайсиз?

10. Шеърни ёд олинг.

Юрагим, вени сезасан,
Жон йўқми сендан бошқа?
Дунёни, кўнглим, кезасан,
Таянч йўқ-ку, кўй, тўхта!

Сезганингни сездириб,
Етолмадинг ўртоққа.
Тирик жондан бездириб,
Етаклайсан қаёққа?

Дўстни қайдан топарсан?
Кенгашарга одам йўқ.

Ҳар тарафга чопарсан,
Ёлғизликдан ёмон йўқ.

Дардинг айтсанг бировга
Ичинг эриб, эзилиб,
Уялмас ҳақин сўровга
Бермасанг. Турар без бўлиб.

Ҳақин бериб тинглатган
Сўз кўкайга қўнарми?
Қулоғин сотган имонсиз
Ўнгдирарми, ўнгарми?

Куясан юрак, куясан,
Куйганингдан не фойда?
Дунёда нени суясан,
Умр ўтди, дўст қайда?

Савол ва топшиқлар

1. Шеърнинг биринчи бандида изҳор этилаётган кучли андуҳнинг сабабини англатишга урининг.
2. «Сезганини сездириш» билан «Тирик жондан бездириш» ўртасида қандай мантикий алоқа борлигини изоҳланг. Оламнинг муаммолари ҳақида ўйлайдиган шоир қалби хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Одамларга интилган қаҳрамон юрагининг ёлғизлик исканжасида қолиши сабабини англатинг.
4. Ҳақини тўламаса, бировнинг дардини эшитишни ҳам хоҳламайдиган одамлар билан яшаш азоби шеърнинг қасрида қай тарзда ифодаланган?
5. Ўзига дарддош топмаган юрак изтироблари чуқур акс этган ўринларни топинг.
6. Шоирнинг афсусга тўла «Умр ўтди, дўст қайда» деган сўзлари замиридаги дардни матига таяниб изоҳлашга урининг.
7. Шеърни ёд олинг.

Юрагим менинг қирқ ямоқ,
 Хиёнатчил дунёдан.
 Қандай қолсин омон-соғ
 Зарба еса ҳар недан?
 Бири ўлди, бири ёв,
 Кимни суйса бу юрак.
 Кими қочқин кими дов,
 Суянарга йўқ тиргак.

Кексалик келди тақаб
 Унга асло чора йўқ.
 Ёшлик-чи, юрар ўйнаб,
 Бизга ундан фойда йўқ.

Юраги қон, ғамгин зот,
 Қайрилиб боқ мен томон.
 Ғамга ботган кўнгилнинг
 Хосиятин эт баён.

Савол ва топшириқлар

1. «Юрагим менинг қирқ ямоқ, Хиёнатчил дунёдан» шаклидаги таъкиднинг мазмуни ва ифода тарзи ҳақида ўйлаб кўринг.
2. Содиқ дўстга, меҳрибон ҳамдардга муҳтож қаҳрамон ҳолати иккинчи бандда қандай акс эттирилганлигини изоҳланг.
3. Кексалик остонасига келиб қолган, лекин бир умр излагани яхшиларни топа олмаган шахс изтироблари акс этган ўринларни англатишга урининг.
4. Қайғусиз ёшлик ва имконсиз кексалик қарама-қарши қўйилган ўринларни диққат билан таҳлил қилинг.
5. Сўнгги банддаги кучли изтироб ва иложсизлик оҳанглари авж нуқтага кўтарилган ўринларни топинг.
6. Шеърнинг тили ва ифода тарзига эътибор қилинг.

ГУЛХАНИЙ

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида кўқон хонлигида яшаб ижод этган санъаткор шоир ва моҳир масалчидир. Унинг хонликдаги узоқ тоғ қишлоқларидан тушиб келиб, пойтахтда ўрнашиб қолганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин унинг ижодий мероси кейинги авлодларга тўла етиб келмаган. Турли тазкираларда учрайдиган узук-юлуқ маълумотлардан шоирнинг ўта мураккаб ҳаёт кечирганлиги англашилади. Гулханий битикларида яхши инсоний фазилатлар улуғланади, уларда шоирнинг шикоят ва норозилиги ҳам кўзга ташланиб туради. Бу асарлар Гулханийнинг инсон кечинмаларини жозибали, гоёт таъсирчан тарзда бадиий ифодалаш маҳоратини эгашлаган ўткир шоир бўлганидан далолат беради.

Гулханийнинг ўзбек адабиёти олдидаги буюк хизмати шундан иборатки, неча юзлаб масалларн ўз ичига оладиган ўхшаши йўқ жанрдаги «Зарбулмасал» асарини яратган.

ЗАРБУЛМАСАЛ

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Фарғона иқлимида Кайқубод отлиғ подшодин қолган бир эски шахристон бор эди. Анда бир Бойўғли деган ватан тутмиш эрди. Аммо анинг ҳавоси хуш ва боди дилкаш¹. Сабза раёҳин², анвойи гуллар, чечаклар касратидин³ кўрғонға қўнғон чоғда товусларнинг парларидек турланиб, мунаққаш⁴ кўринур эрди ва анинг ёнида бир ёғочлиқ⁵ ерда Япалоққуш маскани - ота-бобосидан қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўғлининг бир қизи бор эрдик, меҳри ховарий⁶ юзига банда эрди.

Оразидин шамсу қамардир хижил,
Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил⁷,

¹ Боди дилкаш - шамоли ёқимли.

² Сабза раёҳин - кўм-кўк райҳонлар.

³ Касратидин - кўнлигидан.

⁴ Мунаққаш - нақшланган, безанган, чиройли.

⁵ Бир ёғоч - тахминан тўққиз чақирим масофа.

⁶ Меҳри ховарий - шарқ куёши, куёш.

⁷ Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил - сўзларидан асалу шакар уялган.

Ҳосили умри эди ул бойнинг,
Оти Гунаш бону ўшал ойнинг.

Ва ул қиз офтоби олам тобдек ҳар хомни пишируб, ҳеч махлуқ ани кундузи кўрмакка чораси йўқ эрди ва ул қиз юзини яширур эрди. Унда аломати балоғат зоҳир бўлиб, кўзи сузулиб, овози бузулиб, онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади...

...Япалоққуш Кўркушни имлаб олиб, ёнида ўтқазиб айдики:

Бизнинг курратул айнимиз¹ эр етибдур, бир ерда муносиб маслаҳат қилали: Бойўғлининг бир чиройли қизи бор эмиш, деб айтурлар. Бизнинг тарафдин совчи бўлуб боринг. Ҳар қанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўркуш айди: «Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур», - деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзининг бурчидин чиқор: «Минг чордевор қизимнинг қалини», деб. Ҳоло... подшоҳимиз... Умархон... замонларида... бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким, айтмишлар: «Ёлғон масал турмас», «Уят - ўлимдан қаттиғ». Яна айтмишлар: «Эрмон ёғочнинг этилгани - сингани, эр йигитнинг уялгани - ўлгани»...

Анда Япалоққуш айди: «Мен сизни билимлик ва маънидин бохабар киши фаҳлаб эрдим, «Карнай мисдин, балғам исдин²» бўлуруни билмас экансиз. «Кўр тутганин қўймас ва кар эшитганин қўймас».

Анда Кўркуш айди: «Мен хотун олмоқ орзусига фарқ эмасман, нечукким айтмишлар: «Дала-тузни сув олса, қўнғир ғозни тўшидин, қулоқсизга сўз айганг, қулоғининг тошидин».

Анда Япалоққуш айди: «Бурноғулар масалидурким, «Битар ишнинг бошига - яхши келур қошига». Яна бири булки, «Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур».

Анда Кўркуш айди: «Бўл! Оғиз бўлма, оёқ бўл», эшитмадингмуки, «Оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа»... Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким? Ҳеч билмасмусанки, «Тенг тенги бирла, тезак қоши бирла».

Анда Япалоққуш айди: «Андин бизнинг нима камлигимиз бор?..»

Анда Кўркуш айди: «Борлиқдин мақтанма», «Мақтанган қиз тўйда уялар» ва яна айтмишлар: «Ўзини мақтағони ўлимнинг қоровули». Сенинг аҳволинг оламга маълумдир. «Олақўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, олатўғаноқ олғур бўлса ҳам, аҳволи маълум».

¹ Курратул айи - кўз қорачиги, фарзанд

² Ис - луд, ис.

Анда Япалоққуш айди: «Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулур», - дегандек, сен бизни фақир-нотавон кўрдингму? Бундин беҳабар ўхшарсанки: «Чўбни хор тутсанг кўзга тушар». Бор, мен бирла сўзлашгунча Бойўғли бирла сўзлашгил.

Анда Кўрқуш айди: «Эй, Япалоқ, андоқ бўлса, куёв бўлур ўғлингнинг отини айтгил».

Анда Япалоққуш айди: «Ўғлимнинг номуборак оти Кулонкир султон¹ дур».

Анда Кўрқуш айди: «Мундоғ фаҳм ва хирад сарманзилидин² ўтган кишиларни кўрган эмасман. Эчкунинг оти Абдулкарим бўлурға сўз керак. Бурунғилар анинг учун: «Эби бирлон сўзлаганнинг қурбони бўл», - деган эканлар. Кулонкир султон от қўймоқ сенинг ҳаддингму. Бу от: Ҳумо, Уқоб, қарчиғай, Баҳрин, Лочин, Итолғу - қушларнинг салотинидурлар³, аларга муносиб оттурур».

Анда Япалоққуш айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Яхши нафас - ярим мол», бари боламнинг асбоби кулонкирлиги тумшуғи билан чангалидан маълум ва равшан эмасдурму?»

Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан, «кўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оғо бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур». «Чучварани хом санабсан» ўхшарки, «Отаси урмас қўнғизни, боласи урар тўнғизни», деган сўзга ишонма. «Ҳалво деган бирла оғиз чучимас».

Анда Япалоққуш айди: «Эй Кўр, бас, ...ман ҳам бийно ва нобийно⁴ ҳикоятин бигурманки, нобино бино сўзини қулоққа олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақтириб ҳалок бўлди. Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баёнини истасанг «Калила ва Димна»дин топ».

Анда Кўрқуш айди: «Эй бесабр, ...сен ўз яроғингни қилгунча сабр қилсанг хўбдур. Сабрни яхшилар андоғ таъриф қилмишларки:

¹ Кулонкир султон - олғирлар султони, човутли султон.

² Фаҳм ва хирад сарманзили - фаросат ва ақлнинг кўчасидан.

³ Қушларнинг салотинидурлар - қушларнинг султониридурлар.

⁴ Бийно ва нобийно - кўзи очиқ ва кўр.

Сабр сенинг дардинга дармон бўлур,
Сабр билан хор гулистон бўлур,
Шўра замин боғ ила бўстон бўлур.
Баста¹ эшик очғусидир сабр, бил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил.

Япалоққуш айдиким: «Ори², балоға сабр, қазоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ, лекин сабрнинг жойи билан қайғу ва андуҳдин бўлак нимарсаси³ йўқ. Сабр қилиб яхши иш қўлдан кетса, ўхшамас»...

Анда Кўрқуш айди: «...муҳим хайр ишига юборур киши бу навҳ бўлурму⁴? Эшитган эмасмусанким, яхшилар айтибдурларким, «Ширин-ширин сўзласанг, илон инидин чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон динидин чиқар». Сенинг бу ношойиста сўзингга бормасман. ...Менга кўп юз келтурсанг, нечукким, қадимғи яхшилардин бир масал қолибдур: «Яхшилик қил сувга сол, сув билмаса болиқ билур, болиқ билмаса холиқ билур». Аввал бориб, Кулонкир султон жамолини кўруб, совуқ сўзини эшитиб, тузини тотиб, сўнгра борсам керак», - деб Кулонкир султон хизматига равона бўлди.

Алқисса, Кўрқуш йиқила-сурила Кулонкир султон даргоҳига равона бўлиб, сарманзилига етди. Кўрдиким, ажаб шаҳн-шавкатлиқ боргоҳи⁵ бор эканки, савсан⁶ кўп тил бирлан анинг васфидин ожиз ва ҳар турлик муарриф таърифи анинг шаънида ожиз.

Кўрқуш бу асоси боло қиёсни⁷ кўруб, боргоҳ дарвозасидин «Салом, ҳай-ҳай!» овозининг савлатидин киролмай ўлтуриб қолди. Кулонкир султон хизматида бир Куйкунак отлиғ куллари ҳозир эди. Кулонкир султоннинг Кўрқушга назари тушиб, Куйкунакга буюрдиким: «Бориб гуломгардишда ўлтурган одамдин хабар ол, муҳтож, мустамандму⁸, ё оч ва яланғочликдин келдимму? Сазовари хайр бўлса, мунда олиб кел».

¹ Баста - берк, ёни?.

² Ори - ҳа, балли.

³ Нимарса - нарса.

⁴ Бу навҳ бўлурму - шунақа бўладими, одам шундай бўладими?

⁵ Боргоҳ - қароргоҳ, сарой.

⁶ Савсан - сафсар гул.

⁷ Муарриф - тарифловчи.

⁸ Асоси боло қиёс - пойдевори баланд бинон, ҳашаматли жой.

⁹ Мустаманд - муҳтож, гамли.

Анда Куйкунак илгари қадам қўюб, Кўрқушнинг олдиға келиб айдиким: «Эй бобо, қайси ошиёни баланддин парвоз қилдингиз?»

Анда Кўрқуш Куйкунакнинг такаббуруна сўзини англаб айди: «Эй болам, сен сўрғувчи бўлгунча ва мен жавоб берғувчи бўлгунча, иккимиз ҳам ғойиб бўлсак яхшидур».

Анда Куйкунак айди: «Яхшилар топиб сўзлар» дегандек, яъни бизни аркон давлат орасида кичкина кўрдингизму? «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни», ёинки «Куйкунак ўз ерида ғоз олур, ҳам ўрдак», «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил».

Кўрқуш анинг худ донолигини¹ англаб айди: «Эй болам, сен онасиға ўргатган ўғилға ўхшарсен. Бурунғилар масалидурки, «Сигир сув ичгунча бузоқ муз ялар», меҳмон бўлсам, таъзим қилсанг лозим эрди.

Анда Кулонкир меҳмонға озор берганини англаб, Куйкунакни жеркиб, кўзидин андоғ нари солдиким, қайта кўрмоқлик номумкин бўлди.

Бас, Кўрқушни имлаб, ёнидан жой бериб айдиким: «Эй бобо, хуш келибсен, маъзур тутинг, ва ўзингиздек кишилар дебдурларки «Танимасни сийламас»

Анда Кўрқуш сўзға киришди ва айдики: «Улуғнинг даргоҳида дониш ва аҳли хирадманди бохуш қанча кўп бўлса ҳам оз бўлур». ...қадимги бузург машойихлардин бизға бир масал қолибдурки: «Эрга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни, итға берсанг ошингни, итлар чайнар бошингни...» ва яна: «Яхши билан юрсанг - етдинг муродға, ёмон билан юрдинг - қолдинг уятға» ёинки «Ёмонға ёндашсангиз, балоси юқар, қазонға ёндашсангиз қароси юқар...», «Биз қўй кўрмасак ҳам қий кўрган эдук...»

Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонға бодаи сабуҳий² нашҳасидек таъсир этди ва насойиҳнинг абри³ жон комиға туркгоз⁴ этди. ...Кулонкир султоннинг илгариги меҳмондин қолғон оши бор эди, ани Кўрқушнинг олдиға қўйди, айди: «Оз ошға имдод⁵ йўқ».

¹ Худ донолигини - жуда донолигини, ўзининг ўта донолигини

² Бодаи сабуҳий - сўзма-сўз тонгдаги ичкилик. Бу йерда «ёқимли гап» маъносида.

³ Насойиҳнинг абри - сўзма-сўз насиҳатларнинг хушбўй қиди; ёқимли насиҳат.

⁴ Туркгоз - ҳужум, эгаллаш.

⁵ Имдод - ёрлам.

Андин Кўрқуш айди: «Ош эгаси била тотлиғ».

Кулонкир султон айди: «Хўб бўлур, ошга деганда қуруқ калла югур», - деб қўл узата берди. Бир смоғлиқ қилдиким, табақ тубига тушди. Кўрқуш ҳар қанча тараддуд қилди, ошни табақ тагида топмади...

...Алқисса, Кўрқуш ўрнидан туриб, жадду жадал айлаб, Бойўғли сарманзилига равона бўлуб, муддао деворига боши тегди¹. Замондин кейин Бойўғли Кўрқушнинг келганидан огоҳ бўлиб, анинг олдиға чиқиб, хуш келибсиз», деб таъзим бирла кўришуб, бир-бирининг юзини чўқушиб Бойўғли Кўрқушни уясиға қўндурди ва олдиға моҳазар² қўйди. Кўрқуш сўзламасдан бурун таомға туша берди.

Бойўғли айди: «Таом емакда сўзлаб емак яхшидур. Монанди ҳайвондек³ хомуш⁴ таом емак озода мардум шевасидин⁵ эмас».

Анда Кўрқуш айдиким: «Сўзламакдин ўзга чора йўқ. Лекин илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Аввал таом, сўнгра калом», «Айрон тилаб келсанг, челакингни яшурма», андоғ воқиғ ва огоҳ бўлингизки, сизнинг Гунашбону исмлиқ нозпарвар маҳлиқо⁶ қизингиз бор эмиш. Яполоқнинг боласи Кулонкир султонга муносиб кўруб совчи бўлиб келдим. Сиз бир ширин жавоб беринг. Англаб бориб тараддуд қилали», - деди.

Анда Бойўғли айди: «Ори, боланинг бўйи етибдур, ўзидин сўраб жавоб берсам керак», - деб туруб, қизин олдиға кирди. Айди: «Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкир султон совчи юбормиш, на жавоб берурсан?»

Анда Гунашбону ойим «сукут - аломати ризо», дегандек, бошини қуйи солиб ўлтурди.

Анда Бойўғли айди: «Эй бошинг кесулгур, англаган эмасмусан: «Ўлтурган қиз ўрнин топар».

Анда Гунашбону ойим айди: «Кечки экиннинг хатари бор» ва яна айтибдурларким: «Эртанги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли ўрнидин туруб, Кўрқуш олдиға чиқди.

Кўрқуш айди: «Бўримусиз, тулки?»

¹ Муддао деворига боши тегди - муддаосига етди.

² Моҳазар - тайёрланган, ҳозирланган йемак.

³ Хомуш - жим, пндамай.

⁴ Шеваси - одати, русуми, қилиғи.

⁵ Монанди ҳайвондек - ҳайвонга ўхшаб.

⁶ Нозпарвар маҳлиқо - ой юзли нозанин

Анда Бойўғли айди: «Бу дафҳа боринг, дахи бир жавоб олурсиз, илгари ўтган яхшилардин бир масал қолибдур: «От олсанг, уйинг бирла кенгаш», - дебтурлар. Мен ҳам қариндош-уруғимни йиғиб, машварат айлаб¹, анга яраша сизга жавоб берсам керак», - дебди.

Анда Кўрқуш айди: «Хайр ишига ҳеч истихора² ҳожат эмас».

Анда Бойўғли айди: «Боламнинг ихтиёри қўлидадур».

Анда Кўрқуш: «Андоғ бўлса бир чучук жавоб беринг, англаб бориб жавоб берай», - деди.

Анда Бойўғли айди: «Ҳар бир ишда маслаҳат лозим, машваратсиз иш яхши эрмас».

Анда Кўрқуш айди: «Машварат бағоят яхшидур. Лекин донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳ аҳли донишдиндур...»

Анда Бойўғли айди: «Фаросат оёғи оқсоқ, тевадек егани шўра ва янтоқ, илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга тоқ, оёғидин осилган сўтқоқ қушга ўхшаш аҳмоқ эмасмен. Кўбга кенгаш, ўз билганингни қил, дебдурлар».

Алқисса, Кўрқуш бу навиди фараҳафзони³ эшитиб, хурсанд бўлуб, Япалоқ биби манзилига етди. Бойўғлининг анчаким, муҳим хайрға рағбати бор эрди, баён қилди.

Алқисса, Япалоққушнинг бир қарға дўсти бор эрди: Шўранул, қушлар кўзиға гўл, ўз ишиға пишиқ, ҳаромзодаи таррор, давлатмандлар аснофида мумсик беор, ҳар мурда устида тайёр... Ўшал диёрда Малики Шоҳинки, қушларнинг шоҳлиғи анга мансуб эрди ва Кулонкир султон анга дангалнишин паҳлавон⁴ эрди. Шўранулни Малик Шоҳин жанобиға севинчиға чоптурди. Малик Шоҳиннинг боргоҳиға келиб, таъзим ва тавозе бирла салом қилиб, Япалоққушнинг руқҳасини⁵ узатди. Малик Шоҳин нома мазмунини англаб, бир замон таваққуф айлади⁶ ...

¹ Машварат айлаб - маслаҳат қилиб, кенгашиб.

² Истихора - фол кўриш.

³ Навиди фараҳафзо - шодлик бағишловчи хабар, хушхабар.

⁴ Дангалнишин паҳлавон - човутқор, дангалчи паҳлавон.

⁵ Руқҳа - хат, мактуб.

⁶ Таваққуф айлади - тўхтаб қолди, ўйланди.

Малик Шоҳиннинг Кордон отлиғ хазиначиси бор эди. Анга буюрди-ким: «Бизнинг жонибдин¹ султон Кулонкир дангалнишинимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер».

Алқисса Кордон камари ҳимматни ғаравдек² неча ердан боғлади. Сўнгра замоне тафаккурга бориб³ айдиким: «Авлороқ улким, ўзим бориб Бойўғлига учрасам, ҳар на тилаган маҳрининг тараддудида бўлсам, ўз қулоғим бирла эшитсам, анга яраша тўй тараддудида бўлсам. Харжи исроф бўлмағувдек бўлсун», - деб борурға азм қилди.

Кордоннинг жойидин Бойўғлининг маскани узоқ эрди, балки муддати сафар⁴ эрди. Сафар яроғини беками кўст қилмоқ керак... Бурунғилар дебдурлар: «Тўйга борсанг, тўйиб бор...», уйдин ғамланиб чиқмоқ керак, нечукким: «Уйдаги сўз бозорға рост келмас». У ён Бойўғлининг уйи бўлса, сичқон суягидаи бошқа нимарса бўлуши зоҳир ва маълум эмас.

Алқисса, Кордоннинг ўзига сафарда ҳамроз ва ҳама атвори ... мақбул; отасидин қолган Турумтой тезпарвоз, сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгувчиси бор эрди. Бозорға чиқтилар. Эрта кун кеч бўлди, офтоб пешин жойга етди. Анда Турумтой айди: «Эй тўрам, сиз ўз нафсингизни биткоринг ё султон амрини. «Икки кема тутган қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул денгиздин бир кема тутмагунча».

Анда Кордон айди: «Эй беадаб шум, хўжайинга насиҳат қилғувдек бўлдисингму? Қадимғи яхшилар анинг учун дебдурларки: «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эма билмас қўзилар ўз онасини эмолмас». Каминга ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини».

Анда Турумтой айди: «Тақсир афандим, хато қилдим, оғиз ошга етганда бурни қонаган мен бўлдим. Эшитганингиз йўқму, илгари ўтганлардин масал қолибдурким: «Аргумоқ от бўлмас, озғон сўнг, хўжаси қулиға боқмас ёзғон сўнг⁶». Лекин ҳар қанча қулнинг хатоси бўлса, ҳам подшоҳнинг андин ортиқроқ афву атоси⁷ ҳам бўлур».

¹ Бизнинг жонибдин - бизнинг ҳисобдан, бизнинг томонимиздан.

² Ғаравдек - қамишдек.

³ Замоне тафаккурга бориб - бир муддат ўйланиб.

⁴ Муддати сафар - алоҳида муддатга сафарга борғулик жой.

⁵ Ҳама атвори - ҳамма қилиқлари, бор феъли, одатлари.

⁶ Ёзғон сўнг - гуноҳ қилгандан сўнг.

⁷ Афву атоси - кечириму бағишлови.

Кордон айди: «Сунган бўюнни қилич кесмас», - дебдурлар, гуноҳингни ўтдим. Сенинг ҳолинга мулоҳиза қилсам, кам сафарликдин бу сўзларни айтдинг, сафарда кўп тажриба ҳосил бўлур».

Алқисса, Кордон бирла Турумтой сафар анжомини муҳайё қилиб жўнай бердилар. Қубод шаҳристониға етдилар. Бойўғли ошиёниға келиб қўндилар. Бойўғли буларнинг келганидин огоҳ бўлиб, олдилариға чиқиб: «Хуш келибсизлар!»¹ - деб гарди роҳларини¹ қоқиб, меҳмонхонаға чирроғлар ёқиб, палослар солиб, аларни қўндуруб, ўчоқға ўтун қалай бошлади. Ул чоғда ҳаво эътидоли² ўтиб, киш замҳарири³ ёвуқ эди. Совуқ касратидин ҳар чанд «пуф, пуф» қилди, ёнмади...

Кордон айди: «Биз камина Малик Шоҳиннинг ҳалқа бағўшларидин⁴ бўлурмиз. Бизга андоғ билиндиким, Гунашбону ойимни Япалоқ биби боласи Кулонкир султонға берибсиз, деб эшитдик. Ҳарна тилаган қалинни ўз қулоғим бирла англоғали келдим, тоинки харжи исроф бўлмасун, эмди на буюурсиз», - деди.

Бойўғли айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Қўйнидан тўкилса қўнжиға», - дебдурлар. Ўз қариндошларимдин киши чиқар. Япалоқ боласи куёвға ҳожат эмас... Кўпак боласиға не деб берайин».

Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз» ва яна айтибдурларки: «Қизни ошиқиға бер»...

Бойўғли айди: «Чангал ўз жойида кун кўрар»...

Кордон айди: «Сен илгари ўтган одамларнинг кирдорин қилмассан... Ҳоло сен ҳозирни кўргил. Масалдурки: «Бугунги нақд ўпка эртаги қуйруқдин яхшидур». Ҳоло сен Япалоқ бибини кўпакдек дединг, қадимги яхшилардан бир масал борки: «Эгасини сийлаган итиға сўнғак ташлар». Сен андоғ дедингким: «Қизим, сенга айтурман, келиним, сен эшит», қилдинг. «На хорлик сенга зиштликдиндур⁵ ва зиштлик бадсириштликдин-

¹ Гарди роҳларини - йўл чанглариини.

² Ҳаво эътидоли - ҳаво ўрғичалиғи, мўътадиллиғи.

³ Киш замҳарири - кишининг қаттиқ совуғи, қиёров.

⁴ Ҳалқа бағўшларидин - кулоғида ҳалқаси борларидан, яъни кулларидан.

⁵ Зиштликдиндур - бадфеъллик, ёмонликдандр.

дур¹». Агар сенинг хирадинг дийдаси² хира ва замиринг ойнаси тийра³ бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб⁴ эрди».

Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа стар», - дегандек англафонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган оғримай ўлар, чайнамай сганлар кавшамай кетарлар».

Бу сўзни эшитган замон Кордон хазиначининг ғазаб ўти иштиғолланиб⁵, вужуди найистониға⁶ ўт тушуб, тутуни гардунға хиром боғлади⁷. Айдиким: «Яхшилардин бир масал қолибдурки: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар»... Мен сени Бойўғли деб эшитиб эрдим, эшитганим кўрғандек эмас экан. Мен меҳмон бўлсам, қилган пешомадинг шулдурму⁸?»

Бойкуш айди: «Мендин ўтди, маҳзур тутинг: Ит қилғонни иторчи қилмас», - дебдурлар...

Алқисса Кордон айди: «Иш битгувчи маслаҳатни қил».

Бойўғли айди: «Менинг ҳам уруғларим бор, алар бирла маслаҳат қилиб жавоб берурман».

Кордон айди: «Хўб, лекин бизни оро йўлда қўймағил».

Анда Бойўғли айди: «Пешқадам корозмо⁹ қариндошларим бор. Алар бирла маслаҳат қилурман».

Анда Кордон айди: «Гўрга, қариндошларинг бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмаса; корозмолар сўзидур: «Қариндошинг келса келсун, бўа халтаси келмасун»...

Бойўғли айди: «Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас».

Кордон айди: «Рост айтурсен. Корозмолар дебдурким: «қариндошим қора қозоним». Яна бир масал борки: «Қариндошинг ўлса ўлсун, қадрдонинг ўлмасун». Эй, Бойкуш, ҳоло сен «Кўрпангга қараб оёқ узат».

¹ Бадсирштлиқ - ёмон одатлилик, совуқ қилиғлилик.

² Хирадинг дийдаси - ақлининг кўзи.

³ Замиринг ойнаси тийра - юрагинг ойнаси қоронгу.

⁴ Хўб - яхши, дуруст.

⁵ Иштиғолланиб - ҳаракатга келиб, авжланиб.

⁶ Вужуди найистониға - вужуд қамишзорига. Бу ерда бутун вужудига.

⁷ Гардунға хиром боғлади - кўкка ўйноқлаб кўтарилди.

⁸ Пешомадинг шулдурму - олдимга чиқиб кутиб олганинг шуми.

⁹ Корозмо - ишбилармон, тадбирли.

Сен минг чордевордин дам урарсан. Ваҳоланки... Фарғона иқлимида ободлиғдин ўзга жой йўқ... Мундин нари бир бузуқ чордеворнинг отини тутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам қуюшқондин ташқари чиқма, суннат бажо келгудек иш қилиб жўната бер. Кордон айди: «Эй Бойўғли, бизникини қабул қилинг, бизлар кетармиз, Кўрқуш келиб, мунозарани сендин элтур: Эшак йўли қотқоқда¹ эмас, ботқоқда маълум бўлур», - деди.

Бойўғли айди: «Синалган ёв урушга яхши».

Анда Кордон айди: «Ёв кетган сўнг қилични ерга ур».

Анда Турумтойки, Кордоннинг мулозими эрди, Бойқушнинг бунча ғуруридин хафа эрди, Бойқушга Кўрқуш яхши айтган бир масални айди: - «Ёмон отга ёл битса, ёнига тўсуқ боғлатмас, ёмон эрга мол битса, ёнига қушни қўндирмас». Турумтой бу сўзни айтиб эрди, Кордон айди: «Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясига қўндиргил, нечукким, Амир Навоий дебдурлар:

Онаси билан кунда эҳтироз этган қиз,

Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.

Қайин юрти билан куёвнинг уйини хуш

Кўрмакдин онаси била ноз этган қиз.

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлиб айдиким: «Сен менинг қизимнинг ўзга ҳамрози бор дегандек қилдинг».

Кордон айди: «Ажаб содда аҳмоқ экансан!.. Баромади сўз² ўтганларнинг сўзини изҳор қилиб ўтдим. Мен сенинг қизинг атворини билмасман». Анда Кордон ноумид бўлиб, Кўрқушнинг ошёнасига қадам қўйди. Кўрқушни кўрган ҳамон қақшаб айтди: «Ҳар ким Кўрқуш сўзига кирса, биз кўрган ҳақоратларни кўрар ва биз тортган машаққатларни чекар».

Анда Кўрқуш айди: «Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас, Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас». Яна бир масал борки: «Эр бошига иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошига иш тушса, сўлук била сув ичар». Ишларни битқариб келдингизларму?»

¹ Қотқоқда - қаттиқ ерда.

² Баромади сўз - тап келини.

Кордон айди: «Биздин баланд нимарса тилади, биз ожиз келдук».

Кўркуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?»

Кордон айди: «Бойўғли айтурки, «Минг чордевор тоқчасигача хок¹ ва нақшу нигор қилинган² ва ҳеч Бойўғли сояси тушмаган бўлса унарман ва илло мундин бир чордевор кам бўлса, унамасман». Ул «токча» деди, биз «мўри» дедик, жўнай бердук».

Кўркуш айди: «Сенинг исмингни Кордон қўюбдурлар - ишни билиб қилсанг керак эрди ва ҳеч иш билмас экансан. Кордон исмингнинг аксини қўйсалар керак эрди. Сенинг кордонлигинг кулол мўндида сув ичгандек ва ё «Бўзчи белбоққа ёлчимас», дегандек бўлди».

Анда Кордон айди: «қуда бўлса, қул бўлса ҳам сўзлаш». «қуда бўлдук, жудо бўлдук» деган сўзга йўқмиз».

Анда Кўркуш айди: «Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак». Сенинг сўзинг анга ўхшарки, мушук илмоғдаги куйруқни ололмай, «Пуф сассиғ», дегандек сўзни қўй. Алқисса яна Кўркуш айди: «Ҳар кимнинг ишиму улоқ овламоқ, мадрасага бориб тупроқ яламоқ? Иш битқармоқни мендин кўрсунлар», - деб кубод шаҳристонига равона бўлди. Бойўғли уйига қўноқ бўлди. Кўркуш Бойўғлини кўрган ҳамон томоғидин бўғиб, «Кўр тутганин қўймас» дегандек чўқуб айдиким: «Кўрушмасанг, отангни йиқит».

Бойўғли айди: «Куёв бўлсанг, қиз тайёр, эшитмоққа қулоқ бор. Сўрамоқ сендан, эшитмоқ мендан».

Кўркуш айди: «Сенинг қулоғинг сўз эшитмас».

Бойўғли айди: «Эшитмадингмуким: «Бошга тушганин кўз кўрар» ва яна айтмишларки: «Ҳар ишига жарчи бўлсанг, малул бўлма ». Аммо сенинг бошинга иш тушса, тортарға кўз йўқидин малулсен».

Кўркуш айди: «Ботин⁴ сўзи керак. Сенга ҳарза⁵ учун келган киши эмасмен. Тилаган чордеворингдан тўрт юзини кечгил. Олти юзига жавоб берурман».

Анда Бойўғли айди: «Минг чордевор оламан, тўрт юзини нимага кечай?»

¹ Хок - тупроқ, ёр.

² Нақшу нигор қилинган - нақшланган, безилган.

³ Малул бўлма - хафа бўлма, қайғурма.

⁴ Ботин - ич, юрак, дис.

⁵ Ҳарза - бекорчи сўзлар айтиш.

Кўрқуш кўрдиким, агар минг чордевордан бир чордевор кам бўлса, ўттиз тишини синдирур. Айдиким: «Андоғ бўлса тўй лавозиматини тайёр қилғил. Пашшадан анқоғача барча қушларға киши чоптур, йиғилсунлар! Уларнинг ҳузуриди маҳр солай».

Алқисса, Япалоқ шаҳн ва шавкат бирла тўй олиб келди. Мажмуи туюрлар¹ жам бўлдилар, мисли: анқо, ҳумо, қарчиғай, уқоб, баҳрин, лочин, италғу бир тарафға; оққуш, туғдоқ, турна, фоз, ўрдак, кўгақуш, анғит, сурна, суқсур, чуррак, коркирак, кўргут, лаклак бир тарафға ўлтурдилар. Булардин кичик қушлар мисли: каклик, бедана, олатўғанок, қизилиштон, зарғалдақ, кабутар, мусича, қалдурғоч, саъва Кулонкир султонға куёвнукар бўлиб, бир тарафға ўлтурдилар.

Алқисса, Кўрқуш куёв жанобидин вакил бўлиб, кўкқарға, олақарға гувоҳ бўлиб, Куйкунак қиз жанобидин вакил бўлиб турдилар. Никоҳ хутбасин... ўқимоқ бўлди. Кўрқуш Куйкунакка қараб айдиким: «қизингнинг маҳрини баён қил!»

Куйкунак айди: «Авомуннос² ичра машҳурдиким, «Катта кема қайдин юрса кичик кема андин юрур». Сизларга возиҳ ва лойиҳ³ эрурким, аммасининг маҳри минг чордевор эрди, мунинг ҳам маҳри минг чордевор».

Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдик. Агар Мовароуннаҳр тобеотидин⁴ хоҳласанг, ҳар қанча чордевор десанг берай, балки хишт девор солайин».

Куйкунак айди: «Бу масалдин беҳабар ўхшарсен: «Бўри бормоғина қувонур, емоғина йўқ⁵». Ва яна айтмишларки: «Така бўлсун, сут берсун».

Кўрқуш айди: «Хўб, маъқул», - деб овоз қўюб айди: «Эй ҳозир ўланлар, англағувчи бўлинглар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янги Работ, Эски Сабот, Пушоғур, Шаҳристон, Сарой, Ҳилён, Иторчи, Чун, Манғит, Кенагас, Янгиариқ, Фоици, Фозон, Дарак, Хўжа Тоҳир, Нажидон, қизили, Кўркат, Бекобод, Хайробод, эмди Гунашбону ойимнинг маҳри битдимур», - деди.

¹ Мажмуи туюрлар - жами қушлар.

² Авомуннос - оддий одамлар.

³ Возиҳ ва лойиҳ - шубҳасиз ва равшан.

⁴ Тобеотидин - тобелигидан, мансублигидан.

⁵ Бўри бормоғина қувонур, емоғина йўқ - бўри еганига эмас, босганига, талаганига қувонар.

Алқисса, Кўрқушнинг маҳр солишига ва Куйкунакнинг олишига бир неча қушлар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига айтишар эрдиларким: «Бели оғримаганининг нон ейишига боқ».

Куйкунак дарҳол туриб айдиким: «Боракаллоҳ, сизнинг жувонмардлигингизга. Маҳракада бизнинг сўзлагудек ҳолимиз қолмади. Маҳр солишингизга ҳозир турган туюрлар инсоф ва офарин қилдилар. Лекин Хайродоб бизга мувофиқ тушмади». «Дарё ёвуқдур. Зероки, Бойўғли халқи сувдин ихтироз¹ этарлар. Муниг ўрнига Муғни солинг».

Кўрқуш айди: «Хўб бўлибдур».

Куйкунак ишорат қилдиким: «Хутба бошланг»... Андин кейин Гунашбону ойимни макиён янгалари олиб, Кулонкирсултонга қўшдилар. Кулонкир султон Гунашбону ойим иккилари муродларига етдилар.

Савол ва тоқшириқлар

1. Бойўғли ватан тутган маскан тасвирига эътибор қилинг. Унда ҳаётий ҳақиқатга мувофиқлик кўпми ёки киноя унсурлари?

2. Гунашбону малоҳати ҳақидаги насрий ва шеърий тавсифларни изоҳланг. Бу тасвирлар кишида қандай муносабат уйғотиши мумкинлигини аниқлаб беринг.

3. Япалоққушнинг ўғлини Кулонкир султон аташи унинг табиатидаги қайси жиҳатларни аниқлатади? Асардан мазкур сифатларни ифодалайдиган мақол ва ҳикматлар келтиринг.

4. Гунашбону қизининг турмуш қуришга розилигини билмоқчи бўлган Бойўғлининг саволига қандай жавоб берди? Асар матнидан шу ўринни топиб ўқинг, унинг ўзбек турмуш тарзига мувофиқлигини ўйлаб кўринг.

5. Бойўғли қизининг Кулонкирга тегишга рози эканлигини дарҳол айтгиси келмаганлигини изоҳланг. У чиндан ҳам қариндошлари билан кенгашади деб ўйлайсизми?

6. Бойўғлининг қаттиқ ғазабланишига сабаб бўлган Турумтой гапи нима ҳақда эканлигини асардан топинг ва изоҳланг.

7. Бойўғлининг мол-дунёга муносабати ҳақида Кўрқушнинг қалин миқдорини белгилаш пайтида фоят топиб айтган бир гапи бор. Шунини топинг ва унга асосланиб, Бойўғли табиати ҳақида фикр юритинг.

¹ Ихтироз - эҳтиётланмоқ, сақланмоқ.

8. Кулонкирни кўрмоқ учун борган Кўрқуш султоннинг хизматкори Куйкунакнинг сўзларидан нега қаттиқ малолланди? Шу ўринда халқимиз табиатига хос қандай хусусиятлар намоён бўлган деб ўйлайсиз?

9. Бойўғлидан ўзи кутганидай ҳурмат кўрмаган Кордон унга: «Эгасини сийлаган итига сўнғак ташлар» мақолини айтади. Ўйлаб кўринг-чи, у «ити» деб кимни назарда тутди-ю, «эгаси» деганда кимни ўйлади?

10. Адиб нима учун барча қаҳрамонларини мақолу ҳикматлар билан гапиртиришни лозим кўрганлигини тушунтиришга урининг.

11. «Зарбулмасал»нинг тил хусусиятларига эътибор беринг. Барча қаҳрамонлар фақат қушлар бўлса-да, уларнинг сўзлаш тарзига эътибор қилдингизми? Улар жуда баланпарвоз, унча-мунча одам тушуниши осон бўлмаган йўсинда сўзламаяптиларми? Оддий одамлар ўзаро шу хилда гаплашишлари мумкин деб ўйлайсизми?

12. «Қубод» атамаси сизга ҳеч бир жойнинг номини эслатмаяптими? Фарғона водийсида шунга ўхшаброқ кетадиган жойлар бор, бир эслаш ва солиштиришга уриниб кўринг.

13. Гулханий мазкур асарни нима учун ёзди деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосланг.

14. Тестларни ечинг.

1. *Ҳайвонлар ва қушлар орқали инсонларни тасвирлаш қандай аталади?*

А. Мажоз Б. Рамз С. Уйдирма Д. Образ Э. Лирик қаҳрамон

2. *«Зарбулмасал» ҳақидаги қайси фикр тўғри?*

А. Қушлар орасида ҳам қуда-андачилик бўлиши тасвирлаган. Б. Урф-одатларимиз ҳақидаги асар С. Халқ донишмандлигининг гўзал ифодаси Д. Тарихий асар Э. Ишқий моҳарролар баёни

3. *Асарда мақол ва маталлар билан бирга қайси ўзбек шоирининг ҳикматомуз мисралари келтирилган?*

А. Амирий Б. Навоий С. Бобур Д. Нодира Э. Жомий

«ЗАРБУЛМАСАЛ» ҲАҚИДА

Гулханий ижодидаги энг муҳим фазилат шундан иборатки, у ўз даврининг фолклоршуноси сифатида ўзбек халқининг беқиёс донишмандлигини ифода этган масаллар, мақолларни тўплаб, машҳур

«Зарбулмасал» асарини яратди. Гулханий «Зарбулмасал»ни яратишда мақол, матал, нақл ва халқ оғзаки ижодиининг тўрт юзга яқин бошқа намуналарини маҳорат билан қўллади. Шунингдек, атрофлича билимдон ижодкор сифатида у ҳиндларнинг буюк фольклор асари «Калила ва Димна» тажрибасидан, Муслиҳиддин Саъдий, Алишер Навоий каби улуғ ва мўътабар адибларнинг асарларидан ҳам ўрнида фойдаланди.

«Зарбулмасал» - ҳайвонлар ҳақидаги қизиқарли воқеаларга бой асар. Лекин сиз воқеаларга алданиб қолманг. У, аслида, одамлар ҳақидаги асардир. Шоир қуш ҳақидами, туя ҳақидами, чаён ёки тошбақа ҳақидами ёзмасин, ҳамиша одамни кўз олдига келтириб қалам сурган. Демак, бизга бегонадай бўлиб турган бу асар биз ҳақимизда экан. Ўзимиз ҳақимиздаги асарни ўқимасдан бўладими?

Зарбулмасал - мақол, матал, рамзли ҳикоя маъносини англатувчи сўз. «Масал» сўзи эски ўзбек адабиётида ҳозирги қўллайдиган мақол маъносида, «зарбулмасал» эса, оғзаки ёки ёзма нутқда мақол ва маталларни келтириш маъносида ишлатилган. Шунингдек, зарбулмасал атамасини мақол ва масаллар йиғиндиси, мажмуи маъносида ҳам ишлатиш мумкин. Чунки «зарб» сўзи кўпайтириш маъносини ҳам англатади. Кўплаб масалларнинг бир асарга йиғилиши уларнинг ўзаро «зарб» қилингани маъносида зарбулмасал аталган. Бу жанрдаги асарларда имо-ишора, киноя асосий тасвир усули ҳисобланади. Ижодкор бадий мақсадли одамлар тақдири тасвири орқали эмас, балки бошқа йўсинда ифодалайдигани, асардан одинга парчани ўқиб таҳлил қилиш жараёнида бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Бойқушнинг нималиги ва унинг қандай жойларни макон этишини биламиз. Асарда эса, унинг макони шундай тасвирланадигани, беихтиёр қулгингиз келади. Маълумки, бойқуш - тунги жонзот. Бойқушнинг қизи ким деб аталишига эътибор қилинг: Гувашбону! Бу - қуёшхон дегани. Бойқуш билан қуёш бир тасаввур доирасига сиғадими? Бунинг устига бу қиз шу қадар чиройли эмишки олам қуёши унинг юзига қарай олмасмиш. Хуллас, «Зарбулмасал» ўзбек тилининг қадим замонларда ҳам нечоғлик бой, таъсирчан, сержило эканлигини намоён этадиган ўзига хос асардир. Дунё адабиётида бу хилдаги битиклар кўп эмас.

АЗИМ СУЮН

(1948 йилда туғилган)

ЎЗИМ ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен Нурота тизма тоғларининг Қароқчитоғ тепасидан беш ханжардай ярқираб кўринадиган Бешбармоқ қоялари этагида жойлашган Накурт қишлоғида ўсганман. Киндик қоним эса 1948 йилнинг 22 феврилида Кўлтўсиннинг шундоқ биқинидаги қудуқча қишлоғида тўкилган. Бешбармоқота ва Парандозота булоқлари Қарисой ва Қоронғулсойни ҳосил қилиб, Қўшилишота деган ерда қўшилишиб, Накуртсойни ташкил этади. Накуртсой эса йўл-йўлакай бир қанча катта-кичик булоқлар суви ила кўпайиб, Тўсинсойга қуйилади.



Кўлтўсиндан ўтадиган биттагина йўл Накуртни дунё билан боғлайди.

1888 йилда туғилиб, 1959 йилнинг олча пишиғида дунёдан ўтган Суюн бобом отамга аждодлари шажарасини ёзиб қолдирди, отам ўз навбатида менга ва тўрт укамга узатди. Мен - Азимбой, Азимбойнинг отаси Олим, Олимнинг отаси Суюн, Суюннинг отаси Мирзабой, Мирзабойнинг отаси Норбой, Норбойнинг отаси Қўйгелди, Қўйгелдининг отаси Оллоёр, Оллоёрнинг отаси Ақад, Ақаднинг отаси Аширмат, Аширматнинг отаси Суюшхўжа, Суюшхўжанинг отаси Чурагаймирза, Чурагаймирзанинг отаси Шомонмирза, Шомонмирзанинг отаси Бегихийро, Бегихийронинг отаси Холмат, Холматнинг отаси Чўянқалтак, Чўянқалтакнинг отаси Қирошар. Туб бобомиз Ўзғон деган пайғамбар экан!

Асли боболаримиз Туркистон томонлардан бўлиб, улар қандайдир сабаб билан Қашқадарёга ҳижрат қилишади. Қашқадарёдан Хатирчининг Олтинсойга кўчишади. Олтинсойдан Мойбулоқнинг Ёнбош қишлоғига, ундан Қўшработнинг этагидаги Оқтепа деган жойга ўтишади. Оқтепадан (у ерда Аширматарик деган ариқнинг ўрни ҳозир ҳам бор, бу ариқни бобомиз Аширмат полвон қаздирган) Накуртга биринчи бўлиб бобомиз Оллоёр кўчиб чиққан. Бобомиз момомиз Турсун бойбича билан бу жойларни макон тутишганда чангалзорларни ўроқ ила зўрға очиб, йўл топиб юришган экан.

Хуллас, отамнинг қирқ ёшида тилаб олган фарзанди камина беш-олти ёшимданоқ унинг инжиқ ҳамроҳига айланганман. Гап шундаки, отам катта саводхон бўлишига қарамай, “қулоқнинг ўғли” бўлганлиги учун мажбурий равишда унга чўпонлик таъғи судратилган эди. Пода боқарди. Кечаю кундуз мол орқасидан юрарди, мен эса ундан ажралмасдим. Бирга тоғу тош, дала-дашт, қир-адир кезардим. Ўша беш-олти ёшимданоқ бахшиларнинг, сўзонларнинг¹, чўпон-чўлиқ, йилқичи, овчи, ўтинчи, гўянда, мўлтонни² ва ўзга тоғ ишқибозларининг ғаройиб ҳикояларидан, гурунгларидан баҳраманд бўлганман.

Бора-бора отам билан пода орқасидан юравериш жонимга тегиб, бобом мулла Суюн паноҳига ўтиб кетдим. Унинг ҳикояларини эшитиш мароқли кеча бошлади. Бобом Бухорода Мирараб мадрасасини битирган, қулоқ бўлиб қамалиб кетган ва не-не савдоларни бошидан кечириб, Катта уруш арафасида омон-эсон Накуртга қайтиб келганди. Мулла Суюн узун бўйли, кўндаланг, елкалари кенг, бармоқлари йўғон-йўғон, кўкиш соқолдор бақувват киши бўлиб, қалин қошлари остидан ўткир кўзлари одамга тикка боқарди. Отамнинг онаси – знам аллақачон вафот этиб кетган, бобом ундан кейин ҳам уйланган, аммо у ҳам бир ўғил қолдириб дунёдан ўтганди. Бобомнинг овуноҳи турли-туман китоблар, ов ва эиди мен эдим. Унинг ўн иккинчи ов милтиғи бўларди. Унга Кондрат деган ўрис мен билмаган олис юртлардан ўқ-дори, замча³, патрон ва бошқа керакли нарсаларни ойда-йилда олиб келиб берарди.

¹ Сўзон аламли, куйган. Бу ерда «куйганидан сўзга чечан бўлганлар» маъносини.

² Мўлтонни мўлтонлик, яъни тиланчи лўдилар.

³ Замча пистон.

Ў, у йиллар... Шом тушиши билан бобомнинг тошдан қурилган, дуддан қорайиб кетган бир хонали уйига (уйда сандал ҳам йўқ, тош ўчоқ бор эди) суҳбатталаб кексаю ёш йиғиларди. Лампачироқ липиллар, қиш кечалари ўчоқда тараша чўғи ловилларди. У Аҳмад Яссавийни ўқиганда бутун олам унутиларди. Китобхонликлар, суҳбатлар, гурунглار гоҳида тонггача давом этарди.

Табиатни асраш деган гаплар етмишинчи йиллардан кейин чиқди, Илгарилари бундай гаплар тушга ҳам кирмасди. Аммо инсоф бор эди. Овчилар худога қараб ов қиларди. Бобом вафот этгандан кейин, унинг худойисини ўтказмоқчи бўлдик. Сўйиш учун бир чоғроқ серкани топдик. Одам тумонат. Мен тенгдош амаким ва жўрам Олтибой билан уч-гўрт сутли эчкимизни қайтариб келмоқчи бўлиб, Жайловча деган камарга кетдик. Не кўз билан кўрайликки, бир олқор чивин кўриб ётган экан. Узоқдан кўрдик. Иккаламиз ҳам мулла Суюннинг укаси, машҳур мерган Деҳқонбой бобомни чақириб келиш учун югурдик. Деҳқонбой бобом тезда милтиқни ўқлаб чиқди. Бордик. Олқор бизни кўриб югуришга тушди... Ўқ еган, оқсоқ экан. Уни Олтибой билан уй тарафга қувдик. Худойи ўтказилмоқчи бўлган бобом уйдан бир чақирим бериди олқор отилди. Унинг гўштини пишириб, худойини ўтказдик. Одамлар: “Бу олқорни ҳам катта илм эгаси, ҳам имонли овчи Суюнбойнинг маъракасига худонинг ўзи етказди”, - дейишди.

Хуллас, менинг болалигим, ўсмирлигим, ёшлигимнинг кўп қисми Нурота тоғларини гоҳ пиёда, гоҳ уловда, гоҳ милтиқ кўтариб, гоҳ салтанг ишқибозлик ила кезишда ўтди. Бундай кезишлар, ишқибозликлар мени ҳануз тарк этган эмас. Кўриб-кўриб кўзчил бўласан деганларидай, жуда кўп гаройиб воқеаларни бошдан кечирган эканман.

Нурота тизма тоғларининг ҳайвонот олами фоят турфа, ўсимликлар дунёси кенг, жонзотлари, парранда-даррандалари, газандалари мўл-кўл. Бу тоғларда ҳатто қоплошлар, мўлжиза аталмиш кўзойнакли илонларгача оёғингиз остидан чиқиб қолиши мумкин...

Ўзим ҳақимда айтсам, икки йил кечикиб бўлса-да, мактабга бордим. Кейин... кейин аскар бўлдим. Миллий университетнинг журналистика факультетини битирдим. Фафур Фулом номидаги нашриётда, Республика Матбуот қўмитасида, Ёзувчилар уюшмасида, “Халқ сўзи” газетасида хизмат қилдим. Салкам ўн йил “Ўзбекистон овози” газетасида Бош

муҳаррир бўлдим. Ҳозир “Гулистон” журналининг Бош муҳарририма. Шу вақтлар ичида “Менинг осмоним” (1978), “Зарб” (1979), “Замин тақдир” (1981), “Хаёлот” (1984), “Зиё йўли” (1986), “Жавзо” (1987), “Олис тонглар” (1989), “Куйганим - суйгани” (1992), “Қора кўзинг сенинг” (1994), “Сарбадорлар” (1994), “Сайланма” (1997), “Ўзлик” (1999), “Шарқ ҳикматлари” (2000) каби китобларим босилиб чиқди.

Энди сўнгги гап: кўзим етмаган жойга сўзим етсин. Ҳали орзу-армонларим, муроду мақсадим, ниятларим дунё-дунё. Эл билан беллашмадим, тиллашдим, иншооллоҳ, бу қисмат умрлик ёр бўлгай!

Азим СУЮН
2002 йил 23 апрель

Азим Суюн 1992 йилда Туркияда бўлиб ўтган «Туркий улуслар адабиётида туркий тил» анжуманида Туркия ёзарлар Бирлигининг мукофотига сазовор бўлди. У бутун жаҳон шоирлари Конгресси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими.

Сиз шоирнинг инсон туйғулари, бола руҳияти тасвири берилган айрим шеърлари билан танишасиз.

БАҲОДИРНИНГ ҚИЛИЧИ

Баҳодирнинг қиличи синди...
Сўнгги нуқта. Тугади эртақ.
Пастак ҳовли четида дилкун
Бир бола йиғлайди
Қўлида китоб.
Баҳодирнинг қиличи синди,
Баҳодирнинг қиличи синди.
Ёвники бутун!

Қайга кетди япроқдек бола,
Бўта каби қайда бўзлайди?
Учиб юрган варақлар, ана,
Шамолларга эртақ сўзлайди.
Бола қани?.. Билмайман, аммо,
Ишонаман, қайлардадир у
Баҳодирга қилич излайди...

1. Шеърнинг биринчи бандида «Баҳодирнинг қиличи синди» мисраси уч бора такрорланишининг мантиқий ва бадий сабабини топишга урининг.

2. «Сўйгги нуқта. Тугади эртақ. Пастак ҳовли четида дилхун Бир бола йиғлайди - қўлида китоб» мисраларида лирик қаҳрамон тушган руҳий ҳолат қандай ифодаланаётганлигини изоҳлашга урининг.

3. Шеърнинг биринчи бандидаги сатрларнинг қисқа-қисқа эканлигига эътибор қилинг. Бу ҳолнинг сабабини тушунтиришга урининг.

4. Шеърдаги: «Баҳодирнинг қиличи синди. Ёвники бутун!» сатрлари бола руҳий изтиробини қандай акс эттираётир деб ўйлайсиз?

5. Пастак ҳовли ва бола руҳиятининг баланд парвози хусусида ўйлаб кўринг.

6. Лирик қаҳрамоннинг япроққа ўхшатилишига ҳаётий асослар топинг.

7. «Учиб юрган варақлар, ана, Шамолларга эртақ сўзлайди» сатрларида ифода этилаётган туйғулар ҳақида тўхталинг.

8. Шеърдаги: «Ишонаман, қайлардадир у Баҳодирга қилич излайди» сатрларидаги умидбахшликнинг руҳий асослари ҳақида фикр юритинг.

9. Шеърни ёд олинг.

ОҚ ВА ҚОРА

Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоққа етгунча.

Оқ дарёни изладим,
Қора дарё дуч келди.
Қора дарё бағрида чўмилдим, дўстлар,
Оқ дарёга ўтгунча.

Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар кучоғини кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга етгунча.

Оқ ва қора дунёни
Чаппор уриб айлангум,
Оқ шомлар тугаб, дўстлар,
Қора шомлар кучгунча.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърдаги оқ ва қора булоқ тимсоллари хусусида чуқурроқ ўйга толлинг. Қора булоқдан сув ичишга мажбур бўлган қаҳрамон руҳиятини англашга урининг.

2. Агар қаҳрамон оқ булоқдан бошқасидан сув ичмаса, оқ булоққача етиб бора олармиди? Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

3. Шеърнинг иккинчи бандида инсон хоҳиши ва имкониятлари ўртасидаги зиддият қай тариқа ифодаланаётганлигини аниқлашга урининг.

4. Ҳаётда ҳамиша ҳам одамнинг истагани бўлавермаслиги учинчи бандда қандай шеърим тимсолларда акс эттирилаяпти?

5. Шеърнинг дастлабки уч бандида «булоқ», «дарё», «тоғлар» сингари уч сўз тўрт мартадан такрорланади. Бу ҳол шеърнинг бадий жиҳатига қандай таъсир қилган деб ўйлайсиз?

6. Мўжазгина шеър давомида лирик қаҳрамоннинг бутун бир умр йўли харитаси чизилган. Сўнгги бандда у: «Оқ ва қора дунёни Чаппор уриб айлангум» деган қаноатга келди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

7. «Оқ шомлар тугаб, дўстлар, қора шомлар кучгунча» ифодасининг моҳиятини аниқлашга урининг. «Оқ шомлар» ҳаётдир, «қора шомлар»чи?

8. Шеърдаги оқ ва қора ранглар ташийдиган маъно ва унинг бадий ифодаси ҳақида ўйлаб кўринг.

9. Шеърни ёд олинг.

ТУТҚУН

Ғанимлар таҳқирлаб бешафқат,
Онангдан айрилдинг, дедилар,
Тутқуннинг кўзида бетоқат,
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.

Кўз ёшлар боиси - ғам, алам,
Ёрингдан айрилдинг, дедилар.

Кўзига боқдилар, шод, хуррам -
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.

Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг, дедилар
Ва унинг кўзида сўнгги дард -
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи бандида акс этган фожиа кўлами ҳақида ўйланг. Шундай зарбага чидаган қаҳрамоннинг руҳий кудратини изоҳланг.

2. Тутқуннинг: «Мағрур қолган мағрур бош»и унинг меҳрсизлигидан далолатми ёки онага муҳаббатдан ҳам улканроқ бошқа нарса борми?

3. Иккинчи банд мазмунини изоҳлашга урининг. Бу ҳолатда ҳам мағрур қола билган лирик қаҳрамоннинг инсоний сифатларини шарҳланг.

4. «Қасоскор хабарлар билмас ҳад, Ватандан айрилдинг дедилар» мисралари замиридаги ёвуз қудрат ҳақида ўйлаб кўринг.

5. «Ва унинг кўзида сўнгги дард - қатра ёш кўрмоқчи эдилар» мисраларига эътибор қилинг. Тутқун кўзида қатра ёш кўриш истаги ёвда нега бунчалар кучли эканини изоҳланг. Кўз ёши кучнинг белгисими, ожизликнинг?

6. Шеърдаги: «Бир қалқди... Жон эди ўша ёш» ифодаси замиридаги маънони ва унинг таъсир даражасини шарҳланг.

7. Тутқун мағлубми?

8. Шеърни ёд олинг.

БАҲОДИРСИЗ КЕЛАР АРҒУМОҚ

Майсалар дол эгди бошини,
Қизғалдоқлар тўкди ёшини,
Кўк беркитди шан куёшини,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Унсиз қолди қушлар самода,
Учқур жайрон елмас саҳрода,
Тинди латиф, сарин шаббода,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Тоғлар боқар ғамгин, тунд, беҳол,
Оқ наъматак тебранмас хушҳол,
Бемажолдир чашмаи зилол,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Қонхўр ғаним, қонхўр қотил ким?..
Ҳаво бўғиқ, бадқавоқ ва дим,
Чопиб чиққан эл, халойиқ жим,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Савол ва топшириқлар:

1. Рўй берган фожианинг кўлами бутун даҳшати билан акс этган сатрларни шеърнинг дастлабки бандидан мустақил равишда аниқланг.

2. «Майсалар лол эгди бошини, қизғалдоқлар тўқди ёшини» сатрлари замиридаги маъжозий ва ҳаётий маъно ҳақида фикрлашга урининг.

3. «Унсиз қолди қушлар самода, Учқур жайрон елмас саҳрода» сатрлари орқали ифодаланган ҳолатни ўз тўғри маъносида тушуниш тўғрими?

4. Арғумоқнинг баҳодирсиз қайтиши табиатга нима учун бу қадар қайғули таъсир қилди деб ўйлайсиз? Шеърда битилганлар чиндан ҳам рўй бердимиз ёки ўз баҳодирини севган халқнинг сезимларида рўй бердимиз?

5. «Чопиб чиққан эл, халойиқ жим» шаклидаги таъкидни шарҳлашга уриниб кўринг.

6. Шеърнинг ифода-тарзи халқ қўшиқларини эслатмайдими? Бу ҳақдаги мулоҳазаларинигизни баён қилинг.

7. Шеърни ёд олинг.

ДАРАДА

Кўринмас оловдан эриб борар тун
Бургутлар қояда потирлашмоқда.
Она қорнидаги гўдакдай беун,
Туман ғимирламоқда.

Тонг отди, энг сўнгги юлдуз кўзларин
Қудратли паҳлавон - уйқу элтмоқда.
Қўрадан чиқишган сурувдек вазмин,
Туман кўтарилмоқда.

Кумуш чўққилардан оҳиста ошиб,
Қуёш сим-сим қўшиқ куйлаб келмоқда.
Осмон қозонида сут каби тошиб,
Туман тарқалмоқда.

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг биринчи мисрасидаги «кўринмас олов» ташбеҳини изоҳланг.
2. Туманнинг қимирлаши ғоят жонли ва эсдан чиқмайдиган тарзда ифодаланиши борасидаги кузатишларини билан ўртоқлашинг.
3. Уйқунинг «қудратли паҳлавон» тарзида ташбеҳ қилинишига муносабатини билдириг.
4. Туман кўтарилишининг **«қўрадан чиқишган сурувдек вазмин»** тарзида берилишига нима дейсиз? Сиз қўйлар сурувининг қўрадан чиққанини ҳеч кўрганмисиз?
5. Қуёш куйлаётган сим-сим қўшиқ нима деб ўйлайсиз?
6. **«Осмон қозонида сут каби тошиб, Туман тарқалмоқда»** таъкидини ҳаётий ва бадий асосини кўрсатишга уриниб кўринг.
7. Шеър ҳар бир бандидаги сўнгги сатрнинг қисқалиги сабабини тушунтиришга уриниб кўринг. Унинг оҳанги ҳақида ўйлаб кўринг.
8. Туманнинг «ғимирлаши», «кўтарилиши» ва «тарқалиши» орасидаги маъно фарқлари ҳақида мулоҳаза юритинг. Шеър нима ҳақда эканини ўйлаб кўринг?
9. Тестларни счинг.

1. «Баҳодирнинг қиличи» шеърда тасвирланган болага нисбатан қайси фикр тўғри?

А. Таъсирчан, иродасиз ва йиғлоқи бола
Б. Китобдаги воқеаларга тушуниб-тушунмай таъсирланган ўқувчи
С. Бировнинг дардини тушуниб, ғамини енгиллатишга интиладиган ўсмир
Д. Эртақдаги қаҳрамонни ҳаётдан излайдиган ҳаёлараст
Э. Ўқиганларини тушунмай, китоб варақларини сочиб юборган китобхон.

2. «Оқ ва қора» шеъридаги қора ранг маъносини қайси фикр тўлиқ ифодалайди?

А. Ҳаётдаги ёвузликлар Б. Ёмон одамларнинг ёмон феъллари С. Яхши одамларнинг ёмон бўлишликлари ҳам мумкинлиги Д. Мақсад йўлидаги қийинчиликлар, ҳаёт синовлари Э. Инсон орзуси ва интилишлари.

3. Азим Суюннинг қайси шеърида бир манзаранинг ўзгарган уч тасвири берилган?

А. «Баҳодирнинг қиличи» Б. «Оқ ва қора» С. «Тутқин» Д. «Баҳодирсиз келар аргумоқ» Е. «Дарада».

ДАШТТЎРҒАЙ

Ўзбекистон даштларининг бир қуши бор,
Ўша қушнинг бир парвози, учиши бор.
Осмонларнинг тоқларида¹ чулдирайди,
Ҳаволарда бир муаллақ туриши бор.

Нима ҳақда тўлиб-тўлиб сайрайди ул,
Андух билмас, нималардан яйрайди ул.
Тинглаб туриб кўнглим ияр, кўнглим кетар,
Шоир тилим қайралади, қайрайди ул.

«Бўзтўрғай» деб атайдилар гоҳо уни,
«Сўфитўрғай» атайдилар гоҳо уни.
Чексиз даштда мен турибман кўкка қараб,
«Далли тўрғай» атайдилар уни, мени.

Мен биламан бўзтўрғайим бўзлайдир ул,
Мен биламан сўфиқушим сўзлайдир ул.
Ота макон – даштларини суяр жондан,
Фақат-фақат эркинликни ўзлайдир ул.

Соғинаман тоғлар кезиб, йўллар ўзиб,
Соғинаман денгизларда юрсам сузиб.

¹ Тоқ - шифт, бу ерда «энг баланд жой» маъносига.

Шувоқларнинг тагларида уялари
Соғинаман юртлар кезиб, эллар кезиб.

Томоқлари булкиллаган, дашттўрғайим,
Эркин-эркин учавергин, жўш, тўрғайим.
Оққўнгилим, куйлаб-куйлаб ўтадирмиз,
Сенинг каби мен ҳам битта қуш, тўрғайим.

Ўзбекистон даштларининг бир қуши бор,
Ўша қушнинг бир парвози, учиши бор.
Осмондаги бир нуқтада чулдирайди,
Кўкда туриб Ватанини қўриши¹ бор.

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг биринчи бандида тўрғайга хос ташқи белгилар қандай тасвирланганлигига эътибор қилинг.
2. Дашттўрғайнинг «тўлиб-тўлиб сайраши» ва «андух билмай» яйрашининг иккинчи банддаги тасвири Сизда қандай таассурот уйғотди?
3. Шеърдаги: «Далли тўрғай» атайдилар уни, мени» мисрасининг маъносини изоҳланг.
4. «Фақат-фақат эркинликни ўзлайдир ул» мисрасини шарҳланг.
5. Тўрғайнинг турлича номланиши сабабини тушунтиришга урининг.
6. Шеърда тўрғайнинг бир нуқтада муаллақ туриши сабаби қандай изоҳланганлигини англаб етишга ҳаракат қилинг.

ОВЧИ ЎЛИМИ

(Қишлоқдошим Аваз бахшидан эшитганим)

Мен ёш эдим. Қўшнимиз Қодир овчининг кампири мени чақириб: «Бобоңга қараб тур, мен сув олиб келай», - деб булоқ бошига кетди. Уйга кирганимда, Қодир овчи кенг елкалари учиб-титраб тўшакда ётар эди. Ёстиғининг ёнида милтиқ. Мен олдига чўккаладим...

¹ Қўриш - қўриқлаш.

-Кес-с-сак бўлиб кетяпти,
Қўлларимни уқала.
Наҳот умрим битяпти,
Шунча қисқа-я, қара?
Қандай ҳол бу? Тавба-ей,
Ҳамма жойимда титроқ.
Бу қандайин савдо-ей,
Ётсам ўлимдан титраб.
Ўлим олди кийикнинг
Титрашини кўрганман.
Бўридай югурикнинг
«Қалт-қалт»идан кулганман.
Одамхўр бир йўлбарсни
Отган эдим қай замон,
Шунда-чи, у чаптаст ҳам
Қалтир-қалтир берган жон.
Ўлимдан титраган зот
Титрагайдир ҳаётда!
Уларга мен ҳамма вақт
Қараб келдим нафрат-ла!
Лекин, билсанг, оламда
Бургут деган бир қуш бор
Титрамайди ўлимдан,
Долға каби шиддаткор.
Сўнги дамин сезса у
Қояга урар ўзин,
Унинг олов патлари
Ҳавода кетар тўзиб.
О, улар тушмас ерга,
Ерда нима бойланиб,
Шу заҳот учар кўкда
Бургутларга айланиб...
Бургут менинг аждодим,
Ўлим нима деган гап?!
Йўқ, йўқ, менинг авлодим

Ўтмас ҳеч қачон титраб!
Шу сўзни айтиб бўлиб
Бир керилиб, ҳезланиб,
Фалати боқди менга,
Бу қараш ётдир сенга!
Ёв-ёв қараш десамми?
Дов-дов қараш десамми?
Бургут қараш десамми?
Айиқдай айқирсамми?
Денгиздай ҳайқирсамми?
Ё йиғлайин булутдай?
Ахир қандай унутаё?
Сўнг деди: «Чиқ, у ёнга,
Қарагил-чи, момонгта!..»
Мушук каби чаққон, жим
Ташқарига отилдим.
Момом келмоқда экан,
Пақирин олдим секин.
Ҳайҳот! Уйдан шу дамда
Ўқ товуши чиқди бирдан...
Отилиб кирдик бесас,
Қодир овчи титрамас!..
Аммо мени ваҳшатдай,
Титроқ босди даҳшатли!
Келар-кетар бу даврон,
Мен-чи, титрайман ҳамон.
Сиз-чи, сиз ҳам титрайсиз,
Титраб, қақшаб яшайсиз!
Замон-замон замонми,
Ё сўзларим ёлғонми?
Лекин билинг, оламда
Бургут деган бир қуш бор.
Титрамайди ўлимдан,
Долға каби шиддаткор.
Сўнгги дамин сезса у

Қояга урар ўзин.
Унинг олов патлари
Ҳавода кетар тўзиб.
О, улар тушмас ерга,
Ерда нима бойланиб?!
Шу заҳот учар кўкда
Бургутларга айланиб...

Савол ва топшириқлар

1. Шеърдан Қодир овчи ва Аваз бахшига тегишли ўринларни аниқлаб олинг.
2. Овчининг ўлим олдидан титраган жониворлар тўғрисидаги фикрлари ифодаланган мисраларга эътибор қилинг.
3. Қодир овчининг ўлимдан титраганларга нафрати сабабини тушунтириг.
4. Унинг: «Ўлимдан титраган зот Титрагайдир ҳаётда!» тарзидаги хулосасига муносабат билдиринг.
5. Овчининг бургутнинг ўлими борасидаги кузатишларига тўхталинг.
6. Қодир овчи табиатидаги бургутга ўхшайдиган жиҳатларга тўхталинг.
7. Шоирнинг: «Келар-кетар бу даврон, Мен-чи, титрайман ҳамон. Сиз-чи, сиз ҳам титрайсиз, Титраб, қақшаб яшайсиз!» тарзидаги ҳайқирини муносабат билдиринг.
8. Шеър адоғида овчининг бургут ҳақида айтганлари қайтарилиши сабабини изоҳланг.
9. Сиз бургутга ўхшашни истайсизми?

ШОМ ШАФАҒИ...

Шом шафағи тоғларни кучмиш,
Тун қўйнига кирар дала, қир.
Дараларда чарсиллайди қиш,
Кўз тиндириб ялтирар ўнғир.

Бунда тўхтаб қолган жилғалар,
Тўниб қолган юлдузлар кўкда.
Шода сирға таққан жинғиллар,
Букчайишиб турар оқ юкдан.

Дилга ҳадик солар сукунат,
Босиб келар қандайдир ваҳм.
Кўпдан қўноқ қорли салтанат,
Сукутида бир сирли қаҳр.

Ў, бузилар бари ногоҳон,
Пайдо бўлар бўри галаси.
Бир дўнгликка чиқишиб шу он,
Қутуришиб ўйнар бариси.

Сўнг ўйинлар жонига тегиб,
Ўқдай кўзлар порлаб ёнганча
Қайларгадир қолар санчилиб.
Фақат бири чўнқайиб қирга,
Ойга қараб улийди узоқ.
Гўдакларин босиб бағрига
Хавотирда мудрайди қишлоқ...

Савол ва топшириқлар

1. Шеърнинг илк икки мисрасида ифодаланган манзарани изоҳлаб беринг.
2. «Бунда тўхтаб қолган жилғалар, Тўниб қолган юлдузлар кўкда» сатрлари мазмунини шарҳлаб, бу ҳолат сабабини тушунтиринг.
3. Жингиллар таққан сирға, уларни букчайтирган юк нима эканлигини англатинг.
4. Қорли тун қўйнидаги тоғ қишлоғидаги ваҳимали ҳолат тасвирининг таъсирчанлигига эътибор қилинг.
5. Сирли сукунат ва унинг бузилишига сабаб бўлган бўри галаси туғдирган кўрқув тасвирига тўхталинг.
6. Бўри галаси тасвири бирор рамзий маънога эгами?
7. Якуловчи: «Гўдакларин босиб бағрига Хавотирда мудрайди қишлоқ...» сатрларини изоҳланг.
8. Шеърни ёд олинг.

ШЕЪРИЙ НУТҚ

Сиз мактабга қатнай бошлаганингиздан буён юзлаб шеърларни ўқигансиз. Ёд олган шеърларингиз ҳам бир талай бўлгандир. Аслида, онангиз бешингиз тепасида алла айтган пайтдаёқ сиз шеър билан илк бор учрашгансиз. Шеър кайфиятингизни яхши, уйқунгизни хотиржам қилган. Хўш, шеър ўзи нима?

Шеърнинг оддий сўзлашув услуби ёки насердан асосий фарқи унинг муайян оҳангга эга эканлигидадир. Шеърлий нутқ оддий нутқдан оҳангдорлиги, қатъий шаклга солинганлиги билан фарқ қилади. Ҳар қандай шеърда, аввало, муайян ҳис-туйғу ифодаланган бўлади. Шунга кўра, оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солинган, қофияга эга, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ шеърлий нутқ дейилади. Қофия, вази, ритм ва туйғу шеърлий нутқ белгиларидир.

Шеърлий нутқда ритм - зарб ва ифодалиликнинг турли усуллари кенг қўлланилади. Шеърни оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солишнинг воситалари: зарб ва қофиядир. Эътибор қилсангиз, бутун олам ҳам, алоҳида бир одам ҳам маълум даражада такрорланиб турадиган зарблар туфайли мавжуд эканлигини англайсиз. Жумладан, тун билан кун, кўклам билан ёз, ёз билан куз, куз билан қиш, қиш билан кўклам маълум вақтдан сўнг қатъий равишда такрорланиб, ўрин алмашиб туради. Шунингдек, киши нафас олгач, чиқаради, чиқаргач, нафас олади. Нафас олиб туриб яна нафас олиш ёки уни чиқариб туриб яна чиқариш мумкин эмас. Кўряп-сизки, одамнинг тирик бўлиши учун мана шу қатъий ва такрорланиб турувчи зарб, яъни ритмика ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кишининг уйқуси ва уйғоклиги, овқатланиши ва ишлаши ҳамма-ҳаммаси ўзига хос муайян зарбларни келтириб чиқаради.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

(1928-йилда туғилган)

1928 йилнинг 25 октябрида Туркистон тизма тоғлари этагида жойлашган баҳаво ва хушманзара Кенгкўл қишлоғидаги ўзига тўқ чўпонлардан бириникида ўғил туғилди. Қишлоқ атрофидаги тоғу тош, дарахту жондорлар Туркистон тоғлари сингари қадимий, мангуликка дахлдордай эди. Соё минг йиллардан бери оқар, булоқ саноқсиз даврдан бўён қайнаб ётар, шохлари тарвақайлаган арчаларнинг ёшлари ҳам асрлар билан ўлчанарди. Қодир чўпон оиласида учинчи ўғил бўлиб дунёга келган Пиримқул жуда серзавқ, тийрак ва қизиқувчан бўлиб ўсди. Табиатнинг беқиёс улўворлиги хаёлчан боланинг ўйларини безовта қилар, уни атрофига хайрат билан қарашга ундарди.



1930 йилда унинг отаси қулоқ¹ сифатида беш йилга сургун қилинди ва оиласидагиларнинг бор мулки: устларидаги кийим-у кўрпа-тўшагигача тортиб олинди. Бўлажак ёзувчи зўравонликнинг «таъми»ни жуда эрта тотиб кўрди. Мактабда яхши ўқиди, аммо қулоқнинг боласи бўлгани учун мукофотлардан маҳрум эди. Бу ҳол уни тезроқ улғайтирди. Тирикчиликнинг туганмас ва ёқимсиз ташвишлари Пиримқул зиммасига жуда эрта тушди. Уруш йилларида колхоз² да ишлади. Ёш бўлса ҳам Пиримқул саводли, бошқаларга нисбатан ҳисобдонроқ эди. Кейинроқ йўл қурилишида меҳнат қилди. Бир муддат Бекободдаги металлургия заводида ҳам ишлаб кўрди. 1951 йилда Тошкент дорилфунунининг шарқшунослик факультетини битирди. Москвада аспирантурани ўтади.

¹ Қулоқ - муштумзўр маъносидagi русча қулақ сўзларининг бузилган кўриниши.

² Колхоз - жамоа хўжалигининг русча қисқартма кўриниши.

Билимга ташна П. Қодиров 1954 йилда Абдулла Қаҳҳор ижоди юзасидан диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Пиримқул Қодировнинг дастлабки китоби - «Студентлар» чоп этилганида муаллифнинг ўзи ҳали талаба эди. Кейин у «Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» сингари романлар, «Қадрим», «Мерос», «Эрк», «Акрамнинг саргузаштлари», «Яйра институтга кирмоқчи», «Нажот» сингари қиссалар ва кўплаб пишиқ ҳикоялар ёзиб, элнинг таниқли ёзувчисига айланди.

П. Қодировнинг илмий асарлари ҳам ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида ўзига хос ўрин тутди.

Абадий тоғлар бағридан маскан топган қишлоқ бағрида туғилиб ўсган адиб миллатнинг абадийлигини акс эттирувчи мавзуларга кўп мурожаат қилади.

Туркистон Россия томонидан босиб олинганидан то Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгунига қадар ўтган давр мобайнида халқимиз ўз тарихидан атайлаб ажратиб келинди. Миллий тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини безаган шахслар қонхўр, босқинчи, ёвуз деб айтилди. Шу тариқа халққа сенинг ўтмишинг йўқ эди, келажакдаги озод ва мустақил ҳаётинг ҳам амалга ошмайдиган орзу деган хулоса сингдирилиши керак эди.

П. Қодиров буни тушуниб етган ва ўз халқининг шонли фарзандлари ҳақида бадий асарлар яратишга ўзида куч топа олган дастлабки ўзбек адибларидан биридир. У қарийиб йигирма йил мобайнида бобурийлар салтанати тарихини бадий акс эттиришга ҳаракат қилди. Шу ниятнинг маҳсули сифатида унинг машҳур романлари: «Юлдузли тунлар» («Бобур») ва «Авлодлар довони» пайдо бўлди.

«Юлдузли тунлар» романи ўз юртидан, ўз тахтидан айрилган шоир ва шоҳ Бобур Мирзонинг мураккаб тақдирини акс эттиришга бағишланган бўлса, «Авлодлар довони»да Ҳиндистонда буюк Бобур томонидан асос солинган бобурийлар салтанатининг Ҳумоюн, Акбаршоҳ ва бошқа намоёндалари қисмати тасвир этилади. Ёзувчининг «Она лочин видоси» романида темурий маликалардан бири Шоҳруҳнинг турмуш ўртоғи, буюк Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим тимсоли тасвир этилган.

Пиримқул Қодировнинг тарихий асарлари ўқувчиларни аждодларимизнинг буюк ишлари билан таништиради, уларнинг мақсадларини, армонларини, интилишларини тушунишга ўргатади, буюк ватандошларимиздан фахрланиш туйғусини шакллантиради. Фахрланадиган миллатдошлари бор миллат, фахрлана оладиган фарзандлари бор миллат ўз истиқболининг эгаси бўлади.

НИЗОМНИНГ ТАНТИЛИГИ

(«Авлодлар довони» романидан парча)

Бобурнинг вафотидан сўнг улкан Ҳинд мамлакати ҳудудига тож-тахт учун кураш қизиб кетди. Мамлакатга Бобур томонидан қонуний ҳукмдор деб тайинланган Ҳумоюн мирзонинг жуда кўп вақти ўзига қарши бош кўтарганларга қарши жангу жадаллар билан ўтарди. Ҳиндистон тахти учун курашганлардан бири Ҳумоюннинг шафқатсиз ва маккор рақиби Шерхон эди. Шерхонга қарши кураш Ҳумоюн тақдиридаги энг қалтис дамлар эди.

Низом Ҳамида исми гўзал ва оқила қизни севарди. Қизнинг ҳам қайиқчи йигитга кўнгли мойил эди. Айни вақтда шаҳзода Ҳумоюн ҳам Ҳамидабонуга харидор эди. Шаҳзода тирик қолгудай бўлса, қизга эга бўлиши аниқ эди. Фалокатга учраган Ҳумоюннинг тирик қолиш-қолмаслиги фақат Низомнинг жасорати ва тантилигига боғлиқ бўлиб қолади. Низом нима қилсин? Ўз рақибини қутқарсинми ёки... қуйидаги парчада ҳал қилувчи, ҳаёт-мамонт дамларида юксак инсоний фазилатларини намоён қила олган олижаноб шахслар ва қасамини бузган субутсиз кимсалар акс эттирилган.

Ҳумоюн оёқ қўйган ер ўпирилиб туриб, тубсиз ўнгирга айланди. У оёғини тортиб олиб, орқага тисарилди. Қорайиб турган ўнгир лабида қандайдир дарахтнинг илдизи кўринди. Ҳумоюн тубсиз жарга йиқилай деганда шу дарахтни икки қўллаб тутиб қолди. Бир пайт дарахт ҳам илдизи билан суғурилиб чиқа бошлади. Ҳумоюн жарга йиқилиб туришини сезганда қичқириб, босинқираб уйғонди-ю: «Алҳамдулилло, туш экан», - деб хиёл енгил тортди. Лекин ташқарида довул кўтарилганини, тепасидаги чодирни шамол йиқитиб кетгудек қаттиқ силкитаётганини сизди, жала қуйиб, момақалдироқ устма-уст гулдирётганини эшитди-да, яна юраги хапприқиб, ўрнидан туриб кетди.

Ганга бўйларида ёмғир фасли бошланган, ҳаво илиқ бўлса ҳам дим, ҳамма нарса намиқиб кетган. Хос чодир эшигига осилган кимҳоб парда Ҳумоюннинг қўлига салқин ва майин тегди. Уни бир томонга суриб, ташқарига кўз югуртирди.

Қоронғида ҳеч нарса кўринмайди, фақат яшин чақнаганда Ганганинг қирғоқларга тошиб чиққан оқиш тўлқинлари таҳдидли ярқираб кўзга ташланади. Дарахтлар довулдан ерга теккудай эгилади, уларнинг қаттиқ шовуллаши орасидан момақалди роқнинг қасир-қусури хийла паст эшитилади.

Ҳумоюннинг чодир турган баландликдан Гангага келиб қўшиладиган яна бир дарё - Карамнаса ҳам кўринади. Одатда суви унча кўп бўлмайдиган бу дарё ёмғир фасли бошлангандан бери бўтана селларга тўлиб, ваҳимали гусга кирган. Қўшиндаги филбон ва кемачи ҳиндлар Карамнаса дарёсидан жуда кўрқадилар, унга қўл-оёқларини теккизмасликка тиришадилар. Ҳиндларнинг эътиқоди бўйича, Карамнасанинг суви теккан одам бир умр қилган тоат-ибодатидан айрилиб, касофатнинг тагида қолиб кетармиш. Шунинг учун тоқводор ҳиндлар Карамнасанинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлсалар, ирим қиладилар - унинг ўзидан эмас, Гангага қуйилган жойнинг нарёғидан кема билан айланиб ўтадилар.

Бу ҳодисани бундан ўн йил олдин мана шу Карамнаса бўйида отаси Бобур ҳам кўрганини ва ўз эсдаликларида ёзиб қолдирганини Ҳумоюн билади. Бунақа иримларга ишонмайдиган Бобур Мирзо ҳозир Ҳумоюн турган жойни қўшинга қароргоҳ қилиб танлаб, бир ҳафта турган ва шу атрофдаги ёвларни енгиб, Аграга ғалаба билан қайтган эди.

Шунинг учун Ҳумоюн тақводорларнинг иримидан кўра отасининг тажрибасига кўпроқ таянди. Уч тарафи дарё билан тўсилган баланд тепаликлар уни душманларидан асрайдигандек кўринди. Беклар ҳам: «Фақат қароргоҳнинг жануби-шарқ томонига соқчилар қўйилса, кечалари тинч ухлаш мумкин...», - дейишди.

Лекин ҳозир ёмғир челақлаб қуяётган ва довул чодирларни йиртгудек бўлаётган пайтда Ҳумоюн тушида кўрган даҳшатли воқеани эслади-ю, яшин ёруғида ялт этиб чақнаган тошқин дарёлар ҳалқаси бирдан ваҳмини келтирди. Уч томондан тошиб чиқаётган дарёлар уни тўртинчи тарафдан босириб келаётган ёвларга тузоқ бўлиб тутиб берадигандек туюлди. Ё алҳазар! У нега ўз оёғи билан дарёлар орасига кириб қолди. Отаси бу ерни

қароргоҳ қилган пайтларда ҳаво қуруқ, дарёларда сув оз, бу атрофда Шерхондай хатарли ёв йўқ эди-ку!

Ёши ўттиз бирга кирган Ҳумоюн ўсмирлик йилларидан бери кўп таҳликали жанглари кўрди, турли-туман ёвлар билан олишиб, ҳали бирор марта енгилгани йўқ. Лекин Шерхонга келганда унинг шижоати ҳам, жангларда орттирган тажрибаси ҳам иш бермай қўйяпти. Вақт ўтган сари Шерхоннинг қудрати ортиб, Ҳумоюннинг иши орқага кетаётгандай бўляпти.

Ҳумоюн тўшаги турган жойга қайтиб, қоронғида ёстиқни пайпаслаб топди. Ёстиққа қайта бош қўяр экан, ташқарида хуруж қилаётган шамол, жала ва момақалди роқ шовқини орасидан Шерхон унинг кўзига кўриниб кетгандай бўлди.

Қошлари қалин, кўзлари кўкиш, қирра бурун, калта қирқилган соқоли ва қайрилма мўйлови ўзига жуда ярашган дуркун гавдали Шерхоннинг қарашларида бургутни эслатадиган бир ифода бор.

...Ҳумоюн барча одамлари билан Ганганинг ўнг қирғоғига ўтганча Шерхон аскарлари қорасини кўрсатмади. Ҳумоюн Карамнаса ва Ганга оралиғидаги тепаликларни қароргоҳ қилиб, қўшинини жойлаштиргандан кейингина жануби-шарқдаги очиқ саҳида бирдан Шерхоннинг қўшини пайдо бўлди. Бу орада ёмғир фасли бошланиб, дарёларда сув кўпайиб кетди. Энди уч томонлама дарёлар ҳалқасидан осонликча чиқиб кетиб бўлмайди, тўртинчи томонни эса ёв лашкари бекитиб олди. Ҳумоюн одамларини ҳаёт-мамот жангига шайлаб, энг сара аскарларини, ҳарбий филларини Шерхон турган томонга жойлаштирди ва унинг ҳужумини кутди. Шу вақтгача мудом Ҳумоюн ҳужумда эди. Энди у ҳужум қилиш навбатини Шерхонга бергандек бўлиб, бир ҳафта кутди, бир ой, бир ярим ой кутди. Аммо Шерхон ҳужум қилмади. Чунки вақт Шерхоннинг фойдасига ишламоқда эди. Ҳумоюн қароргоҳида ўн мингдан ортиқ одамларни ва улардан икки баробар кўп от-уловни боқиш учун ғамлаган захиралар тугаб бормоқда. Дарёлар захидан ва ёмғир фаслининг рутубатидан касалга учраб сафдан чиқаётган навкарлар сони эса тобора кўпайиб кетяпти. Атрофдан келадиган ёрдамнинг йўлини тошқин дарёлар ва Шерхон қўшини тўсиб турибди.

Шерхон икки ой деганда ҳам ҳужумга ўтмагач, Ҳумоюн орага одам қўйиб: «Биздан не тилаги бор, айтсин», - деди. Шерхон ўтган куни Ҳумо-

юн қароргоҳига ўз элчисини юбориб, ундан Чунор қалъасини ва Бихар вилоятини сўради. Бихар ҳозир ҳимоясиз қолган, Ҳумоюн ўз қўшинини Аграга олиб кетгач, бу вилоятни Шерхон яна ишғол қилиши шубҳасиз. Аммо шарқий вилоятларнинг қулф-калити бўлган Чунорни Шерхонга жангсиз топширишни ўйлаганда Ҳумоюннинг бутун вужуди зирқираб кетди. Ахир бу қалъани олгунча олти ой жанг қилиб, озмунча талафот берилдими?

Ҳумоюн Шерхон элчисига аниқ жавоб бермади, ўйлашиб, кенгашиб ундан сўнг ўз қарорини махсус одамлар орқали маълум қиладиган бўлди. Кечаги машваратда¹ кўпчилик беклар Чунорни Шерхонга қайтариб беришга қарши чиқдилар. Шунча азоб тортиб қўлга киритган энг муҳим жойлари Чунор бўлса-ю, уни ҳам Шерхонга жангсиз топшириб кетсалар, Аграга қайси юз билан қайтишади? Одамлар уларнинг устидан кулишмайдими?

– Нодонлар кулгисига эътибор бермаслигимиз керак, жаноблар!- деди Байрамхон.- Ҳозир вазият биздан қурбон талаб қилмоқда. Биз мана бу дарёлар сиртмоғидан эсон-омон чиқиб, Аграга қайтсак, у ердаги ихтилофлар баргараф бўлса, кейин Чунорни яна қайтариб олишимиз ҳеч гап эмас!

Ҳумоюн Байрамхоннинг бу фикрига қўшилмади, кўпчилик беклар подшонинг тарафини олди.

Бироқ ҳозир шариллаб қуяётган ёмғир тагида, довул кўтариб кетгудек бўлаётган чодирда уйқусизликдан қийналиб, гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилар экан, Байрамхон билан эрталаб яна бир гаплашгиси келди. Азон палла подшонинг хиргоҳига² чақирилган Байрамхон эшик олдида таъзим қилиб юкунди. Ҳумоюн унга ўнг ёнидан жой кўрсатди. Байрамхоннинг ўсиқ қора соқоли ва буғдойранг юзига тикилиб:

– Бугун туни билан ухлай олмай тўлғониб чиқдим,- деди.- Ёмон тушлар... Сиз айтган қурбонлик... Чунор... бағримдан бир парча этни юлиб олиб фанимга бергандек оғир... Мабодо биз Чунорни топширсак, Шерхон қаноат қилармикин? Бангола билан Гаурни тинч қўярмикин? Агар шу ҳақда битим тузсак, Шерхон сўзида турармикин?

¹ Машварт - кенгаши.

² Хиргоҳ - қароргоҳ.

– Ҳазратим, - деди Байрамхон. - Агар фақирга ваколат берсангиз, Шерхоннинг олдида Қуръонни қўйиб сўз олмоғим мумкин. Ахир у ҳам мусулмон-ку!

– Шерхон Банголага тегмаса майли. Чунорни берайлик. Биздан вакил бўлиб боринг.

Ҳумоюн ўз қароргоҳидаги энг нуфузли уламолардан бўлган ва Шерхон бир вақтлар назр-ниёзлар бериб фотиҳасини олган Хўжа Ҳусайнни Байрамхоннинг ёнига қўшиб элчиликка юборди.

Тушга яқин ёмғир тинди-ю, булуглар орасидан кўм-кўк осмон ва иссиқ ёз офтоби кўринди. Ганга ҳали ҳам узокларда ёғаётган жала сувларига тўлиб, пойқаланиб оқаётган бўлса-да, ер аста-секин қурий бошлади.

Байрамхон Ганга жанубидаги кенг текислик орқали Шерхоннинг қароргоҳи томон отлик борар экан, ёмғирдан кейинги ҳавода бўлиқ ўт-ўланлар ва ранг-баранг дала гуллари қанчалик қулф уриб яшнаб турганини, осмон тўла қушлар нақадар яйраб учаётганини кўрди-ю, ўзича бир хўрсиниб қўйди. Ҳинд ери ёз иссиқларига қўшилиб келадиган илиқ ёмғирларга тўйиб, ҳамма тирик жонни, барча гиёҳларни бирваракайига уйғотадиган ва жуда тез ривожга киритадиган мана шу пашкол¹ фаслида Байрамхон уйдаи, боғдами тинчгина ўлтириб китоб ўқишни ва шеър ёзишни қўмсайди. Ҳинд элининг азалий одати бежиз эмаски, ёмғир фаслида саёҳатга чиқилмайди. Чунки одам ҳам, от-улов ҳам бу фаслда қаёққа қадам қўймасин, ривожга кирган бирорта тирик жонни ёки гиёҳни босиб олади. Тирик жонни босиб нобуд қилган одамнинг ҳажи қандай қабул бўлсин? Ўн минглаб қўшни билан ҳарбий юришга чиққан саркардаларнинг шундай фаслда уруш бошлашини қандай баҳолаш мумкин? Шерхон ҳам кўп китоб ўқиган билимли одам. Байрамхон унга туғилиб ўсган мамлакатининг пошкол фаслига оид удумларини албатта эслатади, ҳозир урушадиган пайт эмаслигини, сулҳ тузиши кераклигини бошқа далиллар билан ҳам исбот этади...

Шерхон шомиёна² тўридаги баланд шаҳнишинда³ чордана қуриб сокин ўтирибди. Кийимлари безаксиз, одми ипакдан, кичкина салласига ҳам гавҳар ёки бошқа тошлар қадалмаган, аммо бургутникига ўхшаш кўз

¹ Пашкол - ёмғир фасли.

² Шомиёна - тушга мўъжалланган чодир.

³ Шаҳнишин - ашхусе уриндик.

қарашлари ва мағрур ўлтириши Байрамхонда ҳайиқишга ўхшаш бир туйғу уйғотди. Байрамхон унга таъзим қилиб, Ҳумоюннинг муҳри босилган мактубни топширди. Шерхон мактубни ўқиб бўлганча элчилар унинг ишораси билан пастдаги кимхоб кўрпачаларга чўкка тушиб ўлтирдилар. Шерхон ўлтирган шахнишин бир газча баландда эди. У Байрамхонга юқоридан туриб кинояли сўз қотди:

– Подшойингиз Чунор эвазига Банголани талаб қилмоқда-ку!

– Давлатпаноҳ,- деди Байрамхон кўлини кўксига қўяркан.- Бангола тўққиз йилдан бери Ҳумоюн ҳазратларининг қаламравидадир.

– Аммо бизнинг афғон қавмларимиз Банголада юз йиллардан бери яшаб келмоқда. Улар бизга қариндош, кўплари билан қуда-анда бўлганмиз. Энди сизларни деб орани узайликми?

– Давлатпаноҳ, қариндошчилик, қуда-андачилик бемалол давом этаверсин. Фақат Банголага бу йилгидек қўшин тортилмаса, хазиналар таланмаса, қон тўкилмаса бас...

– Сизлар Чунорни олти ой қамал қилиб озмунча қон тўкдиларингизми? Банголада биз ана шунинг қасдини олдик!

– Биз бугун қасоскорлик ҳақида эмас, сулҳ ҳақида сўзлашгани келдик, давлатпаноҳ. Айниқса ҳозир, пашқол кунларида фақат инсон эмас, бутун табиат ҳам урушсиз тинч яшамоққа алоҳида эҳтиёж сезадир. Сиз маърифатли саркардасиз, «Чунор берилса сулҳ тузгаймиз» деб одам юборган экансиз. Шунга жавобан Ҳумоюн ҳазратлари бизни вакил қилиб жўнатдилар.

Шерхон Ҳумоюннинг мактубига яна бир кўз югуртирди-ю:

– Беҳуда қон тўкилишини биз ҳам истамаймиз!- деди.- Чунор бизга берилса, подшойингиз қўйган шарт қабул қилинганай.

Бу гаплар давомида Хўжа Ҳусайн кўйнидан унча катта бўлмаган зарҳал муқовали бир китоб олди. Бу - мўъжаз ҳарфлар билан кўчирилган Қуръон эди. Хўжа Ҳусайн уни кўзига суриб ўпди-ю, ўрнидан туриб Шерхонга узатди.

– Давлатпаноҳ, сиз айтган доно гапларга мана шу Қаломи Оллоҳ гувоҳ бўлсин, олинг!

Шерхон бирдан сергакланди:

– Тақсир, сиз бу... Қуръонни ўртага қўйиб бизга қасам ичирмоқчимизми? - деди.

Шерхоннинг кўзлари таҳдидли чақнаганидан кўрқиб кетган Хўжа Хусайн:

– Зинҳор бундай ният хаёлимга келган эмас, давлатпаноҳ!- деди. – Сизга нек мақсад йўлида Қуръони шариф мададкор бўлсин деб... савғо тарзида олиб келдик.

– Ундай бўлса биз савғони қабул қилгаймиз!– Шерхон Қуръонни Хўжанинг қўлидан олиб, наридан-бери кўзига сурган бўлди-да, мулозимига узатди. – Бу шариф китобни бизнинг масжидимизга элтиб, ўзига муносиб меҳробга қўйинг.

Бундан кейинги музокара Чунорнинг Шерхонга қай тартибда топширилиши ҳақида кетди. Ҳумоюн қўшини Карамнаса дарёсидан ва Банорасдан нарига ўтгунча Шерхон ҳозирги қароргоҳидан кўзгалмай туришга сўз берди.

Байрамхон музокарани тугатиб кетаётганда:

– Давлатпаноҳ, сизу биз, еру осмон гувоҳлигида сулҳ тузиб, унга содиқ қолиш мажбуриятини олдик,- деди. – Подшоҳимиз ҳузурига шу хулоса билан қайтсак розимисиз?

Шерхоннинг кўзлари Байрамхонга: «Сен ким бўлибсанки, мендан содиқлик талаб қилурсен?»- дегандек совуқ истехзо билан тикилди, аммо унинг истар-истамас жилмайган лабларидан:

– Хулосангиз маъқул,- деган сўзлар эшитилди.

Элчилар кетгач, Шерхон кеча Аградан келган Алваро Пакавирани ўз ҳузурига чақиртирди. Пакавира, йўлларда Ҳумоюн қўйган одамларнинг қўлига тушиб қолмаслик учун, ҳинд савдогари кийимида келган эди. Шерхон уни шаҳнишиндан тушиб қарши олди, ўзига яқин ўтқазиб, паст товуш билан сўради:

– Аградан Ҳумоюнга ёрдам келмаслиги аниқми?

– Аниқ, давлатпаноҳ, Комрон сизга қарши чиқмагай. У акасининг сиз билан жанг қилиб мағлуб бўлишини кутмоқда. Шундан сўнг у тожу тахтни эгаллаш умидида.

– Бу бизга маълум. Ҳиндол-чи?

– Буниси Ҳумоюнга садоқат сақламоқчи экан. Аммо сиз юборган махфий мактуб ёрдамида биз унинг садоқатини адоватга айлантирдик.

– Қандай қилиб?– ишонқирамай сўради Шерхон.

Шундан кейин Пакавира воқеанинг тафсилотларини сўзлай бошлади. Ҳумоюн Аграга кутвол¹ қилиб тайинлаган Амир Баҳлул порага сотилмайдиган, подшога садоқат билан хизмат қиладиган виждонли одам эди. Шерхоннинг Аградаги хуфиялари масжиди жомеда Саид Ҳалил билан алоқа ўрнатиб, Баҳлулни қандай даф қилишнинг режасини туздилар.

Баҳлул ҳам асли ҳиндистонлик афгонлардан, Шерхон уни танийди. Лекин Баҳлул афгон улусини атрофига тўшлаётган Шерхонга ён босмасдан, Ҳумоюнга содиқ хизмат қилиб юрибди. Бунинг учун Шерхон уни туҳматга қолдириб йўқ қилмоқчи бўлди. Шерхон юборган махфий одам Амир Баҳлулнинг номига ёзилган мактуб келтирган эди. Шерхон ўз қўли билан имзо чеккан ва муҳрини босган бу мактубда Амир Баҳлулга ўтган ойда Ганга бўйига юборган қурол-яроғлари учун миннатдорчилик билдирилган, жуда кўп йигитлар Ҳумоюндан айниб Шерхонга келиб қўшилаётгани айтилган, шунинг учун совут-қалқонлардан ва қурол-яроғлардан иложи борича мўл юборилиши илтимос қилинган эди. Шерхоннинг мактуби ишонарли бўлиши учун уни оддий ҳарфлар билан эмас, илми сиёҳдан² хабардор одамларгина тушунадиган махфий белгилар билан битишган эди. Фарангистонда бундай ўта нозик ишларни кўп қилиб тажриба орттирган Алваро Пакавира Шерхон мактубини Амир Баҳлулнинг ишонган мулозимларидан бирининг чўнтагига яшириқча солдиради. Кечаси бу мулозим Амир Баҳлулнинг олдига тунги соқчиликка кетаётган пайтда Сайид Ҳалилнинг одамлари уни Ҳиндолга тутиб берадилар. Айни пайтда Амир Баҳлулнинг руҳсати билан шарққа тахта ортиб кетаётган араваларга Шерхоннинг хуфиялари бир талай қилич-қалқон ва найзаларни яшириб қўядилар. Ҳалиги мулозим Ҳиндол мирзога тутиб берилган соатларда бу аравалар ҳам қўлга туширилади.

Баҳлулга унинг мулозими кечаси олиб бораётган Шерхон мактуби илми сиёҳ ёрдамида ўқилгандан сўнг Мирзо Ҳиндол тахта тагига яшириб олиб кетилаётган қурол-яроғни ҳам кўрди-ю, асли афгон бўлган Амир Баҳлулнинг хиёнат йўлига ўтганига ишонди.

Ярим тунда Мирзо Ҳиндол ва Зоҳидбек ўз навкарлари билан Амир Баҳлул ухлаб ётган ҳовлига бостириб бордилар, Унга Шерхон ёзган

¹ Кутвол – қомандат, қалъа бошлиғи.

² Илми сиёҳ – сирли ёзув ёки шифр тили.

мактубни ва тахта ортилган аравалар тагига яширилган қуролларни кўрсатдилар.

Амир Баҳлул бу қадар усталик билан тўқилган бўҳтондан қутулишнинг иложини тополмади.

– Тухмат балосидан мени фақат Ҳумоюн ҳазратлари қутқаргайлар! деди-ю, Аградан қочиб чиқди. Бу қочиш ҳам Ҳиндолнинг назарида Баҳлулнинг хоинлигини исбот қилгандай бўлди. У юборган қувғинчилар Баҳлулни тунги отишмада ўлдирдилар ва бошини кесиб қайтдилар...

Бир зарба билан ҳам Ҳумоюннинг энг садоқатли кутводи маҳв бўлгани, ҳам Ҳиндол билан акасининг дўстлиги адоватга айлангани Шерхонга алоҳида завқ ва мамнунлик бахш этди. У Алваро Пакавирага шукуҳли назар ташлаб:

– Балли, сиз бизга яхши хизмат қилибсиз,- деди.- Орзуйимиз амалга ошиб, Ҳиндистонда улуг давлат тузсак, сизга зўр иноятлар қилгаймиз!

Шерхон хазиначини чақиртирди. У тадбиркор хуфиялардан олтинни аямас эди.

– Жапоб Пакавирага икки ман олтин берилсин!

Пакавира қувониб кетди: икки ман олтин ҳазилакам бойлик эмас, бунгани кема сотиб олиш мумкин! У Шерхонга сидқидилдан таъзим қила-қила, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шерхон шомиёнада ёлғиз қолиб, қўлини пешонасига қўйганча ўйга толди. Ҳумоюнга Аградан ёрдам келмаслиги энди аниқ. Шерхонга эса ҳатто узоқ Фарағистондан келган Пакавира ҳам шунчалик кўмак берди. Карамнаса дарёсининг касофатидан кўрққан кемачи ва эшкакчи ҳиндларнинг беш-олтитаси тунги шамол-тўполонда Ганга орқали сузиб келиб, Шерхон ихтиёрига ўтди. Ҳумоюннинг аҳvoli танг бўлгани учун ҳам бугунги вакилларини юборган. Агар Шерхон лашкарбошиларини чақириб, «Чунорни жангсиз ишғол қиламиз, шу шарт билан сулҳ туздим» деса, улар албатта хурсанд бўлишади, лекин бу хурсандчилик узоқ давом этмайди. Ҳумоюн эртага Шерхоннинг сиртмоғидан омон қутулса, Аграга бориб ўзини тез ўнглайди. У кечиримли йигит, укалари билан ярашади. Юз амри иссиқ, Шерхондай хатарли ёв қаршисида ака-укалар бирлашиши мумкин. Бобурийлар иттифоқ бўлса, уларга ҳеч ким бас келолмаслигини Шерхон Далахруда ва Гужаротда Маҳмудхон ва Баҳодиршоҳларнинг мағлубиятида кўрган. Шерхоннинг шунча вақт чекиниб, хазинасини

тоғдаги Рохтасларга бекитиб юргани етар! Агар Шерхон бошига янгидан бало орттиришни истамаса фурсатни бой бермаслиги ва Хумоюнни дарёлар сиртмоғидан тирик чиқармаслиги керак!

Шерхон ўйини шу тарзда яқунлади-ю, лашкарбошилардан тўрт кишини машваратга чақирди. Шерхоннинг ўғиллари Қутбхон билан Жалолхон ўнг томонга ўтиришди. Ражпутлар саркардаси Бикрамадит Гаур ва Шерхоннинг лашкарбошиси Ҳавасхон чап томондан жой олишди. Шерхон шомийндаги мулозимларни чиқариб юбориб, эшикнинг пардасини туширтди. Қандилда липиллаб турган шамларнинг ёруғида ўғиллари ва саркардаларига бир-бир қараб олди-да:

– Менинг дунёда энг ишонган одамларим - тўртовларинг, сенлар, деди.– Биз Ватанимизни келгиндилардан озод қилиб, мустақил давлат тузмоқчимиз. Бу орзу бизларни рожа Бикрамадит Гаур билан оға-ини қилди. Улуғ мақсад йўлида биз дин-у миллат айирмаймиз. Чунки афғонлар ҳам ражпутлар каби асли арий қабилаларидан тарқалган. Биз ҳаммамиз Ҳиндистонда туғилиб ўсдик, ота-боболаримизнинг қabri ҳам шу заминда. Олдин келгиндилар зўр келди, биз чекиниб юрдик. Аммо бизнинг ҳам омадимиз келадиган пайтга сабр-тоқат билан кутдик. Ўша пайт мана энди келди! Душманнинг аҳволи танг, Чунорни бизга жангсиз беришга тайёр. Элчилар сулҳ таклиф қилди. Мен уларни чўчитмаслик учун сулҳга рози бўлдим. Энди бизнинг ҳужумимизни кутмагай, дарёлардан тезроқ ўтиб кетишга шошилгай.

– Душманни ғафлатда қолдириб босадиган пайт келибди-ку!- деди Ҳавасхон.

Қутбхон бу гапни ёқтирмай, Ҳавасхонга ўқрайиб қаради. У икки йил Хумоюн аскарлари сафида хизмат қилиб, унинг тантиликларини кўп кўрган.

– Сулҳни ҳарбий ҳийлага айлантириб бостириб бориш... мардликка кирармикин?- деди Қутбхон отасига юзланиб.

– Ватани келгиндилардан озод қилиш - дунёдаги энг катта мардликдир!- деди Шерхон ўғлига тик қараб.– Бобур билан фотиҳлар Панипатда қирқ минг кишини ўлдирдилар. Бажур кўрғонида Бобурнинг фармони билан уч минг киши қатли ом қилинганда уларнинг калласидан минора ясалмишдир! Хумоюн Панипатда икки юз кишини асир олганда Бобур сиёсат учун шу асирлардан юзтасини тўфанглардан ўтиб ўлдирди-

ни буюрмишдир. У пайтда бизнинг одамлар тўфанг нималигини билмас эди. Шунинг учун тўфанг қаршисида бежавотир турганларни фотиҳлар шафқатсизларча отиб йиқитурлар. Ана ундан сўнг: «Фотиҳларда илоҳий қурол бор эмиш, ҳинд худоси Шивага ўхшаб кўзидан олов пуркаб, узоқдаги одамни ўлдира олармиш!» деган овозлар тарқалмишдир. Халқни қўрқитиб бўйсундиришга қаратилган бу овозлар ҳарбий ҳийла эмасмиди?

– Ҳа, теурийлар бизни зўравонлик билан ҳам қирган, ҳийла-ю найранг билан ҳам қирган!- деди Бикрамадит Гаур.– Энди шу кеча уларга қасос қайтмоғи керак!

Бажурда қонхўрларча қатли ом қилинганлар учун ҳам, Панипатда ваҳшийларча отилган ҳарбий асирлар учун ҳам биз қасд олмоғимиз керак! - қатъий қўшимча қилди Шерхон.

Қутбхон бу асосли гапларга қўшилмай иложи қолмади.

– Ярим тунда секин йўлга чиқамиз,- деди Шерхон.– Саҳар палла тонг ёриша бошлаганда босмоқ лозим...

Улар ким марказда, ким ўнг қанотда, ким чап қанотда ҳужум қилишининг аниқ режасини тузингга киришдилар.

* * *

Бошқа кунлар Шерхоннинг қўққис ҳужум қилишини кутиб сергак ёгадиган Ҳумоюн кечаги сулҳ хабарини эшитгандан кейин хотири жам бўлиб, жуда қаттиқ уйқуга кетган эди. Тонг қоронғисида қароргоҳнинг шарқи-жанубидан бошланган ва тўрт тарафга яшин тезлигида ёйилган жанг тўполони, филлар наъраси, одамларнинг қий-чуви, тиеларнинг шақ-шуқи, гўфангларнинг гумбурлаши уни маст уйқудан уйғотганда, «яна ёмон туш кўрдим шекилли», деб ўйлади. Лекин эшикдан югуриб кирган Жавҳар офтобачининг кўрқинчли важоҳати:

– Ҳазратим, ёғий босди!- деган сўзлари унинг бошига қуйилган совуқ сувдай вужудини сескантирди.

У сакраб туриб, этинига пайтавасиз оёқ тикди. Жавҳар офтобачи қалтираб тутган тўнни кийиб, қиличини шоша-пиша тақди. Садоқатли офтобачи унинг кўкрагига пўлат чоройна, елкаси ва қўлига бошқа зирҳли нарсалар ҳам кийдирмоқчи эди, лекин бунга Ҳумоюннинг сабри чидамади. У дубулгани йўлакай бошига кийди-да, чодирдан ташқарига отилди. Ёмғир севалаб турган тонг гира-ширасида қароргоҳнинг жануб четигаги

чодирларни йиқитиб, одамларни босиб-янчиб, наъра тортиб келаётган юзлаб ҳарбий филлар Ҳумоюннинг кўзига ташланди.

– Менга от келтиринг!- қичқирди у.– Байрамхон қани? Устод Хонқули, замбаракларни ўқланг!

Ҳумоюнга оғир зирҳли кежим ёпилган саман отни келтирдилар. Узанги тезда оёғига илинмагач, отнинг бўйига қўлини солиб, эгарга сакраб минди. Шу пайт Байрамхон йиғирматача навкар билан от чоптириб келди.

– Шерхон сулҳни бузиб номардлик қилди! Ҳазратимни ўртага олинглар!- буюрди Байрамхон навкарларига.

Қароргоҳнинг ёв келган жануб четидаги юзлаб навкарлар сафланишга улгуролмай, тум-тарақай бўлиб қоча бошлади. Селдай бостириб келаётган ёв отлиқлари уларни дарёлар томонга суриб кетди.

– Бизнинг ҳарбий филлар қани?- қичқирди Ҳумоюн.– Замбараклар нечун жим? Хонқулбек!

– Ҳамма ғафлатда қолди!- деди Байрамхон, сўнг тўпхона ва филхоналарга от чоптириб кетди.

Ҳумоюннинг кўзи саропардага тушди. Унинг ичкарасидан болаларнинг кўрқиб йиғлаган товушлари эшитилди. Аёлларнинг аҳволи нима бўлади? Олти яшар қизчаси Ақиқа бегим, хотинлари Бека бегим, Чанд биби ҳаммаси ўша улкан саропарда ортидаги чодирларда.

Ҳумоюн отнинг бошини саропарда томонга бурди. Қўриқчи навкарлар уни уч томондан ўраб ола бошлади. Тенадан тушаётган ёвнинг ҳарбий филларидан ўттиз-қирқтаси саропарда томонга чошиб келаётганини кўрди. Шу пайт уларнинг қаршисидан гумбурлаган тўфанлар отилди. Борут тутуви орасидан яраланган филларнинг асабий бўкириги кулоққа чалинди. Қароргоҳ ҳийла катта майдонни эгаллаган, унга Ҳумоюннинг ўн икки миңг кўшини, шунга яраша от-улов ва тўпхоналари жойлашган. Шерхоннинг отлиқлари ва филлари жануб томондан ёриб киргунча марказда ва шимол шарқда Ҳумоюн аскарларининг уч-тўрт миңги отланиб, қуролланиб, душмanning йўлини тўсиб чиқди. Хос навкарлар отган тўфанг ўқлари ёв филларига ва отлиқларига бориб тегаётганини кўрган ҳимоячилар ёв отлиқлари билан астойдил олиша бошладилар. Қиличлар ва найзалар бири-бирига урилиб, тўда-тўда отлиқлар уймаланиб, олишиб қолди. Марказда икки томоннинг ҳарбий филлари бир-бирларини тегиб, тишларини тишларига қарсидлашиб урар, фил устидаги кажаваларда ўлтирган

мерганлар ёв филининг кўзини ёки филбоннинг кўкрагини мўлжалга олиб ёйдан ўқ отишарди.

* * *

Аммо қароргоҳнинг икки четида қаршилик кўрсатувчилар сафи жуда сийрак. Селдай ёпирилиб келаётган Шерхон отлиқлари яланг оёқ-яланг бош қочиб кетаётганларни қувиб етиб, қилич билан чошиб ташламоқда. Дарё қирғоғига қочиб борганлар кемалар ва қайиқларга ташланыпти. Чап қанотни эзиб-янчиб ўтган ражпут отлиқлари марказдаги Шерхон аскарларига ёрдамга етиб келдилар. Ҳумоюннинг ҳарбий филлари Шерхонникидан оз, замбаракларнинг чақмоқ билан ёндириладиган пилталари рутубатли зах ҳавода нам тортиб қолгани учун Хонқулининг саросима ҳаракатлари натижа бермади. Замбараклар ўқ отганларича бўлмайд, душман филлари тўпхоналар устига бостириб келди. Ўқланган, аммо отиб улгурилмаган, пилтаси ёнмай тутаб турган замбарак қувурларни хартумлари билан кўтариб лойга отдилар. Тўпчиларнинг қочиб улгуролмаганларини кажаводаги мерганларнинг ўқи ва ортдан келган отлиқларнинг қилич-у найзалари нобуд қилди.

Нарёқдан отлиқ етиб келган Ҳумоюн қароргоҳ маркази ҳам ёв қўлига ўтганини, фақат дарё бўйи ҳали хатарсиз эканини кўрди:

- Аёллар билан болалар дарё бўйига олиб ўтилсин!- деб қичқирди. - Байрамхон, сиз марказдан келаётган ёвнинг йўлини тўсинг! Мавлудбек, хайлхонани¹ кемага элиб жойланг!

Мавлудбек бошлаб чиққан Бека бегим, Ақиқа, Чанд биби, Байрамхоннинг ўттиз беш ёшлардаги туркман хотини, яна бир қанча канизлар, хизматкор аёллар шоша-пиша дарё томонга йўл олдилар. Бироқ улар қирғоққа етиб боргунча дарё четидаги кема ва қайиқлар олдинроқ қочиб борган беку навкарларга тўлиб қолган эди. Ваҳима ичида тартиб-интизомни унутган, жонидан бошқа нарса кўзига кўринмай қолган одамлар бирдан-бир нажот мана шу кема ва қайиқлар эканини аллақачон сезишган эди. Кемачи ва эшкакчилар бетартиб қочиб келганларни подшонинг рухсатисиз кемага киритмасликка уриниб қаршилик қилдилар. Қилич ва ҳанжарлар ишга тушди. Лекин қочқин оломон бениҳоя кўпайиб кетди, қаршилик қилган кемачиларни суриб, итқитиб ўтди. «Гунжойиш»

¹ Хайлхона - подшо аёёлларининг хотин, бола-чакалари.

кемасининг эшкакчиларидан бири бўлган Низом бу ур-сурда ўзини четга олиб зўрға омон қолди. Зўрлик билан тортиб олинган кема ва қайиқлар саропарладан олиб чиқилган аёллар ва болаларнинг етиб келишига қараб ўтирмай нариги қирғоққа томон йўл олди.

* * *

Қайиқларни ҳам бошқа қочқин навкарлар ва бекарлар тортиб олишди. Низом қирғоқ четидаги омборда мешлар борлигини эслади. Чопиб келиб каттароқ бир мешни танлади-да, қайтиб чиқди. Бу орада душман отлиқларидан уч-тўрт юзтаси Мавлудбек бошлаб келаётган аёллар ва болаларнинг йўлини тўсиб чиқаётганини кўрди. Низом ёв отларининг оёғи тагида қолиб кетишдан қўрқиб, қирғоқ бўйлаб Ҳумоюн томонга қочди.

Байрамхоннинг отлиқлари Ҳумоюнни ўраб олиб, тепалиқнинг нариги томонидан дарё қирғоғига қараб чекинмоқда эди. Душман отлиқлари подшонинг хос навкарлари сафини ёриб ўтолмади. Шунда ёвнинг ҳарбий филларидан уч-тўрттаси ҳимоячилар ҳалқасига ташланди. Хос навкарларда тўфанглар бор эди. Филлардан иккитаси тўфанглардан устма-уст отилган тўнғиз ўқларга учраб йиқилди. Аммо сағрисиға ўқ теккан, яра оғриғидан баттар қутуриб кетган учинчи фил тўфанг отаётган навкарларга бўкириб ҳамла қилди. Отлардан бирини қаттиқ тешиб, чавандози билан ағанатиб юборди. Ҳумоюн ҳимоясида турган иккинчи отлиқ навкарни хартуми билан белидан ўраб олиб эгардан даст кўтарди-ю, биғиллатиб қисиб, ерга чалпак қилиб урди ва танасини оёғи билан босиб-янчиб ўтди. Дарғазаб фил қаршисида ҳимоясиз қолган Ҳумоюн қиличини қинидан суғурди. Фил унга хартумини чўзиб яқин келганда Ҳумоюн қора илондай ҳаракатчан бу балони кесиб ташламоқчи бўлиб қилич сермади. Аммо хартум қиличдан чаққонроқ эди. Тиф боргунча фил ўз хартумини йўғон оқ тишларининг папасига олишга улгурди. Ҳумоюн зарб билан урган қилич филнинг йўғон сўйлоқ тишлари орасидаги қалин терисини кесиб ўтди-да, тери билан тиш суяги орасига кириб илиниб қолди. Ҳумоюн қилични суғуриб олгунча бўлмайд ўнг елкасиға ёй ўқи жазиллаб санчилди. Фил устидаги кажавода ўтирган мерганлар унинг кўкрагини мўджалга олган, лекин оти тинимсиз ҳаракатда бўлгани учун ўқ елкасиға теккан эди. Шошилишда зирҳли кийим киймагани учун Ҳумоюн энди афсус қилди. Оғриқдан жонсизланган ўнг қўли қилични суғуриб олишга ярамади. Фил бир силжинганда олтин қилич дастаси Ҳумоюннинг қўлидан чиқиб кетди. Йўғон қора хартум

қайтадан унинг бўйнига чўзилиб кела бошлади. Ҳумоюн чап қўли билан отнинг жиловини кескин силтаб четга бурди-ю, ёл устига энгашди. Шу пайт унинг ёнгинасида яна тўфанг гумбурлади. Фил Ҳумоюн билан андармон бўлган пайтда тўфангни қайта ўқлашга улгурган хос навкарлардан бири филнинг пешонасини мўлжалга олиб тепкини босган эди. Тишига олтин қилич илиниб қолган, сағрисидан ва хартуми устидан қон оқаётган улкан фил энди пешонасини қорайтириб тешиб кирган ўқдан гандираклаб орқага тисарилди-да, гурсиллаб йиқилди.

Орқадан яна ёв отлиқлари ва филлари бостириб келмоқда эди. Байрамхоннинг овози келди:

– Ҳазратимни дарё бўйига олиб кетинглар! Биз ёғинни ўтказмагаймиз! Лаъл Чанд, филнингиз билан ҳимояда туринг!

Ҳумоюннинг елкасига қадалиб турган узун ёй ўқи от йўртганда қаттиқ силкинар ва жазиллатиб оғритар эди. Ҳумоюн ҳимоячи навкарлар қуршовида от чоптириб борар экан, яна ёл устига энгашиб, чап қўлини ўнг елкасига чўздию, қадалиб турган ёй ўқини бир ҳаракат билан суғуриб ташлади. Шу пайт оғриқдан инграб, отнинг ёлига юзини босди. Жавҳар офгобачи ўнг томондан отини жипс келтириб, уни қўлтиғидан суюди. Елқадан оқаётган қонни тўхтатиш учун яраланган жойни юмшоқ салла матоси билан беш-олти марта ўраб, қаттиқ чирмади-ю, қўлтиқ тагидан танғиб боғлаб қўйди.

Байрамхон ва Лаъл Чанд марказдан ўтиб келган ёвнинг йўлини тўстан бўлса ҳам, икки қанотдан ёриб кирган бошқа юзлаб отлиқлар Ҳумоюнга қараб ёпирилиб келмоқда эди. Ҳумоюн орқага ўгирилиб қараб, Байрамхон Лаъл Чанд бошлиқ филлар ёрдамида ҳимояда турганини кўрди.

Қирғоқда бирорта кема ҳам, қайиқ ҳам йўқ. Одам тўла бир кема қирғоққа етай деб қолган. «Мавлудбек болалар билан аёлларни ўша кемада олиб чиқиб кетгандир»,- деган ўй Ҳумоюнга озгина тасалли бергандек бўлди. Ўнг қанотдан отилиб чиққан ёв отлиқлари юздан ортиқ. Ҳумоюнни ҳимоя қилиб қирғоққача келган навкарлар эса ўттиз-қирқтагина холос. Қуршовда қолиб асир тушиш ўлимдан ҳам даҳшатлироқ. Ҳумоюн қилич дастасини қидириб белини пайпаслади. Аммо бўш енгил қин саланглаб осилиб турганини кўрди ва бояги ярадор филни эслади.

Чуғурчуқдай беҳисоб душман отлиқлари тобора яқинлашиб келаётгани Низомни ҳам саросимага солди. У қўлидаги мешга ҳаво пуфлаб,

уни таранг қилиб шиширди-да, оғзини маҳкамлаб боғлади. Меш ёрдамида нариги қирғоққа сузиб ўтиш учун сувга қараб чопди.

Бўтана бўлиб тўлиб оқаётган тошқин дарё Ҳумоюнинг ваҳмини келтирди. Лекин яқин келиб қолган душманларга асир тушиш ундан ҳам даҳшатлироқ эди. Тагидаги саман - зўр от, Ҳумоююн сузишни билади. Хос навкарлар ёв илғорларининг йўлини тўсиб, улар билан қилич чопиша бошлаган пайтда Ҳумоююн Низом сувга тушган жойдан сал нарироқда отни қирғоқдан дарёга сакратди. Сув аввал отнинг сонигача келди, кейин қорнига чиқди. Ҳумоююн эгардан тутиб соғ қўли билан саманнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Ўнг қўли бутунлай ишдан чиққан, сал қимирлатса елкадаги яра оғриғига чидаб бўлмайди. Дарё бирдан чуқурлашиб, отнинг оёғи ерга тегмай қолди. От устига ёпилган оғир зирҳли кежим ва унинг бўйнига осилиб олган ярадор Ҳумоююннинг вазни саманни чўктириб юбора бошлади. От пишқириб тумшугини сувдан чиқарди-ю, бирпас сузиб кўрди, аммо яна сувга ботиб кетди. Ҳумоююн отнинг бўйинини қўйиб юбориб бир қўллаб сузиб кетди. Аммо қутилмаган гирдоблар уни пастга тортиб кетаётгандай бўлди-ю, яна чўкаётган отнинг ёлига ёпишди.

Бу орада Ҳумоююн оқим кучи билан Низомга яқин бориб қолди. Мешга кўкрагини бериб қиялаб сузаётган Низом эса подшога бир жойи тегиб кетишидан чўчиб ўзини нарироқ олди.

Ахир дарёлар оралиғидаги бу беҳосият жойини қароргоҳ қилишга Низом ҳам бошқа ҳинд сувчилари қатори қарши эди. Лекин Ҳумоююн уларнинг огоҳлантиришига қулоқ солмади, яна хушомадгўй бекларнинг гапига кирди, чодирда май ичиб ётиб фурсатни бой берди. Бугун кўп қатори Низом ҳам шу хатоларнинг касофатига қолди. Бас, энди Низом бу подшога яқин бормайди. Лаганбардор беклари Ҳумоююнни «енгилмас ботир» деб мақташади. Қани Карамнаса ичида шу ботирлигини бир кўрсатсин! Боя дарёга от сакратиб кирганига қараганда ҳаш-паш демай нариги қирғоққа сузиб ўтса ажабмас.

Бу кинояли ўйлар асносида сув тагидаги аллақандай ўнқон гирдоби Низомни оёқларидан пастга торта бошлади. У кўкрагини қўйган меш ҳам кучли гирдобга тушиб айланиб кетди. Тўсатдан Низомнинг нафаси қайтиб, кўзи тингандай бўлди.

Ҳинд кемачиларининг Карамнасадан ҳайиқиб, уни четлаб ўтишлари бежиз эмас эди. Бу дарёнинг тагида чуқур ўнқонлар кўп, сув гирдоби уларга

қуйилиб тушаётганда одамни ҳам пастга тортиб кетар эди. Ёмғир фаслида тоғ ичидаги симоб конларидан Карамнаса дарёсига кўнглини айнитадиган, ҳатто одамни эс-хушидан кетказадиган бадбўй, заҳарли нарсалар оқиб келарди.

Заҳарли ҳовурдан кўнгли айний бошлаган Низом меш устига юзтубан ётиб олди-ю, қўл-оёқларини эшкак ўрнида ишлатиб, талпина-талпина гирдоб комидан чиқди. Бир пайт шундай ёнгинасида сувга чўкаётган Ҳумоюнни кўрди. Ҳумоюн қўл-оёқларини кериб юқорига бор кучи билан талпиндида, бошини бир лаҳза юзага чиқарди. Ютоқиб нафас оларкан:

– Ким бор? Қутқаринг!- дейишга улгурди-ю, яна лойқа гирдоблар орасига чўкиб кета бошлади.

Низом унинг чиндан фарқ бўлаётганига энди ишонди ва беихтиёр мешни унга яқин олиб борди. Ҳумоюн яна бир талпиниб сув юзига чиққанда Низом уни елкасидан тутиб олди-да, меш устига икки қўллаб тортиб чиқарди.

Ҳўкизнинг терисидан қилинган меш каттагина бўлса ҳам, икки кишининг оғирлигини кўтаролмай, сувга ботиб кетди. Буни кўрган Низом қўлини меш четидан ва Ҳумоюннинг елкасидан олмаган ҳолда танасининг бутун оғирлигини сувга ташлади. Шунда меш сув юзига яна қалқиб чиқди. Ҳумоюн соғ қўли билан мешга жон ҳолатда ёпишди-ю, Низомнинг ёрдамида кўкрагини ва зилдай оғир ўнг елкасини меш устига чиқариб олди. Ичига кетган сувдан ўқчиб йўталди, нафасини ростлай олмай ҳансиради, елкасидаги яра оғриғидан ихради.

Низом унинг Аграда фил миниб, Кўҳинур олмосини пешонасига қадаб юрган пайтини эслади. Ўшанда Ҳумоюн Низом учун қўл етмас бир баландликда эди. Ҳақиқатда бонунини бу йигитга бермоқчи бўлганларини эшитиб, Низом қанчалик изтиробга тушган эди! Ҳумоюн Аграда омон қайтса, қизни унга ҳали ҳам олиб беришлари ҳеч гап эмас. Бу ўй Низомнинг қалбини куйдириб ўтди. Икки киши бир мешда бу хатарли дарёдан сузиб ўтишлари амримаҳол. Сувости ўпқонлари Низомни ҳам Ҳумоюнга кўшиб пастга тортиб кетиши мумкин.

Лекин Ҳумоюн оғриқдан ихраганда Низом унинг елкасидан яраланганини, танғиб боғланган латтада қонли доғлар борлигини кўрди. Дарё бўйида ўсган Низом сувга фарқ бўлаётган каттами, кичикми, кимни кўрса ёрдам қилиб ўрганган. Ҳумоюн ҳозир аввалги мағрур ҳукмдор эмас, балки Шерхоннинг сулҳ ҳақидаги гапига ишониб алданган, ярадор бир

жангчи. Низом Ҳамидага оид дарди-ю, қалбида бир лаҳза бош кўтарган рақиблик туйғуси туфайли уни қутқармай ташлаб кетадиган бўлса, кейин одамларнинг юзига қандай қарайди? Қутқариш мумкин бўлган одамни кўра-била туриб чўктириб юбориш - йўқ, Низом бундай қилолмайд!

У бутун кучини, шунча йил дарёда орттирган бор тажрибасини ишга солиб мешни Ҳумоююн билан бирга гирдоблар орасидан олиб чиқа бошлади. Ҳумоююнга қараб:

– Сиз ҳам оёқни ишлатинг!- деб буюрди. Сув остида ўпқонлар кўп. Тортиб кетмасин!

Ҳумоююн минган саман отни бу ўпқонлар аллақачон сув остига тортиб кетган эди. Ёвдан қирғоққа қочиб келиб ўзини сувга ташлаётган минглаб отлиғу пиёдалар ҳам шу гирдоблар орасига сузиб киргандан кейин дақиқа сайин камайиб йўқ бўлиб бормоқда. Ҳумоююн ҳиндларнинг Карамнасадан бунчалик қўрқиб ирим қилишларига сабаб борлигини энди билди-ю, сув ичида оёқларини сузган каби ҳаракатлантириб, Низомга ёрдам бера бошлади.

Ҳумоююн кўп уринган сари елкасидаги ярадан қон кетиб, уни дармонсизлантириб қўйди. Бунинг устига дарёнинг ўртасида нафасни бўғадиган бадбўй ҳовур қуюқлашиб кетди. Ҳумоююннинг кўзи тиниб боши айланди, кўли ҳам жонсизланди, оғир гавдаси мешдан сувга сирғалиб туша бошлаганда:

– Йигит... мени... тути...- дейишга улгурди.

Низом тезда мешнинг олд томонига ўтди-ю, Ҳумоююнни соғ қўлидан ва тўғининг ёқасидан тутиб, яна меш устига тортиб чиқарди.

Бадбўй буғлар Низомнинг ҳам кўнглини беҳуд қилиб, кўзини хиралаштирди. Шунда у бир қўлини бўшатиб, салқин сув билан юзини ювди. Бу бир оз енгиллик берганини сизди-да, ҳўл қўлини Ҳумоююннинг пешонасига қўйиб турди. Ҳумоююн кўзини очди.

Дарё оқими мешни шитоб билан Ганга томонга оқизиб кетмоқда эди. Ҳумоююн ҳушини йиғиб, Низомга кўз ташлар экан, худди бошқа дунёдан қайтиб келгандай бўлди.

Низом унинг кўз очганидан енгил тортиб:

– Хайрият!- деди.- Мешни маҳкам тутинг. Бу оқим бизни Гангага оқизиб борса фарқ бўлмаймиз. Икки дарё айқашган жой жуда хатарли!

Ҳумоююн соғ қўли билан меш четидан бўшгина ушлади-ю, кўзини юмди.

Унда умидсиз бир лоқайдлик пайдо бўлди. Бу дарёлардан тирик чиқолмайдиганга ўхшайди. Қўйноқлар тезроқ тугай қолгани афзал эмасми? Кошки тезроқ ҳушидан кетса!..

– Мени қўйинг, – деди у Низомга. – Ўзингизни қутқаринг...

– Йўқ, ҳазрат! Мен сизнинг кемангизда хизмат қилиб маош олурман. Сизни сувдан ўтказиб қўймасам менга берган нонингиз ҳаром бўлмай. Мен ҳалол нон еб ўрганганман!

Ҳумоюн сергақланди. Ялангоёқ бир эшқакчи деб, кемада кўрганда писанд қилмай юрган йигит шундай хатарли аснода ҳам ҳалол-ҳаромни унутмаса, бунда бир каромат бор.

– Бирга зўр берсак, омон чиқаймиз, ҳазрат! – деди Низом. Сиз мешни маҳкам тутсангиз бас! Ушланг! Маҳкам ушланг!

Низомнинг овозида шундай бир қатъият ва ишонч бор эдики, Ҳумоюн шунинг таъсирида «зора тирик қолсам!» деб умидланди. У энди ўзидан кўра Низомга кўпроқ ишона бошлади. Ҳумоюн бу сувчи йигитнинг иродасига сўзсиз бўйсуниб, кўкрагини меш устига яхшироқ ўрнатди-да, соғ қўли билан унинг нариги четини қаттиқ чангаллаб олди. Низом бўйнигача сувга ботган ҳолда мешни икки қўллаб нариги қирғоқ томон сурди, оёқларини ҳам, бутув гавдасини ҳам ғайир¹ оқимга қарши жонжаҳди билан ишлатиб, вужудидаги барча мускулларни гўё сузгичга айлантириб юборди. Ҳумоюн кўкраги билан осилиб ётган меш оқимни ёриб ўтиб, нариги қирғоққа томон қиялаб бора бошлади. Қирғоқдаги яшил дарахтларни, кўкатлар орасига сочилган ранг-баранг гулларни Ҳумоюнинг кўзи энди кўрди. Унда бирдан яшаш иштиёқи кучайиб кетди. Энди у ҳам сувдаги оёқларини оқимга уриб, сузгандаги каби ҳаракатлар билан Низомга ёрдам бера бошлади. Меш боягидан енгилроқ ва тезроқ ҳаракатланиб, ниҳоят, нариги қирғоққа етиб тўхтади.

Улар сув четигаги шағал аралаш лойқадан оғир қадамлар билан юриб ўтишди-ю, пастгина қирғоқ бўйидаги кўкаламзорга чўзилишди. Анчагача оғир нафас олиб, ҳашираб ётишди.

Булутлар орасидан сизиб чиққан хира офтоб найза бўйи кўтарилган эди. Тонг ғира-ширасида бошланган даҳшат бир неча соат ичида Ҳумоюн қўшинини тор-мор қилди, не-не йигитлар сувга фарқ бўлганини унинг ўзи

¹ Ғайир - ўзар, тескари.

кўрди. Шерхон ҳозир дарёнинг нарёғида ғалаба завқини сураётган бўлса керак...

Қайтиб берилган ҳаёт туйғуси барча кўргуликлар алаmidан зўрроқ бўлишини у энди сизди. Елкасидаги яра оғриғини ҳам унутиб, ўрнидан туриб ўтирди. Ёнида ҳамон нафасини ростлай олмай ҳансираб ётган Низомга ийманиброқ кўз ташлади. Уни ўзидан бир печа бор устун бўлган тенгсиз бир баҳодирдай эъзозлагиси келиб:

– Сиз менга иниларим қилмаган яхшилиқни қилдингиз,- деди.- Отингиз недур?

Низом ёнбошга туриб, ўз отини айтди.

– Низом!- деб Ҳумоюн унинг отини ёқтириб такрорлади.- Бу дарё ичида икковимиз дунёга қайтадан келгандай бўлдик.

– Рост, онадан қайта туғилдик,- деди Низом ҳам.

– Ҳозир сиз менга туғишган инимдан ҳам азизроқсиз. Номингизни Деҳлидаги Низомиддин авлиёнинг номидай улуғласам арзигаЙ!

Низом Ҳумоюннинг подшолиғини унутган эди. Кийимлари шалоббо ҳўл, ярадор, ялангоёқ бу йигит замона зўрларининг бошида турган тождор экани бирдан эсига тушди.

– Агар мени ростдан тутинган ини ўрнида кўрсангиз, сизга икки оғиз арзим бор.

– Айтинг, бажонидил тинглаЙ!

– Порахўр амалдорлар билан алдамчи шайхлар мамлакат ҳаёқини сиздан бездирди. Қанча ҳинд йигитлари Шерхон томонга ўтиб кетди. Ахир Шерхон ҳинди-ю муслимни бир-биридан ажратмас экан!..

– Мен ҳам ҳинди-ю муслимни яқдил қилиш орузида эдим. Аммо бу мушкул ишда кимга таянишимни билмадим.

– Ҳинд элига таянингда, ҳазрат. Бу элда бҳақтийлар¹ бор. Уларнинг шоири Кабир ҳинди-ю муслимни ўз дилида бирлаштирган. Менинг отам бҳақтий бўлгани учун туҳмат билан зиндонга ташланди.

– Ким туҳмат қилди?

– Сиз ишонган амалдор-у шайхлар.

– Мен ўзим бу адолатсиз муҳитдан қандай қутулишимни билмасмен! Отангиз Аградаги зиндондами? Пойтахтга қайтайлик... Сиз ўзингиз, отангизга туҳмат қилган амалдор-у шайхларга жазо бергайсиз.

¹ Бҳақтийлар - адолатширар ҳаёқ ҳаракатининг иштирокчилари.

– Мен?- ишонқирамай сўради Низом.

– Ҳа, омонлик бўлса, сиз ҳали истаганингиздан ҳам катта мартабага эришгайсиз.

Низом истаган мартаба нима эканини ўзи ҳам билмайди. Унинг энг зўр истаги - отасини зиндондан қутқариш-у. Ҳамидани яна кўриш. Бу гўзал кизни у жуда соғиниб юрибди. Лекин Ҳамида тўғрисида Ҳумоюнга оғиз очишга тили бормади. Фақат подшони қутқаргани ҳали тақдирида катта ўзгаришларга сабаб бўлишини ич-ичидан сездю, юраги ғалати бўлиб ҳаприқди.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳумоюн кўрган тушнинг подшо руҳиятига таъсири ҳақида сўзланг.
2. Пашкол мавсумидаги табиат тасвирига эътибор қилинг. Уни Шерхон ва Ҳумоюн назари билан баҳоланг.
3. Ҳумоюн ва Шерхон табиатига хос жиҳатларни аниқланг. Шударга асосланиб улар тутган йўлни тушутиринг.
4. Шерхон ва унинг энг ишончли кишилари ўртасидаги суҳбат тасвирини қайта ўқинг. Уларнинг ўзига хосликлари ҳақида тўхталинг.
5. Қутб, Шерхон ва Ҳавасхон тимсолларидаги ўзига хосликларни кўрсатинг. Улуғ мақсад нопок воситани оқлайди деб ўйлайсизми?
6. Пакавира тимсолига хос хусусиятлар ҳақида тўхталинг.
7. Одамнинг ақлли ва ёвузлик даражасининг миқёси ҳақида Баҳдулга тўхмат қилиниши лавҳасига асосланиб мулоҳаза юритинг.
8. Кутилмаган ҳужум ва Ҳумоюн қароргоҳидаги ҳолат тасвирига эътибор беринг. Ҳумоюн аскарлари кечирган туйғуларни ифодалашга уриниб кўринг.
9. Парчадаги тасвир асосида Байрамхон образини тавсифланг.
10. Ҳумоюнинг ўзини дарёга ташлашини мантиқан асослашга уриниб кўринг.
11. Ҳумоюнинг ўлиmidан манфаатдор бўлган ҳолда Низомнинг уни қутқаришга жазм этганлигини қандай тушутирасиз?
12. Ҳумоюн билан Низомнинг дарёдан омон чиққандан кейинги ҳолати акс эттирилган ўриларни қайта ўқинг ва уни изоҳланг.
13. Агар Низом Ҳумоюни ўлимдан қутқармаганда парча сўнгидагига ўхшаш суҳбат бўлиши мумкинмиди?
14. Тест саволларига жавоб беринг.

1. «Авлодлар довоии» романининг мавзуси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Шоҳ Бобур кечмишлари Б. Бобурийлар қисмати С. Низомнинг мардлигини тасвирлаш Д. Ҳиндистондаги урушлар Е. Авлодларга насиҳат

2. Тузилган сулҳга хиёнат қилиб, ҳийла ва қаллоблик билан ғалабага эришишни маъқул билмаган образни кўрсатинг.

А. Шерхон Б. Низом С. Ҳавасхон Д. Қутбхон Е. Хонқули

3. Ҳумоюн Мирзо ва Низом қайиқчи ошиқ бўлган қизнинг исмини кўрсатинг.

А. Ҳамидабону Б. Гулбаданбегим С. Гулруҳ Д. Дилором Е. Байрамхон

ОДАМНИ ТАНИШ ВОСИТАСИ

Азиз ўқувчи! Мана, сиз билан хайрлашув вақти ҳам келди. Сиз ўқув йили давомида бир қанча шеърлар, дostonлар, ҳикоялар, қиссалар ва ҳатто бир неча романдан олинган парчалар билан ҳам танишдингиз. Уларда тасвир этилган қаҳрамонлар ҳаёти, ўйлари, туйғулари билан ошно бўлдингиз. Йил давомида уларнинг ташвишу қувончларига шерик бўлдингиз. Шу тариқа, сиз бошқаларни тушунишга, уларнинг шодлигу ғамларини англашга бир қадар одатландингиз. Билингки, бу ҳол Сизга ўзингизни англашга ёрдам беради. Қизиқ-а? Одам ўзини тушуниши учун ўзгаларни англай билиши лозим экан. Чунки одам одамнинг кўзгуси. Кўзгу бўлмаса, киши ўзининг чиройли-хунук, яхши-ёмон жиҳатларини кўролмагани каби, ўзга инсонни тушунмайдиган, уни англашга уринмайдиган одам ҳам ўзининг кимлигини билолмайди.

Биласизки, эгалланган билимларнинг мустаҳкамлиги уларнинг тажрибада синалишига боғлиқ. Шунчаки ақлнинг кучи билан ўзлаштириб олинган, лекин ҳаёт тажрибасида синовдан ўтмаган билимлар тезда эслаб чиқиб кетади. Худди шу сингари инсоннинг ҳис-туйғулари ва руҳий ҳолатлари ҳам маълум тажрибалар бўлишини талаб этади. Одам дунёдаги барча туйғуларни ва инсоний кечинималарни ўзидан ўтказиши мумкин эмас. Лекин улардан беҳабар қолса, руҳан қашшоқ, ўзгаларни англай олмайдиган ҳиссиз ва қуруқ кимсага айланиб қолади. Инсон руҳиятидаги бу маънавий бўшлиқни тўлдирishingнинг ягона таъсирли воситаси бадиий адабиётдир.

Бадий асарлар билан танишган киши ўзига мутлақо бегона одамларнинг кўнглидан ўтган, хаёлидан кечган, сезимларига таъсир қилган ҳолатлар билан танишади. Бошқа одамнинг кечинмаларини англаш, ўзгаларга туйғудош бўлиш борасида муайян тажриба ҳосил қилади. Вақтида ўзга одамларнинг кўнглини тушуниш тажрибасини орттирмаган одам фақат ўзинигина ўйлайдиган худбин кимсага айланиб қолади. Бундай кимса ўзини дунёнинг маркази деб билиб, ўз дарди билангина яшаб ўтади. Бадий асар ўқиган ва ўқиганларини тушуниб, таҳлил қилишга интилган одам ана шундай маънавий чекланганликдан сақланиб қолади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Сизнинг бадий адабиёт борасидаги билимларингиз ҳам бу ўқув йилида ўзлаштириб олган назарий маълумотлар ҳисобига сезиларли даражада бойиди. Сиз, авваллари, фақат ўқитувчингиз айтган нарсаларинигина ўқишга ўрганган бўлсангиз, эндиликда ўзингиз мустақил равишда китоблар танлаб, ўқий бошладингиз. Чунки Сиз ўзингиз ўқиган асарларни мустақил равишда тушуниш, таҳлил қилиш ва ундан маълум маънолар чиқариш тажрибасига эга бўлдингиз.

Бизни қувонтирадиган энг муҳим нарса шуки, Сиз йил давомида ўргатилаётган ҳар бир асар юзасидан мустақил қарашларингизга эга бўлиб, ўз фикрларингизни эркин баён этишга ҳаракат қилдингиз. Мустақил фикрлай олиш ҳар бир одам учун эришиши зарур бўлган энг юксак мўлжалдирки, сизнинг шу йўлга дадил қадам қўйганингиз улкан бахтдир.

Эътибор қилган бўлсангиз, дарсликда ўрганишингиз мўлжалланган асарлар юзасидан на асар муаллифлари ва на дарслик тузувчиларининг тайёр хулосалари берилган. Сиз ўқиган ҳар бир асар юзасидан бирор хулосага ўзингиз ўқитувчингиз ёрдамида келишга интилднингиз. Ўйлаймизки, Сиз бадий асарни ўқиш, уни тушуниш, унга ёндашиш ва уни таҳлил қилиш йўл-йўриқларини анча ўрганиб олдингиз.

Муҳтарам, ўқувчи! Сиз дарслик-мажмуадаги савол ва топшириқларга алоҳида эътибор қаратган бўлсангиз, бадий асарлар замиридаги эстетик ҳақиқатларни тирақроқ англаш имконига эга бўлгансиз. Чунки ўқув йилининг бошида алоҳида таъкидлаганимиз каби савол ва топшириқлар ушбу дарсликдан максимал даражада фойдаланишнинг энг самарали йўлидир. Улар Сизни бадий матн қатларига яшириб қўйилган маъноларни илғаб олишга одатлантиради. Бундай маъноларни илғаган одам эса, уларни

илғамайдыган кишиларга нисбатан маънавий жиҳатдан анчагина бой эканлиги шубҳасиздир.

Сиз ўқув йили давомида ўқитувчиларингиз раҳбарлигида дарсликдаги «Бола - учқур хаёл эгаси», «Кечаги кун - сабоқ», «Сўзда ҳикмат бор», «Туйғуларнинг камалак ранги» сингари рукнлар остига тўпланган турли жанрлардаги қизиқарли бадий асарлар билан мустақил ишладингиз. Бу - жуда қувонарли ҳол. Чунки бадий адабиётдай сиру синоатга бой бир дунёга мустақил қадам қўйишнинг ўзи катта бахт. Айтиш керакки, адабиётнинг ҳали Сиз билмайдиган, лекин билмасангиз ҳаётингиз кемтикроқ бўлиб қоладиган жиҳатлари жуда кўп. Демак, Сиз янаги ўқув йилида ҳам адабиёт билан астойдил шуғулланишингиз, кўпгина бадий асарларни ўқиб чиқишингиз керак бўлади.

Келгуси йил Сиз бадий сўз замиридаги яширин ва гўзал маъноларни очишнинг янги, юқорироқ босқичига кирасиз. Сиз янги-янги одамларнинг янада мураккаб, янада сирли, янада жозибали туйғулари, сезим ва кечинмалари билан ошно бўласиз. Бу йўлда Сизга омад ёр бўлсин! Биласизки, бунинг учун фақат дарс мобайнида ўқилган асарлар етарли бўлмайди. Чунки адабиёт ўқув фанигина эмас, балки инсон маънавияти даражасини кўрсатувчи ўзига хос гувоҳномадир.

Сиз қилчи синган баҳодирнинг тақдири учун кўз ёши тўкиб, унга яроқ излаб кетган тенгдошингизни, юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлган чавандозсиз қайтган отни кўрганга қуш, майсадан тортиб тоғларга қадар ғамга ботганлигини англаган, уларга ҳамдардлик туйган бўлсангиз, билинги, маънавият гувоҳномангизда ижобий баҳога эгасиз. Агар уларнинг тақдири Сизни мутлақо тўлқинлантирмаса, таяти ва ҳалол Бўри полвоннинг изтироблари тушунарсиз бўлса, Насим полвоннинг қилмишлари нафратлантирмаса, ўзингизнинг ички оламингиз ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришингиз, маънавий қиёфангиз шаклланишидан хавотирланишингиз лозим бўлади. Чунки, ўзини англаган кишигина баркамол шахс бўлиш имконига эгадир. Ўзини англаш эса, олдин айтилганидек, ўзгани тушунишдан бошланади. Бировни тушунмаётган экансиз, Сиз ўзингизни бида олмайсиз. Ўзини англамай яшаш - азобли. Бундай қисматга дучор бўлган одам учун ҳаётнинг мазмуни бўлмайди. Бундай одам ўзига ёқимли бўлган ишнинггина қилади, қилаётганининг Аллоҳга хуш келиш-келмаслиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Азиз, ўсмир! Ўқув йили давомида доимий ҳамроҳ бўлган ушбу дарслик Сизда қандай таассурот қолдирди? Ёқдими? Қайси асарлар, нима учун Сизга маъқул келди? Эҳтимол, кўнглингизга унчалар ёқмаган, тушунилиши оғирроқ бўлган мавзулар ҳам бордир. Демак, Сизга унчалар ёқинқирамаган асарлар ҳам бўлиши мумкин. Шулар ҳақида ўқитувчингиз билан фикрлашинг. Ўз қарашларингизни исботлашга ҳаракат қилинг. Бунинг учун дарсликдаги яхши ва ёмон жиҳатларни бадий асарларнинг матнларига таянган ҳолда аниқ кўрсатиб беришга урининг.

Умид қиламизки, Сиз таътил вақтида ҳам бекор юрмайсиз. Бадий адабиёт билан тиллашишни ташлаб қўймайсиз. Китоблар ўқийсиз, улар ҳақида тенгдошларингиз билан фикрлашасиз. Еттинчи синфга баданингиз чиниқиб, ақлингиз пешланиб, юрагингиз покланиб соғ-омон келасиз. Таътилингиз кўнгилли ўтсин! Еттинчи синфда учрашгунча омон бўлинг! Янги ўқув йилида Сизни ҳозиргидан баркамолроқ ҳолда кўриш насиб этсин. Чунки ўқилган ҳар бир бадий асар ўзингизга мутлақо сезилмагани ҳолда Сизнинг шахсиятингизни комиллик сари бошлайди. Сизнинг ўзини танийдиган, ўзгани англайдиган комил шахс бўлишингизни тилаймиз!

Бирор бадий асарни ўқигандан кейинги шахс ўқимасдан олдинги одамдан жиддий фарқ қилади.

Савол ва җавоблар

1. Одамнинг одамга кўзгу эканлигига муносабат билдиринг.
2. Ўзини англаш ўзгани тушуниш ва ҳис этишдан бошланиши тўғрисидаги фикрни изоҳлашга урининг.
3. Бадий адабиёт билан ошноликнинг киши маънавиятини тасдиқловчи гувоҳнома эканига муносабат билдиринг.

МУНДАРИЖА

Маънавият хазинаси	3
<i>Хаёлларим чегара билмас</i>	
Худойберди Тўхтабоев	9
Сариқ девни миниб	11
Саргузашт асар	49
Турсунбой Адашбоев	51
<i>Лоф ҳақида</i>	65
Анвар Обиджон	66
Атрофимиздаги қизиқчилар	67
Зулфия	77
<i>Самимий туйгулар куйчиси</i>	85
Саид Аҳмад	87
Қоплон	89
Собиқ	92
<i>Бадний асарда кулги</i>	99
Халқ кўшиқлари	100
Абдусайд Кўчимов	107
Бойчечак	108
Усмон Темур	120
Ўтган кунингни унутма.....	125
Муқимий	125
Танобчилар	126

Абдулла Қаҳҳор	131
Бемор	132
<i>Бадний асар тили</i>	135
Эркин Воҳидов	137
Нидо	139
<i>“Нидо” дostonи ҳақида</i>	149
Достон	151
Одил Ёқубов	152
<i>Музқаймоқ</i>	154
Мақсуд Шайхзода	171
Шеърлар	172
Ўткир Ҳошимов	176
Урушнинг сўнгги қурбони	177
Барпи Алиқулов	186
Шеърлар	188
СЎЗДА сеҳр бор	
Сўз кудрати	193
Алишер Навоий	197
Сўз таърифида	199
Рубойлар	203
Қитъалар	206
<i>Қитъа ҳақида</i>	208
Латифалар	209
<i>Латифа ва аския ҳақида</i>	212
Зоҳир Аълам	214
Афандининг қирқ бир пашшаси	216

Абай	262
Шеърлар	263
Азим Суюн	284
Шеърлар	287
<i>Шеърлий нутқ</i>	299
Пиримқул Қодиров	300
Низомнинг тантилиги	302
Одамни таниш воситаси	323

К.Юлдашев, В.Кадиров, Б.Яркинова, Ж.Юлдашбеков

ЎЗБЕК АДАБИЯТИ

Орто мектептин 6-классы үчүн окуу китеби
1-басылышы

Бадий редактор: *А.Жеєнбеков*
Техник редактор: *Д.Султанмамедов*
Оператор: *М.Тишабаєва*
Корректор: *З.Ҳамдамова*
Компьютердик калыпка салган
Г.А.Мураталиєва

Теришга 22.03.2007. рухсат берилди. Босишга 14.10.07 имзо чекилди.
Офсет қоғоз № 1. Формат 70x90 ¹/₁₆ "Таймс" гарнитураси.
Шартли босма тобоғи 20,75 вкл. тет. Адади 15000 нусха. Буюртма № 40.

«Учкун» ААК басмаканасында басылды.
720031, Бишкек ш., С.Ибраимов кочосү, 24





